

И. РАМАЗОНОВ, Э МУМИНОВ

ПОЛИТОЛОГИЯ

*Ўзбекистон Республикаси Таълим маркази
иљмий-методик кенгаши 1996 йил 13 сентябрь
қарори билан олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари
учун дарслик сифатида тавсия этган*

Тошкент
«Адолат»
1997

Рамазонов И. Р., Мұмінов Э. М.

Политология: Ўзбекистон Республикасын Таълим маркази илмий-методик кенгашы 1996 йил 13 септември қарори билан олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари учун дарслык сифатида тасвия этган //Масъул мұхаррір F. Ю Шоюсупова.—Т Адолат, 1997.—3206.

І. Автордош.
ББҚ 66. 01я 73

Мазкур дарслык «Политология» фанининг назарий ва амалий масалаларини илмий жиҳаддан асослаб беришга хизмат қиласы. Унда жамияттинг сиёсий ҳәети ва сиёсий муносабатларida ҳамда халқаро спөсий жараёнларда рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгарышлар билан боғлиқ масалалар асослаб берилади, сиёсатнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти таҳлил қилинади.

Дарслыкда «Политология» фанининг умумназарий масалалари ҳозирги куннинг муҳим сиёсий воқеаларин билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади.

Дарслык Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тала-баларига мўлжалланган бўлиб, ундан аспирантлар, спөсий масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

«Политология» дарслиги Тошкент Давлат юридик институтининг фалсафа фанлари кафедрасида тайёрланди.

Илмий маслаҳатчи: Ҳ. Б. БОБОЕВ, юридик фанлари доктори, профессор.

Масъул мұхаррір: F. Ю. ШОЮСУПОВА, Тошкент Давлат университети политология кафедраси мудири, профессор.

Тақризчилар И. Э. ЭРГАШЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор, **К. Н. НОРМАТОВ,** тарих фанлари доктори, профессор, **Р. НУРМАТОВ,** педагогика фанлари номзоди.

Р—М $\frac{1201000000 - 002}{(04) - 97}$ 26—97

© «Адолат» нашриёти, 1997.

СҮЗ БОШИ

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган буюк воқеадир. Миллий мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлардан бири — ижтимоий фанларни истиқлол ғоялари асосида ислоҳ қилишдан иборатдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган йиллар тажрибаси бу соҳада бир қатор амалий натижаларга эришилганлигини кўрсатиб турибди.

Шунга қарамай мамлакатимизда ижтимоий фанларни ислоҳ қилиш, уларни ўқитиши савиясини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Айниқса ижтимоий фанларни ўқитиши бўйича дарслерлар ёзиш, ўқув қўлланмалари яратиш ишлари жамиятимиз тараққиётидан орқада қолмоқда. Мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган йиллар давомида ижтимоий фанларнинг бирон-бир соҳасида талабалар учун мукаммал дарслер яратилмади, нашр қилинган айрим ўқув қўлланмаларида эса, у ёки бу фаннинг мазмунни изчил ёритиб берилмади. Бунинг устига собиқ Иттифоқ даврида яратилган дарслерлар ва ўқув қўлланмаларига ёпишиб олинди. Ҳатто баъзи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ижтимоий фанлардан олиб борилаётган маъруза ва амалий машғулотларда ҳозирги кунгача ҳам коммунистик мафкура ва марксча-ленинчага дунёқарашдан фойдаланиш ҳоллари учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимиз тараққиётнинг янги йўлидан бораётган бир пайтда, ижтимоий фанлар орқали эски мафкурани тарғиб қилиш жиноят ҳисобланади.

Мамлакатимиз собиқ Иттифоқ таркибида бўлган йилларда ижтимоий фанлар соҳасида иттифоқдош республикаларда дарслерлар ёзишга рухсат берилмаганлиги барчага аён. У пайтларда ижтимоий фанлар соҳасида яратилган дарслерлар ҳам кўпчилик фанлар сингари Москвада тайёрланиб, миллий тилларга таржима қилиб келинди. Уларда туб халқларнинг миллий хусусиятлари ҳисобга олинмади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларини яна бир марта эслаш жоиздир: «Сир эмас, бир вақтлар Марказнинг буйруғини кутиб—бажариб,

тепадан кўрсатилган чизиқдан чиқмаслик одатимизга айланган эди.

Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан: «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос», деб миямизга қуйиб келишмаганими?

Мустақилликка эришганимиздан сўнг сохта мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик»¹.

Мамлакатимизда миллий тафаккурга кенг йўл очилган бир пайтда ижтимоий фанлар соҳасида, хусусан, «Политология» фани бўйича дарслер яратиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб келди. Кўлингиздаги дарслер ана шу муаммони ҳал қилиш мақсадига хизмат қиласди, деб ишонамиз.

Дарслер ҳозирги замон Farb политологиясининг назарий ва амалий тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, жаҳон сиёсатида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни мамлакатимиз мисолида ўрганиш асосида ёзилган. Дарслерни яратилишида унинг муаллифлари томонидан Тошкент Давлат юридик институти талабаларига «Политология» фанидан маъruzalар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказиш жараённида тўплаган тажрибалари қўл келган. Буни дарслердаги кўпчилик назарий масалаларнинг амалий мисоллар асосида ёритиб берилганлиги аниқ кўрсатиб турибди.

«Политология» фани бўйича ўқув дарслиги мамлакатимизда илк марта нашр қилинмоқда. Шу боис унда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Дарслер муаллифлари унинг тузилиши ва мазмуни бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирган ўртоқларга чуқур миннатдорчилик билдиради.

**Ҳ. Б. БОБОЕВ, юридик фанлари
доктори, профессор.**

¹ И. А. Каримов. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Узбекистон», 1995, 46-бет.

БИРИНЧИ БҮЛИМ

«ПОЛИТОЛОГИЯ»НИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

I БОБ

«ПОЛИТОЛОГИЯ» ФАНИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

Политология — юнонча *polītika* — давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда *logos* — таълимот деган сўзларнинг бирикишидан ташкил топган бўлиб, сиёсат ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Унинг сиёсий мөҳияти жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш билан белгиланади. Ҳеч бир ижтимоий сиёсий фан бу масалаларни «Политология» фани сингари чуқур ва мукаммал ўрганмайди.

«Политология»нинг сиёсий фан сифатидаги роли ва аҳамияти унинг сиёсий мөҳиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни алоҳида олинган бир мамлакат доирасида эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида сиёсий муаммоларни ҳал қилишида эришилган натижалар билан белгиланади. Бундай амалий натижалар «Политология» фанида умумлаштирилади ва унга асосланган ҳолда муҳим сиёсий қоида ва хулосалар ишлаб чиқилади.

1. Сиёсий фанлар тизимида «Политология»нинг ўрни ва роли

Жамият ҳаёти ва унда бўладиган воқеа-ҳодисалар кўплаб ижтимоий-сиёсий фанлар томонидан ўрганилади. «Политология» сиёсий фан бўлганлиги учун ҳам у бошқа ижтимоий-сиёсий фанлар билан чуқур алоқада ва диалектик бирликда бўлади. Гарчи унинг предмети ва мазмуни бошқа ижтимоий-сиёсий фанлардан фарқ қиласа-да, бироқ сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг кечишини ўрганишда бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг хулосаларига суюнади, уларда ишлаб чиқилган назарий қоида ва хулосаларнинг мөҳиятини умумлаштиради.

«Политология» айрим сиёсий фанлар, масалан, «Сиёсий социология», «Сиёсий тарих», «Давлат ва ҳу-

қуқ назарияси» сингари фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки бу фанлар ўз мавзуси доирасида ўрганадиган масалаларнинг сиёсий жиҳатларини асослашда «Политология» фанида ишлаб чиқилган илмий хулосаларга таянади.

«Политология» сиёсий фан сифатида

«Политология» сиёсатни ижти- моий ҳодиса сифатида жами- ят ҳаётининг барча соҳалари-

да намоён бўлишини ифодалайди. Жамият ҳаётида бирон-бир сиёсий ўзгариш, сиёсий воқеа-ҳодисалар сиёсатнинг таъсиридан четда қолмайди. Шу боис, «Политология» сиёсий фан сифатида жамият ҳаётининг турли соҳаларида бўладиган ўзгаришларда сиёсатнинг ўрни ва ролини илмий-назарий жиҳатдан асослайди. Бу ҳол, шубҳасиз, унинг бошқа сиёсий фанлар билан боғлиқлигини, ўзаро алоқаларини ифодалайди. Бундай алоқадорлик сиёсий фанларда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлрига дахлдор масалаларнинг айрим жиҳатларини у ёки бу даражада ўрганиш билан ҳам белгиланади. Масалан, «Фалсафа» сиёсатнинг бирмунча умумий томонларини ўрганади. У сиёсатни жаҳон тараққиёти ҳамда инсоният маънавий оламининг таркибий қисми сифатида умумлаштиради ва назарий жиҳатдан асослайди.

Фалсафада сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида тафаккур қилинади, жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларда сиёсатнинг таъсир кучи умумий қонуният сифатида ифодалаб берилади.

Сиёсий муаммолар, воқеа-ҳодисаларнинг фалсафиј жиҳатдан умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган назарий қонда ва хулосалар, фалсафага хос бўлган умумий қонуниятлар «Политология» фани учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки «Политология» фанида ўрганиладиган масалалар, ҳал қилинини зарур бўлган вазифалар, аввало, «Фалсафа» фанида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Бу каби ҳолатлар «Политология»нинг «Фалсафа» фани билан қанчалик боғлиқ эканлигини кўрсатади.

«Политология»нинг фалсафа билан алоқадорлиги уларнинг жамият ҳаётининг айрим соҳаларида бир хил моҳиятга эга бўлган масалаларни ўрганиш ва асослашга доир ўзига хос хусусиятлар билан ҳам белгиланади.

нади. Масалан, «Фалсафа» ва «Политология»да жамиятнинг сиёсий системаси, давлат, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий оңг ва сиёсий маданият каби масалалар ўрганилади. Бироқ «Политология» ва «Фалсафа»да бу масалаларни ўрганишга айни бир хилда ёндошилмайди. Ҳолбуки уларда бу масалалар ҳар бир фаннинг предмети доирасида ўрганилади ва илмий жиҳатдан асослаб берилади. Энг муҳими, ана шу масалаларни «Политология» ва «Фалсафа» фанларида ўрганишда чалкашиб кетмаслик, уларни ўзаро аралаштириб юбормаслиkdir.

«Политология» «Иқтисодий назария» фани билан ҳам ўзаро алоқада бўлади. Бундай алоқадорлик, аввалио, иқтисодиётнинг сиёсат билан бирлигида яққол намоён бўлади. Иқтисодий қонунларни очиш, уларнинг ҳаракатидан фойдаланиш ва шулар асосида иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал этишда сиёсатнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳар қандай иқтисодий ўзгаришда сиёсат субъектларининг назарий ва амалий фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамият ҳаётида амалга ошириладиган ҳар бир иқтисодий ислоҳот дастлаб сиёсий жиҳатдан асосланади ва уни амалга оширишнинг йўналишлари, шарт-шароитлари белгилаб олинади. Иқтисодий соҳада етилган вазифаларни амалга оширишда илмий жиҳатдан асосланган, объектив қонунлар ҳаракати билан ифодаланган сиёсат зарур бўлади. Иқтисодий соҳада олиб бориладиган самарали сиёсат бу соҳадаги муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш ва жамиятнинг иқтисодий тараққиётини тезлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

«Политология»нинг «Иқтисодий назария» билан алоҳидалиги амалда сиёсат билан иқтисодиётнинг ўзаро нисбатида намоён бўлади. Бу нисбат ҳар бир алоҳида ҳолатда уларнинг белгиловчилик моҳияти билан ажраблиб туради. Масалан, «Иқтисодий назария» фанида жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш мұносабатлари, товар, пул, молия, кредит, мулкчилик шакллари, ҳалқаро иқтисодий алоқаларга доир масалалар назарий жиҳатдан ўрганилади. «Политология» фанида эса, иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодий жараёнларни давлат, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, сиёсий ташкилотлар томонидан тартибга солиб туриш тамойиллари илмий жиҳатдан асослаб берилади.

«Политология» тарих фани билан ҳам яқин алоқа-

да бўлади. Уларнинг ҳар иккаласига хос бўлган умумийлик жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни уларнинг келиб чиқиш даври билан боғлиқ ҳолда ўрганишдан иборат. Масалан, «Политология» фанининг у ёки бу масаласини ўрганишда ўтмишнинг тажрибаларидан фойдаланмаслик мумкин эмас. Ҳозирги куннинг сиёсий муаммоларини ҳал қилишда турли мамлакатлар ва ҳалқлар тарихида қўлланилган усулларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бинобарин, сиёсий масалаларни ҳал қилишда тўплланган бой тарихий тажрибалар «Политология» фани учун муҳим манба вазифасини ҳам бажаради.

Лекин шунга қарамасдан, «Политология» «Тарих» фанидан ўзининг предметига кўра фарқ қиласади. «Политология»да жамият ҳаётида рўй берадиган сиёсий воқеа-ҳодисалар асосан ҳозирги куннинг ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Масалан, сиёсий ҳокимият, сиёсий бошқариш, сиёсий онг, сиёсий маданият ва бошқа шулар сингари «Политология» масалаларини ўрганишда тарихнинг барча даврларига мурожаат қилиш ва тарихий воқеаларни уларнинг ҳамма жиҳатлари билан ёритиб бериш мумкин эмас. Бундан ташқари «Политология» фани масалаларини ўрганишда ҳозирги куннинг амалий натижаларига асосланишни шу фанининг алоҳидалик хусусиятига амал қилиш зарурияти ҳам тақазо қиласади.

«Политология» ҳуқуқий фанлар билан ҳам чуқур алоқада бўлади. «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» сингари фанларда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларига доир масалаларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилади. Масалан, «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» фанида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларига доир қарашлар ўрганилади. Унда ўтмишдаги мутафаккирлар ва давлат арбобларининг сиёсий масалалардаги қарашларида илгари сурилган foяларнинг мазмуни очиб берилади. Бу қарашларда «Политология» фанининг хилма-хил масалаларига доир муҳим фикрлар баён қилинган бўлиб, улар «Политология» фанининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласади. Бироқ «Политология» сиёсий таълимотларни ўрганувчи фан бўлмаганилиги учун ҳам, у

«Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» фанидан фарқ қилади.

«Политология» «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанидан ҳам фарқ қилади. Агар «Политология» фанида давлат сиёсатнинг субъекти сифатида ўрганилса, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси»да эса, давлатнинг тузилиши, унинг турлари, мақсад ва вазифалари, функциялари, қисқаси, давлатнинг жамият ҳаётидаги фаолияти билан боғлиқ масалалар ўрганилади. Агар «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» фани орқали сиёсий қарашларнинг «Политология» фани масалаларини назарий жиҳатдан асослашдаги аҳамияти очиб берилса, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани орқали сиёсий жараёнларда давлат ташкилотининг роли ва аҳамияти асослаб берилади. Бу фанларнинг ҳар бири «Политология» фани масалаларини илмий-назарий жиҳатдан асослашда муҳим роль ўйнайди.

Лекин шу билан бирга «Политология» фани сиёсий фанлар тизимида алоҳида мустақил фан бўлганлиги учун ҳам унда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларига, жаҳон сиёсати ва халқаро сиёсий муносабатларга дахлдор масалаларнинг барчаси кенг ва атрофлича ўрганилади. Унда юқорида қайд этилган фанлар ўрганадиган масалалар айнан тақорланмайди.

«Политология» сиёсий фан сифатида ҳуқуқий фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Чунки «Политология»да илмий-назарий жиҳатдан асосланган қоида ва хулосалар ҳуқуқий фанларда ифодаланган масалаларнинг сиёсий моҳиятни очиб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларни, сиёсий жараёнларда рўй берадиган айrim ўзгаришларни сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўзгаришларни чуқур ва ҳар таомонлама ўрганадиган фанлардан бири «Сиёсий тарих» фанидир. Бу фаннинг «Политология» билан ўзаро боғлиқлиги шундаки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам жамиятнинг сиёсий ҳаётига дахлдор масалаларни ўз мавзуси доирасида ўрганади.

«Политология» «Сиёсий тарих» фанидан шу жиҳати билан фарқ қиласди, унда сиёсий партиялар, ташкилотлар, ҳаракатларнинг вужудга келиш тарихи, уларнинг ҳар бирининг амалий фаолияти, ташкилий тузилиши, анжуманлари билан боғлиқ масалалар ўрга-

нилади. Унда асосий эътибор сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, ташкилотларнинг сиёсатнинг субъектлари сифатидаги ролини очиб беришга, улар орқали жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган ўзгаришларнинг хусусиятларини асослашга қаратилади.

«Политология» билан чамбарчас боғлиқ ва якин алоқада бўлган сиёсий фанлардан бири «Сиёсий социология»дир. Бу боғлиқликнинг асоси уларнинг сиёсатни ижтимоий муҳитга қиласидиган таъсирини ўрганиши билан белгиланади. «Политология»да ҳам, «Социология»да ҳам жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларда сиёсатнинг роли ва аҳамияти турлича ёндашув асосида очиб берилади. «Социология»да сиёсатнинг жамиятга муносабатини ифодаловчи масалалар асосан эмприк-социологик усуллар орқали ўрганила-ди. Бунда сиёсат субъектлари бўлган алоҳида шахсларнинг сиёсатга бўлган муносабати уларнинг шахсий қарашлари, фикр-мулоҳазаларига асосланган ҳолда умумлаштирилади. «Политология» ҳам эмприк-социологик усулдан фойдаланиш асосида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган ўзгаришларнинг айрим жиҳатларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беради. «Политология»да қилинадиган назарий хуносалар «Сиёсий социология»да тўпланганди амалий якунларга асосланади.

«Политология» ва «Социология»нинг бирлиги уларнинг битта фан эканлигини билдирамайди. Уларнинг ҳар бири ўзининг предметига эга бўлиб, жамият ҳаётиниң бир-биридан фарқ қилувчи алоҳида масалаларини ўрганади.

«Политология» «Социология»дан фарқ қилиб, у сиёсий воқеа-ҳодисаларни, сиёсий ўзгаришларни сиёсат субъектларининг иштироки орқали рўй бериши жиҳатидан сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларни турли мамлакатлар ва халқаро сиёсат тажрибасига асосланган ҳолда таҳлил қиласи ва назарий жиҳатдан асослайди. «Политология» соғ сиёсий масалаларни ўрганса, «Социология»да асосий эътибор ижтимоий масалаларга қаратилади. Масалан, синфий ва миллий муносабатлар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатлар, оила ва турмуш муносабатлари масалалари «Социология» фанида ўрганиладиган масалалардир. «Политология» «Социология»дан фарқ қилиб, бу маса-

лаларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганмай, балки уларни ҳал этишда сиёсатнинг кучини, таъсирини, унинг роли ва аҳамиятини кўрсатиб бериш асосида иш олиб боради.

Шундай қилиб, кўрамизки, «Политология» сиёсий фанлар билан яқин алоқада бўлади ва жамият ҳаёти-нинг хилма-хил масалаларини ўрганишда уларда ишлаб чиқилган назарий хулосаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Сиёсий фанларнинг ҳар бири жамият ҳаётига доир масалаларни турли томондан ўргангандиги учун ҳам, биз жамият ҳақида, унинг ривожланиши тўғрисида аниқ тушунчага ва илмий билимга эга бўламиз.

2. «Политология»нинг предмети, мазмуни, қонуниятлари, категория ва усуллари.

«Политология» бошқа ижтимоий-сиёсий фанлардан ўзининг предмети, мазмуни, қонуниятлари, вазифалари ва бошқа томонларига кўра фарқ қиласиди. «Политология»нинг мазмунини ташкил этувчи масалаларнинг бирбутунлиги ёки яхлитлиги мисолида унинг предмети таърифланади. Унинг қонуниятлари, категориялари, усуллари ва вазифалари сиёсатни амалда тўғри қўллашга хизмат қиласиди.

Предмети ва мазмуни Маълумки, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари, уларда фаолият кўрсатувчи сиёсат субъектларининг ҳаракатларини асослаб бериш хилма-хил масалаларни ўрганиш орқали амалга оширилади. Ана шундай масалаларнинг умумий ифодаси «Политология» фанининг предметида ўз аксини топади. Мана шу умумий қоидага асосланган ҳолда «Политология» фанининг предметини қўйидагича таърифлаш мумкин: «Политология» жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларини ҳамда жаҳон сиёсатининг хилма-хил масаларини ва уларда сиёсатнинг намоён бўлиш ёки таъсири этиш хусусиятларини ўрганувчи фандир. Жамиятни бошқаришга ва ундаги муаммоларни ҳал қилишга дахлдор бўлган давлат, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, халқаро сиёсий ташкилотлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий фаолияти ҳам «Политология»нинг предметини ифода этади.

«Политология»нинг предмети унинг мазмунини умумлаштирган ҳолда ифодалаб беришdir. Унинг предмети мазмунига мос келиши асосида таърифланиши лозим. Акс ҳолда, предмет билан мазмун орасидаги нисбат бузилиши ва бунинг натижасида «Политология» фани ҳақидаги тушунчаларда чалкашликлар келиб чиқиши мумкин.. Шунинг учун ҳам «Политология»нинг предметини таърифлашда асосий эътибор унинг мазмунига қаратилиши лозим.

«Политология»нинг мазмуни деганда шу фан ўрганидиган масалаларнинг бирлиги тушунилади. Бу масалалар хилма-хил бўлиб, ўзининг моҳияти ва хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қилади. Лекин шунга қарамай бу масалалар «Политология» фанининг предметини ифодалаш жиҳатидан умумийлик томонларига ҳам эгадир. «Политология» фани масалаларига хос бўлган ана шу умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда уларни учта асосий қисмга бўлиш мумкин.

Биринчи қисмга «Политология»нинг илмий-назарий ва методологик асосларини ифода қилувчи масалалар киради. Ана шундай масалалардан бири политологиянинг вужудга келиши ва ривожланишини ўрганувчи масаладир. Бу масалада «Политология» фанининг вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар, «Политология»нинг фан сифатида вужудга келишида муҳим роль ўйнаган сиёсий қарашлар ўрганилади.

«Политология»нинг илмий-назарий моҳиятини очиб беришда сиёсатнинг жамият ҳаётидаги ролини асослаш билан боғлиқ масалалар «Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида» мавзусида очиб берилади.

Иккинчи қисмга сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатлар масалаларига доир мавзулар киради. Бу қисмда сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар, жамиятнинг сиёсий системаси ва унинг тузилиши, сиёсий ҳокимият ва фуқаролик жамияти, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий онг ва сиёсий тарбия, маданий сиёсат ва сиёсий маданият сингари хилма-хил масалалар ўрганилади. Бу масалалар орқали, бир томондан жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган ўзгаришлар ўрганилса, иккинчи томондан эса, улар орқали давлатлар олиб борадиган

ички сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари асослаб берилади.

Учинчи қисмга жаҳон сиёсати ва ҳалқаро сиёсий муносабатларга доир мавзулар киради. Бу қисмда ҳозирги ҳалқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари, уруш ва тинчлик сиёсати, умумбашарий муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари, ҳалқаро сиёсий ташкилотлар, давлатлар ташқи сиёсатининг мөхияти ва хусусиятлари сингари масалалар ўрганилади.

Қонуниятлари ва категориялари

«Политология» фанининг предмети ва мазмуни унинг қонуниятлари ва категориялари

орқали янада кенгроқ очиб берилади. «Политология» фанига хос бўлган ҳар бир қонуният ва категория орқали жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, жаҳон сиёсати ва ҳалқаро сиёсий муносабатларда амал қилиниши зарур бўлган талаблар ифодалаб берилади.

«Политология»нинг қонуниятлари ҳам бошқа сиёсий фанларнинг қонуниятлари каби умумий қонуният ҳисобланади. Улар миллий хусусиятга эга бўлмай, балки байнамилалчилик мөхиятига эгадир. Бу қонуниятлар объектив характерга эга бўлиб, уларни кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан ўзгартириш мумкин эмас. Аксинча бу қонуниятларнинг ҳаракатидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш зарур.

«Политология» қонуниятлари ўзларининг амал қилиш хусусиятларига кўра икки гуруҳни ташкил қиласди.

Биринчи гуруҳни ташкил этувчи қонуниятларга мамлакатларнинг ички сиёсий ҳаётида амал қиласдиган қонуниятлар киради. Булар ижтимоий ҳаётни демократиялаш, сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш, сиёсий бошқариш принципларига амал қилиш сингари кўплаб умумий қонуниятлардир.

Иккинчи гуруҳни ҳалқаро сиёсий муносабатлар соҳасида амал қиласдиган умумий қонуниятлар ташкил этади. Буларга турли давлатлар билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш, ҳалқларнинг тинч-тотув яшаши учун кураш, ҳалқаро низо ва келишмовчиликларни бартараф этишда сиёсий воситалардан фойдаланиш,

умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда сиёсат кучидан фойдаланиш сингари умумий қонуниятлар киради.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда жаҳон сиёсати ва халқаро сиёсий муносабатлар соҳасида рўй берадиган муаммоларни ҳал этишда «Политология» фанида амал қиласиган умумий қонуниятлар ҳаракатидан самарали ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш асосида кўзланган натижаларга эришиш мумкин бўлади. Шундай экан, сиёсатнинг барча субъектлари ўз фаолиятида умумий қонуниятларнинг амал қилиш механизмларини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатишлари талаб қилинади.

«Политология» фанининг умумий қонуниятлари ва уларнинг ҳаракат қилиш усусларидан фойдаланмаслик ёки сиёсий йўлни ишлаб чиқишида уларга эътибор бермаслик салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Масалан, 60-йилларнинг ўрталарида Хитойда, 90-йилларнинг бошларида Кубада турли давлатлар билан сиёсий ҳамкорлик қилиш соҳасида рўй берган салбий ҳолатлар, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда сиёсий фаолият кўрсатишлари бу мамлакатларнинг сиёсий ҳаётида, уларнинг ички ва ташқи сиёсатида кўплаб нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган эди. Улар халқаро муносабатларнинг тор доирасида сиёсий фаолият олиб борганиклари сабабли, жаҳон ҳамжамияти олдида яккаланаб қолишган эди. Бу эса, сўзсиз, шу мамлакатларнинг фақат сиёсий ҳаётида эмас, балки иқтисодий ва маънавий ҳаётида ҳам кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқарган эди.

«Политология»нинг моҳияти ва мазмунини ифодалашда унинг категориялари муҳим роль ўйнайди. «Политология»нинг категориялари ҳам бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг категориялари каби шу фанда ўрганиладиган масалаларни умумий тарзда ифодалашда қўлланилади.

Категория тушунчаси сиёсий фанларда жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни умумий тарзда ифодалашга хизмат қиласиди. Шу жиҳатдан қараганда, «Политология» фанида бу тушунча жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, жаҳон сиёсатининг хилма-хил масалаларини умумий тарзда ифодаласа, «сиёсий муносабатлар» категорияси орқали

эса, сиёсат субъектлари ўртасидаги муносабатлар умумий тарзда акс этади. Сиёсат, сиёсий ҳокимият, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий онг, сиёсий маданият, халқаро сиёсий муносабатлар ва бошқа шулар сингари категориялар орқали ҳам сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатларнинг хилма-хил масалалари умумий тарзда ифодаланади. Соддороқ қилиб ифодалаганимизда, «Политология»нинг категориялари сиёсатга даҳлдор масалаларни ойдинлаштириш, бир тушунча орқали кенг маънога эга бўлган фикрни умумлаштирган ҳолда ифодалашни билдиради.

«Политология»нинг айрим категориялари бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг ҳам категорияси ҳисобланади. Масалан, давлат, давлат ҳокимияти, сиёсий партия, сиёсий ташкилот сингари кўплаб категориялар фалсафа, иқтисодий назария, социология сингари фанларнинг айрим мавзуларини умумий тарзда ифодалашда қўлланилади. Шу жиҳатдан қараганда, «Политология»нинг категориялари умумийлик хусусиятига эга эканлигини кўрамиз.

Функциялари, вазифалари ва усуллари

«Политология» фан сифатида қўйидаги учта асосий функцияни бажаради:

1. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш.

2. Ҳар бир мамлакатда ва халқаро майдонда келиб чиқадиган муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб бериш.

3. Жамият аъзоларининг сиёсий онглилигини ошириш ва уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.

«Политология»нинг функциялари унинг вазифалари орқали амалга ошириб борилади. Бундай ваифаларнинг мавзуларида ифодаланган масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлади. Масалан, «Сиёсат-ижтимоий ҳодиса сифатида» деган мавзуни ёритишда қўйидаги вазифаларни бажариш талаб қилинади: а) сиёсатни ижтимоий ҳодиса сифатида таърифлаб бериш; б) сиёсат жамият ҳаётининг қайси соҳасидаги масалани ҳал қилишга йўналтирилганлигини аниқлаш; в) ижтимоий масалаларни ҳал қилишда сиёсат субъектларининг фаоллик даражасини белгилаш ва бошқалар. «Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар» мавзусини ўрганиш-

да эса, сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларни таърифлаб бериш; сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда рўй берадиган ҳар бир янги воқеа-ҳодисани аниқлаш; сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда сиёсатнинг ҳал қилувчи ролини кўрсатиб бериш ва бошқалар шулар сингари вазифаларни ҳал қилиш талаб қилинади. «Политология»нинг бошқа вазифалари ҳам унинг ҳар бир мавзусидаги масалаларни у ёки бу даражада ҳал қилишга қаратилган бўлади.

«Политология» ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда турли усуллардан фойдаланади. Сиёсий фанлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва яқин алоқада бўлганлиги учун ҳам уларда қўлланиладиган усулларда кўпгина умумий томонлар мавжуд бўлади. Бинобарин, ҳар бир ижтимоий-сиёсий фан ўзининг ривожланишида ва ўрганадиган масалаларини назарий жиҳатдан асослашда бошқа сиёсий фанларда қўлланиладиган усуллардан фойдаланади.

«Политология» фанида қўлланиладиган муҳим усуллардан бири — **диалектик усуллар**. Маълумки, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида бўладиган ўзгаришлар бир текисда кечмайди. Улар ҳам жамиятдаги бошқа воқеа-ҳодисалар сингари турли хилдаги сакрашлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар асосида рўй беради. «Политология» фани масалаларини ўрганишда диалектикага хос бўлган ана шу хусусиятларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Масалан, ҳозирги босқичда Яқин Шарқ можаросига фақат Исройл давлати олиб бораётган сиёсатнинг натижаси деб қарамаслик керак. Бу масала дунёнинг айрим мамлакатлари олиб бораётган ташқи сиёсатнинг ана шу минтақага қилаётган таъсирининг ҳам натижаси ҳисобланади. Шунинг учун бу масалани ўрганишда унинг барча мураккабликлари ҳисобга олиниши лозим.

Диалектик усул ёрдамида «Политология» фани масалаларини ўрганиш бу фани янги илмий қоида ва хуносалар билан бойитишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарихий-мантиқий усул ҳам «Политология» фани масалаларини ишлаб чиқиши ва уларни назарий жиҳатдан асослашда қўлланиладиган муҳим усуллардан ҳисобланади. Бу усул ёрдамида тарихий тараққиётнинг турли босқичлари ва даврларида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, жаҳон сиёсатида рўй берган ўзгаришлар ўзаро солиштирилади, қиёс қили-

нади ва шу асосда муҳим хulosалар ишлаб чиқилади. Масалан, ҳозирги даврда сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг кечишини ўтмишдаги сиёсий ўзгаришлар билан таққослаш, шу асосда уларга баҳо бериш ва улардаги ижобий ёки салбий жиҳатларни аниқлашга имкон туғилади. Давлат қурилиши ва давлат бошқариши, сиёсий ҳаракатларнинг рўй бериши, уруш ва тинчлик сиёсати ва бошқа шулар сингари «Политология» фанининг бошқа масалаларини ўрганишда ҳам бу усулдан кенг фойдаланилади.

«Политология» фани масалаларини илмий-назарий жиҳатдан асослашда эмприк-социологик усулдан ҳам кенг фойдаланилади. Бу усул сўров, анкеталаштириш, статистик таҳлил қилишга асосланади. Бу усул ёрдамида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган ўзгаришлар тўғрисида жамоатчиликнинг фикри ўрганилади. Бу усулнинг «Политология» фани учун афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида тўплланган амалий натижаларга қараб сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши ҳақида олдиндан бирон-бир хulosса қилиш ёки фикр билдириш имкониятига эга бўлинади.

3. «Политология» фанининг ижодий характери ва уни ривожлантиришнинг зарурлиги

Жамият ривожланган сари унинг бағрида янгидан янги воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар рўй беради. Бу жараён жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларига ҳам дахлдор бўлиб, унинг сабабларини ўрганиш «Политология» фани олдига муҳим вазифалар қўяди.

Ижодий характери

Ларни ўрганишда унга ижодий ёндашиб талаб қилинади. Чунки сиёсий ўзгаришлар тарихий тараққиётнинг барча давларидан ёки дунёнинг барча мамлакатларида бир хилда кечмайди. Улар ўзининг қайси бир жиҳати билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам сиёсий ўзгаришларни таҳлил қилишда ва уларни баҳолашда ҳар бир ўзгаришнинг вужудга келишидаги тарихий шароитларни, уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш ва шу асосда бирон-бир хulosса қилиш талаб этилади.

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни ўрганишда унга ижодий ёндашиб талаб қилинади. Чунки сиёсий ўзгаришлар тарихий тараққиётнинг барча давларидан ёки дунёнинг барча мамлакатларида бир хилда кечмайди. Улар ўзининг қайси бир жиҳати билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам сиёсий ўзгаришларни таҳлил қилишда ва уларни баҳолашда ҳар бир ўзгаришнинг вужудга келишидаги тарихий шароитларни, уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш ва шу асосда бирон-бир хulosса қилиш талаб этилади.

Сиёсат ва сиёсий жараёнларга хос бўлган ўзгарувчаник хусусияти, «Политология» фани масалаларини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ижодий ёндашишни тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам сиёсий ўзгаришларни қотиб қолган қоида ва хulosаларга асосланган ҳолда баҳолаш мумкин эмас.

Сиёсий воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг кўлами қанча кенг бўлса, уларни илмий жиҳатдан асослашга бўлган муносабат ҳам шунча мураккаб бўлади. Сиёсий ҳаётда шундай ўзгаришлар рўй берадики, уларнинг моҳияти ва мазмунини ўрганиш учун турли сиёсий кучлар фаолиятини бирлаштириш, жамиятнинг сиёсий тараққиётида рўй берган амалий тажрибалардан ҳар томонлама фойдаланиш талаб қилинади.

«Политология»нинг ижодий характеристини ифода қилувчи асосий жиҳатлар қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, «Политология» фани масалалари жамият тараққиётининг боришига мувофиқ тарзда ўзгариб, янгидан-янги қоида ва хulosалар билан бойиб боради;

иккинчидан, «Политология» фанида ишлаб чиқиладиган қоида ва хulosалар ҳар бир мамлакат ҳаётига дахлдор бўлмай, балки улардан турли мамлакатларнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларни илмий жиҳатдан асослашда фойдаланилади;

учинчидан, ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган илфор сиёсат «Политология» фанининг ижодий ривожланишига қўшйлган катта ҳисса бўлади;

тўртинчидан, «Политология» фани сиёсатнинг барча даврлар ёки барча мамлакатлар учун бир хилда амал қилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидага асосланади;

бешинчидан, «Политология»да жаҳоннинг турли мамлакатларида ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатнинг барча ижобий, илфор томонлари изчиллик билан ўзлаштириб борилади;

олтинчидан, даврнинг долзарб сиёсий муаммолари ни ҳал қилишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш асосида «Политология» фани давлатлар сиёсатининг назарий асоси бўлиб хизмат қиласди;

еттинчидан, «Политология» мамлакатларнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларнинг сабабларини

қотиб қолган андозаларсиз, уларни келтириб чиқарган шароитларни ўрганиш асосида тушунтириб беради.

«Политология» фанининг ижодий характери унинг доимий ривожланиб боришида тўла намоён бўлади. «Политология» фанида ўрганиладиган ҳар бир масала ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинади. Бу жараён турли мамлакатларнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни ўзаро таққослаш, улардаги умумий ва хусусий жиҳатларни ўзаро солиштириш асосида боради.

«Политология» фанининг ривожланиши унинг мазмунан бойиб боришида муҳим роль ўйнайди. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда жаҳон сиёсати ва ҳалқаро сиёсий муносабатларнинг хилма-хил соҳаларида қилинган ҳар бир янги хулоса, ишлаб чиқилган ҳар бир назарий қоида «Политология» фани масалалари қаторига кириб боради ва улар қанчалик кўпайган сари, шу фанининг мазмуни янги қоида ва хулосалар ҳисобидан бойиб боради.

«Политология»ни фансифатида ўрганиш ва ўқитишининг зарурлиги

«Политология» фанининг ривожланиши фақат унинг мазмунан бойишидан иборат бўлмай, шу билан бирга уни фан

сифатида ўрганиш ва ўқитиши соҳасида эришилган натижалар билан ҳам белгиланади. Бу соҳада жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда ҳар бир мамлакатда амалий ишларни давом эттириш зарур.

Мамлакатимиз собиқ Иттилоқ таркибида бўлган йилларда «Политология» фанини ўрганиш ва ўқитиши ишларига ўта эътиборсизлик билан қараб келинган эди. «Политология»га буржуа фани, илмга зид таълимот сифатида қаралиб, уни ўрганиш ва ўқитиши батамом таъқиқлаб кўйилган эди. Ҳолбуки мамлакатда сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатлар мавжуд бўлиб, бу жараён тўхтовсиз давом этаётган эди. Сиёсий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларида вужудга келган муаммолар турли даражада ҳал қилиниб, жамиятнинг объектив ривожланиш жараёни давом этиб келган эди. Ана шу йилларда «Политология» фанида ўрганиладиган масалаларнинг айрим томонлари фалсафа, сиёсий иқтисод, сиёсий тарих, социализм назарияси ва айрим ҳуқуқий

фанларга тиқиширилиб, зўрма-зўраки тарзда ўрганилган эди.

50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларига қадар сабиқ Иттифоқда «Политология» фанига доир биронта ҳам китоб нашр қилинмади, дарслик ёки ўқув қўлланмаси ёзилмади.Faқат 60-йилларнинг ўрталарига келиб айрим жамиятшунос ва ҳуқуқшунос олимлар бу фаннинг баъзи масалаларини ёритишга доир илмий мақолалар билан чиқа бошлаган эдилар. Бу соҳадаги дастлабки илмий изланишлар сабиқ СССР Фанлар Академиясининг давлат ва ҳуқуқ институтида, Москва Давлат университетида ҳамда сабиқ СССР Фанлар Академиясининг Фалсафа институтида олиб борила бошланган эди. 1962 йилда Сиёсий Фанлар Ассоциацияси (СФА) тузилиб, унинг ташаббуси билан 1979 йилда Москвада Сиёсий Фанлар Халқаро Ассоциациясининг XII Бутунжаҳон Конгресси ўтказилди.

70-йилларнинг ўрталарига келиб сабиқ Иттифоқнинг бир қатор марказий олий ўқув юртларида «Политология» фани бўйича алоҳида мавзуларга доир маърузалар ўқила бошланган эди. Мустамлакачилик шароитида бўлган бизнинг мамлакатимизда эса, бу соҳада бирон-бир иш қилинмаган эди.

Мамлакатимизнинг миллий мўстақилликка эришиши сиёсий фанларни ўрганиш ва ўқитишига бўлган эскича ёндашувларни ҳам батамом ўзгартириб юборди. Мустамлакачилик шароитида олий таълим тизимини такомиллаштиришнинг дастлабки тадбирларидан бири мамлакатимизда «Политология» фанини мустақил фан сифатида ўрганиш ва ўқитишига киришишдан иборат бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноң мамлакатимиз олий ўқув юртларининг ўқув режаларига «Политология» фани киритилди ва бу фан эндиликда бошқа сиёсий фанлар сингари кенг ҳажмда ўрганилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда «Политология» фанини ўрганиш ва ўқитиши бўйича дастлабки натижаларга эришилди. Республика Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) бу фан бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёзиш ва ҳимоя қилиш бўйича Ихтиосослашган Кенгашлар тузди, айрим олий ўқув юртларида «Политология» фани бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари тузилди, кўплаб илмий мақолалар ёзилмоқда. «Политология» фанини ўқитиши янада тако-

миллаштириш мақсадида «Политология» фани бўйича тест саволлари тузилмоқда ва нашр қилинмоқда.

Бироқ бу қилинаётган ишлар ва эришилётган муваффақиятлар келажакда қилинадиган асосий ишларнинг бошланишидир. Мамлакатимиз ривожланган сари «Политология» фанини ўқитиш ва ўрганиш соҳасида янгидан-янги натижаларга эришила бориши шубҳасиздир.

II БОБ

«ПОЛИТОЛОГИЯ» ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Барча ижтимоий-сиёсий фанлар сингари «Политология» фани ҳам ўз-ўзича, бўш ерда вужудга келгани йўқ. Унинг вужудга келиши ва ривожланишига жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган хилма-хил ўзгаришлар сабаб бўлган.

«Политология»нинг фан сифатида вужудга келиши, бир томондан, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари ва жаҳон сиёсатида рўй берган ўзгаришларнинг объектив жараён эканлиги билан белгиланса, иккинчи томондан эса, жамият ҳаётининг сиёсий масалалари кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларида вужудга келган сиёсий қарашларда и福德аланиши билан белгиланади. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир янги даври «Политология» фанининг вужудга келиши ва ривожланишида ана шу икки ҳолатнинг қандай кечганлиги билан изоҳланади.

1. «Политология» фанининг вужудга келишидаги тарихий шароитлар

Жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар бир ўзгариш маълум бир тарихий шароитнинг маҳсули ҳисобланади. «Политология» фанида ўрганиладиган масалалар ҳам турли хил тарихий шароитларда рўй берган. Бу ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш зарурлиги «Политология»нинг фан сифатида вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Тарихий шароитлари

«Политология» фанининг вужудга келиши ва ривожла-

нишидаги дастлабки тарихий шароит — бу давлатнинг пайдо бўлишидир. Давлатнинг пайдо бўлиши билан жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари шаклланиб борди. Давлат бу муносабатларни йўлга қўйиш ва уларни тартибга солиш жараёнида жамиятнинг сиёсий намоёндасига айланиб борди.

Давлат ташкилотини мустаҳкамлаш, унинг жамиятни бошқариш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш зарурияти давлатнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ўрганишга, унинг функциялари ва вазифаларини аниклашга бўлган интилишни кучайтирган.

Давлатнинг турли шароитларда вужудга келиши, унинг хилма-хил шаклларда намоён бўлиши ва унинг турли мамлакатларда турлича фаолият кўрсатиши ўша даврларда яшаган кишиларнинг диққат-эътиборини жалб қилмаслиги мумкин эмас эди. Бу ҳол, сўзсиз, давлатнинг жамиятдаги мавқенини ўрганишга ва унга сиёсий баҳо беришга қизиқиш ўйготган.

Давлатнинг турли мамлакатларда вужудга келиши билан улар ўртасида алоқалар ўрнатиш, дипломатия ва бошқа сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш зарурати давлатлар ташқи сиёсий фаолиятининг вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Тарихий тараққиётнинг турли босқичларида давлатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий муносабатлар қанчалик ҳар хилликка эга бўлган бўлса, бу муносабатлар шунчалик ўзгариб, такомиллашиб ҳам борган. Давлатлар ўзаро алоқаларни турли шаклларда йўлга қўйишга, савдо, иқтисодий ва ҳамкорликнинг бошқа шаклларини олиб боришга ҳаракат қилганлар. Бинобарин, давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятидаги алоқаларнинг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги бу жараёнларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни кучайтирган. Ўз навбатида, давлатлар ўртасида душманлик ҳолатлари ҳам рўй бериб турганки, бундай ҳолатлар айрим пайтларда босқинчилик урушларини келтириб чиқарган. Ана шундай бир шароитда давлатларнинг бир-бирлари билан ўзаро сиёсий муносабатлари қандай ташкил топганлиги масаласи ҳам ўша даврларнинг илғор кишилари эътиборидан четда қолмаган. Бу каби ҳолатлар ва уларнинг сабабларини ўрганиш зарурати «Политология» фани-

нинг вужудга келишидаги муҳим тарихий шароитлардан бири бўлган.

Давлатнинг вужудга келиши каби, сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг вужудга келиши ҳам жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим сиёсий ўзгаришлардан бири бўлган эди. Бундай партиялар ва ташкилотлар тарихий тараққиётнинг турли даврларида дунёнинг тули мамлакатларида ўзига хос шароитларда шаклланган ва жамиятнинг сиёсий ҳаётига муҳим таъсир кўрсатган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши билан сиёсий муносабатлар янада такомиллашган ва уларнинг жамият ҳаётига таъсири кучайиб борган.

Ҳар бир мамлакатда ва ҳалқаро майдонда сиёсий партияларнинг шаклланиши асосида уларнинг сони ҳам ўсиб борган, аҳолининг хилма-хил қатламлари уларга аъзо бўлиб кирган ва улар орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган.

Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши бундай партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ўрганишга, уларнинг жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсирини англашга бўлган эҳтиёжни кучайтирган.

Маълумки, сиёсий партиялар сиёсий ҳаракатларнинг вужудга келиши натижасида рўй берган, шаклланган. Сиёсий ҳаракатлар жамият аъзоларининг хилма-хил талабларини қондириш истаги натижасида рўй берган. Бу ҳол, сўзсиз, жамият ҳаётидаги объектив ҳодисадир. Бинобарин, жамият аъзоларининг иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан унинг жамият томонидан қондирилиши ўртасидаги мутаносибликлар юз берган. Натижада кишиларнинг хилма-хил талаблари акс этган сиёсий ҳаракатлар рўй берган. Бундай сиёсий ҳаракатлар аста-секин ташкилий тус ола борган.

Сиёсий ҳаракатларнинг шаклланиши ва уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти масаласини ўрганиш ҳам «Политология»нинг фан сифатида вужудга келишида муҳим тарихий шароит бўлган. Шу ҳаракатларнинг хилма-хил масалаларини ўрганиш асосида бу фан мазмунан бойиб борган:

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим ўзгаришлардан бири ҳалқаро ташкилотларнинг вужудга келганлигидир. Ҳозирги кунда дунёда бундай ташки-

лотларнинг умумий сони қарийб юзга яқинни ташкил этмоқда. Уларнинг ҳар бирн турли хил шароитларда турли хил мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган.

Халқаро ташкилотлар давлатларнинг ихтиёрий эркинликлари асосида ташкил топган бўлиб, уларга ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар бирлашган. Уларнинг ҳар бирни халқаро муносабатлардаги муаммоларни ва ҳар бир аъзо давлатларнинг ички ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни ҳал этишда амалий фаолият кўрсатмоқда. Ана шу ташкилотларнинг тузилиши, улар бажараётган вазифалар, ҳал этаётган муаммолар жуда мураккаб ва хилма-хил бўлиб, уларни ўрганиш, уларга сиёсий баҳо бериш «Политология» фани олдига жуда муҳим вазифаларни қўяди. Бу ҳол «Политология» фанининг мазмунан бойишида муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан қараганда халқаро ташкилотларнинг сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш бу фаннинг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим тарихий шароит бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, кишиларнинг сиёсий эркинликка бўлган интилишлари тарихда ҳамма вақт бўлиб келган. Кишиларнинг сиёсий эркинликка эришиш истаги унинг йўллари, шарт-шароитларини билишга, ўрганишга бўлган интилишни кучайтирган. Бу масалаларни ўрганишга бўлган ҳаракатлар ҳам «Политология» фанининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим тарихий шароит бўлган эди.

Қонунчилик ва демократия масалалари ҳам узоқ тарихий тараққиётнинг маҳсулидир. Кишилар бу соҳалардаги муаммоларни ўрганишга ва ҳал қилишга ҳамиша эҳтиёж сезганлар.

Бошқарув ишларини йўлга қўйиш, мамлакатда сиёсий зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилган. Бу ўзгаришларни ўрганиш ва уларнинг моҳиятини тушуниш зарурияти ҳам «Политология» фанининг вужудга келишида муҳим тарихий шароит бўлган.

Маълумки, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида хилма-хил ўзгаришлар рўй беради. Бундай ўзгаришлар кишилик жамияти пайдо бўлгандан бўён давом этмоқда. Жамият тарихининг турли даврларида бу соҳаларда бўлган ўзгаришларни сиёсий

жиҳатдан асослаш ва унинг аҳамиятини англаб етишга интилиш давом этиб келмоқда. Демак, бу ўринда ҳам биз жамиятнинг ижтимоий ҳаётида бўладиган ўзгаришларни ўрганишга бўлган интилиш «Политология» фанининг вужудга келишида муҳим тарихий шароит бўлганлигини кўрамиз.

Жамият ҳаётида рўй бераётган сиёсий ўзгаришларнинг барчаси ҳам жамият аъзолари томонидан бир хилда англаб етилмаган ва маъқулланмаган. Аксинча, бундай ўзгаришларнинг айримларига жамият аъзоларининг маълум қисми орасида норозилик билдириш ҳоллари ҳам рўй бериб турган. Бу ҳол, сўэсиз, жамият аъзоларининг маълум қисмларининг айрим гуруҳларга бўлинишига, уларни турли хилдаги ташкилотларга бирлашишга ундаган. Бундай ташкилотлар жамоат ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатиб, аҳолининг турли қисмлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун кураш олиб борган. Бундай ташкилотлар фаолиятини ўрганишга бўлган интилиш ва зарурият ҳам «Политология»нинг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланишида муҳим тарихий шароит бўлган.

Хуллас, «Политология» фани ҳам бошқа сиёсий фанлар каби жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришларни ўрганиш натижасида вужудга келган ва ривожланган. Ҳар бир мамлакатнинг ички ҳаётида ва ҳалқаро майдонда рўй берган ўзгаришлар маълум тарихий шароитнинг натижаси бўлган. Шунга кўра «Политология»нинг вужудга келиши ва ривожланиши жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг натижасидир ва бу ўзгаришларнинг ҳар бири шу фанинг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим тарихий шароит бўлиб ҳисобланади.

2. «Политология» фани масалаларининг сиёсий қарашларда ифодаланиши

«Политология» фанининг вужудга келиши ва ривожланишида сиёсий қарашларнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу қарашларда жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган воқеа-ходисалар, ўзгаришлар ва уларга билдирилган муносабат у ёки бу даражада ўз аксини топган.

Дастлабки сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

НИНГ бошларига тўғри келади. Бу даврда қадимги Ҳиндистон ва Хитойда дастлабки қулдорлик давлатлари пайдо бўлган. Ўша пайтларда бу давлатларда олиб борилган сиёсатнинг айрим масалалари «Ману қонунлари», «Махабхорат» сингари асарларда ўз ифодасини топган.

Эрамизгача бўлган IV—I асрларга келиб сиёсий қарашлар қадимги Юнонистон ва Римда ривож топди. Бу даврда Афлотун (427—347), Арасту (384—322), Шицерон (106—43) каби ўнлаб мутафаккирлар яшаб ижод қилганлар. Улар ўзларининг асарларида қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши, уларда рўй берган сиёсий ўзгаришлар, сиёсат, давлат, демократия масалалари бўйича муҳим фикрларни ёзиб қолдирганлар. Уларнинг асарларида қулдорлик давлатларида олиб борилган сиёсат ҳамда давлатлараро сиёсий муносабатларнинг кўпгина масалалари ўз ифодасини топган.

Афлотун ўзининг мунозара тариқасида ёзган «Давлат» тўғрисидаги асарида давлат шаклларини уч турга: тимократия, олигархия, демократия турларига бўлади. У давлат бошқарувининг шаклларини ҳам уч турга бўлиб кўрсатади: монархия, демократия, олигархия.

-Афлотун демократиянинг моҳиятини тўлиқ тушуммаган ва шунга кўра, у, демократияга бутунлай салбий муносабатда бўлган. Унинг фикрича, демократия омманинг ҳукмронлиги бўлиб, у охир-оқибатда, кўпчиликни эзишга олиб келади. Барча одамлар, дейди у, табиатан бир-бирларига тенг эмаслар, демократия ҳам бундай тенгликни таъминлай олмайди. Афлотун демократияга давлатнинг монархия шаклини қарама-қарши қўяди ва бундай давлатни доно ва ақлли файласуф олимлар бошқариши зарур деган ғояни илгари суради.

Афлотун сингари Арасту ҳам давлат ва давлат бошқарувининг хилма-хил шаклларини асослаб беришга ҳаракат қилган. У ўзининг «Политика» асарида давлат шакллари ва давлат бошқарувининг олтида турини биринчи марта асослашга ҳаракат қилади ва уларни икки гуруҳга бўлиб кўрсатади. Биринчи гуруҳга давлатнинг монархия, арестократия, полития шаклларини кири-

Дастлабки сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги III минг йиллик нинг охири ва 1 минг йиллик

НИНГ бошларига тўғри келади. Бу даврда қадимги Ҳиндистон ва Хитойда дастлабки қулдорлик давлатлари пайдо бўлган. Ўша пайтларда бу давлатларда олиб борилган сиёсатнинг айрим масалалари «Ману қонунлари», «Махабхорат» сингари асарларда ўз ифодасини топган.

Эрамизгача бўлган IV—I асрларга келиб сиёсий қарашлар қадимги Юнонистон ва Римда ривож топди. Бу даврда Афлотун (427—347), Арасту (384—322), Шицерон (106—43) каби ўнлаб мутафаккирлар яшаб ижод қилганлар. Улар ўзларининг пайдо бўлиши, уларда рўй берган сиёсий ўзгаришлар, сиёсат, давлат, демократия масалалари бўйича муҳим фикрларни ёзиб қолдирганлар. Уларнинг асарларида қулдорлик давлатларида олиб борилган сиёсат ҳамда давлатлараро сиёсий муносабатларнинг кўпгина масалалари ўз ифодасини топган.

Афлотун ўзининг мунозара тариқасида ёзган «Давлат» тўғрисидаги асарида давлат шаклларини уч турга: тимократия, олигархия, демократия турларига бўлади. У давлат бошқарувининг шаклларини ҳам уч турга бўлиб кўрсатади: монархия, демократия, олигархия.

-Афлотун демократиянинг моҳиятини тўлиқ тушуммаган ва шунга кўра, у, демократияга бутунлай салбий муносабатда бўлган. Унинг фикрича, демократия омманинг ҳукмронлиги бўлиб, у охир-оқибатда, кўпчиликни эзишга олиб келади. Барча одамлар, дейди у, табиатан бир-бирларига тенг эмаслар, демократия ҳам бундай тенгликни таъминлай олмайди. Афлотун демократияга давлатнинг монархия шаклини қарама-қарши қўяди ва бундай давлатни доно ва ақлли файласуф олимлар бошқариши зарур деган ғояни илгари суради.

Афлотун сингари Арасту ҳам давлат ва давлат бошқарувининг хилма-хил шаклларини асослаб беришга ҳаракат қилган. У ўзининг «Политика» асарида давлат шакллари ва давлат бошқарувининг олтида турини биринчи марта асослашга ҳаракат қилади ва уларни икки гуруҳга бўлиб кўрсатади. Биринчи гуруҳга давлатнинг монархия, арестократия, полития шаклларини кири-

тади ва буни давлат бошқарувининг энг маъқул турлари деб таърифлайди. Иккинчи гурухга — зўрлик, олигархия, демократия шаклларини киритади ва буларни давлат бошқарувининг номаъқул шакллари сифатида таърифлайди.

Афлотун ва Арастуниң шогирдларидан бири бўлган Цицерон ўзининг «Мунозаралар», «Давлат ҳақида», «Қонунлар ҳақида» сингари машҳур асарларида давлат жамиятдаги барча фуқароларнинг мағбаатларини ҳимоя қилиши тўғрисида муҳим фикрларни илгари суради. Ў давлатнинг пайдо бўлишини табиатда мавжуд бўлган адолат ва ҳуқуқнинг рӯёбга чиқишидан иборат деб тушунтиради.

Қадимги замон мутафаккирларининг сиёсий қарашибарида давлат қурилиши ва давлат бошқаруви, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати, халқаро сиёсий муносабатлар, уруш ва тинчлик, тиёч-тотув яшаш, халқ ҳаракатлари, жамиятда ижтимоий табақаланиш сингари кўплаб сиёсий масалалар тўғрисида муҳим фикрлар илгари сурилади.

Ўрта Осиёда сиёсий қарашиблар

Қадимги замон мутафаккирлари бошлаб берган ишлар кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудида яшаган кўплаб мутафаккирлар, сиёсий ва давлат арбоблари томонидан давом эттирилди. Уларнинг ҳар бири ўзлари яшаган даврнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида қимматли ғояларни илгари сурдилар ва бу билан «Политология» фани масалаларини ривожлантириш ишига муносиб даражада ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг сиёсат ва сиёсий муносабатларга доир қарашибларини улар яшаган даврдан ажратган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар ҳаммасининг дунёқарашига ўша даврдаги сиёсий тартиблар, идора қилиш усуллари, давлат тузилиши ва уларнинг фаолияти, халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар каби хилма-хил воқеа-ҳодисалар кучли таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам уларнинг асарларида асосан улар яшаган даврнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларига доир кўплаб маълумотлар берилган.

Ўрта Осиёда «Политология» фани масалаларининг ишлаб чиқилишига Фаробий, ибн Сино, Беруний, Амир

Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Бердақ, Сатторхон, Беҳбудий каби ўнлаб етук мутафаккирлар ва давлат арбоблари жуда катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг асарларида «Политология» фанининг хилма-хил масалалари тўғрисида кўплаб илгор ғоялар илгари сурилган.

Уларнинг қаравашларида давлатнинг вужудга келиши, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалалардаги уларнинг қаравашларида кўпгина умумий томонлар мавжуддир. Уларнинг ҳаммаси ҳам давлатни сиёсий ҳодиса сифатида тушунган ва унга нисбатан ўз муносабатларини билдирган. Жумладан, Фаробий, ибн Сино, Берунийлар давлатнинг вужудга келиши масаласини деярли бир хилда тушунганлар, уларнинг фикрича, давлат жамият аъзоларининг биргаликда яшашга бўлган интилишининг натижасида пайдо бўлган. Давлат ўз фуқаролари тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни босқинчлик урушларидан ҳимоя этиши зарур, деб таъкидлайди улар.

Уларнинг ҳаммаси ҳам давлатнинг монархия шаклида бўлиши ғоясини ҳимоя қилган ва давлат тепасида одил шоҳ туриши зарур деган фикрга келган. Бу ўринда Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарида билдирган фикрларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Навоий Искандарни инсонпарвар, адолатпарвар шоҳ сифатида таърифлайди ва унинг ишларига хайриҳоҳлик билдиради.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлатни бошқариш масаласида ўз ворисларига ёзиг қолдириган «Темур тузуклари»да шоҳлар, амирлар, хонлар инсонпарвар, адолатпарвар бўлишлари ҳақида ёзганлигини кўрамиз. Амир Темур ҳақида ёзилган тарихий ва бадиий адабиётларда ҳам Темурнинг ҳалқпарвар сиёсат олиб борганлиги ҳақида муҳим маълумотлар берилади.

Аммо бундан барча мутафаккирлар давлатнинг монархия шаклига тарафдор бўлиши билан чекланиб қолганлар, деган хато хулоса чиқармаслик лозим. Ҳолбуки уларнинг айримлари давлатнинг республика шаклига ҳам мойиллик билдирганлар. Масалан, Фаробий давлат бошлиғи олдига 12 та талаб қўяди. Булар — бойликка ҳирс қўймаслик, ўз манфаатини кўзламаслик, ҳақиқатни севиш, ҳақиқат учун курашиш, ботир, жасур, мард бўлиш ва ҳоказолардан иборат. Бироқ Фаро-

бий ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бир кишида бўл-
маслигини ҳисобга олиб, давлатни бир киши эмас, бал-
ки бир неча киши бошқариши керак, деган фикрни ил-
гари суради. Бу ўринда биз Фаробий давлатнинг фақат
монархия шаклини ҳимоя қилиш билан чекланиб қол-
маганлигини кўрамиз.

Фаробий каби ибн Сино, Беруний, Амир Темур,
Алишер Навоий, Бобур каби буюк мутафаккирлар ҳам
давлатнинг вужудга келишини табиий эҳтиёждан деб
биладилар. Уларнинг фикрича, кишиларнинг ҳамжи-
ҳатликда яшашлари, бир-бирларини ҳимоя қилишлари
ва бир-бирларига ёрдам беришлари табиий ҳол бўлиб,
жамият аъзолари бунга ҳамиша эҳтиёж сезганлар.

Ибн Сино ҳам жамиятни давлатсиз тасавур қила-
олмаган. У ўзининг «Рисолат тадбири манзил» асари-
да ёзган эдики, агарда ҳамма одамлар шоҳлардан, сул-
тонлардан иборат бўлсалар ёки ҳаммалари оддий меҳ-
наткашлар бўлсалар, уларга раҳбарлик қиладиган сул-
тонлар, хонлар бўлмаса, бундай ҳолда уларнинг бар-
часи ҳалок бўлган бўлур эди.

Урта Осиё мутафаккирларининг қарашларида «По-
литология» фанида ўрганиладиган сиёсий жараёнларга
дахлдор бўлган масалалардан бири — қонунчиликка
асосланиш ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда,
хусусан, Амир Темурнинг сиёсий қарашлари алоҳида
ажралиб туради. У жамият ҳаётида қонунларнинг кат-
та аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, қаердаки қо-
нунчиликка амал қилинса, ўша ерда эркинлик бўлади,
деб таъкидлайди. Бу ҳақда Амир Темур ўзининг «Темур
тузуклари»да шундай ёзади: «Давлат ишларини салта-
нат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим».¹

Беруний ҳам қонун ва қонунчиликка катта эътибор
берган эди. У одамлар ўртасида тузилган шартномалар
қонуний, яъни адолатли ёки қонунсиз, яъни адолатсиз
бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. У қонунсиз шарт-
номалар асосида зўрлик, қаллоблик ётишини таъкид-
лаб, бундай шартномаларга қарши чиқади.

Урта Осиё мутафаккирлари «Политология» фанининг
сиёсий бошқариш билан боғлиқ масалаларини ривож-
лантириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар-
нинг асарларида мамлакатни ва давлатни бошқариш
соҳасида ўша даврда амалга оширилган муҳим тадбир-

¹ Амир Темур. Темур тузуклари. Т., F. Ғулом номидаги адаби-
ёт ва санъат нашриёти, 1991, 54-бет.

лар ва уларнинг моҳияти ҳақида қимматли фикрлар берилган.

«Темур тузуклари»да мамлакат ва салтанатни бошқариш ҳақида илгари сурилган ғоялар сиёсий бошқариш соҳасидаги хилма-хил муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Халқпарвар ва адолатпарвар шоҳлар ўз ҳукмронликлари давомида Темурнинг бу масаладаги кўрсатмаларига, унинг панд-насиҳатларга амал қилиб келдилар.

Амир Темур марказлашган қудратли давлатни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлашда ҳамда уни бошқариш соҳасида оқилона сиёсат олиб борган эди. Унинг бу соҳадаги сиёсатида марказнинг жойларга кўрсатадиган таъсири, жойларга эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ишлари асосий ўринни эгаллайди. Ўз навбатида Амир Темур давлат ишларини бошқаришда кенгашлар ўтказиш ва улarda оқилу доно кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, улардан тегишли хулосалар чиқариб иш юритган эди. У мамлакат ва салтанат ишларини бошқариш тўғрисида Тузукларда жуда қимматли фикрлар берган эди.

Сиёсий бошқаришга даҳлдор бўлган масалаларда Беруний, ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари алломалар ҳам қимматли фикрлар билдирганлар. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулки ажам» асарида давлатга раҳбарлик қилган 65 та шоҳга ва уларнинг бошқариш соҳасида олиб борган сиёсатига баҳо беради. Улар орасида мамлакат ва салтанатни бошқариш соҳасида адолатли иш тутган шоҳлар ҳақида, уларнинг мамлакатни бошқариш ва давлат ишларини йўлга қўйиш соҳасидаги ишлари ҳақида муҳим ғояларни илгари суради.

Урта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатнинг ташқи сиёсатига доир масалалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар ўзларининг бу масаладаги қарашларида давлатлар ўртасида йўлга қўйилган ишлар ҳақида, давлатлараро алоқалар ва муносабатлар тўғрисида қимматли фикрларни билдирганлар. Улар давлатларнинг яхши қўшничилик асосида иш тутишини, уларнинг савдо, иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқа қилишини ва шу асосда бир-бирларига ёрдам беришлари ва кўмакдош бўлишларини орзу қилганлар.

Улар босқинчилик урушларини қоралаганлар, халқлар ва давлатларнинг тинч-тотув яшашлари ғоясини

илгари сурганлар. Уларнинг бу масаладаги қарапшлари Берунийнинг «Ҳиндистон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Навоийнинг «Тарихи мулки ажам», «Садди Йскандарий» каби асарларида аниқ ифодалаб берилган.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг сиёсий қарапшларида «Политология» фанининг сиёсий ҳаракатлар тўғрисидаги масалаларида ҳам муҳим фикрлар учрайди. Уларнинг асарларида маздакчилар, муқанначилиар, сарбадорлар, жадидлар ва бошқа халқ ҳаракатлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилади.

Маълумки, Ўрта Осиё мутафаккирларининг сиёсий қарапшлари узоқ йиллар давомида ўрганилмай келинди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шундай тўсиқларни олиб ташлади ва эндиликда буюк бобокалонларимизнинг илмий-ижодий ва амалий-сиёсий фаолиятларининг барча томонларини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикрларини айнан келтириш жоиздир: «Халқимизнинг хотираси ажойиб намуналарга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино, имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари халқ хотираси ва унинг тақдирни муносиб давом этишга лойиқдир».¹

Хуллас, «Политология» фани ҳам бошқа ижтимоий-сиёсий фанлар каби жамият ҳаётида рўй берган сиёсий ўзгаришларни ўрганиш асосида вужудга келган ва ривожланган. Ҳар бир мамлакатнинг ички ҳаётида ва халқаро майдонда рўй берган ўзгаришлар Ўрта Осиёда яшаган буюк мутафаккирлар томонидан ўрганилган ва бу ўзгаришлар уларнинг сиёсий қарапшлари шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Бу эса, уларнинг «Политология» фанига дахлдор бўлган хилма-хил масалалар ҳақида муҳим хуносалар қилишларига сабаб бўлган.

Фарбий Европа ва Америкада вужудга келган сиёсий қарапшлар

«Политология» фани масалаларини ишлаб чиқиши ва ривожлантириши ишига Фарбий Европа ва Америкада яшаган

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон». 1992. 72-бет.

күплаб мутафаккир-олимлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Улар ҳам Ўрта Осиё мутафаккирлари каби, жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги бўладиган ўзгаришларга ўз муносабатларини ба бу масаладаги қарашларини ўзларининг қатор асарларида баён қилиб берганлар.

«Политология» фанининг ривожланишига Италияда Николо Макиавелли (1468—1527), Англияда Жон Локк (1632—1704), АҚШда Томос Пейни (1737—1809), Германияда Самуэл Буффендроф (1632—1694), Францияда Жон Боден (1530—1596), Ш. Монтески (1688—1755) каби ўнлаб мутафаккирлар жуда катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўзлари яшаган даврнинг сиёсий масалаларига зўр эътибор билан қараганлар ва бу ҳақда муҳим фикрларни баён қилганлар.

Бу мутафаккирларнинг қарашларида сиёсий ҳокимиёт масаласи алоҳида ўрин эгаллади. Уларнинг ҳар бири давлатнинг вужудга келиши ва унинг тузилиши, шакллари, мақсад ва вазифалари, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар тўғрисида хилма-хил фикрлар билдирганлар. Масалан, италнялик мутафаккир Н. Макиавелли давлатни курашувчи кучлар ҳаракатига қараб доимий равишда ўзгариб турувчи сиёсий ташкилот, деб таърифлайди. Агар С. Буффендроф давлатнинг вужудга келишини худонинг хоҳиши деб ҳисобласа, Н. Макиавелли эса, давлатнинг вужудга келиши қарама-қарши кучлар ҳаракатининг натижаси деб ҳисоблади.

Айрим мутафаккирларнинг қарашларида давлатнинг монархия ва республика шаклларига бўлган муносабатлари ҳам турличадир. Агар уларнинг баъзилари давлатнинг монархия шаклини қувватласа, бошқалари унинг республика шаклига хайриҳоҳлик билдирган. Ж. Боденнинг фикрича, давлат фақат монархия шаклида бўлиши керак. Унинг бу фикри Ш. Монтески, С. Буффендронинг қарашларида ҳам учрайди. Масалан, немис мутафаккири С. Буффендроф давлатни вужудга келтиришнинг асосий ташаббускори худодир деб ҳисоблади ва давлат мутлақ ҳукмронлик шароитида ўз мақсадларини амалга ошиrolади, деб уқтиради.

Бироқ бу мутафаккирларнинг қарашларида давлатнинг монархия ва республика шаклига бўлган муносаба-

бат бир мунча зиддиятли равишида таърифланади. Масалан, Н. Макиавелли бир вақтнинг ўзида давлатнинг ҳам монархия, ҳам республика шаклини ҳимоя қилади. Унинг фикрича, давлатни идора қилиншда ва унда қаттиқ интизом ўрнатишда якка ҳокимлик зарурдир. Зўрлик қилмай туриб, дейди у, эски тартибларни ўзгартириш мумкин эмас. Аммо у зўрликни бирдан-бир восита деб ҳисобламайди. Зўрлик фақат мамлакатни бирлашириш, тарқоқликни тугатиш учун зарурдир. Зўрлик йўли билан мамлакатда ва давлатда тартиб ўрнатилгач, зўрлик усулидан эркинлик, тенглик усулига ўтиш лозим. Чунки зўрлик ва якка ҳокимлик ҳар қандай эркинлик ва тенглик принципларига зиддир. Эркинлик ва тенглик принципларига амал қилмайдиган ҳар қандай давлат кучсиз давлат бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, дейди Н. Макиавелли, маълум шаронтда давлатнинг монархия шаклидан унинг республика шаклига ўтиши зарурдир.

Кўпчилик мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида давлатнинг қонунларига ва қонунчиликка асосланган фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида муҳим фикрлар илгари сурилган. Ж. Локк, Ш. Монтески, Т. Пейни, Т. Жефферсон каби мутафаккирлар жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларига доир қарашларида қонунларнинг кучига ва унинг аҳамиятига катта аҳамият билан қарайдилар. Машҳур инглиз мутафаккири Ж. Локкнинг фикрича, қонунлар шахс эркинлигини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришнинг зарур шартидир. «Қаердаки, қонунлар кучли бўлса, — дейди у, — бундай жойда амалдаги эркинликка эришилади».

Ж. Локкнинг бу масаладаги қарашлари кейинчалик Т. Пейни, Т. Жефферсон каби американлик машҳур мутафаккир-олимларнинг сиёсий қарашларида ҳам тўла акс этади. Улар монархия бошқарувини батамом рад этиб, демократик сайловларга асосланган республика бошқарувини қўллаб-қувватлайдилар. Улар халқ оммасининг сиёсий ҳаётда фаол иштирок ётиши учун амалдаги ҳуқуқларни бериш зарурлигини таъкидлайдилар. Т. Жефферсоннинг бу масаладаги қарашлари кейинчалик АҚШнинг миллий мустақиллик Деклорациясига асос қилиб олинганлиги бу мутафаккирларнинг сиёсий қарашлари мамлакат ҳаётида қанчалик катта роль ўйнаганигини амалда тасдиқлайди.

Аҳолининг жамият ишларида фаол иштирок этиши ғояси ҳам кўплаб мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида ўз ифодасини топган. Улар инсон омилиниңг ро-лига юксак баҳо бериб, кишилар биргаликда ҳаракат қилганларидагина ўз мақсадларига эришишлари мум-кин деб ҳисоблайдилар. Уларнинг назарида инсоннинг жамият ишларидан четда туриши унинг сиёсий онгсиз-лигидир. Н. Макиавеллининг фикрича, инсон яратувчи ва курашувчи сифатида ҳаракат қилмоғи лозим. Бу ғоя инглиз мутафаккири Ж. Локк томонидан ривожлантирилиб, у инсоннинг фаолиятини давлат тушунчаси билан боғлаб таърифлайди: «Кишиларни ягона мақсад учун курашга бирлаштирган давлат, — дейди у, — сиёсий ҳокимиятни кишиларнинг фаол ҳаракатлари натижаси-да амалга оширмоғи лозим».

Буюк рус мутафаккири Ф. Прокоповичнинг қарашларида эса, бу масала асосий ўринни эгаллайди. Унинг ёзишича, кишилар ўзларининг табиий ҳолатларида ваҳший ҳайвонлар каби бир-бирларини ғажиб ташлайдилар. Шунинг учун ҳам улар табиий ҳолатдан чиқиб, жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашишлари ва «фуқаролар иттифоқи»ни тузишлари зарур. Бу иттифоқ асо-сида, дейди у, кишилар олий сиёсий ҳокимиятини ўрна-тишга келишиб оладилар.

Халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масалалар ҳам ўша даврда яшаган мутафаккирларнинг қарашларидан четда қолмаган. Улар ўзларининг бу масаладаги қарашларида турли мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш, босқинчилик урушларидан воз кечиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Бу масалада, айниқса американлик мутафаккир Т. Пейнининг қарашла-ри алоҳида ажралиб туради. У бир томондан, тинчлик ғоясининг моҳиятини тушунириб беришга ҳаракат қилса, иккинчли томондан, эса, урушга қарши тинчлик учун кураш олиб боришнинг зарурлигини асослаб бе-ришга ҳаракат қиласи.

Т. Пейни Англияниң Шимолий Америкадаги мустам-лакачилик сиёсатини қаттиқ қоралайди ва америка хал-қининг инглиз босқинчиларига қарши курашини инқи-лобий ҳаракат деб таърифлайди.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари-га доир қарашларда XVI—XVIII асрларда яшаб ижод этган у топик социалистларнинг сиёсий таълимотлари

ҳам алоҳида ажралиб туради. Улар ҳам ўз даврининг илғор кишилари қатори ўзлари яшаган даврининг сиёсий масалалари тўғрисида муҳим фояларни илгари сурганлар.

Дастлабки утопик қарашлар Т. Мор ва Т. Компенеллаларнинг номлари билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз даврининг сиёсий масалалари ҳақида қимматли маълумотлар берганлар ва уларни ҳал этишнинг йўлларини хаёлан тасвирлаб беришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг бу масаладаги қарашларида, айниқса, давлат бошқаруви ишларини ташкил этиш ва уни амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш ва бунда қонунларнинг кучидан фойдаланиш, давлатлар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириб бориш, урушга қарши тинчлик учун кураш каби масалалар муҳим ўрин эгаллайди.

Аммо утопик социалистларнинг бутун эътиборп, аслида, социал тенгизлилкка қарши курашдан иборат бўлиб, улар жамиятда ҳамманинг тенг бўлиши фоясини асослашга уринган эдилар. Уларнинг сиёсий қарашларида илгари сурилган фоялар амалда кишиларни қўпол равишда тенглаштиришга қаратилган эди.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Фарбий Европада капитализм тўла ғалабага эришди ва капиталистик муносабатларнинг бундан кейинги ривожланиши учун кенг йўл очилди. Капитализм Фарбий Европа мамлакатларида ўзининг бу ғалабасига саноат инқилоби натижасида эришди.

Капитализмнинг ғалабаси жамиятнинг сиёсий тузилишини тубдан ўзгартиришга олиб қелди. Натижада жамиятнинг сиёсий ҳаётида демократик жараёнлар қарор топди, шахс эркинлиги ва жамият аъзоларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий тенглиги қонун йўли билан мустаҳкамлана борди. Турли хилдаги сиёсий ҳамда жамоат ташкилотлари ташкил топа бориб, уларнинг ҳар бири сиёсий ҳаётда фаол қатнаша борди.

Капиталистик жамиятнинг ғалабаси натижасида унинг сиёсий ҳаётида ва сиёсий муносабатларида рўй берган муҳим ўзгаришлар ўша йилларда яшаган ва ижод қилган буюк мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида ўз аксини топа борди. Уларнинг ҳар бири капитализмнинг сиёсий ҳаётида бўлаётган воқеаларга ўз муносабатларини билдирилар ва бу ҳақда муҳим фояларни илгари сурдилар.

XIX асрда сиёсий қарашларнинг ривожланишига буюк инглиз мутафаккири И. Бентам (1748—1832) мұхым ҳисса құшган эди. У ўз замондошлари орасыда бириңчи бўлиб сиёсатни либераллаштириш, капиталистик муносабатларни эркин ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги ҳамда давлат мұассасаларини демократиялаш ғоясини илгари сурди. Эркин рако-бат ва хусусий мулкчилик ташаббусига асосланган сиёсатга амал қилиш зарурлиги И. Бентам қарашларида асосий ўринни эгаллади.

Буюк француз мутафаккири Б. Конистан (1767—1830) нинг сиёсий қарашларида шахс ва давлатнинг нисбати масаласи асосий ўринни эгаллади. Бу масалани у фуқаролик ва сиёсий эркинликнинг нисбати мисолида тушунтириб беришга ҳаракат қылган. Унинг фикрича, эркинлик иккى қисмга: фуқаролик эркинлиги ҳамда сиёсий эркинликка бўлинади. Қадимги халқлар, дейди Б. Конистан, фақат кўпчиликнинг фаол ва бевосита иштирокида амалга ошириладиган сиёсий эркинликка эга бўлган. Бироқ инсон сиёсий эркинликка эришиш билан ўзининг шахсий, фуқаролик эркинлигига эга бўлмаган. Унинг бу эркинлиги батамом давлат сиёсатига бўйсундирилган. Шунинг учун ҳам, дейди у, фуқаролик эркинлиги томон ҳаракат қилиш кишиларни эркин фикрлашга, эркин сўзлашга ва эркин ҳаракат қилишга олиб борадики, бунинг оқибатида узоқ йиллар давомида эркинликни бўғиб келган феодад муносабатлари ҳамда монархия ҳукмронлиги тугатилади.

Германияда сиёсий қарашларнинг ривожланиши буюк олим ва мутафаккир Л. Штейн (1815—1890) нинг номи билан боғлиқдир. Унинг сиёсий қарашларида давлат билан фуқаролар жамиятини фарқ қилиш ҳамда конституциявий монархияга асосланган ҳокимият масаласи алоҳида ажralиб туради. У давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг маҳсулі деб ҳисоблайди. Аммо унинг назаридаги давлат конституциявий монархия шаклида бўлиши лозим, чунки демократик республика жамиятга нисбатан мустақилликка эга бўлмайди, у йўқсиллар ҳукмронлигининг ўрнатилишига олиб келадики, бунинг оқибатида истебдод келиб чиқади. Бироқ Л. Штейннинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки демократия ҳеч қачон истебдодни вужудга келтирмайди.

Шундай қилиб кўрамизки, Фарбий Европа ва Америкада яшаган кўплаб мутафаккирлар «Политология»

фани масалаларига доир ўз қарашларида бу фаннинг шаклланиши ва ривожланишига муносиб даражада ҳисса қўшганлар. «Политология» фанининг кўпгина масалалари биринчи марта ана шу даврда яшаган мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида ўз ифодасини топган.

3. Политологиянинг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиши

«Политология»нинг назарий фан сифатида вужудга келиши ва унда ўрганиладиган масалаларнинг илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниши асосан XX асрнинг ўрталарида келиб амалий воқеликка айланди. XX асргача бўлган барча даврларда «Политология» фани масалалари сиёсий қарашларда акс этиб келди.

XX аср — «Политология» фани масалаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда муҳим босқич

XX аср тарихий тараққиёттинг бошқа босқичларидан шу билан фарқ қиласдики, унда, бир томондан, «Политология» фани масалаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш давом эттирилган бўлса, иккинчи томондан эса, «Политология» фанини ўқитиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди. «Политология» нинг алоҳида фан сифатида вужудга келиши ҳам XX асрнинг маҳсули ҳисобланади.

Агар XX асрга қадар «Политология» фанига доир хилма-хил масалалар сиёсий қарашларда акс этиб келган бўлса, бу даврга келиб эса, «Политология» назарий фан сифатида ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

XX асрда рўй берган муҳим сиёсий воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришлар «Политология»нинг илмий-назарий фан сифатида вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўзгаришларнинг энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

— дунёнинг кўпчилик мамлакатларида демократик сиёсий тузумлар қарор топди ва ҳуқуқий давлатларни барпо этишга эришилди;

— давлат қурилиши ва бошқарувининг янги механизmlари ташкил топди, миллий давлатчиликнинг ёиги шакллари вужудга келди;

— дунёда кўплаб сиёсий партиялар ташкил топди ва уларнинг жамият ҳаётига таъсири ўсиб борди;

— жаҳоннинг турли мамлакатлари ва миintaқаларида оммавий демократик ҳаракатлар авж олди, уларнинг

жамият ҳаётига ва халқаро муносабатларга таъсири кучайди;

— меҳнаткашларнинг хилма-хил қатламлари ва табақалари манфаатларини ҳимоя қилувчи ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари тузилди;

— дунёда ўнлаб халқаро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ташкилотлар вужудга келди, уларнинг халқаро муносабатларга таъсири ўсиб борди;

— мустамлакачилик системасининг емирилиши натижасида дунёда кўплаб янги, ёш мустақил давлатлар ташкил топди ва уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва аҳамияти ўсиб борди.

ХХ асрнинг сиёсий ҳаётида рўй берган бу каби муҳим ўзгаришлар «Политология»нинг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

«Политология»ни фан сифатида асослаб беришда Ганс Жоҳам Моргенату, Жеймс Розенау, З. Бзежинский, Раймон Арон, Морис Дюверже, Макс Вебер сингари кўплаб американлик ва Фарбий европалик политолог олимларнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. Улар ХХ асрнинг муҳим сиёсий воқеа-ҳодисаларини чуқур ўрганиш ва илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида «Политология» фанининг яратилиши ва ривожлантирилиши ишига жуда катта ҳисса қўшдилар.

ХХ асрда яшаган американлик политолог Моргентау «Политология» фанининг халқаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш ишига жуда катта ҳисса қўшди. У халқаро муносабатларда АҚШнинг тутган ўрни ва ролини ўрганиб, бу соҳада АҚШ ҳукуматининг қандай сиёсий йўл тутиши масаласида кўплаб амалий маслаҳатлар берди. Унинг фикрича, АҚШнинг тараққиёти ва ривожланиши фақат шу мамлакатнинг манфаатларигагина боғлиқ бўлмай, балки у жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг умумий манфаатларига ҳам асосланиши лозимлигини кўплаб амалий мисоллар асосида тушунтириб берди.

Моргентау АҚШнинг ташқи сиёсий фаолияти масалаларини ўрганишга катта эътибор берган эди. Унинг ёзишича, музокаралар соҳасини ғоявий муҳолифликдан тозалаш АҚШ ташқи сиёсатининг муваффақиятини таъминлайди. «Бир томоннинг ғоявий устунлиги билан,— дейди у, — ҳеч қачон муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, — деб уқтиради Моргентау, —

давлатлар ўзларининг ташқи сиёсатини ғоявий курашдан холи тутишлари, деидеологизация сиёсатини олиб боришлари лозим».

Франциялик политолог Раймон Арон, германиялик политолог Макс Веберлар ҳам ҳалқаро муносабатлар, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқ масалаларни чукур таҳлил қилиб бердилар. Уларнинг ҳар бири Франция ва Германиянинг ички сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни ўрганиш билан бирга, «Политология»нинг сиёсий ҳокимият, давлат ва демократия, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, шахс ва сиёсат каби хилма-хил масалалари бўйича ҳам муҳим фикрларни билдирилар. Уларнинг «Политология» фани масалаларига доир илгари сурган назарий ҳулосалари ва амалий кўрсатмалари шу мамлакатлардаги сиёсий кучлар, давлат ва жамоат раҳбарлари, президентлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий йўлини белгилашда политолог олимларнинг қимматли фикрларидан ва кўрсатмаларидан маълум даражада фойдаландилар.

ХХ аср «Политология» фанининг барча масалаларини ривожлантиришда алоҳида босқич ҳисобланади. Бу босқичда дунёнинг турли мамлакатларида ва ҳалқаро майдонда муҳим сиёсий воқеалар рўй берди. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари, Октябрь инцилоби, дунёнинг иккита лагерга ажралиши, улар орасида антогонистик қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши, совуқ уруш муносабатлари ва кейинчалик ҳалқаро иқлимининг соғломлаштирилиши ана шу даврни характерлайдиган муҳим сиёсий воқеаларнинг асосийлариидир. Бу воқеалар ва уларнинг таъсирида рўй берган ўзгаришлар, аслида, сиёсий кучлар ҳамда давлатлар томонидан олиб борилган ички ва ташқи сиёсатнинг натижаси бўлди.

ХХ асрнинг сиёсий ҳаётида рўй берган энг муҳим ўзгаришлардан бири собиқ Йиттифоқнинг тарқалиб кетиши бўлди. Бу ўзгариш ўнлаб давлатларнинг тақдирида, ҳалқаро муносабатларда муҳим бурилиш ясади. Farbий Ёвропадаги кўплаб собиқ социализм мамлакатлари тараққиётнинг янги йўлига—демократик жамият қуриш йўлига ўтиб олдилар. Улар собиқ Йиттифоққа қарамлик сиёсатидан чиқиб, ўз мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатида мустақил йўл тута бошладилар.

ХХ асрда Бирлашган Миллётлар Ташкилоти ҳамда бошқа кўплаб нуфузли ҳалқаро сиёсий ташкилотларнинг

тузилиши билан сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришда бир мунча қулай имкониятлар вужудга келди.

Ядровий қуролланиш ва қурол-яроғларнинг даҳшатли турларини ишлаб чиқиши, қуролланиш пойгасини авж олдириш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳам XX асрда олиб борилган сиёсатнинг натижаси бўлди. Уз навбатида қуролланици пойгасини тўхтатиш, ядровий қуролларни синашга чек қўйиш ҳаракати ҳам шу даврда олиб борилган сиёсатнинг самараси ҳисобланади. Хельсинки I ва Хельсинки II Кенгашлари бу соҳада олиб борилган сиёсатда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

XX асрнинг сиёсий ўзгаришларида Ўзбекистон Республикаси алоҳида ўрин эгаллади. Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеа — унинг миллий мустақилликка эришишидан иборатdir. Бу ўзгаришнинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қўйидагича таърифлаб берган эди: «Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рӯёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тиңч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир».¹

III БОБ

СИЁСАТ — ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

Сиёсат — кенг қамровли ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб, у жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида бўладиган воқеа-ҳодисаларни ўзида акс эттиради ва унинг келиб чиқишига у ёки бу даражада сабаб бўлади. Бироқ сиёсат жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг биронтаси билан батамом қўшилиб кетмайди. У ўзининг сифат жиҳатидан фарқ қиливчи хусусиятларига эга бўлиб, бу хусусият унинг жамият ҳаётидаги мустақиллигини ифода этади.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992; З—4-бетлар.

1. Сиёсатнинг таърифи ва ижтимоий моҳияти

Сиёсат жуда мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Унинг таъсирида жамият ҳаётида муҳим ўзгаришлар амалга оширилади. Ҳеч бир сиёсий тузум ёки унда ҳукмрон бўлган бирон-бир сиёсий куч сиёсатнинг таъсиридан четда бўлмайди. Жамият тараққиётининг тезлашуви ёки секинлашиши, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий ҳолатларнинг рўй бериши сиёсатнинг қандай кучлар томонидан ва қандай шаронтларда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига боғлиқдир.

Сиёсат тушунчаси ва унинг таърифи

Ижтимоий-сиёсий фанларда сиёсат тушунчасига жуда кўп-лаб таърифлар берилган. Бундай таърифлар қанчалик кўп ва хилма-хил бўлишига қарамай, уларда сиёсат тушунчасининг моҳиятини очиб беришда умумий ёндашувлар устунлик қиласди. Бу таърифларда сиёсат тушунчаси давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар, синфлар, миллатлар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги хилма-хил фаолияти билан боғлиқ ҳолда асосслаб берилади. Агар айрим политологлар сиёсат тушунчасини «давлат бошқаруви тўғрисидаги фан» деб тушунтирсалар, баъзилари эса уни сиёсий кучларнинг ҳокимиёт учун кураши, давлат ҳокимиётининг шаклларини ифода қиласди деб таърифлайдилар. Сиёсат тушунчасига берилган бошқа таърифларда уларнинг муаллифлари сиёсатни образли тарзда арифметика эмас, алгебра, оддий математика эмас, балки олий математика деб ҳам аташади.

Ўз даврида қадимги юонон файласуфлари Демокрит, Афлотун ва Арастулар ҳам сиёсат тўғрисида муҳим фикрларни билдирганлар ва унинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, Арасту ўзининг «Полития» асарида сиёсатни инсоннинг ижтимоий моҳияти билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб: «Инсоннинг моҳияти унинг сиёсий ҳодиса эканлиги билан белгиланади», деб ёзган эди.

Сиёсат тушунчаси ҳозирги замон «Политология»сида муҳим ўрин эгаллайди. Бу тушунчага таъриф бериш ва унинг жамият ҳаётидаги ролини очиб беришда АҚШ ва Фарбий Европадаги кўплаб политолог олимларнинг хизматлари каттадир. Улар ўзларининг «Политология»

фани масалалариға доир асарларида сиёсат тушунчасига таъриф беріб, унинг сиёсий фан сифатидаги моҳиятини очиб беришга алөхіда аҳамият бермоқдалар.

Сиёсат тушунчасини таърифлаш ва унинг моҳиятини очиб беришда АҚШда М. Ж. Моргентау, Ж. Розенбаум, С. Хантингтон, Англияда Ж. Лоски, Францияда Р. Арон, М. Дюверже, Германияда К. Бейме, Италияда Н. Боббио ва бошқа күплаб политологларнинг хизматлари каттадир. Уларнинг ҳар бири «Политология» фанининг хилма-хил масалаларини таҳлил қилиш билан бирга сиёсатни таърифлаш, унинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қыладилар. Масалан, англиялық политолог Ж. Лоски ўзининг «Сиёсатга кириш» (1957 й.) асарида сиёсатни «давлатнинг фаолияти, унинг ҳаракатларининг ифодаси», деб таърифлайди. Америкалық политолог Роберт Далл ўзининг «Полиархия» асарида сиёсатни «Давлат, ҳокимият, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолиятини күрсатып берувчи воситадир», деб таърифлайди. Германиялық политолог Клаус фон Бейме ўзининг «Сиёсий фанларни қиёслаш» (1988) асарида «Политология» фанида сиёсатнинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганишнинг аҳамиятини күрсатып беради.

Москва Давлат университетининг профессори В. Ф. Халипов ўзининг «Сиёсат—фан ва санъат сифатида» деңгән мақоласида сиёсат тушунчасига қўйидагича таъриф беради: «Сиёсат тушунчаси ўзида синвлар, партиялар ва давлатларнинг мамлакат ичидаги ҳалқаро ишларда қўллайдиган кўрсатма ва мақсадларининг умумлашган ифодаси ҳамда улар томонидан ишлаб чиқилган йўлнинг амалиётда бажарилишини ифода қиласи» («Социально-политические науки» журнали, 1991, 9-сон, 39-бет).

Санкт-Петербург университетининг профессори А. А. Беляев сиёсатни қўйидагича таърифлайди: «Сиёсат — бу давлат органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатларнинг жамиятдаги йирик ижтимоий гурӯҳлар, биринчи навбатда синвлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасидаги фаолиятидир» (Уша жойда, 42-бет).

«Политология асослари» ўқув қўлланмасида сиёсат тушунчасига қўйидагича таъриф берилади: «Сиёсат — бу муайян давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг

мамлакат ички ҳаётида ва халқаро майдонда халқлар, миллатлар, синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манбаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир» (67-бет).

Сиёсат тушунчасига турли даврларда политолог олимлар томонидан берилган таърифлар шакл жиҳатидан ҳар хил бўлса-да, бироқ моҳияти ва мазмuni жиҳатидан умумийликка эгадир. Уларнинг ҳаммасида ҳам сиёсат давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг мамлакат ичida ва халқаро майдонда кўрсатадиган фаолияти, жамият ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсир этиб турувчи восита сифатида асослаб берилади. Демак, сиёсат — бу жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган оддий ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга, аниқ мақсадларга эришишига қаратилган фаолият ёки во-ситадир.

Сиёсатни қуруқ гап-сўзлар, мавҳум иборалар, кишиларнинг алоҳида ёки умумий тасаввурлари билан изоҳлаб бўлмайди. Аксинча, сиёсат тўғрисида фикр юритилар экан, бунинг учун, аввало, сиёсат ҳақида илмий билимга эга бўлиш лозим.

Сиёсат фан сифатида сиёсий назариялар ва таълимотлар орқали ўрганилади. Уларда сиёсатнинг хилма-хил масалаларига доир фикрлар илмий жиҳатдан асослаб берилади.

**Сиёсатнинг ижтимоий
моҳияти ва турлари** Сиёсат ўзининг ижтимоий моҳияти, мазмуни ва хусусиятларига кўра кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода у жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни акс эттиради ва уларни иқтисодий сиёсат, маданий сиёсат, миллий сиёсат, социал сиёсат, ҳарбий сиёсат каби турли хил тушунчалар орқали ифодалайди. Тор маънода эса сиёсат жамият ҳаётининг алоҳида бир соҳасида, яъни унинг сиёсий соҳасида рўй берадиган ўзгаришларни ифодалайди ва шу соҳанинг ўзига нисбатан қўлланилади.

Жамиятдаги барча сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти сиёсатнинг тор маъноси орқали очиб берилади. Халқаро ташкилотларнинг сиёсий фаолияти ҳам сиёсатнинг тор маънодаги ифодасидир.

Сиёсат тор маънода давлатларнинг ички ва ташки

фаолияти, халқаро сиёсий муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўзида акс эттиради.

Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг объектив қонуниятларига мувофиқ равишда ишлаб чиқишлиши ва амалга оширилиши зарур. Объектив қонуниятлар характеристига мос келмайдиган сиёсат жамият ҳётидаги турли хилдаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ҳамда кўплаб нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Сиёсат субъектив фаолиятнинг натижасидир. Уни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда сиёсатнинг хилмачил субъектлари иштирок этади. Сиёсат жамиятдаги бошқа ижтимоий ҳодисаларга қараганда тез ўзгариб туради. Барча даврлар учун бир хилдаги сиёсатни қўллаш мумкин бўлмагани каби, ижтимоий ҳаётдаги хилма-хил муаммоларни ҳам айнан бир хилдаги сиёсатни қўллаш ўйли билан ҳал қилиб бўлмайди. Вазиятнинг ўзгариши сиёсатнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Сиёсатга хос бўлган бу хусусият давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига ҳам, халқаро сиёсий муносабатларга ҳам дахлдордир.

Ҳар бир давлат, ҳар бир сиёсий партия сиёсатни бир-бирларидан мустақил равишда ишлаб чиқадилар. Бир давлатнинг, бир партияниң олиб борадиган сиёсий ўйли бошқалар учун мажбурий бўлмайди. Сиёсат субъектларининг ҳар бири уни маълум шарт-шароит ва вазиятга қараб ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Сиёсатнинг ижтимоий моҳияти унинг турли сиёсат субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган сиёсий ўзаро мувофиқ келиши билан ҳам белгиланади. Сиёсат субъектларининг сиёсий ўйлни ишлаб чиқиши, жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган муаммоларни ҳал қилишга ёндашишларда кўпгина ўхшаш, умумий томонлар мавжуд бўлади. Бу ҳол, айниқса, давлат сиёсати мисолида жуда аниқ ифодаланади. Бир гурӯҳ давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида шундай умумий жиҳатлар мавжуд бўладики, бунинг натижасида уларнинг жамият ҳаётига доир масалаларни ҳал қилишларида умумийлик ҳолатлари мавжуд бўлади. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодига ўтиш сиёсати собиқ Иттилоқ таркибидан ажralиб чиқсан барча мустақил давлатларнинг ички сиёсатидаги асосий йўналишлардан бири-дир. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги айрим

мустақил давлатларнинг ички сиёсатида ҳам бозор иқтисодига ўтиш сиёсатини олиб бориш муҳим ўринни эгалламоқда. Бундай мисолларни давлатларнинг ташки сиёсати соҳасидаги фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Сиёсат ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра бекиёс бир санъатdir. У фаолиятнинг мураккаб соҳаси бўлиб, давлат ва жамоат арбобларига, ҳукмрон сиёсий кучлар ва партияларга уларнинг кенг жамоатчиликни ўз таъсириларида сақлаб туришларида устунлик билан ҳаракат қилишларидан иборат. Сиёсат — бу ўйлаб босилган қадам, келишувлар, ёнберишлар, сиқуввлардир. Сиёсат — бу баъзида айёрлик қилиш, алдаш, баъзида ишонтириш ҳамдир. Сиёсатга хос бўлган бу каби хусусиятлар унинг санъат сифатидаги ролини очиқ-оидин кўрсатиб беради.

Жамият тараққиётининг бутун тажрибаси сиёсатнинг ҳамма вақт ҳам ҳаққоний ва ҳалол бўлмаганлигини, у жамият эҳтиёжларини қондиришга, ундаги муаммоларни оқилона ҳал этишга хизмат қилмаганлигини кўрсатади. Тарихда рўй берган кўплаб инқилоблар, давлат тўнташилари, босқинчилик урушларни ва бошқа шуларга ўхшаш воқеа-ҳодисалар айрим ҳукмрон кучларнинг сиёсатдан ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаланганликларининг натижаси эканлитини кўрсатади.

Жамият манбаатларига, унинг равнақи ва тараққиётига хизмат қилишга қаратилган ҳаққоний сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб бориш сиёсатнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Бундай сиёсат орқали жамият аъзоларида сиёсат субъектларининг фаолиятига ишонч кучаяди, уларни қўллаб-қувватлайдиган кучлар сафи кенгайиб боради.

Сиёсат ўзининг моҳияти ва хусусиятларига кўра иккита турга — адолатли ёки тараққий парвар сиёсатга ҳамда адолатсиз ёки реакцион сиёсатга бўлинади.

Адолатли сиёсат жамият ҳаётida социал адолатни қарор топтиришга, жамиятнинг янада ривожлашиши ва тараққий қилишига, дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликни таъминлашга қаратилган фаолият, воситадир. У жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни холисона баҳолашга, етилган муаммоларни илмий жиҳатдан асосланган тадбирлар орқали ҳал этишга, аҳоли турли қатламлари-

нинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади:

Халқаро майдонда адолатли сиёсат давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, ҳамкорликнинг барча соҳаларини ривожлантиришга, дунёнинг бир бутунлиги ва яхлитлигини сақлаб қолишга, халқаро мажароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва бошқа шу лар каби умуминсоний манфаатларга хизмат қилувчи натижаларга эришишига қаратилган бўлади.

Адолатли сиёсат ўзининг инсонпарварлик, тинчлик-севарлик, тараққийпарварлик хусусиятлари билан адолатсиз, реакцион сиёсатдан фарқ қиласди. Адолатли сиёсат мамлакатнинг равнақ топиши, унда фуқаролар тотувлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, турли сиёсий кучларнинг ўзаро аҳиллик билан ҳаракат қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Адолатсиз сиёсат ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилишга, айрим сиёсий кучларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, демократияни бўғишига, оммани зўрлик, дўйк-пўписалар билан сақлаб туришга сабаб бўлади. Бу сиёсат халқаро майдонда зўравонлик қилишга, босқинчилик ҳаракатларини оқлашга, давлатлар ўртасида ишончсизлик уруфини сочишга қаратилган фаолият ёки воситадир. Бундай сиёсат қуролланиш пойгасини авж олдиришга, милитаризм, фашизм ва бошқа реакцион кучлар фаолиятини оширишга хизмат қиласди. Бу сиёсат инсониятга беҳисоб кулфатлар келтиради, жаҳон афкор оммасини асоратга солишга ундейди.

Ҳеч бир сиёсий куч ўзи олиб борадиган сиёсатнинг адолатсиз эканлигини тан олмайди. У ўз сиёсатининг моҳияти адолатсиз эканлигини англаса-да, бироқ уни турли хил пардаларга ўраб кўрсатишга ва инсониятни унга ишонтиришга ҳаракат қиласди. Уз вақтида, ҳатто, Напалеон, Гитлер ҳам ўзлари олиб борган ички ва ташқи сиёсатни адолатли қилиб кўрсатишга ва шу йўл билан ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишига ҳаракат қилишган.

Сиёсат ўзининг тузилишига кўра икки турга—ички ва ташқи сиёсатга бўлинади.

Ички сиёсат — бу сиёсат субъектларининг мамлакат ичкарисида амалга оширадиган фаолиятидир. Ички сиёсат ўзининг мазмуни ва хусусиятларига кўра ташқи сиёсатдан фарқ қиласди. Агар ички сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда сиёсат субъектларининг барчаси у ёки бу даражада иштирок этса, ташқи

сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эса, давлат ташкилоти асосий роль ўйнайды. Сиёсатнинг бошқа субъектлари, масалан, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, ижтимоий ташкилотлар давлат олиб бораётган ташқи сиёсатга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Ички сиёсат мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли бўлганлиги учун ҳам ўзининг хилма-хил кўринишларига эга бўлади. Жумладан, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ёки бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган сиёсат иқтисодий сиёсат деб аталади. Ижтимоий масалаларни ҳал қилиш соҳасида ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган сиёсат — бу социал сиёсатдир. Худди шулар каби жамиятнинг сиёсий, маданий, миллий, ҳарбий соҳаларидағи муаммоларни ҳал этишга қаратилган сиёсат ҳам шу соҳаларга мувофиқ кўринишда бўлган сиёсатни ифодалайди.

Ички сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар бир мамлакатнинг ички имкониятларига боғлиқ. Имконият деганда асосан икки нарса назарда тутилади. Биринчиси, ҳар бир мамлакатнинг умумий ижтимоий аҳволи, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ривожланганлик даражаси бўлиб, иккинчиси эса, сиёсат субъектларининг жамиятни ривожлантириш ишларига фаоллик даражасидан иборат. Ана шу икки хил имконият ички сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда асосий омил ҳисобланади.

Ички сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда зиддиятлар бўлиши, объектив ва субъектив характердаги хатоликларга йўл қўйилиши истисно қилинмайди. Субъектив фаолиятдаги ҳар қандай янглишишлар ички сиёсатга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас. Шундай экан, ички сиёсатни ишлаб чиқишида жамиятнинг объектив ҳолатини ҳисобга олиш, вазиятни тўғри баҳолай билиш, ишлаб чиқилаётган сиёсат қандай натижаларга олиб бориши мумкинлигини пайқай билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ички сиёсат каби ташқи сиёсат ҳам сиёсат субъектларининг фаоллигига боғлиқдир. Юқорида қайд этилганидек, ташқи сиёсатда давлат ташкилотининг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Сиёсатнинг бошқа бирон-бир субъекти ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ташкилоти сингари имкониятга эга эмас. Ҳатто ҳукмрон сиёсий партиялар ҳам

ташқи сиёсатни давлат ташкилоти даражасида амалга ошира олмайди.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари объектив зарурый жараёндир. Чунки ташқи ҳамкорлик ва алоқалардан ажралган ҳолда бирон-бир мамлакат ривожлана олмайди.

Ташқи сиёсат мамлакатнинг ички эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Ҳеч бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида бошқа бирон-бир давлат манфаатини ўз мамлакати манфаатидан устун қўймайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ўзининг Фарбга ёки Шарққа нисбатан олиб борадиган сиёсатида шу минтақадаги мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни олиб борар экан, энг аввало, ана шу муносабатларнинг натижалари Ўзбекистон мамлакати учун фойдали бўлишини назарда тутади. Албатта бунда бошқа мамлакатларнинг манфаатлари камситилмайди, уларнинг ривожланишига халақит қиладиган ғаразли мақсадлар кўзда тутилмайди.

Давлатларнинг ташқи сиёсати тарихдан маълумки, айrim ҳолларда у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсатида бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралashiш, баъзи мамлакатларда рўй берадиган прогрессив ўзгаришларга ҳалал бериш ва шу йўл билан жаҳон майдонида ўз мавқенини юқори қўйишга интилиш ҳоллари бўлиб келган.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари ўзгариб турди. Ташқи сиёсатдаги ўзгарувчанлик сиёсат субъектларининг фаолиятига ҳамда ҳалқаро муносабатларнинг боришига боғлиқдир. Маълумки, жаҳон майдонида янгидан-янги воқеа-ҳодисалар рўй бериб турди, уларга барча сиёсий кучлар бир хил муносабатда бўлмайдилар. Бу ҳол, шубҳасиз, ташқи сиёсатда ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Ташқи сиёсий фаолиятнинг кўпчилик соҳаларида турли давлатларнинг мақсадлари бир-бирига мос бўлиб тушади. Бу ҳол, айниқса, тинчлик учун кураш, ҳалқаро хавфсизликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишда яққол намоён бўлади. Бир эмас, балки бир қанча давлатларнинг ташқи сиёсатга хос бўлган умумийликни яққол акс эттиради.

Давлатлар ташқи сиёсатига хос бўлган умумийлик-

нинг амалдаги ифодасини Узбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари мисолида жуда аниқ кўриш мумкин. Маълумки, ҳозирги кунда Узбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кураш, ўзаро манфаатдорлик асосидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва мамлакат чегарасини ҳимоя қилиш, кескин экологик ва бошқа муҳим вазифаларни амалга оширишдан иборат. Бундай йўналишлар ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек жаҳондаги барча тинчликсевар мамлакатлар ташқи сиёсатидаги асосий йўналишлардир. Кўпчилик давлатларнинг ташқи сиёсатидаги бундай мувофиқлик, сиёсатга хос бўлган умумийликни ифодалайди.

2. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши

Жамият ҳаётининг сиёсатдан холи бўлган бирон бир соҳаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Сиёсат шунчалик кенг ва кўпқирралик фаолият ҳисобланадики, у жамиятнинг барча соҳаларига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиб туради.

Сиёсат ва иқтисодиёт Сиёсат иқтисодий ҳаётга жуда кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишга сиёсий жиҳатдан тўғри ёндашмасдан туриб, бу соҳадаги вазифаларни самарали амалга ошириб бўлмайди. Бироқ ҳар қандай сиёсат ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг қудратли воситаси бўлолмайди. У қачонки жамият иқтисодий ривожланишининг объектив қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқса ва улар кучидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилса, шундагина иқтисодий сиёсат самарали натижалирга эришишни таъминлаши мумкин. Агар сиёсат иқтисодий қонунлар талабини ҳисобга олмасдан илгари сурилса, бундай шароитда жамиятда иқтисодий тангликлар, қийинчиликлар, инқирозий ҳолатлар келиб чиқади.

Сиёсатнинг иқтисодга нисбатан белгиловчилик роли унинг иқтисодий ривожланишдан олдинлаб кетиши ёки ундан орқада қолишида ҳам кўринади. Ҳар бир мамлакатда бирон-бир иқтисодий ўзгариш дастлаб сиёсий

жиҳатдан ҳал қилинади. Масалан, мамлакатларнинг парламентларида иқтисодий масалаларнинг кўриб чиқилиши, шу масалалар бўйича қарорларнинг қабул қилиниши иқтисодий масалаларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилишнинг амалдаги ифодасидир.

Сиёсат жамиятнинг иқтисодий ривожланиш имкониятлари ва талабларидан орқада қолиши ҳам мумкин. Иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини ўз вақтида пайқай олмаслик ва унга мувофиқ сиёсий йўлни ишлаб чиқа билмаслик сиёсатнинг иқтисодий ривожланишдан орқада қолишини билдиради.

Сиёсат иқтисод билан чамбарчас боғлиқдир. Сиёсат иқтисодга қанчалик кучли таъсир кўрсатса, иқтисод ҳам сиёсатга шунчалик кучли таъсир этади. Иқтисоднинг сиёсатга таъсири ва унинг сиёсатга нисбатан белгиловчилик роли унинг сиёсатга нисбатан устиворлигида кўринади.

Иқтисоднинг сиёсатга нисбатан устиворлиги қўйидаги ҳолларда жуда аниқ кўринади: биринчидан, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўзгаришлар ўзининг объектив қонунлари асосида боради. Уни ҳеч қандай сиёсий воситалар ёрдами билан ўзгартириш мумкин эмас; иккинчидан, иқтисод мақсад сифатида сиёсий ташкилотлар мавжудлигининг зарур шартидир. Ҳар қандай ташкилот ёки сиёсат субъекти моддий жиҳатдан таъминланганда гина фаолият кўрсата олади; учинчидан, кўп ҳолларда сиёсат иқтисодий манфаатларни кўзлаб амалга оширилади. Ҳатто сиёсий ҳокимият учун курашнинг заминида ҳам иқтисодий манфаат ётади.

Шундай қилиб, кўрамизки, сиёсат билан иқтисод жамият ҳаётида ўзига хос кўпгина жиҳатларга эгадир. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилашда ана шу хусусиятларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Сиёсатнинг иқтисодий ҳаётга таъсир этиш кучини ҳисобга олиш билан бирга, иқтисоднинг ҳам сиёсатга қиласиган таъсирини ҳам назардан четда қолдириш мумкин эмас.

Сиёсат билан иқтисоднинг бирлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мисолида жуда аниқ кўришимиз мумкин. Бу сиёсатнинг муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Чунон-

чи, иқтисодий сиёсат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунларга таянган ҳолда амалга оширила бошланди.

2. Бозор иқтисодига ўтиш учун зарур бўлган сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Кредит-банк тизими, пул муомаласи, валюта муносабатлари, солиқ тизимини тартибга солишда давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият кўрсата бошлади.

3. Иқтисодиётнинг бир ёқлама хом ашёга йўналтирилганлигига барҳам берилиши Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг амалий натижаларидан бири бўлиб қолди.

4. Қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга киришиш иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

5. Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларни ривожлантириш ишида сиёсатнинг барча субъектлари фаол иштирок қила бошлади.

7. Мамлакатимизда ташки иқтисодий фаолиятни кенгайтириш бўйича аниқ мақсадларни кўзлаган сиёсат юритила бошланди.

Сиёсатнинг социал ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши

Сиёсат жамиятнинг барча соҳаларидаги каби унинг социал соҳасига ҳам таъсир кўрсатади.

Сиёсатнинг социал соҳа билан алоқадорлиги шундаки, социал соҳадаги вазифаларни илмий жиҳатдан асосланган сиёсий йўлни ишлаб чиқмасдан туриб ҳал қилиш мумкин эмас. Социал сиёсатда йўл қўйилган ҳар қандай хато ва янглишишлар бу соҳада кескинлик ҳолатларининг кучайишига олиб келади.

Жамиятнинг социал соҳаси ҳам унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалари каби кенг қамровли жараёндир. Кенг маънода социал соҳа аҳолининг турмуш шароитларини, синфий ва миллий муносабатларни, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатларни, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни, оила-никоҳ муносабатларини ўзида акс эттиради. Тор маънода эса, социал соҳа жамият аъзоларининг турмуш шароитларига дахлдор масалаларни ифода этади. Бу соҳаларнинг барчасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган сиёсат социал сиёсат деб аталади.

Социал соҳа тор маънода қуйидагиларни ўз ичига

олади: аҳолининг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини; аҳолининг уй-жойлар билан таъминланиши, уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, уларга ижтимоий ёки якка тартибда хизмат кўрсатиш соҳалари.

Сиёсатнинг социал соҳа билан боғлиқлити у ёки бу ижтимоий тузумнинг моҳияти билан белгиланмайди. Ҳар қандай жамиятда ҳам сиёсат социал соҳага таъсир қиласи ва бу соҳада амалга ошириладиган ўзгаришларнинг хусусиятларини белгилаб беради. Социал сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва унинг таъсир қилиш даражаси эса, турли мамлакатларда ва ҳатто турли жамиятларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, қулдорлик, феодализм ёки капитализм жамиятларида социал соҳада амалга оширилган ўзгаришлар айнан бир хилда бўлмаган.

Социал соҳада ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсат ҳамиша аниқ тарихий мазмунга эга бўлади, яъни ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда мавжуд бўлган объектив ва субъектив шартшароитлар социал соҳадаги сиёсий йўлни ишлаб чиқишида ўзига хосликни тақозо қиласи. Бир мамлакатда ишлаб чиқилган сиёсий йўл, айни пайтда бошқа мамлакатларнинг социал соҳада ишлаб чиқилган сиёсий йўлига тўла мос келмайди. Шунинг учун ҳам барча даврлар ва барча мамлакатлар учун бир қолипда ишланган сиёсатни олиб бориш мумкин эмас.

Социал сиёсатнинг самарали натижасини амалиёт кўрсатади. Қайси бир мамлакатда социал соҳага қолдиқ принципи асосида ёндашилса, бундай мамлакатда жамиятнинг социал соҳасида зиддият ва қарама-қаршиликлар кескинлашади, жамият аъзоларининг ҳаёт шароитлари оғирлашади.

Социал масалаларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш маъмурий буйруқбозлик усулларидан воз кечишини тақозо қилди. Бу сиёсат чуқур демократизмга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Фикрлар хилма-хиллиги ва тўла ошкоралик шароитида социал масалаларни ҳал қилишда самарали натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Социал масалани сиёсий жиҳатдан ҳал этишда турли мамлакатларда тўплланган амалий тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Гарчи ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий тузуми, социал-иқтисодий ва

маънавий ривожланишида ўзига хослик бўлса-да, бироқ уларда кўпгина умумий томонлар ҳам мавжуд бўлади. Ана шу умумий томонлар у ёки бу мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган социал сиёсатга асос қилиб олиниши лозим.

Сиёсатнинг маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши

Сиёсат жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқлик сиёсатнинг маънавий

ҳаёт соҳасидаги муаммоларини ҳал қилишда айниқса яққол намоён бўлади. Бинобарин, сиёсатнинг таъсирида маънавий ҳаётда ҳам ижобий ёки салбий ўзгаришлар рўй беради. Қайси мамлакатда сиёсат жамиятнинг маънавий ривожланишини кўзлаб амалга оширилса, бундай мамлакатнинг маданий тараққиёти тезлашиб боради. Агар сиёсат мамлакатнинг маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмаса, бундай шароитда жамиятнинг маданий ҳаётида турғунлик рўй беради.

Ўз навбатида, сиёсатнинг самарали олиб борилиши жамиятнинг маънавий омилларига ҳам боғлиқдир. Фан ва маданийтисиз сиёсатнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай сиёсат фанга асосланади, унинг илмий-назарий қоида ва холосаларини ўзида ифода қиласи. Илмий-назарий билимлар қанчалик чуқур бўлса, сиёсат ҳам шунчалик тўғри ва самарали бўлади.

Маданиятнинг сиёсат билан боғлиқлигини ва уларнинг ўзаро таъсирини мамлакатимизнинг маданий ҳаётида бўлаётган жуда кўплаб ўзгаришлар мисолида жуда аниқ кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда маданий ривожланишнинг узоқ тарихи шундан гувоҳлик берадики, турли тарихий даврларда маданий соҳада турлича сиёсат юргизиб келинган. Бундай сиёсат таъсирида айрим даврларда маданий юксалишга эришилган бўлса, айрим даврларда эса, жамиятнинг маданий ҳаётида турғунлик рўй берган. Агар Исмоил Сомоний, Амир Темур, Улуғбек, Бобур Мирзо, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаролар ҳукмронлик қилган йилларда улар олиб борган сиёсат натижасида Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаёти равнақ топиб борган бўлса, араблар, мўғуллар, шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида эса маданий ҳаётда турғунлик, бузилиш ҳоллари рўй берган. Ҳатто Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ таркибида бўлган йилларида ҳам унинг маданий ривожлани-

шига бир томонлама ёндашиб келинган эди. Бу даврда фан, маориф ишларини ривожлантиришга катта эътибор берилган бир пайтда, маънавиятимизни тушкунликка олиб борган сиёсий йўл амалга оширилди. Ўзбек тилининг сиқиб қўйилиши, миллий қадриятларнинг камситилганлиги собиқ совет давлати ҳамда коммунистлар партияси олиб борган бир ёқлама сиёсатнинг натижаси бўлган эди.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши натижасида унинг маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган маданий сиёсатнинг натижасидир. Бу сиёсатнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида ўзининг чуқур ифодасини топган. Конституциянинг 4, 41, 42-моддаларида Ўзбекистон Республикасида барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларнинг яратилиши, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг билим олиши, маданиятнинг барча ютуқларидан баҳраманд бўлиши, жамиятнинг маданий ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши зарурлиги қонун йўли билан мустаҳкамланган. Ўзбекистоннинг маданий ривожланишини ифода этувчи бундай сиёсат орқали жамият ҳаётига сиёсатнинг қанчалик таъсир этишини англаб олиш қийин эмас.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида маданий соҳадаги сиёсат турли хил йўналишларда олиб борилмоқда. Бу йўналишлар қўйидагилардан иборат: ҳалқ маорифини ривожлантириш; олий ва ўрта таълим тизимини такомиллаштириш; миллий қадриятларни қайта тиклаш; ижоднинг барча турларини такомиллаштириб бориш; адабиёт, санъат ва фанни янада ривожлантириш.

Бу муҳим йўналишлар ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон давлати ўзининг ички ва ташқи сиёсатида мамлакатимизни маданий жиҳатдан янада ривожлантириш учун кўп ишлар қилинмоқда. Бу соҳада мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, кўплаб оммавий жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқдалар. Уларнинг бу соҳадаги сиёсий фаолияти натижасида мамлакатимизнинг маданий ҳаётида муҳим ижо-

бий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бар-
часи сиёсатнинг маънавиятга, жамиятнинг маданий,
ривожланишига қанчалик кучли таъсир этаётганлиги-
ни амалда кўрсатмоқда.

**Сиёсат ва миллий му- Сиёсат жамиятнинг миллий
носабатлар** муносабатларига ҳам кучли
таъсир кўрсатади. Миллий ма-

сала фақат социал масала бўлиб қолмасдан, шу билан
бирга у сиёсий масала ҳамдир. Шунга кўра, миллий
муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилишда илмий жи-
ҳатдан асосланган йўлни амалга ошириш муҳим аҳа-
миятга эгадир.

Миллий муносабатларнинг ривожланиш тарихи
шундан гувоҳлик берадики, ўтмишда ҳам, ҳозирги кун-
да ҳам бу масала ҳар бир мамлакатда давлат сиёсати-
нинг муҳим жиҳати бўлиб қолмоқда. Лекин ҳамма
мамлакатларда ҳам миллий сиёсат самарали олиб бо-
рилавермайди. Кўпгина объектив ва субъектив сабаб-
ларга кўра, давлатларнинг миллий муносабатлар со-
ҳасидаги сиёсатида янглишишлар, хато ёндашувлар
рўй бериб туради. Бунинг натижасида миллий муносаб-
атларда танглик ҳолатлари рўй беради, миллатлар
ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқади.

Миллий масалани ҳал қилиш ва миллий муносабат-
ларни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатида йўл
қўйилган хатоликларни, айниқса, собиқ СССР давлати
мисолида жуда аниқ кўришимиз мумкин. Етмиш йил-
дан кўпроқ давр мобайнида бу масалада шунчалик
кўп сиёсий хатоликларга йўл қўйилди, бунинг оқи-
батида миллий масалани самарали ҳал қилишга имкон
бўлмади. Ҳатто миллатларнинг ўз тақдирини ўзи бел-
гилаш ҳуқуқини эътироф этган сиёсий йўл ҳам амалга
oshiрилмади.

Кўпчилик мамлакатларда майда миллатларга нис-
батан олиб борилган хато сиёсат натижасида уларнинг
тили, маданияти ва маънавий қадриятлари камситил-
ди, уларни сунъий равишда ассимиляциялаштиришга
ҳаракатлар қилинди, майда миллатларнинг кўпчилиги-
асоссиз равишда ўз ерларидан мажбуран кўчириб юбо-
рилди.

Миллий масалада ягона назария бўлмагани сингари
ягона сиёсат ҳам олиб борилмади. Миллий муносабат-
лар соҳасидаги муаммолар қанчалик хилма-хил бўлса,

уларни ҳал қилиш соҳасидаги сиёсат ҳам шунчалик ўзига хосликка эга бўлди.

Халқлар ва миллатлар бирлашувининг шаклларига қараб миллий масалага ёндашиш ҳам турлича бўлди. Масалан, давлат қурилишининг федерация ва конфедерация шаклларида миллатлар бирлашувининг алоҳида хусусиятлари намоён бўлади. Агар федерацияда иттифоқ ёки марказ сиёсати юритилса, конфедерацияда эса, мустақил давлат сиёсати олиб борилади.

Миллий сиёсатда ижтимоий ҳаёт социал-иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги муаммолар экслар этади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир миллатнинг ривожланиши унинг ана шу соҳалардаги иштироки билан белгиланади. Шунга кўра миллий сиёсатни ижтимоий ҳаёт соҳаларидан бутунлай ажратиб олган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Ҳар бир давлат ўзи ҳукмронлик қилаётган мамлакатдаги миллатларнинг аҳволи, уларнинг ҳаёт шаронтлари тўғрисида ғамхўрлик қиласар экан, бунда улар, ҳеч шубҳасиз, миллатларнинг маданий ва маънавий ривожи, даражаси, ижтимоий ва маданий турмушига доир муаммолардан ҳоли бўлган сиёсатни олиб бормасликлари лозим.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларидағи сингари, бизнинг мамлакатимизда ҳам кўплаб миллат ва элатларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг умумий сони ҳозирги кунда юздан ошиқни ташкил қиласди. Ўзбекистон ҳукумати ва мамлакатимизда фаолият кўрсатётган сиёсатнинг бошқа субъектлари ўзларининг миллий муносабатлар соҳасидаги сиёсатида муҳим сиёсий йўлни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўл — миллатлар ўртасида дўстлик, қардошлиқ муносабатларини ривожлантириш, миллатлар тотувлиги ва аҳиллигини ривожлантириш, миллий қадриятларни ҳурматлаш, ҳар бир миллатнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини бутун чоралар билан ривожлантиришдан иборат сиёсатни олиб боришdir.

Сиёсатнинг ижтимоий Сиёсат жамият ҳаётининг иқ-
бошқа соҳа- тисодий, социал-сиёсий ва
ларида намоён бўлиши маънавий ҳаёт соҳаларига
қанчалик кучли таъсир
кўрсатса, айни пайтда, у жамият ҳаётининг бошқа

барча соҳаларига ҳам шунчалик кўп таъсир кўрсатади.

Сиёсат жамиятнинг хилма-хил ижтимоий муносабатлари: шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатлар, меҳнат ва меҳнат муносабатлари, оила-никоҳ муносабатлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг амал қилишида яққол намоён бўлади. Бу муносабатлар сиёсат таъсирида бошқарилиб, тартибга солиб турилади.

Сиёсат жамиятнинг ҳарбий соҳаси ва ҳарбий муносабатларида ҳам аниқ намоён бўлади. Ҳарбий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан сиёсатга ва унинг самарали натижаларига боғлиқдир. Ҳар бир давлат ўзининг миллий хавфсизлиги ва миллий мудофаасини ташкил этиш ва уни мустаҳкамлашга ҳаракат қиласиди. Бунда у ҳарбий соҳадаги масалаларни илмий асосланган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш орқали ҳал этишга ҳаракат қиласиди.

Сиёсат халқаро муносабатларни ҳаракатга келтирувчи құдратли куч ҳисобланади. Давлатлар ва халқлар ўртасида турли хилдаги алоқаларнинг ташкил толиши ва ривожланиб бориши, бу муносабатлarda рўй берадиган қарама-қаршиликлар, хатоликлар ва янглишишларнинг келиб чиқиши ёки ҳал этилиши сиёсатга қанчалик боғлиқ экалигини ҳозирги халқаро муносабатларнинг бориши амалда кўрсатиб турибди.

Жамият ҳаётининг қайси бир соҳаси бўлмасин, унда рўй берадиган ҳар қандай катта ёки кичик муаммолар ё сиёсатнинг таъсирида келиб чиқади, ёки унинг ёрдамида ҳал қилинади. Ҳатто алоҳида шахсларнинг жамият ҳаётидаги иштироки ҳам сиёсатнинг бевосита ёки билвосита таъсирида бўлади. Сиёсатнинг бундай ялпи хусусиятга эга бўлиши, унинг объектив моҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кўрамизки, сиёсатнинг таъсиридан ташқарида бўлган ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси йўқ. Сиёсат шундай құдратли восита, фаолият ҳисобланадики, унинг кучи ва таъсири ёрдамида жамият ҳаёти бошқарилади, тартибга солиб турилади, халқаро муносабатлар ташкил қилинади ва ривожлантирилади.

**ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИ ВА СИЁСИЙ
МУНОСАБАТЛАРИ**

IV БОБ

**СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА СИЁСИЙ
МУНОСАБАТЛАР**

Хозирги даврни характерлайдиган асосий хусусиятлардан бири — жамият ҳаётида сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг давом этаётганилигидан иборат. Кишилик жамияти ривожланишининг барча даврларида сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар ўзига хос даражада кечган.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар жамият ҳаётидаги мураккаб сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Уларда шундай ваоқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар рўй берадики, буни ўз вақтида пайқаб олиш, уларни келтириб чиқарган сабабларнинг моҳиятини англаб етиш осон бўлмайди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда рўй берадиган ҳар бир ўзгариш уни келтириб чиқарган шарт-шароитлар ва уларнинг хусусиятлари билан белгиланади.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар жамият ҳаётидаги объектив ҳодисадир. Унинг кечиши жамиятнинг объектив қонунлари ва бу қонунларнинг ҳаракати натижасида рўй беради.

1. Сиёсий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари

Сиёсий жараёнлар — жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг бирлигидан иборат. Бу бирлик сиёсий муносабатлар ва уларнинг боришини ҳам ўзида ифода этади. Давлатларнинг ички ҳаёти ва халқаро сиёсий муносабатларнинг кечиши ҳам сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Сиёсий жараёнлар ту-
шунчаси ва унинг таъ-
рифи** Сиёсий жараёнлар тушунча-
сии сиёсий ҳаёт тушунчаси-
дан фарқ қиласидиган асосий
хусусият — сиёсий жараён-
ларнинг сиёсий ҳаётда воқе бўлишидан иборат.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти унда сиёсий жараёнларнинг рўй беришига сабаб бўлган. Сиёсий жараёнлар ривожланган сари жамиятнинг сиёсий ҳаёти янги мазмун билан бойиб борган. Сиёсий жараёнларда рўй берган ҳар бир ўзгариш ва бу ўзгаришлар оқибатида келиб чиққан хилма-хил муаммолар жамият сиёсий ҳаётининг мурракаблашиб боришига сабаб бўлган.

Сиёсий жараёнларни образли тарзда мавжланиб турган денгиз тўлқинларига қиёс қилиш мумкин. Денгиз тўлқини бир дақиқа ҳам ҳаракатсиз турмагани сингари, сиёсий жараёнлар ҳам доимий ҳаракатда бўлган жамият сиёсий ҳаётини акс эттиради.

Сиёсий жараёнлар оқимини тўхтатиб қолиш мумкин эмас. У объектив жараён бўлиб, кишиларнинг хоҳиш-истагига бўйсунмайди. Шу сабабдан ҳам сиёсий жараёнларнинг боришини истаган пайтда бошқа бирон томонга буриб юбориш мумкин эмас. Бу жараён ўзининг объектив қонунлари ҳаракати асосида узлуксиз давом этади. Сиёсий жараёнларга хос бу хусусиятдан келиб чиққан ҳолда унга қўйидагича таъриф бериш мумкин: **Сиёсий жараёнлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришига айтилади.**

Сиёсий жараёнлар тушунчаси сиёсий муносабатлар тушунчасига қараганда мазмунан кенг маънога эга. Агар сиёсий муносабатлар тушунчаси турли субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодаласа, сиёсий жараёнлар эса, ҳам субъект, ҳам обьект ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ҳар бирида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Сиёсий жараёнлар тушунчасини жамиятнинг иқтисодий, социал ва маданий соҳаларига нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки сиёсий жараёнлар деганда жамиятнинг алоҳида бир соҳасида рўй берадиган ўзгаришлар тушунилади. Аммо бундан сиёсий жараёнлар тушунчасининг таъсир кучини чеклаб қўйиш мумкин эмас. У жамиятнинг иқтисодий, маданий ва социал ҳаёт соҳалари билан боғлиқ равишда ривожланиб боради. Сиёсий жараёнларда бўладиган ўзгаришлар жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида рўй берадиган ўзгаришларга у ёки бу даражада сабаб бўлади. Масалан, сиёсий системанинг ислоҳ қилиниши жамият ҳаётининг бошқа со-

ҳаларида бирон-бир даражадаги ўзгаришнинг рўй беришига сабаб бўлади. Бирон бир мамлакатда сиёсий ҳокимиятнинг алмашиниши шу мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида амалда бўлган тартибларнинг ўзгаришига олиб келади. Янги ҳокимият мамлакатнинг сиёсий йўлини ўзгартириш, мавжуд муаммоларни янгича усуллар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилади.

Жамият ҳаётида сиёсий жараёнларнинг қандай кечганлиги масаласи ўтмишда яшаган буюк мутафаккиролимларнинг эътиборидан четда қолмаган. Қадимги юонон файласўфи Арасту ўзининг «Полития» асарида қулдорлик жамиятининг сиёсий тузилиши, унда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ташкил топиш хусусиятлари, хусусан, давлат тузилиши ва унинг шаклларига доир масалаларни таҳлил қилиб берди. У ўзининг шогирдлари билан биргаликда 158 та қулдорлик давлатларининг тарихини, уларнинг сиёсий фаолиятини, қонунларини ўрганиб чиқди ва бу давлатларда амалга оширилган сиёсий ўзгаришларни ёритишга ҳаракат қилди. У Александр Македонскийнинг тарбиячиси сифатида унинг ҳарбий ҳаракатларини кузатиб борди ва ўша даврнинг сиёсий воқеа-ҳодисаларига ўз муносабатини билдириди.

Ўрта асрларда сиёсий жараёнларнинг қандай кечганлиги масаласи Ўрта Осиёда яшаган мутафаккирлар ва буюк давлат арбобларининг сиёсий қараашларида ҳам ўз ифодасини топган. Фаробий, ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг ҳар бири ўзлари яшаган даврда жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришларни таърифлаб берганлар. Ўша даврларда сиёсий жараёнларнинг қандай кечганлигини улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарида келтирган маълумотларидан жуда аниқ билиш мумкин. Бу асарда Амир Темур марказлашган давлатни қандай қилиб бунёд этганлиги, унда бошқариш ишлари қандай йўлга қўйилганлиги, мамлакатни бошқаришда кенгашлар ўтказиб турганлиги ва бошқа шулар сингари кўплаб сиёсий тадбирларни амалга оширганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Ўрта асрларда сиёсий жараёнларнинг бориши масаласи Алишер Навоийнинг «Тарихи мулки Ажам» асарида жуда аниқ ифодалаб берилган. Навоий ўзининг бу асарида Ажам давлатини бошқарган 65 та шоҳнинг

олиб борган ички ва ташқи сиёсатини таърифлаб берадики, бу орқали биз ўша даврнинг сиёсий жараёнлари қандай борганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўламиз.

Ўрта асрлардан кейинги ўтган давларда Ўрта Осиёда сиёсий жараёнларнинг қандай борганлиги ҳақида буюк бобокалонларимиз кўплаб маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Уларнинг асарлари бизга тарихимизнинг турли давларидаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ишончли маъна бўлиб хизмат қилмоқда.

Сиёсий жараёнларнинг бирлиги ва ўзига хослиги

Сиёсий жараёнлар ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида ҳамда халқаро майдонда рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради. Бу ўзгаришлар ўзининг мөҳияти, мазмуни ва хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилганлиги учун ҳам уларнинг сифатий ва миқдорий мезонларини бир хил ўлчов билан изоҳлаш мумкин эмас.

Ҳозирги даврда дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд бўлган сиёсий тузумлар ва уларда фаолият кўрсататётган сиёсий кучларнинг ҳар хиллиги сиёсий жараёнларнинг ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятлар асосида давом этаётганлигини кўрсатади. Аммо бундан бир мамлакатда давом этаётган сиёсий жараён бошқа мамлакатлардагидан батамом фарқ қиласди, деган хато хулоса чиқармаслик керак.

Бир мамлакатда рўй берадиган сиёсий ўзгариш дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бўлиши табиий. Бундай ўзгаришлар жуда кўп ва хилма-хил бўлганлиги учун ҳам уларда умумий, ўхшаш томонлар бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатларида демократиялаш жараёнининг давом этиши, уларнинг ижтимоий ҳаётида кўппартиявилик тизимининг қарор топаётганлиги дунёнинг бошқа мамлакатларида бундан бир неча ўн йиллар аввал рўй берган ана шундай сиёсий ўзгаришларга хос бўлган умумий томонлар ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларнинг ҳар бир мамлакатда қандай боришини унинг бошқа мамлакатларнинг ички сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларга хос умумий хусусиятлар асосида таърифлаб бериш мумкин. Буларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам сиёсий жараёнларнинг бош манбай ва етакчи кучи халқ оммаси-нинг онгли фаолиятидир. Агар кишилар жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмасалар, сиёсий жараёнларнинг кечиши сустлашади, сиёсий ташкилотларнинг ҳар қандай фаол ҳаракати ўзининг самарали на-тижаларини бермайди.

Кишиларнинг онгли сиёсий фаолияти сиёсий жараёнларнинг боришини белгилар экан, унда жамият ҳар бир аъзосининг мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий ишларда фаоллик билан иштирок этишларини тақозо қиласди. Бироқ сиёсий жарёнларнинг кечишини инфода қилувчи бу қоида дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам бир хилда амалга ошмайди. Бунинг асосий са-баби ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос сиёсий шартшароитлари билан боғлиқлигидир. Тоталитар сиёсий тузумлар ўрнатилган ва омманинг сиёсий эркинликлари бўйилган, демократия таъқиб қилинган мамлакатда сиёсий жараёнларнинг ривожланиши бир ёқлама хусусиятга эга бўлади. Бунда ҳукмрон сиёсий кучлар ом-мани сиёсий масалаларни ҳал этишда қатнашишдан маҳрум қиласди, сиёсий ҳокимиятнинг шафқатсиз усулларини қўллаб, кишиларнинг мамлакатда олиб борила-ётган сиёсий ўзгаришларга бефарқ муносабатда бўлишларига ҳаракат қиласди. Бунга тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Собиқ Итти-фоқ даврида ва кўпчилик собиқ социализм мамлакатларида коммунистлар партияси ҳукмронлик қилган йилларда сиёсий жараёнларнинг боришида халқ омма-си нафақат сиёсий бошқариш ишларидан, балки энг оддий сиёсий масалаларни ҳал этишдан ҳам маҳрум қилиб қўйилганлиги ҳақиқатдир. Уларда, ҳатто, кишиларнинг сайлов жараёнларида қатнашиши ҳам номи-гагина бўлиб, сайловларнинг натижалари сайлов ўтка-зилмасдан аввал маълум бўларди. Одамлар кимга овоз бериб, кимни ўз вакили этиб сайлашни ўзлари ҳал этишмасди. Бу иш собиқ коммунистлар партиясининг турли бўғинларида бир ёқлама ҳал қилинарди.

2. Сиёсий жараёнларнинг боришини, унинг даражасини белгилаб берадиган етакчи куч сиёсатнинг хилма-хил субъектлариридир.

Сиёсат субъектлари дунёнинг ҳамма мамлакатларида мавжуд бўлиб, уларнинг сиёсий жараёнларга таъсири бениҳоя каттадир. Сиёсат субъектлари, бир томон-

дан, сиёсий жараёнларнинг ифодаси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан эса, улар жамиятнинг сиёсий ривожига таъсир этувчи, унинг боришини таъминлаб турувчи сиёсий кучлар сифатида фаолият кўрсатадилар.

Сиёсий жараёнларда сиёсат субъектларининг фаолият кўрсатиши ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тузуми, унинг тарихий-миллий шароитларига кўра турлича даражада бўлади. Масалан, дунёнинг айрим мамлакатларида сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги мавқеи кучли бўлса, баъзиларида эса, сиёсий жараёнлардаги иштироки суст бўлади. Агар айрим мамлакатларда сиёсий масалаларни ҳал қилишда давлат етакчи куч сифатида ҳаракат қиласа, баъзи мамлакатлarda эса, давлат айрим сиёсий тадбирларда қатнашмайди. Чунончи, меҳнаткашларнинг баъзи сиёсий йиғилишлари, манифестациялари, кўча намойишлари давлатнинг иштирокисиз ўтказилади.

Лекин шунга қарамай, сиёсий жараёнларнинг боришида давлат ташкилоти дунёнинг ҳамма мамлақатларида ҳам етакчи сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатади. Сиёсатнинг бошқа бирон-бир субъекти давлат ташкилоти сингари имкониятларга эга эмас. Шунинг учун ҳам сиёсий жараёнларнинг боришида, уларда рўй берадиган сиёсий муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатади. Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ҳақидаги тамойилнинг амалий ифодаси ҳам унинг сиёсий масалаларни ҳал қилиш ва сиёсий жараёнларнинг етакчи кучи эканлигини кўрсатади.

Сиёсий жараёнларда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этадилар. Уларнинг фаолияти ўз аъзоларининг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ўзи билан чекланмайди. Ҳолбукি жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларда бу ташкилотлар у ёки бу даражада фаоллик кўрсатадилар. Уларнинг вакиллари давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда, ижтимоий ҳаётни демократиялашда, меҳнаткашларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа эркинликларини ҳимоя қилишда ва бошқа шулар сингари муҳим тадбирларни амалга оширишда қатнашадилар.

Жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти томонидан кўриб чиқиладиган масалалар ва қабул қилинадиган қарорларнинг муҳокамасида, уларни қабул қилишда.

низоли муаммолар келиб чиққанда уларни ҳал қилишда иштирок этадилар. Шу боисдан ҳам жамиятнинг турли сиёсий тузилмалари ўз ваколатларини бажариш учун у ёки бу сиёсий ҳужжатларни қабул қилаётгандаридан жамоат ташкилотлари талабларини ҳисобга олишлари лозим. Бу жиҳатдан АҚШдаги жамоат ташкилотлари тажрибаси мұхим аҳамиятта әгадир. Бинобарин, АҚШ Президенти ҳокимиятни ҳаддан ташқари марказлаштиришга интилмайди ва уни баравар тақсимлашга ҳаракат қиласы. АҚШда давлат ҳокимиятни бишкварында маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколатларини кенгайтиришга, фуқароларни ва жамоат ташкилотлари вакилларининг кенг қатнашишларынга ва уларнинг фикрларини ҳисобга олиб қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилинади.

2. Сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари

Сиёсий муносабатлар жамият ҳаётидаги мұраккаб сиёсий ҳодисалардан бири. Бу муносабатлар жамиятдаги бишкварында мұносабатлар сингари объектив хусусиятта әга. Сиёсий муносабатларни бирон-бир сиёсий күч таъсирида тұхтатиб туриш ёки уларни батамом бишкварында буриб юбориш мүмкін эмес. Ҳолбуки, инсоният жамияти ривожланишининг бутун тарихи сиёсий муносабатларнинг барча даврларда узлуксиз давом этиб да ривожланиб келгенлигини күрсатади.

**Сиёсий муносабатлар-
нинг таърифи ва улар-
нинг турлари**

Сиёсий муносабатлар сиёсатнинг объекті ва субъекти ўртасидаги муносабатлардан иборат. Үз навбатида сиёсатнинг

субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам сиёсий муносабатларни ифода қиласы. Агар сиёсий жараёнлар жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидан рўй берадиган ўзгаришларни акс эттираса, сиёсий муносабатлар эса, мажият сиёсий ҳаётининг барча соғаларидаги ўзгаришларни эмес, балки «объект — субъект» ҳамда «субъект — субъект» шаклидаги муносабатларни ифодалайди.

Сиёсий жараёнларни сиёсий муносабатларсиз тасаввур қилиш мүмкін эмес. Чунки сиёсий муносабатлар сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми сифатида сиёсий

жараёнларнинг моҳиятини янада кенгроқ очиб беради. Сиёсий муносабатларда рўй берадиган ҳар бир ўзгариш сиёсий жараёнларни мазмунан бойитади.

Сиёсий муносабатлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг сиёсий жараёнларида узлуксиз ҳаракатда бўлган сиёсат субъектлари ва уларнинг обьектга қила-диган таъсирини ифода қилувчи ҳаракатларнинг уму-мий ифодаси ёки уларнинг бирлигига айтилади.

Сиёсий муносабатлар кеча ёки бугун вужудга келган эмас. Бу муносабатлар узоқ тарихий тараққиётнинг натижасидир. Дунёда дастлабки давлатларнинг пайдс бўлиши улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг рўй беришига сабаб бўлган. Кейинчалик турли сиёсий ҳаракатлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотларнинг ташкил топиши асосида сиёсий муносабатлар доираси кенгайиб борган.

Сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожла-нишига доир масалалар тўғрисида ўтмишда яшаган мутафаккирлар ва буюк давлат арбоблари қимматли маълумотлар беришган. Улар ўзларининг асарларида турли давлатлар ўртасида ташкил топган ва олиб борилган ўзаро алоқалар тўғрисида, давлат билан фуқа-ролар, ҳукмдорлар билан оддий кишилар ўртасида ташкил топган муносабатлар ҳақида муҳим фикрларни билдиришган. Масалан, улув бобокалонимиз Амир Темур ўзининг машҳур «Темур тузуклари»да мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда холисона иш тутиш лозимлигини таъкидлайди. Марказий ҳокимият билан жойлардаги ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қандай ташкил этганлиги тўғрисида шундай ёза-ди: «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим (ўз эрки билан) менга бўйсун-ган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳокимлигини қайта-риб бердим...»¹

Сиёсий муносабатлар масалаларига доир муҳим фикрлар Урта Осиёда яшаган бошқа кўплаб мутафаккирлар ва давлат арбобларининг қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Улар ўзларининг асарларида давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар адолатли ташкил этилиши, ишончли ва ҳаққонийлик талаблари асо-сида олиб борплиши, алдамчилик ва гирромликка зид

¹ Темур тузуклари Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат памриёти, 1990, 94-бет.

бўлиши ҳақидаги ғояларни илгари сурганлар. Масалан, Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ўзи таърифлаган фозил шаҳарлар ўртасидаги муносабатларининг адолатли олиб боријландигини ўша даврнинг ҳукмдорлари учун намуна қилиб кўрсатади.

Сиёсий муносабатлар масаласида ўтмишда яшаган мутафаккирлар илгари сурган ғоялар ҳозирги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки улар орқали сиёсий муносабатларнинг ўтмишда қандай кечганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлинади. Сиёсий муносабатларни ўтмиш ва ҳозирги кун билан боғлаб ўрганиш асосида ҳозирги сиёсий муносабатлар масаласининг мөддияти ва мазмунини очиб бериш «Политология» фани учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий муносабатлар ўзининг хусусиятига кўра уч турга бўлинади. Биринчи турга сиёсатнинг ҳар бир алоҳида субъекти ўртасидаги муносабатлар киради. Улар давлатлараро, сиёсий партиялараро ва ҳаракатлараро ижтимоий ташкилотлараро ҳамда ҳалқаро сиёсий ташкилотлараро муносабатлардан ибрат. Бу турдаги муносабатлар икки томонлама ёки кўп томонлама алоқалар шаклида намоён бўлади.

Сиёсий муносабатларнинг бу тури орқали давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, икки ёки кўпчиллик давлатлар ҳаётига дэир муаммоларни ҳал қилиш чораларини излаб топиш, дипломатик муносабатларни олиб бориш ва ривожлантиришга доир муҳим ишлар алмалга оширилади.

Бироқ бу турдаги сиёсий муносабатлар сиёсат субъектларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, давлатлар ўртасидаги муносабатлар сиёсий партиялар ёки ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан, шунингдек ҳалқаро сиёсий ташкилотлар ёки ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан фарқ қиласди. Давлатлараро сиёсий муносабатларда мамлакат ҳаётига доир шундай масалалар ҳал қилинадики, уларни сиёсий партиялараро ёки ижтимоий ташкилотлараро ҳатто ҳалқаро сиёсий ташкилотлараро муносабатлар орқали ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳаларинда рўй берадиган муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилишда давлатлараро муносабатларнинг самарали ривожланиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Иккинчи турга, сиёсатнинг турли субъектлари ўртасидаги муносабатлар киради. Бу муносабатлар давлатлар, сиёсий партиялар, халқаро сиёсий ташкилотлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқалар шаклида намоён бўлади. Сиёсат субъектлари ўртасидаги алоқалар қандай шаклда олиб борилишидан қатъи назар, унда томонларнинг мақсад ва манфаатлари асосий ўринни эгаллайди. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти: давлат ташкилоти ёки бирон-бир сиёсий партия, ёки халқаро сиёсий ташкилот ўзаро муносабатларда бўлар экан, бу муносабат тенгҳуқуқлилардаги тамойилнига асосланиши лозим. Жамият манфаати ва унинг ривожланишига доир масалаларни ҳал қилишда улар ўртасида яқдиллик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари устун турмоғи зарур.

Бироқ айрим ҳолларда сиёсат субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда қарама-қаршиликлар, ишончсизлик ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳол, айниқса, иккى партияли ёки кўппартияли мамлакатларда сиёсий партиялар билан давлат ўртасидаги муносабатларда тез-тез рўй бериб туради. Сиёсий партиялар кўпинча ҳокимиётга интилиб, мамлакатдаги давлат сиёсатига қарши йўл тутишга ҳаракат қиласидилар. Баъзи мамлакатларда эса, сиёсий партиялар давлат сиёсатини кўллаб-кувватлайдилар, давлат амалга ошираётган сиёсий тадбирларда қатнашадилар ва шу йўл билан ўзаро муносабатларни самарали олиб боришга ҳаракат қиласидилар. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар Узбекистон давлати олиб бораётган сиёсий йўлни қўллаб-кувватлаётганликларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Учинчи турга субъект билан объект ўртасидаги муносабатлар киради. Бу муносабатлар сиёсат субъектларининг жамиятга қиласиган таъсири ва акс таъсири тарзида намоён бўлади. Жамият фуқаролардан ташкил топганлиги учун ҳам бунда фуқаролар объект сифатида намоён бўлади ва фуқаролар билан сиёсатнинг бошқа субъектлари ўртасида турли хилдаги муносабатлар олиб борилади. Бу муносабатлар ҳуқуқий давлатчилик шароитида самарали ривожланади. Чунки ҳуқуқий давлат ўрнатилган мамлакатда фуқаролар билан давлат ўртасида, улар билан сиёсий партиялар ёки ижтимоий ташкилотлар ўртасида объектив характердаги қарама-қаршиликларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмайди.

Бундай шароитда сиёсат субъектларининг ҳуқуқ ва бурчлари қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилади. Давлат сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ҳаракатлари қонун доирасида амалга оширилади.

Сиёсий муносабатлар-нинг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари

Сиёсий жараёнлар сингари сиёсий муносабатлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар сиёсий муносабатларниг шаклланиши ва ривожланишини сиёсий ҳаётдаги бошқа муносабатлардан фарқ қилинша муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий муносабатларга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири — объективлик ва субъективлик диалектикасининг сиёсий муносабатларда амал қилишидир.

Сиёсий муносабатлар сиёсий жараёнларнинг ифодаси сифатида объектив қонунлар ҳаракатига бўйсунади ва унинг талаблари таъсирида ривожланади. Сиёсий муносабатлар ривожланишининг бутун тарихи бу муносабатларни бирон-бир сиёсий куч ёки кишиларнинг ҳоҳиш-истаги асосида тўхтатиб қўйиш мумкий эмаслигиги кўрсатади.

Сиёсий муносабатларда амал қімладиган қонунлар талабига асосланмаслик бу муносабатларда зиддиятлар, нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тор доирада олиб бориш ҳам сиёсий муносабатларнинг ривожланишига салбий таъсир этади. Кейинги йилларда Ливия, Ироқ, Куба сингари мамлакатларда ташқи сиёсий муносабатларни озчилик давлатлар билан олиб боришга ҳаракат қилинганлиги бу мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятидан яккаланниб қолишларига сабаб бўлмоқда.

Сиёсий муносабатлар объектив ҳодиса бўлиши билан бирга, унинг ривожланиши субъектив фаолиятга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Субъектив омилларнинг сиёсий муносабатларга кўрсатадиган таъсири натижасида ҳам бу муносабатларда ижобий ёки салбий оқибатлар келиб чиқади. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти сиёсий муносабатларда рўй берадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ёки уларнинг келиб чиқмаслиги учун зарур бўлган чораларни кўриш имкониятига эга бўлган тақдирда бу муносабатларнинг ривожланиши самарали бўлади. Бу қоиданинг давлат фаолиятида намоён

бўлиши давлатларнинг сиёсий муносабатларга кўрсата-
диган таъсир кучида жуда аниқ кўринади. Бинобарин,
давлат сиёсий муносабатларнинг субъекти сифатида бу
муносабатларни тартибга солиб туриш ва уни маълум
мақсадга йўналтиришда сиёсатнинг бошқа субъектла-
рига қараганда жуда катта имкониятларга эгадир.

Сиёсий муносабатларга хос бўлган муҳим хусусият-
лардан яна бири — узвийликдир.

Жамият ривожланган сари унинг сиёсий муносабат-
ларида ҳам янгидан-янги воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар
рўй бериб туради. Бу объектив жарабён бўлиб, сиёсий
муносабатларнинг доимий равишда бир хилда бўлмас-
лигини, уларнинг сиёсат субъектлари таъсирида ўзга-
риб туришини билдиради. Сиёсат субъектлари фаоли-
тидаги ҳар бир ўзгариш сиёсий муносабатларга ўз
хусусиятини киритади ва натижада бу муносабатларда
у ёки бу даражада ўзгариш бўлишига олиб. келади.
Масалан, бирон-бир мамлакатда сиёсий ҳокимиятнинг
ўзгариши ёки янги сиёсий партияларнинг тузилиши
сиёсий муносабатларнинг боришини батамом ўзгартириб
юбормаса-да, айни пайтда бу муносабатларда маълум
даражада ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади. Кейинн-
ги йилларда Россияда демократик кучларнинг ҳокими-
ятга келиши натижасида бу давлатнинг бошқа давлат-
ларга бўлган муносабатларида муҳим ўзгаришлар рўй
берди. Россия ҳукумати Мустақил Давлатлар Ҳамдўст-
лиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳам, дунёдаги бошқа
давлатлар билан ҳам сиёсий муносабатларни янги тар-
тиблар асосида олиб боришига ҳаракат қила бошлади.
Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳокимиятнинг демо-
кратик кучлар қўлига ўтиши ва мамлакатимизда янги
сиёсий партияларнинг тузилиши билан улар ўртасида-
ги ўзаро муносабатларда туб ўзгаришлар рўй берди.
Бундай мисолларни дунёнинг бошқа мамлакатлари ва
уларда ҳаракат қилаётган сиёсий партиялар фаолияти-
дан кўплаб келтириш мумкин.

Сиёсий муносабатларнинг ўзгариб туришига сиёсат
субъектлари фаолиятидаги мустақиллик ҳам сабаб бў-
лади. Чунки сиёсий масалаларни сиёсат субъектлари
томонидан мустақил равишда ҳал қилишга ёндашиш
асосида сиёсий муносабатларда у ёки бу даражада ўз-
гариш рўй беради.

Узвийлик ҳодисаси ҳам сиёсий муносабатларга хос
бўлган хусусиятлардан биридир. Бу хусусиятнинг мо-

ҳияти шундан иборатки, сиёсий муносабатлар қандай шароитда ва қандай кучлар томонидан олиб борилишидан қатъий назар, тўхтовсиз давом этади. Тарихий тараққиётнинг бирон-бир босқичида бу муносабатларнинг батамом тўхтаб қолганилиги амалиётда учрамайди. Ҳатто баъзи даврларда жамият ҳаётида турғунлик ҳолатлари рўй берган бўлса-да, лекин шунга қарамай сиёсий муносабатлар давом этган.

Сиёсий муносабатларнинг узлуксиз давом этиши объектив ҳодисадир. Бу муносабатлар тезроқ ёки сурʼоқ ривожланиши, сиёсий тараққиётга кучли ёки кучсиз таъсир қилини мумкин. Аммо бу ҳол сиёсий муносабатларнинг узлуксизлигини инкор этмайди.

Баъзи ҳолларда сиёсатнинг айрим субъектлари ўртасида кескин қарама-қаршиликлар рўй берган шароитда улар орасида давом этиб келган сиёсий алоқалар тўхтаб қолиши, ҳамкорлик муносабатлари тушкунликка юз тутиши мумкин. Аммо сиёсат субъектларининг фуқаролар билан бўлган сиёсий муносабатлари ҳеч қачон тўхтамайди ва улар айрим зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар орқали узлуксиз давом этади.

Сиёсий муносабатларнинг узлуксизлиги асосида унинг ривожланиши давом этади. Сиёсий муносабатларда узлуксизлик қанчалик барқарор бўлса, бу жамиятнинг умумий ривожланишига шунчалик ижобий таъсир этади. Шунинг учун ҳам сиёсатнинг ҳар бир субъекти ўзининг сиёсий фаолиятида сиёсий муносабатларга хос бўлган узлуксизлик хусусиятига қатъни амал қилишлари лозим бўлади.

Сиёсий муносабатларга хос бўлган яна бир хусусият унинг аста-секинлигидир.

Сиёсий муносабатларнинг моҳиятини ифода қилувчи бошқа хусусиятлар сингари аста-секинлик хусусияти ҳам жамият ҳаётидаги объектив ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам сиёсий муносабатларни сунъий равишда тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин эмас. Бу муносабатлар жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларнинг боришига мувофиқ ҳолда ўзгариб ва ривожланиб боради.

Бироқ сиёсий муносабатларнинг аста-секин боришини мутлақ маънода тушунмаслик керак. Тараққиётнинг айрим паллаларида сиёсий муносабатларнинг ривожланишида шундай кескин ўзгаришлар рўй берадики, бундай пайтда бир ёки бир гуруҳ мамлакатларда

сиёсий муносабатлар оқими тезлашиб кетади, бошқа мамлакатларда эса сиёсий муносабатлар ўзининг аввалти ҳолатида давом этади. Бундай тезлашиш ҳодисаси, одатда сиёсий ҳокимиятлар ўзгарганда, жамият ҳаётида кескин сиёсий муаммолар келиб чиққанда, давлат билан сиёсатнинг бошқа субъектлари ўртасидаги антогонизмлар кучайиб кетганда ва бошқа шулар сингари сиёсий ҳодисалар пайдо бўлгандан рўй беради. Бундай шаройтда мамлакатда фаолият кўрсатоётган сиёсатнинг турли субъектлари ҳукмрон сиёсий кучлар томонидан олиб бориладиган сиёсий йўлга ўз муносабатини билдириб, воқеаларнинг боришидан ўз мәқсадларини амалга оширишга ҳаракат қиласидилар ва шу асосда муносабатларни бошқача усулларда ва бошқача воситалар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қиласидилар. Аммо сиёсий муносабатлардаги бундай тезлашиш ҳодисаси ўзининг доимийлиги ёки мутлақлигини билдирамайди. Чунки ҳар қандай жамиятда ҳам сиёсий муносабатлар айрим ҳолларда бўладиган сиёсий ҳодисаларни ўзининг умумий оқимига солиб юборади. Бу оқим астә-секинлик билан жамият ҳаётининг умумий ҳолатига мувофиқ равишда давом этаверади.

Сиёсий муносабатларнинг ривожланиши ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун сиёсат субъектларининг фаол ҳаракат қилишлари, уларнинг сиёсий муносабатларнинг самарали боришига ёрдам берадиган тамоийларга масъулият билан ёндашишлари талаб қилинади. Сиёсий муносабатлар шундай мураккаб ҳодиса ҳисобланадики, уларнинг ҳаракатидан онгли равища фойдаланилмаса, бу муносабатларда кескинлик ҳолатлари рўй бериши табиийdir. Шунинг учун ҳам сиёсий муносабатларни ривожлантиришда сиёсатнинг барча субъектлари томонидан эътироф этилиши зарур бўлган тамойинларга қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсий муносабатларда томонларнинг манфаат ва мақсадлари билан ҳисоблашиш, бу муносабатларни ўзаро ишонч ва тенгҳуқуқлилик асосларида олиб бориш, сиёсий муносабатларда рўй берадиган можароларни ўзаро келишувлар асосида ҳал этиш, зўравонлик, дўқ-пўписалар қилишдан воз кечиш, бошқаларга ўз ҳукмини ўтказишга йўл қўймаслик сингари тамойилларга амал қилиши сиёсий муносабатларни самарали ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Сиёсатнинг ҳар бир субъекти ўз фаолиятида бу та-

мойилларга оғишмай амал қилған тақдирдагина сиёсий муносабатларнинг ривожланишида самарали на-тижаларга эришиш мумкин бўлади. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида сиёсатининг барча субъектлари ўзаро сиёсий муносабатларда ана шу та-мойилларга оғишмай амал қилаётганликларни кўра-миз. Чунки мамлакатимизда давлат ҳам, сиёсий пар-тиялар ҳам, барча ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам ўзаро муносабатларда томонлар-нинг манфаатларини эътиборга олишга, бир-бирлари билан ишончли алоқалар олиб боришига ҳаракат қил-моқдалар. Бу ҳол мамлакатимизда демократиялаш жараёнларининг чуқурлашиб боришига, жамиятимиз сиёсий ҳаётининг барқарор ривожланишига катта ёр-дам бермоқда. Сиёсий муносабатларнинг ривожланиши-га хизмат қилувчи бундай ҳамжиҳатлик дунёning бош-қа кўплаб мамлакатлари ҳаётида ҳам давом этмоқда.

Сиёсий муносабатларнинг ривожланишида сиёсат субъектларининг бир-бираига нисбатан ўз ҳукмини ўт-казмасликка, ўзаро муносабатларда етилган муаммоларни ўзаро келишувлар асосида ҳал этишга ҳаракат қилиш-лари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳада ҳам мам-лакатимизнинг сиёсий ҳаёти ва унинг сиёсий муноса-батларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жум-ладан, Ўзбекистондаги ижтимоий ташкилотлар: касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, хотин-қизлар таш-килотлари, фахрийлар ташкилотларида бир-бирлари-нинг ички ишларига арадашиш, сиёсий алоқаларни олиб боришида ўзаро ишончсизлик сингари ҳоллар учрамайди. Мамлакатимизда ҳозирги сиёсий муносабатларнинг ри-вожида бундай ижобий ҳодисалар сиёсат субъектлари-нинг, сиёсий муносабатларнинг ривожланишига доир тамойилларга қатъий амал қилинишининг натижаси-дир.

Лекин шўнга қарамасдан барча замонларда бўлга-ни сингари ҳозирги кунда ҳам сиёсий муносабатлар со-ҳасида амал қилиниши зарур бўлган тамойилларга эътиборсизлик билан ёндашиш ҳоллари кўплаб сиёсат субъектлари фаолиятида учраб туради. Бундай ҳоллар кўпинча сиёсий партиялар фаолиятида кузатилмоқда. Сиёсий партиялар ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, сиёсий ҳокимиятни эгаллаш мақсадида бир-бирларига ва мамлакатда олиб бориладиган давлатнинг сиёсий йў-лига ишончсизлик билдиришга, бир-бирларини қоралаш-

га ва шу асосда ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Белгия социалистик партияси узоқ йиллардан бўён Белгия коммунистик партиясининг сиёсий йўлига қарши курашиб келади, Исройлдаги «Озодлик ҳаракати», «Ўйғониш ҳаракати» сингари партиялар сиёсий муносабатларда фашистик йўл тутишга, бу муносабатларни зўрлик асосида олиб боришига ҳаракат қилиб келишмоқда. Бразилиядаги «Бразилия трибалистлар партияси», «Либерал фронт партияси» Бразилия давлати олиб бораётган ички ва ташки сиёсатни қоралаш, унга норозилик билдириш йўлини тутиб келмоқда. Бундай мисолларни дунёning бошқа мамлакатларидаги сиёсий партиялар фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Дунёning кўпчилик мамлакатларида касаба уюшмаларининг давлат сиёсатига норозилик билдириш ҳоллари ҳам учраб туради. АҚШ ва Фарбий Европадаги кўпчилик мамлакатларда ҳуқуқий давлат ўрнатилган бўлишига қарамай, уларда меҳнаткашларнинг турли ташкилотлари ўртасида келишмовчилик, ўзаро ишончсизлик кайфиятлари мавжуддир. Бу каби салбий ҳолатлар ана шу мамлакатларда сиёсий муносабатлар соҳасида амал қилиниши зарур бўлган тамойилларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш оқибатидир.

3. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда зиддиятлар

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишини зиддиятларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки зиддиятлар ҳар қандай тараққиётнинг, шу жумладан жамият сиёсий ривожланишининг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи, унинг ички манбаи ҳисобланади.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда зиддиятлар билан бирга қарама-қаршилик ҳодисаси ҳам мавжуд бўлади. Аммо уларнинг ҳаракати турлича оқибатларни келтириб чиқаради. Агар зиддиятлар орқали сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда ривожланиш рўй берса, қарама-қаршилик орқали эса, тушкунликка юз тутилади. Шунинг учун ҳам «Политология»да зиддиятлар билан қарама-қаршилик тушунчалари бир хилда қўлланилмайди.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда рўй берадиган муаммоларнинг келиб чиқиши зиддиятлар

ҳаракатига ва улардан мақсадга мувофиқ равиша фойдаланиш имкониятларига боғлиқдир. Имкониятлар нинг ҳар хил даражада бўлиши мавжуд зиддиятларни ҳал қилишда турлича натижаларга олиб келади.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда амал қиласидаган зиддиятлар жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари: сиёсий жараёнлар билан сиёсий муносабатлардаги муаммолар билан уларни ҳал қилиш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; сиёсатнинг турли субъектлари ўртасидаги зиддиятлар; сиёсатнинг алоҳида субъектлари билан фуқаролар ўртасидаги зиддиятлар; сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар назарияси билан унинг амалиёти ўртасидаги зиддиятлардир. Бу зиддиятларнинг ҳар бири сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлардаги муаммолар билан уларни ҳал қилиш имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда мавжуд муаммоларни келтириб чиқарган омиллар ҳамда уларнинг кескинлик даражаси етакчи ўринни эгаллайди. Зиддиятлар кескин бўлган пайтда уларни ҳал қилиш имкониятлари етилмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун зарур имкониятлар яратишга, уни тайёрлашга ҳаракат қилинади. Қачонки мавжуд муаммони ҳал қилиш имконияти пайдо бўлган пайтда бу зиддият ҳаракатидан фойдаланиш самарали натижаларга олиб келади.

Бироқ сиёсий жараёнларда мавжуд бўлган бирон-бир муаммони ҳал қилиш даврида мавжуд имконият ҳисобга олинмай ҳаракат қилинса, унда зиддиятлар ҳаракати янги бир муаммони, оқибатлари жиҳатидан аввалгисидан кескинроқ бўлган муаммони ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ёки аксинча, мавжуд муаммони ҳал қилиш учун зарур имкониятлар етилган пайтда зиддиятлар ҳаракатидан шу муаммони ҳал қилиш учун самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдида давлат суверенитети асослари ни яратиш энг муҳим сиёсий муаммолардан бири бўлиб қолган эди. Бунинг учун асосий имконият Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат бўлганди. Чунки конституциясиз давлат суверенитети муаммосини. ҳал қилиш мумкин эмасди. Конституция қабул қилиниши билан

Ўзбекистон давлати ўзининг қонун билан тасдиқланган давлат рамзлари — Байроғи, Герби, Мадҳиясига ҳамда давлат тилига, мустақил ички ва ташқи сиёсатига эга бўлди. Бу эса Ўзбекистон Республикасида мавжуд зиддият ҳаракатидан тўғри фойдаланишининг натижасидир.

Сиёсат субъектлари билан фуқаролар ўртасидаги зиддиятлар ҳам кўпгина ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бундай зиддиятлар давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда жуда аниқ кўринади. Ҳозирги пайтда дунёнинг айрим мамлакатларида рўй берадиган фуқаролар урушлари, кўча намойишлари, норозилик митинглари бунга аниқ мисолдир. Бу ҳодисалар давлат билан фуқаролар манфаатларидаги зиддиятлар ҳаракатидан тўғри фойдаланмаслик оқибатида рўй бермоқда.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда амал қиласидаги сиёсат субъектлари ўртасида ҳам хилма-хил зиддиятлар рўй бериб туради. Бу хилдаги зиддиятлар кўпинча давлат билан сиёсий партиялар ҳамда давлатларнинг ёки сиёсий партияларнинг ўзлари орасида учрайди. Улар ўртасидаги зиддиятларда томонларнинг манфаатлари асосий роль ўйнайди. Кўпчилик ҳолларда томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва алоқалар олиб бориш билан бу соҳадаги зиддиятлар ҳаракатидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланадилар ва шу йўл билан зиддиятларнинг кескинлашиб кетишининг олдини оладилар. Натижада томонлар ўртасида рўй берган муаммолар осонлик билан ҳал қилинади ва бу сиёсий муносабатларнинг янада ривожланишига ёрдам беради.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлардаги зиддиятлар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидағи сингари батамом йўқолиб кетмайди. Улар сиёсий жараёнларда рўй берадиган муаммоларнинг ҳал қилиншига қараб янгидан пайдо бўлаверади. Шунинг учун ҳам сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда мавжуд зиддиятлар ҳаракатидан самарали фойдаланиш асосида бу муносабатларнинг янада ривожланишига эришиб борилади.

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳар қандай жамиятда унинг ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирган сиёсий система амал қиласи. Бу система ҳар бир мамлакатнинг моддий ва маънавий шароитларини, уларнинг ижтимоий ва миллий тузилишини, демографик ва экологик жараёнларини, аҳолисининг онглилик даражасини, хуллас, унинг ижтимоий аҳволини ўзида акс эттиради.

Сиёсий система объектив сиёсий ҳодиса сифатида жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатади. Унинг таъсирида жамият ҳаётининг турли соҳаларида муҳим ўзгаришлар амалга оширилади.

1. Жамият сиёсий системасининг тузилиши ва таркиби

Жамият ҳаётини муайян тарзда тартибга солиш зарурини тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида уни уйғунлаштириб турадиган сиёсий системанинг вужудга келишига олиб келди. Бу система узоқ йиллар давомида шаклланиб ва ривожланиб келди.

**Сиёсий система ту-
шунчаси, унинг мо-
ҳияти ва таркиби**

Жамиятнинг сиёсий система-

си унинг ижтимоий-иқтисо-
дий базисидан, ишлаб чиқа-

риш усулидан келиб чиқади ва

унинг устига қурилади. Бу система жамиятнинг моддий ҳаёт шароити, унда ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш усули ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг йифинидиси билан белгиланади. У жамиятдаги барча сиёсий ташкилотлар, муассасалар, институтлар, муносабатлар, ғоялар, қарашлар ва манбаатлар мажмуйи сифатида майдонга чиқади. Сиёсий система сиёсатни, яъни жамиятда ҳокимият бошқаруви, энг аввало давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувини шакллантириш ва амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар тузилмасининг умумлашган ифодасидир.

Жамиятнинг сиёсий системаси маълум тизимлардан иборат бўлиб, унинг элементлари ўзаро боғлиқ ва

барқарор бирликни ташкил қиласы. Мазкур элементтарнинг ҳар бири ички мустақилликка эга бўлиб, ўзига хос ташкилий-амалий тузилиш хусусиятларига эгадир. Унинг таркибида давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, меҳнат жамоалари, ёшлар иттифоқлари, хотин-қизлар уюшмалари, ишчи қўмиталари, ижодий уюшмалар, кооператив ташкилотлар, жисмоний тарбия ҳамда спорт жамиятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этадиган кўнгилли оммавий жамиятлар ва бошқалар унинг доимий ҳаракат фаолиятини амалга оширади ва бу билан сиёсий системани ҳаракатга келтириб туради.

Жамият сиёсий системасининг таркибий тузилиши жуда мураккаб бўлиб, ундаги барча таркибий қисмлар ўртасида мустаҳкам диалектик мутаносиблик мавжуддир. Мазкур таркибий қисмларнинг ҳар бири ички мустақилликка эга бўлиб, улар ўзига хос ташкилий-амалий тузилиш хусусиятларига эгадир. Масалан, сиёсий ҳокимиятнинг барча қисмлари бошланғич ҳокимиятдан тортиб марказий ҳокимият муассасаларигача қўйидан юқорига қараб таркиб топган бўлиб, уларнинг барчаси узвий боғланган ҳолда амалий-фаолият олиб борадилар. Масалан, сиёсий партиялар таркибий тузилишини олиб кўрадиган бўлсак, уларнинг сиёсий ҳокимият муассасаларида бевосита иштирок этишлари ёки иштирок этмасликларидан қатъи назар, улар партиянинг турли босқичдаги ташкилотлари орқали жамият сиёсий ҳаётини тартибга солиб туришда узвий алоқадорлик асосида иш олиб боради.

Сиёсий система таркибига кирган унинг бошқа қисмлари ҳам ўз фаолиятларни шу тартибда қурган бўлиб, жамият ҳаётининг ўзлари фаолият кўрсатадиган соҳаларида сиёсий системанинг яхлит бир механизми сифатида жамиятни сиёсий жиҳатдан бошқариш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб борадилар.

Жамиятнинг сиёсий системаси ва сиёсий ташкилоти тушунчалари бир хил эмас. Сиёсий ташкилот тушунчалиси жамият сиёсий ҳаётининг кўп қирралик жиҳатларини ўзида акс эттираолмайди. Жамиятнинг сиёсий ташкилоти давлат, унинг органлари, сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг тузилиши ва таркибини ифода этади.

Кўпчилик илмий адабиётларда жамиятнинг сиёсий ташкилоти тушунчалиси икки хил маънода қўлланилади.

Биринчидан, жамиятни бошқариш органлари йиғиндисій сифатида ва, иккінчидан, бошқариш жараёнида бу органлар системасининг амал қилиши маъносида тушунлади. Сиёсий ташкилотнинг иккінчи маънодаги құлланилиши биринчисидан кенгроқ бўлиб, давлат, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари йиғиндисидан эмас, балки бу орган ва ташкилотлар фаолиятидаги муносабатлар, алоқаларнинг амал қилиш шакллари бирлигини ҳам акс эттиради.

Жамиятнинг сиёсий системаси анча кенг тушунча бўлиб, у жамиятдаги сиёсий муносабатларнинг барча жиҳатларини қамраб олади. Шу жиҳатдан жамиятнинг сиёсий ташкилоти сиёсий система таркибиға киради.

Сиёсий муносабатлар одамларнинг хоҳиши-иродасига ва онгига боғлиқ бўлади. Ҳар бир жамиятда сиёсий системанинг ўзига хос шаклда ташкил этилиши ва ўзгариб туриши ҳам ана шу сабаблар билан изоҳланади.

Сиёсий муносабатлар ижтимоий-иқтисодий ва синфий муносабатлар билан белгиланади. Айни вақтда уларга фаол суратда акс таъсир ҳам кўрсатади. Жамиятнинг сиёсий системаси сиёсий ташкилотлар ва улар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг каттагина қисмини ўз ичига қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий система — жамиятнинг барча сиёсий ва ижтимоий ташкилотлари, муассасалари ва уларнинг нормалари йиғиндисидир.

Сиёсий система орқали ижтимоий манфаатларнинг асосий жиҳатлари, ижтимоий устунликлари аниқланади, сўнgra эса улар сиёсатда мустаҳкамланади. Ҳозирги пайтда бизнинг мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишда турли ижтимоий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш сиёсий система тузулмалари учун энг мураккаб вазифалардан бириди.

Сиёсий системанинг барча муассасалари биргаликка узлуксиз равишда ишлайди. Уларнинг биронтаси сиёсий системанинг умумий ҳаракат йўналишига қарши турса, жамиятнинг сиёсий системаси механизми издан чиқиши ва сиёсий танглиқ ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Жамиятда содир бўладиган ижтимоий муносабатларнинг туб моҳияти унда кечадиган сиёсий ҳаёт оқимини бошқаришда ўз ифодасини топар экан, жамиятнинг сиёсий системаси сиёсатнинг субъекти бўлиб қолаверади. Жамиятга илмий раҳбарлик қилиш ҳам, уни

сиёсий жиҳатдан бошқариш жарёни ҳам сиёсий системанинг моҳияти, унинг мазмуни ва асосий йўналишлари билан белгиланади.

Ижтимоий-сиёсий муносабатлар жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида сиёсий муассасалар, сиёсий ва оммавий-жамоат ташкилотларцинг фаолиятлари билан белгиланади. Демак, ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик уйғун амал қиласа, сиёсий муассасалар фаолияти шунчалик объектив, мутонисиб тарзда шаклланган бўлади.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий системаси ҳокимиятнинг вужудга келиши жараёнида шаклланаб, жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида тобора такомиллашиб боради. Лекин унинг таркиби қисмлари ва элементлари ҳар қандай жамиятда ҳам бир хилда ўзгармай сақланиб қолавермайди.

Сиёсий система таркибida шакл жиҳатидан ўзгармайдиган бўлаклар ва қисмлар мавжуд бўлиб, улар бир жамиятдан иккинчисига ўтиб амал қиласади, аммо уларнинг мазмуни мавжуд тузум мазмунига мос равишда ўзгаради. Масалан, давлат, сиёсий партиялар кўпчилик сиёсий тузумларда амал қиласадиган сиёсий системани ҳаракатга келтириб турадиган асосий сиёсий куч ҳисобланади. Улар ҳар доим ҳокимият учун курашни фаолиятининг бош мақсади деб билади. Сиёсий система таркибига шундай бўлаклар ва қисмлар ҳам кирадики, улар айрим тузумларда амал қиласади. Масалан, қасаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, бир қатор кўнгилли ва оммавий жамиятлар, ижодий уюшмалар шулар жумласидандир.

Жамият сиёсий системаси ҳар бир мамлакатга хос бўлиб, айни вақтда у ёки бу мамлакатнинг тарихий шарт-шароитлари ва миллий хусусиятларига, уларнинг тараққиёт даражасига қараб турли мамлакатларда турили хил шаклда амал қилиши мумкин.

Инсоният тарихий тараққиётида ўрнатилган ва амал қиласадиган сиёсий системалар ўзининг туб моҳияти жиҳатидан хилма-хил бўлиб, улар ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузумга хос бўлган ва унга хизмат қиласадиган сиёсий устқурма сифатида амал қиласадиган. Шу билан бирга ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум доирасида амал қиласадиган сиёсий система мазкур тузум ҳаёти давомида унга хизмат қиласадиган ҳолда доимий равишида ўзгариб туради ва бойиб, такомиллашиб боради.

Хозирги кундаги мамлакатлар сиёсий системалари янги шарт-шароитга, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи талаб-эҳтиёжларига мослаша бориб, аввалги қарама-қарши туриш, ижтимоий тўқнашувлар ва можа-ролар сиёсатидан ижтимоий шериклик ва ижтимоий муроса қилиш сиёсатини устун қўйиб, ўзларининг ин-соният тараққиёти тарихдаги мавқенини, обрўисини яна-да тиклаб, мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлмоқда.

Жамият тараққиёти сиёсий система таркибий бўлаклари фаолиятини янада демократлашиб боришини та-қозо этмоқда. Уларнинг фаолиятини такомиллаштири-масдан туриб тўғри ва одил сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Уни омилкор ва самара-дор сиёсий механизмга айлантириш учун унинг барча маъмурий муассасалари, давлат идоралари, сиёсий сис-теманинг таркибий қисмларининг барчаси фаолияти устидан қўпчиликнинг назоратини ўрнатиш зарур бў-лади. Бу соҳада демократик ривожланиш йўлини тан-лаб олган барча мамлакатларда муҳим ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса ўз мустақил-лигига эришган Марказий Осиё мамлакатлари катта ва муҳим ишларни амалга оширмоқда. Улар мустақил-ликни қўлга киритганларидан сўнг сиёсий системани йислоҳ қилиб, уни қайта қуришга эришди. Улар сиёсий системани йислоҳ қиёшиш ва такомиллаштириш асосида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-енёсий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар қилиш имкониятларига эга бўлди.

Сиёсий системада сиё- сат субъектларининг нисбати

Жамиятнинг сиёсий система-
си таркибида давлат ҳоки-
мияти, сиёсий партиялар, иж-
тимоий ва жамоат ташкилот-

лари, оммавий кўнгилли жамиятлар ва бошқалар дои-
мий ҳаракатда бўлади. Улар ўзаро боғлиқ алоқада
бўлиб, ўзаро бирлекни ташкил қилади.

Давлат ҳокимияти сиёсатнинг субъекти сифатида жамиятнинг сиёсий системасида асосий ўринни эгал-
лайди. У ўзи тузилиши жиҳатидан ниҳоятда мураккаб
бирликни ташкил этган муассаса сифатида кўп томон-
лама ва кўп қиррали алоқаларга киришади.

Давлат ижтимоий муносабатларни тартибга солиши-
нинг бош қуроли ҳисобланади. У мамлакатда ижтимоий
тартибни сақлайди, фуқароларнинг тотувлигини, давлат-

нинг бир бутунлигини таъминлайди, мамлакатни ички ва ташқаридан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди.

Давлат жамиятнинг етакчи сиёсий кучи ҳисоблансада, бироқ у фаолият кўрсатадиган бирдан-бир ташкилот эмас. Ҳолбуки, жамиятнинг сиёсий системасида амалий фаолият олиб борадиган турли сиёсий партиялар, касаба ташкилотлари, хотин-қизлар уюшмалари, диний бирлашмалар, оммавий-жамоат ташкилотлари ва кўнгилли жамиятлар мавжуд бўлади.

Давлат жамият сиёсий системасининг асосий муассасаси сифатида бутун жамият номидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини юритиш ҳуқуқига эга. У мазкур ҳуқуқ заминида барча қонунлар ва тартиб-қондаларни жамиятнинг барча аъзолари бажаришлари мажбурий бўлган тарзда ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этади, турли солиқлар, бошқа йигим-тушумлар жорий қилиш ва аҳолидан йигиштириб олиш ҳуқуқини амалга оширади.

Давлат қайси сиёсий тузумда бўлишидан қатъи назар жамият сиёсий системасида тутган ўрнига қараб асосий сиёсий ташкилот бўлиб қолаверади. У жамият олдида турган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва халқаро масалаларни ҳал қилишни ўз зиммасига олади. Шу вазифалар асосида давлат аниқ тарихий даврда ўзи амалга оширадиган асосий йўлни белгилаб олади ва бутун фаолиятини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратади. Давлат қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органларини, армия, давлат хавфсизлиги органлари, милиция, суд, прокуратура органларини ўз ичига олган сиёсий тузулмадир.

Давлатнинг энг муҳим вазифалари мамлакат ичкарисида — хўжалик ташкилотчилик, маданий, тарбиявий соҳаларни ҳамда ташқи соҳада — мамлакатни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш, тинчлик учун кураш, барча мамлакатлар билан тинч-тотув яшашни таъминлаш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Давлатнинг асосий белгиловчи хусусияти: давлат ҳокимиятини амалга оширадиган ихтисослаштирилган идора ва муассасаларнинг алоҳида, маҳсус системаси мавжудлиги, давлат ҳокимияти томонидан маъқулланган муайян тартиб-қондалар системаени акс эттирувчи

ҳуқуқлар мажмунинг мавжудлиги, мазкур давлатнинг ҳуқуқий ҳукмронлиги амал қила оладиган ҳудудга эга бўлишидан иборат. Демак, жамият сиёсий системасининг бошқа барча таркибий бўлаклар ўзидан фарқланадиган давлатнинг хусусиятлари, айни вақтда, унинг асосий моҳиятини белгиловчи хусусиятлар сифатида ҳам намоён бўлади.

Жамият тараққиётида давлат қанчалик муҳим ўрини га эга бўлса-да, у сиёсий системанинг бошқа таркибий қисмларининг ўзаро алоқаларисиз, якка ҳолда биронта ижобий натижага эришолмайди. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сиёсий системанинг барча таркибий қисмлари диалектик бирликда, узлуксиз ишлаган тақдирдагина жамият тараққиёти бир маромда барқарор ишлаши мумкин.

Жамиятнинг сиёсий системаси таркибида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан давлат ҳокимиятидан кейинги ўринни сиёсий партиялар эгаллайди. Улар ўз фаолиятлари орқали бир-бирлари билан доимо узвий алоқада бўлади ва маълум сиёсий системани ташкилотлар, давлат идоралари, касаба уюшмалари ва бошқалар ҳам кучли таъсир кўрсатади. Улар орасида ўзига хос иттифоқ бўлиб, давлат ҳокимиятини мустақил тарзда ёки биргаликда амалга оширишлари мумкин бўлади.

Жамият сиёсий системасида ҳар бир мамлакатнинг тарихий, миллий, ижтимоий ва бошқа шарт-шаронтларига қараб бир партияли, кўп партияли ва бошқа кўришишдаги партия системалари амал қиласди.

Жамият сиёсий системасида сиёсий ташкилотлар билан бир қаторда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг ҳар бирин фуқаролар муайян бир гуруҳининг манфаатларини ҳимоя қилиб, айни пайтда улар мазкур мамлакат ҳаётини бошқариш ишларида муҳим восита вазифасини ҳам бажаради ва бу билан жамият сиёсий системасининг тўлаконли ва самарали амал қилишини таъминлайди.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий моҳият касб этса-да, бироқ улар мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатдан ташқарида турмайди. Улар ўзларининг кундалик амалий ишлари билан мамлакатда олиб бориладиган

сиёсий фаолиятга ва сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатади. Улар сиёсий ташкилотлардан жамиятнинг сиёсий муносабатларида тутган ўринлари билан фарқ қиласди, чунки улар давлат ҳокимияти ваколатига эга эмас ва ҳамма фуқаролар учун мажбурий ҳисобланган қарорларни қабул қиласмайди. Улар мамлакатдаги барча аҳолининг манфаатини эмас, балки уларнинг алоҳида гурӯҳларининг манфаатларини ифода этади.

Ҳозирги пайтда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг жамият сиёсий системасидаги мавқеи ошиб бормоқда. Уларнинг кундалик амалий ишларида аҳолининг катта кўпчилик қисми иштирок этмоқда. Бу ҳол жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада уйғуллаштириш ҳамда ривожлантириш имкониятларини кенгайтирум оқда.

2. Ижтимоий ҳаётни демократиялашда жамият сиёсий системасини такомиллаштиришнинг зарурлиги

Ижтимоий ҳаётни демократиялаш шундай бир сиёсий тушунчаки, унда кишиларнинг жамиятда эркинлик, тенглик принциплари ҳукмонлиги шаронтида яшалари ифодаланади. Демократия социал адолатсизлик нинг ҳар қандай кўринишларига қарама-қарши бўліб, у орқали инсон ҳуқуқлари, уларнинг манфаатлари жамият томонидан ҳимоя қилинади. Демократияга эришиш орқали ҳукмон кучларнинг имтиёзларига барҳам берилади, аҳоли барча қатламларининг сиёсий, ҳуқуқий эркинликлари таъминланади, халқ оммасининг жамият ишларини бошқаришда қатнашишлари учун кенг имкониятлар очилади.

Сиёсий система ва сиёсий демократия

Сиёсий система ва сиёсий демократия жамият сиёсий ҳаётидаги ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий ҳодисалардир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Сиёсий система демократияга қанчалик таъсир этса, демократия ҳам сиёсий системанинг ривожланишига шунчалик кучли таъсир қиласди.

Демократиянинг сиёсий система билан боғлиқлиги, аввало, сиёсий система тизимидағи субъектларнинг жамият ҳаётига қиласидан таъсири, унинг халқ оммаси манфаатларига хизмат қилиши билан белгиланади. Сиёсий системанинг демократиялаш жараёнидаги ўрни ва роли, аввало, давлат ҳокимияти томонидан кенг халқ

оммаси манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва улар учун сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий эркинликларнинг қонун ўйли билан мустаҳкамлаб қўйилиши мисолида яққол намоён бўлади. Аммо давлат ҳамма вақт ҳам демократияни амалга оширишнинг намоёндаси бўлаолмайди. Давлат қачонки ҳалқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилувчи куч сифатида ҳаракат қилганда гина, у жамият ҳаётини демократиялашнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қиласиди.

Кишилик жамиятининг турли даврларида давлатларнинг демократияга муносабати аксарият ҳолларда салбий роль ўйнаган. Тарихдан маълумки, қулдорлик давлатларида ҳам, ўрта асрлардаги давлатларда ҳам демократияга муносабат турлича бўлган. Бу даврлардаги давлатларнинг демократияга муносабати ниҳоятда зиндиятли бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилигига демократия бутунлай тақиқланган, ҳалқ оммасининг хоҳиш-иродаси, уларнинг эрки ва ҳуқуқлари зўравонлик ўйли билан топталган. Лекин шунга қарамай, тарихнинг айрим паллаларида мавжуд бўлган баъзи давлатлар демократияга нисбатан ижобий муносабатда бўлган ва буни ўзининг амалий фаолиятида кўрсатган. Масалан, улуғ бобокалонимиз Амир Темур ўрнатган марказлашган давлатда амалга оширилган айрим сиёсий ўзгаришлар мамлакатда демократия амалда бўлганлигини кўрсатади.

Амир Темур ўрнатган давлат томонидан қонунчиликка катта эътибор берилганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилишда қонунлар кучидан фойдаланишга ҳаракат қилинганлигининг ўзиёқ, Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида демократиялаш жараёни қандай кечганлиги тўғрисида аниқ маълумот беради. Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қиаса, шу ерда эркинлик бўлади», деган муқаддас сўзларида ҳукмдорнинг демократияга бўлган муносабати қанчалик аниқ ифодаланганлигини пайқаб олиш қийин эмас.

Сиёсий системанинг демократияга муносабати ҳозирги кунда дунёнинг кўпчилик мамлакатларидаги давлатларнинг фаолиятида жуда аниқ намоён бўлмоқда. Айниқса ҳуқуқий давлат ўрнатилган мамлакатларда демократия кенг авж олган бўлиб, бу мамлакатларда барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунчилик асосида ҳимоя қилинмоқда, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ошиб бормоқда.

Демократиялаш жараёни Ўзбекистон Республикасида ҳам давом этмоқда. Бунинг амалий ифодасини Ўзбекистоннинг сиёсий системасида рўй берган муҳим ўзгаришлар кўрсатиб турибди. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва давлат бошқарувининг энг юксак демократик талабларга жавоб бераётганлиги, кўппартиявилик тизмининг қарор топганлиги, вакиллик ҳокимиятининг вужудга келтирилганлиги ва бошқа шулар сингари муҳим сиёсий ўзгаришларнинг амалга оширилаётганлиги мамлакатимизда демократиялаш жараёнининг қандай кечеётганлигини яққол кўрсатмоқда. Бундай мисолларни Марказий Осиёдаги ва дунёning бошқа кўплаб мамлакатлари ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Сиёсий системанинг демократиялашдаги нисбатини сиёсатнинг бошқа барча субъектлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Сиёсатнинг бошқа субъектлари ҳам демократияга ва жамият ҳаётининг демократиялаштиришга турлича муносабатда бўладилар. Улар фаолиятида ҳам демократияга мойиллик, қатъийлик кучли бўлиши билан бирга. унга қарши туриш, демократик ўзгаришлар қилишга йўл қўймаслик ҳоллари ҳам мавжудdir. Масалан, ҳозирги пайтда дунёning айrim мамлакатларида фашистик руҳдаги сиёсий ташкилотлар мамлакатда фашистик диктатура ўрнатишга ва шу йўл билан халқ оммасининг хоҳищ-иродасини бўғиб қўйишга интилмоқда. Дунёning турли мамлакатларидағи айrim сиёсий партиялар ижтимоий ҳаётда демократик ўзгаришлар бўлишига тиш-тироноқлари билан қаршилик қилмоқда. Масалан, Италиядаги «Миллий ўнг кучлар партияси», Аргентинадаги «Федерал халқ партияси», Германиядаги «Национал-демократик партия» ва бошқа шулар сингари сиёсий партиялар фашизмни қайта тиклашга ҳаракат қилиб, мамлакатда ҳар қандай демократик ўзгаришларга тўсқинлик қилишга урунмоқдалар.

Лекин шунга қарамасдан дунёдаги аксарият кўпчилик сиёсий партиялар демократияга тарафдор бўлиб, унга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлмоқда ва бу соҳада уларнинг ўзлари ҳам амалий фаолият кўрсатмоқда. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Халқ Демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси 1995 йилда Ўзбекистон Олий Мажлисига ўтказилган сайловларда фаол қатнашди ва ўз аъзоларининг айrim вакилларини Олий Мажлис ноиби бўлиб сайланишига эриши.

Жамият ҳаётида демократиялаш жараёнининг бориши бир томонлама характерга эга эмас. Ҳолбуки бу жараён фақат сиёсат субъектларининг жамият ҳаётига қиласидиган таъсириниң натижаларидангина иборат бўлиб қолмай, балки жамият сиёсий системасининг ички ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳам белгиланади. Буни амалдаги ҳуқуқий давлатлар ёки ҳуқуқий давлатчилик томон бораётган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Ҳуқуқий давлатда давлат қурилиши ва давлат бошқарувининг ўзиёқ унда демократик асосларнинг кучли эканлиги билан белгиланади. Ҳозирги кунда Фарбий Европа ва Америкадаги кўпчилик мамлакатларда давлат тизимлари демократик асосларда шаклланган бўлиб, уларнинг ўзи биринчи навбатда демократия нормаларига қатъий амал қилмоқдалар. Уларнинг бундай фаолияти, бир томондан, ўзларининг сиёсий ҳокимиятларини мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчи томондан эса, сиёсий системани мустаҳкамлаш ва уни янада такомиллаштиришга ёрдам бермоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат қурилиши ва давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган муҳим ўзгаришлар ҳам давлатнинг жамият сиёсий системасини мустаҳкамлашга қанчалик кучли ижобий таъсир этажтаганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг: «Биз барпо этаётган давлат энг аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим»,¹ деган фикрида мамлакатимизда давлатнинг ички сиёсий ҳаёти тўла демократик асосларга эга бўлиши лозимлиги қайд этажтаганлигини кўрамиз.

Сиёсий система ва сиёсий демократиянинг нисбати демократиянинг жамият сиёсий системасига қиласидиган таъсирида ҳам тўла намоён бўлади. Жамият ҳаётида демократиялаш жараёни қанчалик чуқурлашиб борса, бу ҳол, шубҳасиз, жамият сиёсий системасининг мустаҳкам бўлиши ва унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда демократия кенг ривож топган кўплаб мамлакатларда сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ўз имкониятларидан тўла эркинлик билан фойдаланаётганликлари,

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т, «Ўзбекистон», 1995, 9-бет.

улағнинг ўзлари ўртасида чуқур алоқалар ўрнатилган-
лиги бунга аниқ мисолдир.

**Ваколатли ва бево-
сита демократия** Демократиялаш жараёни му-
раккаб сиёсий ҳодиса бўлиб,
у асосан ваколатли ва бево-
сита демократия орқали амалга оширилади. Ваколат-
ли демократияда фуқаролар жамият ҳаётига дахлдор
бўлған масалаларни ҳал қилишда ўз вакиллари орқали
уларга ишонч билдириш ва наказ бериш асосида қат-
нашадилар.

Жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан сайлаб
қўйиладиган парламент (вакиллар) орқали мамлакат-
нинг барча соҳалари бошқарилади ва улар фуқаролар
олдида ҳисоб бериб турадилар. Парламент мамлакат-
нинг сиёсий ҳокимиятга эга бўлған органи бўлиб, у ай-
ни пайтда ҳалқнинг демократик ўз-ўзини бошқариш орг-
гани ҳамdir. Улар мамлакатда хўжалик, сиёсий ва со-
циал-маданий вазифаларни амалга оширишда кенг ом-
манинг ташкилоти сифатида ўз функцияларини бажа-
ришда кенг аҳолига таяниб иш кўради.

Парламент кенгашларининг доимий комиссиялари
хўжалик, маданий, ижтимоий ҳаёт муаммоларини ўрга-
нади, қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди,
шунингдек бошқариш аппарати фаолиятини мунтазам
равишда назорат қилиб туради. Улар умумий раҳбар-
лик функцияларигагина эмас, балки ҳаётнинг турли то-
монларини бошқаришни ҳам тобора кўпроқ ўз зимма-
ларига олади.

Парламент мамлакатда қонунчиликни ривожланти-
ришга, ҳуқуқий тартиботларни мустаҳкамлашга катта
эътибор беради. Тўрмушнинг муҳим томонларига қара-
тилган масалаларни ўрганади ва уни ривожлантириш-
нинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиб ҳаётга тад-
биқ этади.

Ҳозирги даврда барча мамлакатларда парламент-
нинг доимий комиссиялари фаолияти кучаймоқда. Улар
ҳаётнинг энг долзарб муаммолари бўлған атроф-муҳит-
ни, шу жумладан сув ҳавзаларини, ер ости бойликлари-
ни, фазони муҳофаза қилишга тааллуқли соҳалар бўйи-
ча қонунлар тайёрлашда фаол иш олиб бормоқда, бу
соҳалар илгарилари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солин-
маган ва бутунлай четда қолиб келган эди.

Парламент ва уларнинг депутатларининг сайловчи-

лар олдида мунтазам ҳисоб бериб туриши, сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутатларни муддатидан олдин чақириб олиш ҳуқуқи, давлат бошқаришининг хўжалик ва маданий қурилишнинг барча муҳим масалаларини парламент сессияларида очиқ, эркин ва ҳар тономлама муҳокама қилиниши ҳокимият ижроя органларининг парламент сессияларида қўйидан юқоригача мунтазам равишда ҳисобот бериб туриши барча ишларни тўғри ҳал қилишнинг, бошқариш ишларида омманинг ҳақиқатда иштирок этишининг муҳим гарантидир. Ваколатли орган таркибининг мунтазам равишда ўзгариб туриши унинг ишига максимал даражада кенг жамоатчиликни жалб қилишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Жамият тараққиёти давомида ваколатли органларнинг роли ва аҳамияти ошиб боради. Улар мамлакатда иқтисодий ва социал жараёнларга раҳбарликни амалга оширадилар. Улар ҳокимиётнинг мамлакатни бошқариш масалаларини ҳал қилишга ваколатли бўлган органдир. Шу сабабли парламент ишининг шакл ва усулларини доимо такомиллаштириш, уларнинг фаолиятида демократик асосларни кучайтириш, омманинг манфаатларини, эҳтиёжларини, иродасини тобора тўлароқ ифода этиш орқали жамоатчиликнинг энг кенг доираларини ваколатли органлар ишида тобора кўпроқ иштирок этитириш орқали эришилади.

Ваколатли демократиянинг ифодасини сиёсий партиялар фаолиятида ҳам, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари фаолиятида ҳам жуда аниқ қўриш мумкин. Бу ташкилотларда ҳам уларнинг аъзолари вакиллик асосида ташкилотнинг юқори органларига, уларнинг анжуманларига номзод ёки вакил қилиб сайланадилар ва шу орқали ташкилотнинг ҳамда унинг аъзолари манфаатларини ҳимоя қиласидилар.

Демократиянинг яна бир муҳим ўйналиши бевосита демократиядир. Бевосита демократия фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида тўғридан-тўғри қатнашишлари, мамлакатда олиб бориладиган сиёсатга ва сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдиришиларидир. Бевосита демократияда ҳар бир фуқаронинг хоҳиши-иродаси, сиёсий талаб ва таклифлари акс этади.

Бевосита демократиянинг дастлабки қўринишлари қулдорлик жамиятида рўй берган. Ўша пайтларда жамият аъзолари мамлакат ва давлат ҳаётига доир маса-

лаларни ҳал қилишда түғридан-түғри иштирок этишган, катта-кatta йиғинлар ўтказилиб, уларда қулдорлик давлати олиб борган сиёсатга муносабат билдирилган, сиёсий ҳокимиятга уларнинг ўзлари учун маъқул бўлган кишилар тавсия қилингган. Масалан, қадимги Афинада ҳалқ йиғини сиёсатнинг ҳамма асосий масалаларини қараб чиққан ва ҳал қилган. Ҳалқ йиғини уруш ва сулҳ масалаларини, давлатнинг хўжалик ва молия масалаларини ҳал қилган, ўзга мамлакатлардан келган дипломатларнинг маърузаларини тинглаган, шунингдек жуда кўп кундалик масалаларни кўриб, уларни ҳал қилган. Афиналик ҳар бир фуқаро истаган масаласини ҳалқ йиғинига қўйишга ҳақли бўлган. Қарор очиқ овоз бериш йўли билан, яъни қўл кўтариш билан қабул қилинган.

Бевосита демократиянинг бир мунча такомиллашган шакли асримизнинг ўрталарида Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда вужудга келди. Бу мамлакатларда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топиши бевосита демократиянинг ривожланиши учун қулай шарт-шаронтларни таъминлади. Уларда ҳалқ оммаси ёки мамлакатнинг ҳар бир фуқароси жамият ва давлат ишларини бошқариш, мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга ўз муносабатларини билдиришда тўла эркинлик асосида ҳаракат қила бошладилар. Давлатлар фуқароларнинг жамият ҳаётига доир масалаларни ҳал этиш соҳасидаги ҳаракатларига айrim ҳолларда қаршилик қилишга урунсалар-да, лекин улар аҳолининг сиёсий фаолликларини батамом бостириш йўлини тутмадилар. Чунки фуқароларнинг жамият ва давлат ишларига доир ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдириш истаги ва иродасини бостириш ҳуқуқий давлат табиатига түғри келмайди.

Бевосита демократиянинг амал қилиши сиёсий тузумларга ва уларда ҳукмрон бўлган сиёсий кучлар фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Масалан, тоталитар ва авторитар сиёсий тузумларда ваколатли демократия сингари бевосита демократия ҳам чекланган бўлади. Уларда кучли давлат ҳокимияти ўз иродасини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бўғишга, уларнинг жамият ишларига фаол иштирок қилишларига қарши қўяди. Кучли цензура ва қаттиқ назорат остига олинган ҳар қандай сиёсий фаолият бу сиёсий тузумларда эркин фаолият кўрсатолмайди.

Сиёсий системани ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг заурурлиги

Ёжлари ва талабларига мувофиқ равишда ҳаракат қиувчи сиёсий система механизмлари амалда бўлиши лозим. Бу механизмлар ўзаро уйфун ҳолда самарали ҳаракат қилган тақдирдагина, жамият ҳаётида узлуксиз ривожланиш давом этади.

Сиёсий система ривожланмасдан бир жойда туриб қолиши мумкин эмас. У жамият тараққиётiga мувофиқ равишда ўзгариб туради ва жамият ҳаётига турлича таъсир кўрсатади.

Сиёсий системанинг жамият ҳаётига таъсири мавжуд сиёсий тузумнинг моҳияти билан бёлгиланади. Айрим сиёсий тузумларда сиёсий системанинг ривожланиши бир томонлама хусусиятга эга бўлади. Масалан, тоталитар ва авторитар сиёсий тузумларда сиёсий системанинг алоҳида бир субъекти жамият ҳаётида устун мавқега эга бўлади ва у сиёсий системанинг бошқа субъектлари ҳуқуқлари чеклаб қўйилишига олиб келади. Бу ҳодиса сиёсий системанинг ё давлат ташкилотига хосдир. Сиёсий системанинг улардан ташқари бошқа биронта субъекти бундай имкониятга эга бўломмайди.

Ўтган ўн йилликлар давомида собиқ СССР ҳамда Шарқий Европада мавжуд бўлган собиқ социализм мамлакатларида тоталитар ва авторитар сиёсий тузумлар ҳукмрон бўлган шароитда жамият сиёсий системанинг ривожланиши ана шундай бир томонлама хусусиятга эга бўлган эди. Бу мамлакатларда маъмурий-буйруқбозлик тартиботи жамият сиёсий системасида ҳукмрон таркиби қисмга айлантирилиб, қолган бошқа барча таркиби қисмларнинг ўрни ва аҳамияти амалда йўққа чиқариб қўйилди, уларнинг ички мустаҳкилиги бутунлай чеклаб қўйилди ва сиёсий система таркиби қисмларининг кўпчилигини керак бўлиб қолган ҳолларда фойдаланадиган кичик бир механизмга айлантирилди.

Шу тариқа сиёсий система таркибида бузилиш рўй бериб, уларнинг таркиби қисмларидан бири бўлған сиёсий партия бошқа барча таркиби қисмлар фаолиятини ўз иродасига тўла бўйсундириб олди. Сиёсий сис-

Жамият сиёсий системасининг ривожланиб ва тақомиллашиб бориши объектив ҳауриятдир. Жамият ривожланиб борар экан, унинг эҳтийёжлари ва талабларига мувофиқ равишда ҳаракат қиувчи сиёсий система механизмлари амалда бўлиши лозим. Бу механизмлар ўзаро уйфун ҳолда самарали ҳаракат қилган тақдирдагина, жамият ҳаётида узлуксиз ривожланиш давом этади.

Сиёсий система ривожланмасдан бир жойда туриб қолиши мумкин эмас. У жамият тараққиётiga мувофиқ равишда ўзгариб туради ва жамият ҳаётига турлича таъсир кўрсатади.

Сиёсий системанинг жамият ҳаётига таъсири мавжуд сиёсий тузумнинг моҳияти билан бёлгиланади. Айрим сиёсий тузумларда сиёсий системанинг ривожланиши бир томонлама хусусиятга эга бўлади. Масалан, тоталитар ва авторитар сиёсий тузумларда сиёсий системанинг алоҳида бир субъекти жамият ҳаётида устун мавқега эга бўлади ва у сиёсий системанинг бошқа субъектлари ҳуқуқлари чеклаб қўйилишига олиб келади. Бу ҳодиса сиёсий системанинг ё давлат ташкилотига хосдир. Сиёсий системанинг улардан ташқари бошқа биронта субъекти бундай имкониятга эга бўломмайди.

Ўтган ўн йилликлар давомида собиқ СССР ҳамда Шарқий Европада мавжуд бўлган собиқ социализм мамлакатларида тоталитар ва авторитар сиёсий тузумлар ҳукмрон бўлган шароитда жамият сиёсий системанинг ривожланиши ана шундай бир томонлама хусусиятга эга бўлган эди. Бу мамлакатларда маъмурий-буйруқбозлик тартиботи жамият сиёсий системасида ҳукмрон таркиби қисмга айлантирилиб, қолган бошқа барча таркиби қисмларнинг ўрни ва аҳамияти амалда йўққа чиқариб қўйилди, уларнинг ички мустаҳкилиги бутунлай чеклаб қўйилди ва сиёсий система таркиби қисмларининг кўпчилигини керак бўлиб қолган ҳолларда фойдаланадиган кичик бир механизмга айлантирилди.

Шу тариқа сиёсий система таркибида бузилиш рўй бериб, уларнинг таркиби қисмларидан бири бўлған сиёсий партия бошқа барча таркиби қисмлар фаолиятини ўз иродасига тўла бўйсундириб олди. Сиёсий сис-

теманинг бундай бузилиши амалиётда фуқароларнинг кенг қатламларини жамиятни бошқаришда иштирок этишдан, умуман жамиятни бошқариш идора қилиш ишларидан четлаштириб қўйишга олиб келди. Шу туфайли барча соҳаларда, хусусан сиёсий системада чуқур ва ҳалокатли инқироз вужудга келди.

Ҳозирги кунда дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг сиёсий системаси вужудга келган янги шарт-шароитларга, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи талаб-эҳтиёжларга мослашган ҳолда ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Уларда тоталитар ва авторитар сиёсий тузумлардаги сингари қарама-қарши туриш, ижтимоий тўқнашувлар ва можаролар сиёсатидан ижтимоий муроса қилиш сиёсати устун қўйилмоқда. Натижада бу мамлакатлар ўзларининг жамият тараққиёти тарихидаги мавқенини мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Сиёсий системанинг ривожланиб ва такомиллашиб боришини таъминлашда, уни самарадор сиёсий механизмга айлантиришда унинг барча субъектлари фаолияти устидан фуқаролар назоратини ўрнатиш ишини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бўнинг учун давлат ҳокимиятининг демократик тарзда сайлаб қўйилган ваколатли муассасалари томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорларнинг ўз вақтида тўла бажарилиши устидан кундалик, доимий амал қиласидиган ижтимоий ҳамда давлат назоратини вужудга келтириш зарурдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси сиёсий системаси барча мамлакатлар сиёсий ҳаёти тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз ривожланиб борадиган сиёсий системани вужудга келтириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистонда шаклланган сиёсий хилма-хиллик, кўпіртиявийлик унинг сиёсий системаси моҳиятини, мазмунини, асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Республикада энг муҳим масалалалар бўйича умумхалқ муҳокамасини ўтказиш, демократиянинг бошқа кўринишлари — фуқаролар йиғишлишлари, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш каби воситалар орқали иш юритиши, унинг сиёсий системаси таркибида сиёсатнинг янги субъектлари фаолият кўрсатаётганлиги мамлакатимизда сиёсий системанинг ривожланиб ва такомиллашиб бораётганлигини амалда кўрсатмоқда.

СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

Сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши жамият ҳаётидаги муҳим сиёсий ҳодисадир. Унинг вужӯдга келиши билан жамият ҳаётида янги тартиблар ўрнатилади, бошқарувнинг ва раҳбарликнинг янги усуслари ва воситаларидан фойдаланила борилади.

Жамиятдаги турли сиёсий кучлар сиёсий ҳокимият ёрдамида ўзларининг сиёсий ҳукмронликларини амалга оширадилар. Сиёсий ҳокимият ҳокимиятнинг бошқа турларидан фарқ қилиб, ўзининг жамиятдаги таъсирини мақсад ва манфаатлари, интилишлари ҳар хил бўлган кучлар ёрдамида ўтказади. Шу сабабдан ҳам сиёсий ҳокимиятда жамиятдаги турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг хоҳиши-иродаси ўз аксини топади.

I. Сиёсий ҳокимият, унинг тузилиши, мақсад ва вазифалари

Сиёсий ҳокимият жамият ҳаётидаги мураккаб сиёсий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Уни амалга ошириш механизмлари, фаолият кўрсатиш даражаси ниҳоятда ранг-бараг бўлиши билан бирга,унда ҳокимиятнинг бошқа турлари ҳам ўз ифодасини топади ва уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлади.

Ҳокимият сиёсий ҳодиса Ҳокимият тушунчasi оддий сифатида тилда ва илмий адабиётларда жуда кўп қўлланилади. Ҳар бир аниқ ҳолатда ва шароитда бу тушунча ўзига хос маъно ва мазмунга эга бўлади. Масалан, «оила ҳокимияти», «ота-оналар ҳокимияти», «ёшлар ҳокимияти», «хўжалик ҳокимияти», «давлат ҳокимияти», «суд ҳокимияти», «сиёсий ҳокимият» ва бошқа шулар сингари тушунчаларда «ҳокимият» сўзи турли хил маъноларни англатади ва турли мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласди. Илмий адабиётларда политологлар — сиёсий ҳокимият тўғрисида, иқтисодчилар — хўжалик ҳокимияти ҳақида, социологлар — социал ҳокимият, юристлар — давлат ҳокимияти, диндорлар — илоҳий ҳо-

қимият түғрисида сўз юритиб, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларини ўрганишда ҳокимият тушунчасидан фойдаланиадилар.

«Ҳокимият» тушунчаси шу қадар кенг маънога эга-ки, уни бир-икки сўз ёки фикр билан таърифлаш жуда қийин. Бунинг учун ҳокимият тушунчасини унинг фақат сиёсий моҳияти жиҳатидан таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳолбукн бу тушунча ифода қиласидаган «ота-оналар ҳокимияти», «оила ҳокимияти» сингари маъноларда қўлланиладиган ҳокимиятлар тушунчаси сиёсий моҳиятга ва сиёсий мазмунга эга эмас. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, «ҳокимият» тушунчасини унинг сиёсий моҳияти нуқтаи назаридан қўйидагича таърифлаш мумкин: **«Ҳокимият — бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқатворига, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилияtlари билан таъсири этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир.»**

Ҳокимиятнинг моҳиятини раҳбарлик, ҳукмронлик ва бўйсундириш муносабатлари ташкил этади.

Ҳокимиятнинг умумий моҳиятга эга бўлган таърифиға асосланган ҳолда унинг алоҳида тури бўлган сиёсий ҳокимиятни қўйидагича таърифлаш мумкин: **«Сиёсий ҳокимият — бу сиёсат субъектларининг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуllар ва восьиталар ёрдамида амалга ошириш фаолиятнинг ўзига хос алоҳида шаклидир.»**

Сиёсий фаолият фақат давлат томонидан амалга оширилмайди, балки у сиёсий системанинг бошқа таркибий элементлари бўлган сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Сиёсий ҳокимиятнинг бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари имкониятларга эга эмас. Давлат ҳокимияти аҳолининг барча қисмлари учун мажбурий ҳисобланган қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишини монополия қилиб олган бўлади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари эса ўз прорасини дастурлар, низомлар, қарорлар ва бошқа шулар сингари мажбурий ҳарактерга эга бўлмаган ҳужжатлар асосида амалга оширади.

Давлат ҳокимияти ихтиёрида армия, милиция (полиция), прократура, суд сингари зўрлик аппаратлари

түўпланган бўлиб, давлат уларнинг кучи билан ўзининг ҳокимиятини амалга оширади. Бироқ давлат ҳокимияти жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказиш ёки жамият ишларини бошқаришни амалга оширишда фақат ана шу зўрлик аппаратининг кучидан фойдаланиши шарт эмас. У бундан ташқари жамият ҳаётига иқтисодий, сиёсий, маданий, ғоявий таъсириш воситаларидан ҳам фойдаланади. Давлатнинг бу воситалардан қандай фойдаланиши давлат ҳокимиятини амалга оширувчи кучларнинг фаолиятига bogлиқdir. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти зўрлик қилиш билан бирга ишонтириш, тарбиялаш усуllibаридан ҳам фойдаланади. Демак, кўрамизки, давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимият ҳисобланса-да, лекин шу билан бирга у сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шаклларидан ўзининг кўпгина белги-хусусиятларига кўра фарқ қиласди. Бу фарқ қилувчи хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

— «давлат ҳокимияти» тушунчаси «сиёсий ҳокимият» тушунчасига нисбатан тор маънога эга. Бунинг сабаби шундаки, сиёсий фаолият фақат давлат доирасида ёки фақат давлат томонидан амалга оширилиб қолмай, балки шу билан бирга у сиёсатнинг бошқа субъектлари бўлган сиёсий партиялар, ижтимоний ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилади;

— давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятдан ўзининг иш услубига кўра ҳам фарқ қиласди. Масалан, агар давлат ҳокимияти ўз мақсадларига эришиш учун мажбур қилиш усуllibарни ва воситаларидан фойдаланса, сиёсий ҳокимият бундай имкониятга эга бўлмайди. Бирон-бир сиёсий партия ёки бирон-бир жамоат ташкилоти милиция (полиция), прокуратура, миллий хавфсизлик орғанлари, судлар бажарадиган ишлар билан шугулланмайди ёки улар фаолиятига раҳбарликни амалга ошира олмайди;

— давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятдан фарқ қилиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади.

Лекин шунга қарамай, сиёсий ҳокимият билан давлат ҳокимияти ўртасида кўпгина ўхшаш, умумий томонлар ҳам мавжуд бўлади. Буни қуйидаги ҳолларда кўриш мумкин:

— сиёсий ҳокимият ҳам, давлат ҳокимияти ҳам сиёсий ҳодисадир;

- ҳар иккаласида ҳам сиёсий ҳукмронлик акс этади;
- сиёсий ҳокимиятнинг ҳам, давлат ҳокимиятининг ҳам асосини халқ оммаси ташкил этади;
- сиёсий ҳокимият ҳам, давлат ҳокимияти ҳам жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга у ёки бу дарражада таъсир кўрсатади.

Бундай умумий ва фарқ қилувчи жиҳатлар фақат сиёсий ва давлат ҳокимиятларигагина хос бўлиб қолмай, балки бу хусусият ҳокимиятнинг бошқа шаклларига ҳам хосдир. Масалан, сиёсий ҳокимият давлат ҳокимиятидан қанчалик фарқ қиласа, у диний ёки илоҳий ҳокимиятдан ҳам шунчалик кўп фарқ қиласди. Чунончи, агар сиёсий ҳокимиятнинг субъектлари жуда хилма-хил бўлса, илоҳий ҳокимиятнинг субъекти битта — диний ташкилот ҳисобланади. Агар сиёсий ҳокимият ўзининг тузилиши ва моҳиятига кўра ҳокимиятнинг барча шаклларини ифода қиласа, диний ҳокимият бундай хусусиятга эга бўлмайди. Жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш имкониятлари жиҳатидан ҳам сиёсий ҳокимият илоҳий ҳокимиятдан фарқ қиласди.

Сиёсий ҳокимиятнинг шакллари

Сиёсий ҳокимият ўзининг тузилишига кўра турли хил шаклларда бўлади. Унинг ҳар хил шаклларда намоён бўлишининг асосий сабаби жамият ҳаётида кўплаб ҳокимиятларнинг ҳаракатда бўлиши билан белгиланади. Бундай ҳокимиятлар ўзларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролига, мақсад ва вазифаларига кўра бир-бирларидан фарқ қиласди.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий шаклларидан бири давлат ҳокимиятидир. Давлат сиёсий ташкилот бўлганлиги учун ҳам унинг фаолияти сиёсий моҳият касб этади. У жамиятнинг фақат иқтисодий, маданий, социал ва ҳарбий соҳаларида фаолият кўрсатиб қолмай, шу билан бирга жамиятнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади.

Давлат ҳокимиятнинг сиёсий моҳияти, аввало, унинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда фаол иштирок этиши билан белгиланади. Чунки давлат мамлакатнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган муаммоларни ҳал қилишда етакчи сиёсий кучлардан бирни сифатида фаолият кўрсатади. Давлат ҳокимияти томонидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати ишлаб чиқилади,

дунёning түрли мамлакатлари билан сиёсий алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ташкил қилинади. ва амалга оширилади, давлат билан сиёсатнинг бошқа субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлар олиб борилади.

Давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари билан доимий ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабатлар қандай шароитда олиб борилиши ва улар иинг натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, давлат сиёсий ҳокимиятнинг бошқа ҳокимиятлардан аниқ фарқини кўрсатиб беради.

Давлат ҳокимиятининг сиёсий моҳияти унинг демократиялаш жараёнларига бўлган муносабатида жуда аниқ кўринади. Бу муносабат давлат ҳокимиятининг фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий эркинликларини тъминлаши, уларнинг сайловларда иштирок этиши, турли хилдаги сиёсий тадбирларда қатнашиши, намойишлар ўюштирилиши сингари сиёсий тадбирларнинг амалга оширилишида ифодаланади. Аммо давлат ҳокимияти ҳамма вақт ҳам фуқароларга бундай имкониятларни беравермайди. Тоталитар ва авторитар сиёсий тузумларда давлат ҳокимияти демократиялаш жараёнларини батамом тўхтатиб қўйишга, давлатга қарши бўлган ҳар қандай ҳаракатларни тақиқлаб қўйишга ҳаракат қиласди.

Мамлакатнинг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда давлат ҳокимиятининг сиёсий моҳияти муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа биронта шакли бу масалани давлат ҳокимияти каби амалга ошира олмайди. Бу ишда ҳам сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари чекланган имкониятларга эгадир. Улар мамлакатнинг ташқи сиёсатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиш орқали ўз иродаларини амалга оширади.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий шаклларидан яна бири сиёсий партияларнинг ҳокимиятидир. Бу ҳокимият ўзининг тузилиши, мақсад ва вазифалари, жамият ҳаётидаги тутган мавқеи жиҳатидан давлат ҳокимияти ёки сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шаклларидан фарқ қиласди. Сиёсий партиялар ҳокимиятнинг жамият ҳаётидаги имкониятлари давлат ҳокимиятиники сингари эмас. Лекин шунга қарамай сиёсий ҳокимиятнинг бу шакли жамият ҳаётидаги ўз ўрни ва мавқеига эгадир.

Сиёсий партиялар ўз ҳокимияти кучидан фойдала-

ниб, жамият ҳаётига таъсир қиласидилар. Бу таъсир улар олиб борадиган сиёсатга ва унинг натижаларига боғлиқ бўлади.

Сиёсий партия ҳокимияти билан «партия ташкилоти» тушунчалари айнан бир хилдаги тушунчалар эмас. Агар «сиёсий партия» тушунчаси аҳолининг айрим қисмлари ни ўз сафларида бирлаштирган сиёсий ташкилот маъносини англатса, «сиёсий партия ҳокимияти» тушунчаси эса, сиёсий ҳукмонликнинг алоҳида шаклини ифода қиласиди. Сиёсий партия ҳокимияти партия ташкилотининг иродасини ифода этиб, партиянинг маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идоралари ишини ташкил этиш ва уларни бошқаришни амалга оширади. Шу жиҳатдан қараганда, сиёсий партия ҳокимияти билан сиёсий партия ташкилотининг функциялари бир-биридан фарқ қиласиди. Агар сиёсий партия ташкилотлари ўз аъзоларини тарбиялаш, уларга ғоявий таъсир кўрсатиш сингари вазифаларни бажарса, сиёсий партиялар ҳокимияти партия ташкилоти тизимини тартибга солиш, уларни бошқариш ва сиёсий раҳбарликни амалга ошириш сингари вазифаларни бажаради.

Сиёсий партия ҳокимияти ўзининг сиёсий тизимигъ эга бўлади. Бу тизимда ҳокимиятнинг бўлинниши партиянинг қуий ва юқори органларидан иборат бўлиши, ҳокимиятнинг марказда ва жойларда ташкил этилиши билан белгиланади.

Сиёсий ҳокимият илоҳий ёки диний ҳокимият шаклида ҳам намоён бўлади. Ҳокимиятнинг бу шакли унинг бошқа шаклларига қарагандა анча илгари шаклланган. Ибтидоий муносабатлардан қулчилик муносабатларига ўтиш даврида ҳокимиятнинг бу шакли пайдо бўла бошлигаган. Ҳали давлат ҳокимияти вужудга келмаган пайтларда жамият ҳаётидаги хилма-хил муносабатлар ҳокимиятнинг ана шу шакли томонидан тартибга солинган, ва унинг бевосита амалий фаолияти натижасида жамият ҳаёти бошқарилган ва унга раҳбарлик амалга оширилган.

Манбаларда хабар берилшича, илоҳий ҳокимият худо номидан амалга оширилган. Қадимги замонларда кўп худолик шаклланиб, фуқаролар уларнинг айримларига бўйсуниб келган. Бироқ давлатнинг шаклланиши босқичида илоҳий ҳокимият масаласига қарашларда муҳим ўзгаришлар рўй берган. Хусусан будда дини худонинг олий ҳакам, оламнинг яратувчиси ва дунё-

нинг ягона ҳукмдори ҳақидаги таъзимотларни рад этиб, алоҳида шахсларнинг ҳукмронлиги ва жамиятнинг улар томонидан бошқарилиши мумкинлиги ғояси-ни тарғиб қила бошлаган.

Үйғониш даврининг йирик мутафаккирларидан бири Н. Макиавелли илоҳий ҳокимиятнинг камчиликларини очиб беришга ҳаракат қилган ва бундай ҳокимият бутун жамоани бир мақсадга бирлаштиришга қодир эмас, деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, бундай вазифани фақат шоҳ ҳокимияти амалга оширади.

Лекин шунга қарамай илоҳий ҳокимият ўз ўрнини давлат ҳокимиятига батамом бўшатиб бермаган. Ҳолбуки у давлат ҳокимияти билан бир вақтда жамият ҳаётida фаолият кўрсата бошлаган. Турли даврларда илоҳий ҳокимиятга қарши ҳаракатлар бўлишига қарамай, бу ҳокимият оғир йўлларни босиб ўтиб, бизнинг замонамизгача етиб келди. Ҳозирги кунда илоҳий ҳокимиятлар дунёning ҳамма мамлакатларида фаолият кўрсатмоқда.

Илоҳий ҳокимият шунинг учун ҳам сиёсий ҳокимиятнинг шакли ҳисобланадики, биринчидан, у диний ташкилот сифатида жамиятдаги сиёсий ҳодисадир, иккинчидан эса, жамиятнинг сиёсий ривожланишига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳокимият сиёсий масалалар билан бевосита шуғулланмаса-да, давлатлар ёки сиёсий партиялар ҳокимиятлари томонидан амалга оширилаётган сиёсий йўлга ўзининг муносабатини билдириб туради.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари нинг ҳокимиятлари ҳам сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос шақлидир. Сиёсий ҳокимиятнинг бу шакли унинг бошқа шаклларидан ўзининг тузилиши, мақсад ва вазифалари, жамият ҳаётida тутган ўрни ва ролига кўра фарқ қиласиди. Бу ҳокимиятнинг сиёсий моҳиятга эга эканлиги, бир томондан, уларнинг ташкилот сифатидаги тузилиши билан белгиланса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий масалаларни ҳал этишда иштирок қилишлари билан белгиланади.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари нинг ҳар бири ўз ҳокимиятини мустақил равищда амалга оширади. Бу ҳокимиятлар бошқариш ва раҳбарлик ишларини ўз ташкилотлари допрасида олиб боришга, маъмурний ва вакиллик органлари ишининг тўғри ташкил этилишига ҳаракат қиласиди.

Сиёсий ҳокимиятнинг бу шакли қўйидаги турларга бўлинади: касаба уюшмаларининг ҳокимияти; ёшларнинг ҳокимияти; хотин-қизларнинг ҳокимияти; фахрийларнинг ҳокимияти; маҳалла ҳокимияти ва бошқалар. **Бу** ҳокимиятларнинг фаолият доираси ва таъсир кучи давлат ҳокимиятиники сингари имкониятларга эга эмас. Уларнинг айримлари мамлакатнинг ички ва ташкини сиёсатига у ёки бу даражада таъсир этса-да, бироқ уни белгиловчи сиёсий куч бўла олмайди.

Масалан, ёшлар ҳокимияти дунёning ҳамма мамлакатларида мавжуд бўлиб, улар мамлакатда олиб борилаётган давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар ҳокимияти сиёсатига ва улар фаолиятига маълум даражада таъсир кўрсатади. Ёшлар ҳокимияти ёшлар ташкилотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг ваколатли органлари ишини ташкил этиш ва шу йўл билан ёшлар ташкилотининг марказ билан жойлардаги муносабатларини тартибга солиб туриш сингари вазифаларни бажаради. Бошқа ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам ўз продаларини худди ёшлар ҳокимияти сингари тартибда амалга оширади.

Сиёсий ҳокимиятнинг функциялари ва вазифалари

Функцияси ва вазифалари ҳокимиятнинг ҳар бир алоҳида шакли учун турлича бўлади. Чунончи, давлат ҳокимиятининг функцияси ва вазифалари сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари функцияси ва вазифаларидан бир мунча фарқ қиласди. Масалан, давлат ҳокимиятида хўжалик-ташкилотчилик ҳамда маданий-тарбиявий функциялар бўлиб, улар орқали давлат ҳокимияти жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларига дахлдор вазифаларни бажаради. Сиёсий партиялар ҳокимиятида эса, ташкилотчилик ва тарбиявий функциялар бўлиб, улар орқали партия ҳаётига, унинг фаолиятига доир вазифалар амалга оширилади. Сиёсий партиялар ҳокимиятининг функцияси партияниң жамият аъзолари онгига тоявий таъсир кўрсатиш ҳамда ўз аъзоларини тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни ҳам ўзида экс эттиради.

Сиёсий ҳокимиятларнинг функцияси ва вазифаларидаги фарқ қилувчи жиҳатларни илоҳий ҳокимият мисо-

Сиёсий ҳокимият сиёсий мөхиятга эга бўлган ҳокимиятларнинг умумий ифодаси бўлганлиги учун ҳам уларнинг

лида ҳам күриш мумкин. Илохий ҳокимият диний ташкilotлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва диндорларни ғоявий жиҳатдан тарибиялашдан иборат ташкilotчилик-тарбиявий функцияларга ва диндорлар ҳаётига доир муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифаларга эгадир.

Ижтимоий ташкilotларнинг ҳокимияти ҳам сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари сингари ўзларининг ташкilotчилик-тарбиявий – функцияларнга ҳамда вазифаларига эга.

Ташкilotчилик-тарбиявий функциялар сиёсий ҳокимиятнинг барча шакллари учун умумий ҳодиса ҳисобланади. Бироқ бу функциялар орқали ифодаланган ишларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалари жиҳатидан сиёсий ҳокимиятлар бир-бираидан фарқ қиласди. Сиёсий ҳокимиятнинг ҳар бир шаклида жамият ҳаётига доир масалаларни ҳал этиш бидан боғлиқ вазифалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Жумладан, давлат ҳокимияти бажарадиган вазифалар сиёсий партиялар ҳокимияти ёки сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари бажарадиган вазифалар билан айнан бир хилда бўлмайди. Давлат ҳокимияти асосан қуйидаги вазифаларни бажаради: иқтисодий соҳада — давлат мулкини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш; саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш; банк, молия, кредит тизимини такомиллаштириш; бозор иқтисодига ўтишини таъминлаш; мулк шаклларини ҳимоя қилиш; турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш; социал соҳада — аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; ижтимоий хизмат турларини ташкил этиш; солиқ тизимини такомиллаштириш; аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш; миллий муносабатларни ривожлантириш; оила-никоҳ муносабатларини сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш; сиёсий соҳада — сиёсий системани такомиллаштириш; турли сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкilotларининг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш; давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва олиб бориш; маданий соҳада — фан, ҳалқ маорифи. Ўрта ва олий таълимни ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; адабиёт, санъатни ривожлантириш; музейлар, босма нашрлар, оммавий ахборот воситалари ишини ташкил этиш ва уларни молиявий жиҳатдан таъминлаб туриш; миллий-ма-

даний қадриятларни ҳимоя қилиш; тарбиявий соҳада — жамиятнинг барча аъзодарини инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; ҳарбий соҳада — мамлакатнинг мудофаасини таъминлаш; қуролли кучларнинг жанговарлигини ошириб бориш.

Давлат ҳокимиюти сингари сиёсий партияларнинг ҳокимиюти ҳам хилма-хил вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат: партия қурилишини такомиллаштириш; партия интизомини мустаҳкамлаш; партиянинг турли ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ташкил этиш ва амалга ошириш; партия аъзоларини ғоявий жиҳатдан тарбиялаш. Сиёсий партиялар ҳокимиюти бажарадиган вазифалар давлат ҳокимиюти бажарадиган вазифаларга қараганда ўзининг кўлами, миқёслари ҳамда амалий натижалари жиҳатидан фарқ қиласди. Ўлар иқтисодий, маданий, ҳарбий вазифаларни ҳал этиш билан деярли шуғулланмайдилар. Аммо сиёсий партиялар ҳокимиюти бажарадиган вазифалар ўзининг мураккаблиги жиҳатидан давлат ҳокимиюти бажарадиган вазифалардан фарқ қилмайди.

Илоҳий ҳокимият бажарадиган вазифалар ҳам мазмунан сиёсий ҳокимиётнинг бошқа шакллари бажарадиган вазифалардан фарқ қиласди. Илоҳий ҳокимият қўйидаги асосий вазифаларни бажаради: диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш; диний ишлар бўйича кадрлар сиёсатини олиб бориш; турли мазҳабдаги диний ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва амалга ошириш; турли давлатлардаги диний ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ва уни самарали олиб бориш; диний ғояларни тарғиб қилиш ва диндорларни тарбиялаш ва бошқа шулар сингари вазифалардан иборат.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ҳокимииятлари ҳам айнан бир хилдаги вазифаларни бажармайди. Масалан, ёшлар ҳокимиюти ёшлар ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш; ёшларнинг турли ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ташкил этиш ва амалга ошириш; ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш; ёшларни тарбиялаш ва бошқа шулар сингари вазифаларни бажарса, маҳалла ҳокимииятлари эса, ҳар бир маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; уларнинг ҳаёт шароитларини яхшилашга кўмаклашиш; маҳалла

ҳаётига доир муамоларни ҳал этиш ва бошқа шулар сингари вазифаларни бажаради.

Сиёсий ҳокимият шаклларининг улар бажарадиган вазифаларга кўра фарқ қилиши уларнинг бир-бирига қарама-қарши туришини билдиримайди. Сиёсий ҳокимиятнинг турли шаклларда фаолият кўрсатиши ва унинг турли хилдаги вазифаларни бажариши жамият ривожланишининг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқади. Давлат ҳокимиятининг ёлгиз ўзи жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи муаммоларни ҳал этолмайди. Жамият ҳаётидаги шундай мураккаб муаммолар рўй берадики, уларни сиёсий ҳокимиятларнинг барча шакллари куч-ғайратлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлади.

2. Сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиши

Сиёсат ҳокимият сиёсий фаолиятнинг доимий ҳараратда бўлган амалий ифодасидир. Сиёсий ҳокимиятнинг ҳаракати, бир томондан, унинг жамият ҳаётига қилалигидан таъсирида намоён бўлса, иккинчи томондан эса, унинг яшashi ва мустақил фаолият кўрсатишида кўринади. Инсоният жамияти ривожланишининг бутун тарихи сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари билан бир вақтда амал қилиб, доимий ҳаракатда бўлиб келганини кўрсатади.

Сиёсий ҳокимиятларнинг амал қилиши

Сиёсий ҳокимиятларнинг амал қилиши ҳамма вақт ҳам бир хил кечмаган. Ҳар бир даврнинг ва ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари сиёсий ҳокимиятлар фаолиятига, улар ҳаракатининг жамият ҳаётига таъсирига у ёки бу даражада таъсир кўрсатган. Шу сабабдан ҳам тараққиётининг турли босқичларидан сиёсий ҳокимиятлар мавжуд тузумнинг, улардаги мавжуд шарт-шароитларнинг хусусиятларини ўзида ифодалаб келган.

Сиёсий тузумлар сиёсий ҳокимиятларнинг амал қилишида етакчи роль ўйнаган. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳозирги босқичда сиёсий ҳокимиятларнинг амал қилиши ҳар бир мамлакатдаги сиёсий тузумнинг моҳијати ва хусусиятлари билан белгиланади. Чунки сиёсий тузумларда ўрнатилган тартиблар сиёсий ҳокимиятлар фаолиятига ва уларнинг ҳаракатига жуда кучли таъсир

кўрсатади. Ҳолбуки, сиёсий тузумларнинг ўзи сиёсий ҳокимиятлар ҳаракатининг натижаси ҳисобланади. Давлат жамиятнинг сиёсий маҳсули бўлиб, кейинчалик унинг намоёндасига айлангани каби сиёсий тузумлар ҳам сиёсий ҳокимиятлар ҳаракати натижасида ўрнатилди ва аста-секин улар ҳаракатини белгиловчи омилга айланади. Масалан, демократик сиёсий тузумнинг ўрнатилиши фақат давлат ҳокимияти фаолияти ва унинг ҳаракатлари натижаси бўлиб қолмай, балки сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари фаолияти ва ҳаракатларининг ҳам натижасидир. Тоталитар ёки авторитар сиёсий тузумлар эса, ё давлат ҳокимияти ёки сиёсий партиялар ҳокимияти ҳаракатининг натижаси ҳисобланади Шунинг учун ҳам бу сиёсий тузумларда ё давлат ҳокимияти ёки сиёсий партия ҳокимияти етакчи роль ўйнайди.

Давлат ҳокимиятининг Жамиятнинг сиёсий ҳаётини амал қилиши давлат ҳокимиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат ҳокимияти жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жарабёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятларга эга эмас.

Давлат ҳокимияти ўзининг фаолиятини ҳокимиятнинг учта турпи орқали амалга оширади. Булар қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятларидир.

Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидаги ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади.

Ижро қилувчи ҳокимият давлатнинг турли хилдаги идоралари ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар қонунларда ифодаланган тадбирларни ҳаётга жорий этади.

Суд ҳокимияти қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилаётган қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат идоралари ва муассасаларидан ташкил топади.

Давлат ҳокимияти ўзининг тузилиши, мазмуни, максад ва вазифаларига кўра бир хилда бўлмайди. У ай-

рим мамлакатларда кенг халқ оммасининг иродасини ифода қиласа, баъзи мамлакатларда эса алоҳида сиёсий кучларнинг ёки озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қиласди. Шунга кўра бу ҳокимият ё халқ ҳокимияти ёки мустабид ҳокимият бўлади.

Мустабид ҳокимият озчиликнинг ҳокимияти бўлиб у зўрликка асосланади. Бундай ҳокимиятлар кўпчиликни итоатда тутиб туришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб қўйишга, демократияни тақиқлашга ҳаракат қиласди. Мустабид ҳокимият жазолаш, мажбур қилиш усусларини кучайтиришга ва шу йўл билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилади. Ўтмишда бундай ҳокимиятлар жуда кўп бўлган. Напалеон, Гитлер, Муссалинолар бошчилек қилган ҳокимиятлар зўрликка асосланган ана шундай ҳокимиятлар бўлган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилувчи халқ ҳокимияти хисобланади ва халқ манфаатларига хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги ва унинг тузилиши, унинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат эканлиги кўреатилган.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ўз вазифаларини кенг халқ оммасининг кучига суюнган ҳолда амалга оширади. У жамият ҳаётининг турли соҳаларидағи етилган масалаларни ҳал қилишда ўзининг ташкилотчилик функциясидан фойдаланади. Унинг ташкилотчилиги аҳолининг кенг қатламларини жамият ишларига сафарбар қилишда, уларга иқтисодий, сиёсий ва маданий ёрдам бернишда тўла намоён бўлади. У бу ишларни ишонтириш ва тушунтириш йўли билан амалга оширади. Лекин давлат ҳокимияти мажбур қилиши воситаларидан ҳам фойдаланаади. Мажбур қилиш одатда қонунчиликка хилоф иш қилинганда, давлат ва жамиятга қарши ҳаракатлар бўлганда амалга оширилади. Мавжуд тузумни ичкаридан ёки ташқаридан бузиш ҳоллари рўй берганда давлат ҳокимияти ўзининг миллиния (полиция), прократура, давлат хавфсизлиги, суд органлари ва ҳарбий қўшинлари кучидан фойдаланади.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг фаолиятида туб ўзгарнишлар амалга оширилди. Айни пайтда давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий пойdevori яратилди, халқ ҳоки-

миятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди, ҳокимият бўлинишининг конституциявий тамойиллари асосида қўплаб қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Давлат бош ислоҳотчиси сифатида халқ ҳўжалиги, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда туб ўзгаришларни амалга оширишнинг ташкилотчиси сифатида фаол ҳаракат қила бошлади.

Ҳозирги кунда давлат ҳокимияти мамлакатимизда умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларни амалга оширмоқда. Мудофаа, давлат хавфсизиги, ташки сиёsat, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, ҳуқуқий давлатчилик асосларини яратиш, бозор муносабатларига ўтишини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ижтимоий ҳаётни демократиялашнинг етакчи сиёсий кучларидан бири сифатида фаолият кўrsатмоқда. Шу сабабдан ҳам у сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаол ҳаракат қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришда амалий фаолият кўrsатмоқда. У жамиятимизнинг ривожланишига ва унинг истиқболига хизмат қилувчи ҳар қандай ижобий ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда ва улар ишига ҳар томонлама кўмак бермоқда.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти амалга ошираётган ишлар дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун ибрат ва намуна рамзиdir. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз фуқаролари давлат ҳокимиятининг янада мустаҳкамлашишига, унинг ишончли ва самарали ҳаракат қилишига чуқур ишонч билан қаромоқдалар.

Сиёсий партиялар ҳокимиятининг амал қилиши

Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари сингари сиёсий партиялар ҳокимияти ҳам ўзининг ташкилий тузилишига, мақсад ва вазифаларига эга. Сиёсий партиялар ҳокимиятининг амал қилиши, бир томондан, уларнинг ҳокимият сифатидаги фаолиятини давом эттиришда, иккинчи томондан эса, уларнинг жамият ҳаётига қиладиган таъсирида аниқ намоён бўлади.

Сиёсий партияларнинг тузилиши улар ҳокимиятнинг шаклланиши учун зарур бўлган моддий асос ҳисобланади. Сиёсий партияларсиз уларнииг ҳокимияти

тұғрисида гапириш мүмкін әмас. Бу икки сиёсий ҳодиса деярли бир вақтда рүй беради.

Сиёсий партия ҳокимиятининг амал қилиши ҳам давлат ҳокимиятининг амал қилиши сингари мавжуд сиёсий тузумларга ва уларда амалда бўлган тартибларга, шарт-шароитларга боғлиқдир. Қайси мамлакатда демократик сиёсий тузум мавжуд бўлса ёки унга томон борилаётган бўлса, шу мамлакатда сиёсий партиялар ҳокимияти мустаҳкам бўлади ва улар жамият ҳаётида эркин фаолият кўрсатади. Тоталитар сиёсий тузумларда эса, сиёсий партиялар ҳокимияти давлат ҳокимияти томонидан сиқиб қўйилади ва уларнинг кўплари таъқиб остида бўлади. Бу сиёсий тузумларда давлат ҳокимияти билан ҳамкорликда бўлмаган ёки унга қарши турган партия ҳокимиятлари фаолияти батамом тақиқланади.

Ҳар бир давлат ўз ҳокимиятига эга бўлгани сингари ҳар бир сиёсий партия ҳам ўз ҳокимиятига эгадир. Шунга кўра бир мамлакатда қанча сиёсий партия бўлса, унда шунча партия ҳокимияти ҳам мавжуд бўлади. Кўппартияли мамлакатлардаги партия ҳокимиятлари ўзларининг ташкилий тузилиши, бошқарув ва раҳбарлик усусларига кўра бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Масалан, Америка Қўшма Штатларидағи демократлар партияси ўз ҳокимиятини штатлардаги партия ташкилотларининг федерацияси сифатида амалга оширади. Федерацияга партияning миллий комитети бошчилик қиласиди. Республикачилар партияси эса, ўз ҳокимиятини миллий, шаҳар, округ ва штат партия ташкилотларидан ташкил топган иерархия тизими орқали амалга оширади. Республикачилар партияси партия ҳокимиятининг чекланган шаклидир, чунки унда доимий аъзолар йўқ. Шунга кўра бу партия ўз ҳокимиятини турли хилдаги жамоат ташкилотлари фаолияти орқали амалга оширади. Агар Японияда Либерал Демократик партия ўз ҳокимиятини партия федерациялари ва бошқа маъмурӣ тузилмалар орқали олиб борса, Япония социал-демократик партияси эса ўз ҳокимиятини худудий бўлиниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширади.

Сиёсий партиялар ҳокимияти бошқарув ва раҳбарлик ишларини партия ташкилоти тизимлари доирасида амалга оширадилар. Бироқ айрим ҳолларда ҳукмрон сиёсий партия ўз ҳокимиятини давлат ҳокимиятидан

устун қўйиб, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам бошқарув ва раҳбарлик ишларини олиб боришлари мумкин. Собиқ социализм мамлакатларида ва собиқ СССРда коммунистлар партияси ўз ҳокимиятини ана шу хилда амалга ошириб келган эди.

Илоҳий ҳокимиятнинг амал қилиши

Илоҳий ҳокимият ўзининг ташкилий тузилиши, мақсад ва вазифаларига кўра сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шаклларидан фарқ қиласди. Бу ҳокимият ўз фаолиятини диний ташкилотлар орқали амалга оширади. Диний ташкилотлар кишиларни фақат маънавий жуҳатдан камол топтиришга хизмат қилиб қолмай, шу билан бирга диннинг жамият билан алоқасини мустаҳкамлаш ва уни олиб бориш мақсадларига хизмат қиласди.

Илоҳий ҳокимият ўз функциясини мустақил равиша амалга оширади. Унинг амал қилишида фуқароларнинг у ёки бўлган муносабати муҳим роль ўйнайди. Бу муносабат ҳамма вақт ҳам бир хилда давом этмайди. Тарихий тараққиётнинг турли даврларида кишиларнинг динга бўлган муносабатларида ўзгаришлар рўй бериб турган. Босқинчлилар урушлари натижасида ғолиб томон ўз динини мағлуб халқларга зўрлик йўли билан сингдиришга ҳаракат қиласган. Бундан ташқари айrim динлар ўзининг юксак ғоялари ва қадриятлари таъсирида кўплаб халқларнинг дилига ихтиёрий равища сингиб борган. Дин ва диний муносабатлар соҳасидаги бўлган сингиб ўзгаришлар илоҳий ҳокимиятнинг айrim даврларда кучайишига, баъзи пайтларда эса унинг тушкунликка юз тутушига сабаб бўлган.

Илоҳий ҳокимиятнинг амал қилишида жамиятда ҳукмрон бўлган тартиблар, қонун-қоидалар муҳим роль ўйнаган. Қайси мамлакатда у ёки бўлган эътиқод қилиш қонун асосида ҳимоя қилинса, шу мамлакатда илоҳий ҳокимият эркин фаолият кўрсата олади. Аксинча, қайси мамлакатда эътиқод эркинлиги топталса, бундай мамлакатда илоҳий ҳокимиятнинг амал қилиши мураккаблашади. Тарихда бундай ҳоллар жуда кўп бўлган. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида илоҳий ҳокимиятнинг фаолияти батамом чеклаб қўйилган эди. Бу даврда собиқ коммунистлар партияси ҳокимияти диний ташкилотлар фаолиятини тақиқлаш, диний таълимотларни тарғиб қилишга йўл қўймаслик, диний эътиқодни чек-

лаб қўйиш, диний маросимларни ўтказишга қаршилик қилиш сиёсатини олиб борган эди. Бундай ҳоллар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам рўй берганди.

Илоҳий ҳокимиятнинг амал қилишида демократик сиёсий тузумнинг роли ва аҳамияти каттадир. Бу тузумда фуқароларнинг эътиқод эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланади ва ҳар бир фуқаро ўзи танлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бу тузумда диндорлар ўзларининг кучли сиёсий ҳокимиятига эришадилар ва унинг ёрдамида диний ишларни фаоллик билан олиб борадилар.

Илоҳий ҳокимиятнинг демократик сиёсий тузумда намоён бўлишининг амалий ифодасини Ўзбекистон Республикаси мисолида аниқ кўриш мумкин. Бинобарин, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг илоҳий ҳокимият тўла эркинлик асосида фаолият кўрсатиш имкониятларига эга бўлди ва ўз иродасини диний жамоалар, бошқармалар, диний марказлар, масжидлар, черковлар, монастрлар ишини ташкил этиш, улар фаолиятини бошқариш асосида амалга ошира бошлади.

Илоҳий ҳокимият мамлакатимизда ўрнатилган тартиблар, қонун-қондаларга амал қилган ҳолда ўз ишларини давом эттироқда. Демократиянинг олий ифодаси бўлган қонунчиликка амал қилиш илоҳий ҳокимият учун ҳам мажбурийдир. Шунга кўра бу ҳокимият мамлакатимизда амалда бўлган қонун талабларига ва ҳуқуқ-тартиботларга риоя этишига мажбурдир. Илоҳий ҳокимиятдан давлатга ва Конституцияга қарши тартибот олиб бориш, миллий адоват уйғотиш, демократик асосларда тузилган ҳокимият ва бошқарув идоралари вакилларига нисбатан тазиҳ ўтказиш қонун йўли билан тақиқланади. Аммо бундан илоҳий ҳокимият давлат ҳокимияти измига бўйсундирилган, деган хато хуласа чиқармаслик лозим. Илоҳий ҳокимият мамлакатимизда ўз функциясини мустақил равишда амалга оширади. Давлат илоҳий ҳокимиятнинг қонунга зид бўлмаган ҳаракатларига аралашмайди.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳокимиятлари нинг амал қилиши

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ҳар бири ўз иродасини сиёсатда ифодаланган ҳокимияти ёрдамида амалга оширади. Бу ҳокимиятнинг сиёсий моҳияти уларнинг ташкилот сифати-

даги тузилиши ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида иштирок этишлари билан белгиланади. Ҳар бир ижтимоий ёки жамоат ташкилоти ўз ҳокимиятини мустақил равишда амалга оширади. Уларнинг ҳар бири ўзининг функцияси ва вазифалари га эга.

Бу ҳокимиятлар ўз фаолиятини ташкилот томонидан ишлаб чиқилган дастурлар, низомлар, қарорлар асосида амалга оширадилар. Уларда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари амал қилиши зарур бўлган нормалар ўз ифодасини топган бўлади.

Сиёсий ҳокимиятнинг барча шакллари сингари ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳокимиятининг амал қилиши ҳам мамлакатдаги мавжуд сиёсий тузумга ва унда амалда бўлган тартиб-қоидаларга боғлиқдир. Тоталитар ва авторитар сиёсий тузумларда ҳокимиятнинг бу шакли ҳам турли томонлардан чеклаб қўйилади ва уларнинг ҳеч бири ўзининг функциясини тўла равишда амалга ошира олмайди. Бу сиёсий тузумларда улар бажарадиган вазифалар давлат ҳокимияти ёки ҳукмрон сиёсий партия ҳокимияти томонидан амалга оширилади ва натижада улар жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга бирон-бир даражада таъсир кўрсата олмайдилар.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳокимиятларининг самарали фаолият кўrsatiши демократик сиёсий тузумга хосdir. Бу тузумда ижтимоий ташкилотларнинг ҳокимияти ўз фаолиятини эркин тарзда амалга оширади. Демократик сиёсий тузумда қарор топган ҳуқуқий асослар бу ҳокимиятларни қонун йўли билан ҳимоя қилади.

VII БОБ

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАҚАТЛАР

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг мақсад ва вазифалари турлича бўлса-да, жамиятда сиёсий муаммоларни ҳал қилишда, турли сиёсий кучлар манфаатларини ҳимоя қилишда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида фаолият кўrsатади.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамият тараққиёти

истиқболини белгилашда, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашда олдинги сафларда бормоқда.

1. Сиёсий партиялар—сиёсатнинг субъектлари

Жамият ривожланган сари унинг ижтимоий ҳәётида сиёсий партияларнинг ролиг ва аҳамияти, уларнинг сиёсий мавқеи ҳам ошиб боради. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайди, бу ҳол жамият ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши, уларнинг мақсад ва вазифалари

Жамиятнинг сиёсий системасида ўзининг тутган ўрни ва мавқеи жиҳатидан давлат ҳокимиятидан кейинги ўринни сиёсий партиялар эгаллайди.

Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шаклана бошлаган.

Партия сўзининг ўзи лотинча «rags» — «қисм», «бўлак» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор ва энг фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Сиёсий партия ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларнинг илғор ва фаол қисмларини ўз атрофида жипслаштирувчи ҳамда уларнинг муайян мақсад-манфаатларини, орзу умидларини ҳимоя қилиш учун курашда уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотdir.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун муросасиз кураш олиб бориш зарурияти билан узвий боғлиқдир.

Дастлабки пайтларда у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг мақсад-манфаатлари муҳофазаси атрофида бирлашган фаол ва илғор сиёсий фаолият олиб боришга лаёқати ва тайёргарлпги бўлган кишиларнинг айрим тўғарак-

лари, давра уюшмалари, манфаатдор гуруҳлари ву-
жудга кела бошлаган. Дастреб улар маълум касб,
хунар бўйича ўзаро уюшганлар. Улар курашининг мар-
казида дастреб ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўл-
ган талаблар қўйилган. Мавжуд ҳокимият ва сиёсий
тузумга, социал адолатсизликка қарши қўйилган иқти-
содий талаблар шакли аста-секин сиёсий кураш тусини
ола бошлаган. Омманинг бундай ҳаракати уларнинг
сиёсий жиҳатдан уюшишини зарур қилиб қўйган ва
сиёсий партияларнинг вужудга келиши учун шарт-ша-
роит яратиб берган.

Тарихда маълум бўлган дастребки сиёсий партия-
лар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар
олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган.
Улар таркиби жиҳатидан жуда тор доирада уюшган
сиёсий ташкилотлар бўлган. Улар асосан жамиятдаги
турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдор-
лар синфи ичидаги хилма-хил спёсий оқимлар манфаат-
ларини ифода этган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам сиёсий партия-
лар ўзларининг моҳияти жиҳатидан бироз фарқ қил-
ган. Фақат мустабидлик ёки мутлақ ҳукмронлик ту-
зумларида сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий-
сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила олмаган.

Ҳозирги сиёсий партияларнинг айримлари дастреб
Европа мамлакатларида шаклланган. Кейинчалик дунё-
нинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг ёйилган.

Ҳозирги шароитда амал қилаётган сиёсий партиялар
ўзларининг ижтимоий асоси, таркиби ва сиёсий ҳаракат
дастурининг қандай мақсадларга йўналтирилганлигига
қараб уч гуруҳни ташкил этади.

Уларнинг биринчиси феодал муносабатлари ва фео-
дал тартибларининг сақланиб қолишини ифода этувчи
сиёсий партиялардир. Бу гуруҳга Осиё, Африка ва Ло-
тин Америкасидаги феодал муносабатлари сақланиб
қолаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган сиё-
сий партиялар киради. Мазкур партиялар ўзининг сиёсий
дастурлари, ғоявий йўналишлари ва бошқа белгилари
жиҳатидан хилма-хил бўлишларига қарамай, улар кура-
шининг асл мақсади феодал тузум тартибларини ҳимоя
қилишдан иборат. Бундай сиёсий партиялар подшолик
(монархистик), диний, миллатчилик, консерватив, озод-
лик партиялари номлари остида фаолият олиб бормоқ-

да. Уларнинг аксарият кўпчилиги ҳозирги кунда ўз мавқеларини жамият сиёсий ҳаётида йўқотиб бормоқда.

Иккинчи гуруҳдаги сиёсий партиялар қаторига буржуа синфининг манфаатларини ифода қилувчи партиялар киради. Улар орасида подшоликни тан оладиган сиёсий партиялардан тортиб ўз дастурларида меҳнаткашлар манфаатлари учун курашни ифода қилган социал-демократик кўринишдаги жуда кўп сиёсий партиялар ўрин эгаллайди.

Учинчى гуруҳдаги сиёсий партиялар қаторига ишлилар, дехқонлар, зиёлилар, ҳунарманд-косибларнинг манфаатларини ўзларининг сиёсий фаолиятларида ва ҳаракат дастурларида акс эттиришни мақсад қилиб қўйган партиялар киради.

Сиёсий партиялар ўз табиатларига кўра бир ижтимоий синф, табақа, гуруҳ ёки синфлараро сиёсий партиялар сифатида амал қиласидилар, чунки ҳозирги шароитда турли синфлар, табақалар, гуруҳлар ўртасида ги ижтимоий-синфий чегаралар, қарама-қаршиликлар ва муҳим фарқлар ижтимоий тараққистнинг бориши туфайли тобора йўқолиб бормоқда.

Сиёсий партиялар турли ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолият олиб боради. Агар жамият сиёсий ҳаётида қолоқ-мустабидлик, ҳарбије диктатура, мутлак подшолик ўрнатилган бўлса, сиёсий партияларнинг фаолияти мазкур мамлакат доирасида расмий равища тақиқлаб қўйинши ёки ҳукмрон тузумга мақбул бўлганларига рухсат этилиб, унга қарши бўлганлари қувғин қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда сиёсий партияларнинг фаолиятлари вазиятга қараб очиқ ёки яширин тарзда амалга оширилади.

Ўзларининг сиёсий ҳаракат дастурларида белгилаб қўйилган мақсад-манфаатлари ва уларни амалга ошириш воситалари ва усуслари жиҳатидан сиёсий партиялар инқилобин ёки ислоҳотчи, реакцион ёки консерватив, демократик ёки тараққийпарвар бўлишлари мумкин. Ижтимоий тараққиёт ривожланиб борган сари сиёсий партияларнинг юқорида қайд этилган сифат белгиларида муҳим ўзгаришлар содир бўлиши, ҳатто бирбирига қарама-қарши бўлган сифатларнинг бири иккинчисига айланиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Инқилобий руҳда шаклланган сиёсий партиялар муҳим ўзгаришлар натижасида ислоҳатчи партияга ва, аксинча, ислоҳатчи сиёсий партиялар худди шу сабаб-

ларга кўра инқилобий партияга айланиб қолишилари мумкин. Бундай сиёсий партиялар одатда эътиқодидан қайтган ёки ренегат партиялар деб аталади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини амалга ошириш хусусиятига қараб тараққий парвар ёки консерватив бўлиши мумкин. Одатда мазкур ижтимоий-иқтисодий тузум доирасида янги жамиятни бунёд қилиш учун кураш олиб бораётган сиёсий партиялар бунёдкорлик ва яратувчилик руҳида ҳаракат қиласа, ҳукмрон кучларнинг мақсадларини амалга оширишга хизмат қилаётган сиёсий партиялар ўз фаолиятини мавжуд тузумни сақлаш (консервация ғилиш)га қаратилган сиёсат олиб боради.

Ўзларининг ғоявий-сиёсий йўналиши жиҳатидан сиёсий партиялар демократик ёки реакцион табиатга эга бўлиши мумкин.

Келажакка қаратилган сиёсий ҳаракат дастурлари билан қуролланган сиёсий партиялар, одатда, демократик мақсадларни амалга ошириш учун кураш олиб боради. Умрини яшаб бўлган ва тарихий тараққиёт жараёни томонидан инкор қилинаётган ижтимоий кучларга суюнган сиёсий партиялар зўр бериб тарих ғидирагани тўхтатиб қўйишга, ўлиб бораётган сиёсий тартиботни сақлашга қаратилган реакцион руҳдаги курашни амалга оширишга ҳаракат қиласа.

Сиёсий партиялар сис-темаси Сиёсий партиялар ўз фаолиятларп орқали бир-бирлари билан донмо узвий алоқада бўладилар ва маълум сиёсий системани ташкил этадилар. Партия системаси тушунчаси сиёсий партияларнинг умумий таърифидан келиб чиқади ва уларнинг барча таркиби бўлаклари ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик, мутаносибликни уларнинг жамият сиёсий системасидаги барча таркиби бўлаклари ва қисмлари билан боғлиқлиги, алоқадорлигини анлатади.

Партия системалари сиёсий партияларнинг ташкилий-сиёсий тузилиши, ғоявий-сиёсий уюшганлигига қараб шаклланади ва амал қиласа. Ўларнинг моҳияти, табиати, таркиби кўп жиҳатдан мазкур тарихий давр мазмунига, мамлакатда ўрнатилган тузумга, ундаги сиёсий жараёнлар оқимиға, сиёсий партия амалий фаолиятининг ҳаракат дастурини мазмунига боғлиқ ҳолда

шаклланиб боради ва жамиятда содир бўлаётган сиёсий курашда аниқ намоён бўлади.

Сиёсий партиялар системасида буржуа-демократик партия системаси алоҳида ўрин эгаллайди. Буржуа-демократик партиялар системаси Европа ва Америкада шаклланган бўлиб, бу партиялар давлат ҳокимиятига эга бўлишнинг манбай сифатида фаолият кўрсатадилар. Улар парламент сайловларида ҳокимият учун курашда қуидаги қоидаларга амал қиласидилар: ҳокимият учун доимо очиқ кураш олиб бориш; омма ва ўз аъзолари орасида тушунтириш ишларини олиб бориш; ҳокимият учун курашда оппозицияда туриш; партия интизоми ва меъёрларига амал қилиш; партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш учун курашиш.

Буржуа-демократик партияларида турли хил партиявий уюшмалар ёки коалициялар мавжуд бўлади. Кўп партияли коалицияда сиёсий партиялардан биронтаси ҳам мустақил бошқара олиш имкониятига эга бўлмайди. Икки партияли коалицияда иккита кучли партия мавжуд бўлиб, улар парламентда мутлақ кўпчилик овозга ҳамда ҳокимиятни ҳар бири мустақил эгаллаш ва бошқариш имкониятига эга бўлади. Масалан, АҚШ сиёсий ҳаётда ўрин алмашиб, ҳукмронлик қиласидиган демократик ҳамда республикачилар партиялари асосан Президент сайловлари пайтида, сенат ва вакиллар палатасига ўтказиладиган ва бошқа сайловлар пайтида фаол амал қиласидилар, сайловлар оралиғидаги вақтларда эса, асосан мамлакатдаги сиёсий ҳаёт ва сиёсий вазият устидан ўша сайлаб қўйилган ваколатли муассалар орқали доимий назорат қилиб турадилар.

Бир партияли системалар кўпроқ мустабид, авторитар ёки тоталитар сиёсий тузумлар ўрнатилган мамлакатларда амал қиласиди. Улар бундай сиёсий тузумларда сиёсий ҳокимиятга якка эгалик қилишга ҳаракат қиласидилар. Бундай партиялар ҳукмрон партиялар ҳисобланиб, уларнинг фаолиятига қаршилик кўрсатган сиёсий ҳаракатлар тақиқланади. Бир партияли сиёсий системада жамият ҳаётида давлат ёки ҳукмрон сиёсий партия ҳал қилувчи омил сифатида фаолият кўрсатади.

Икки ёки кўп партияли системалар амал қилган жамиятнинг сиёсий ҳаётида бир-бирига муқобил бўлган ҳаракат дастурлари, сиёсий партиялар амалий фаолиятида демократик қоидалар амал қилиш имкониятлари

вужудга келади ۋا گەنگايىب بورادى. Агар кۈپ партияلى системالارда демократик сайловلар механизмиغا амал қилинса, бу имкониятлар янада گەنگايدى.

Бاъзи мамлакатлarda қۇشما иттифоқلى партия системалари ҳам амал қилади. Масалан, Германия Федератив Республикаسىнинг кۈپ партияلى системаси икки мустاқىل партиянынг узоқ вақт ва доимий тарзда амал қилиب келаётган қۇشма иттифоқى — Умумфедератив христиан-демократик ҳамда эңг катта вилоят — Бавария ҳудудида фаолىят олиб борадиган Христиан-ижтимоий үүшма партиялارидан ташкил топган.

Қۇشма иттифоқلى партия системалари айрим даврлarda, айниңقا, сайловلар ўтказилиши муносабати билан тузиладиган Миллий ёки Халқ фронтларида ўз ифодасини топади. Бундай партия системалари доим бўлган, ҳозир ҳам мавжуддир.

Бир-бирларига қарама-қарши партия системалари синфий қарама-қаршилик табиатидан келиб чиқади. Чунки турли ижтимоий синфлар манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар бир-бирларига зид бўлган сиёсий мавқега эга бўлиб, уларнинг ҳар бири сиёсий ҳокимят учун кураш олиб боради.

Кۈп партияلى системага ўтнш ҳозирги даврнинг асосий мазмунини ташкил этади ва бу амалда демократиянинг равнақ топишига кенг йўл очиб беради.

Демократик ўзгаришлар натижасида Ўзбекистонда ҳам кۈپ партияلى системанинг вужудга келиши мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеадир. Бу жараён республикамиз тараққиётида демократик кучлар фаолиятини, меҳнаткашлар оммасининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда бир нечта сиёсий партиялар давлат мустақиллIGINI амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Булар Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда «Миллий тикланиш» партиясидir.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётida бир партияلى система мутлақ ҳукмронлиги ўрнини кۈپ партияلى система эгаллаб бормоқда. Сиёсий ҳаётдаги бу ижобий ўзгаришлар келажакда Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётини, унинг ижтимоий ҳаётida демократиялаш жараённинг янада گەنگайىб боришида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда ташкил топган сиёсий партиялар системаси мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини қайта қуриш, унда рўй берган сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ташаббускор сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий системасини ана шу партиялар ва ҳаракатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири аҳолининг турли гуруҳларини ўз сафларида бирлаштириш билан бирга, ўз аъзоларининг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий йўлни амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимида сиёсий партиялар системаси ўз хуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланмоқда. Уларнинг эркин фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар илгари сураётган масалалар унинг ички ва ташқи сиёсати талабларига мос бўлиб тушмоқда. Шунинг учун ҳам республикамиз аҳолисининг кенг қатламлари бу сиёсий партиялар фаолиятини қўллаб-қувватламоқда.

Сиёсий партияларининг ўзаро алоқалари ва унинг хилма-хил шакллари

Жамият тараққиёти давомида ўзаро алоқалари ва унинг хилма-хил шакллари

сад ва вазифаларининг ҳар хил бўлишига қарамай, сиёсий партиялар доимо бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар ўзаро алоқалар натижасидагина ўз мақәларининг мустаҳкамланишига ва ўз мақсадларининг амалга оширилишпга эришиши мумкин. Сиёсий партиялар бир-бирлари билан бўлган мұлоқотда турли партияларнинг тажрибелари билан ўртоқлашади, уларнинг ластурлари билан танишади, улар олиб бораётган сиёсатдан хабардор бўлиб борадилар.

Сиёсий партияларининг дастлабки алоқа шакллариidan бири Социалистик ҳамда Коммунистик Интернационаллар бўлган. Бу сиёсий ташкилотлар социалистик, социал-демократик, коммунистик ва бошқа сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда, уларни сиёсий жиҳатдан чиниқтиришда мухим роль ўйнаган.

Кейинги даврларда сиёсий партиялар ўртасида ўзаро алоқаларнинг шундай шакллари вужудга келдики, бу

лар сиёсий партияларни бир-бирларининг ишларидаң хабардор бўлиб туришларида, уларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиш, сиёсий партияларнинг минтақавий ҳамда халқаро кенгашлари ва конференциялари ана шундай алоқа шаклларидир.

Сиёсий партиялар икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзларининг асосий йўли, мақсад ва вазифаларининг такомиллашиб боришига эришадилар. Агарда уларнинг асосий мақсадлари ва вазифалари бир-бирларига яқинроқ бўлса, улар биргаликдаги кураш ўйлани ишлаб чиқишли мумкин.

Бир мамлакатда ҳам бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, уларнинг мақсад ва вазифалари турлича бўлиши мумкин. Бу партиялар ўзаро алоқаларида ўзларининг асосий йўналишларига содик қолган ҳолда мазкур мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланишини таъминлашга қаратилган умумий йўлни ишлаб чиқиша ўз хиссаларини қўшади. Улар, айниқса, мамлакатда бўладиган Президент сайлови арафасидаги учрашувларда у ёки бу номзодни қўллаш ёки қўлламасликлари тўғрисида келишиб оладилар.

Икки ёки кўп томонлама алоқалар мамлакатларарс сиёсий партиялар ўртасида ҳам олиб борилади. Бу учрашувларда ўзларининг фаолиятларида вужудга келган муаммолар, келишмовчиликларини кўриб чиқади ва биргаликда ҳаракат натижасида мавжуд муаммоларни ҳал этишининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади.

Сиёсий партияларнинг минтақавий ва халқаро кенгашлари уларнинг муҳим алоқа шаклларидир. Бу кенгашларда дунёдаги кўпчиллик сиёсий партиялар қатнашади ва бир-бирларининг тажрибалари билан ўртоқлашади. Кенгашларда қабул қилинган ҳужжатларда барча сиёсий партиялар учун долзарб бўлган муаммолар: янги жаҳон урушининг олдини олиш, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатнинг тинч-тотув яшashi, тараққий парвар кучларнинг биргаликдаги курашини қўллаб-қувватлаш, миллий мустақиллик, демократия, экологик муаммолар сингари умумбашарий моҳиятга эга бўлган масалалар тўғрисида муҳим хulosалар ишлаб чиқлади.

Сиёсий партияларнинг ўзаро алоқаларида минтақа-

вий ҳамда бошқа конференциялар мұхим роль үйнайды. Бундай конференцияларда ҳам барча сиёсий яртиялар олдида турган қиінчилеклар, жағон майдонидеги мұхим ўзгаришлар ва уларга сиёсий партияларнинг муносабатлари түфрисида илмий хуосалар қилинади. Сиёсий партияларнинг кенгашлари ва конференцияларда улар ўртасидаги ўзаро муносабат принциплари ва уларга амал қилиш нормалари ишлаб чиқлади, бу принциплар асосида күпчилик сиёсий партиялар ўн йиллар давомида бир-бirlари билан муносабатда бўлиб, уларга изчил равишда амал қилишга ҳаракат қилилади. Бундай принципларнинг энг мұхимлари қўйида гилардан иборат: сиёсий партиялар ўртасида келиб чиқадиган низолар ва англашилмовчиликларни консультациялар ва ўртоқлик учрашувлари йўли билан ҳал қилиш; партия қурилиши ва партия турмушининг мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини тан олиш; ҳар бир партиянинг ўз мамлакатининг фуқаролари олдидағи жавобгарлиги ва масъулиятини чуқур ҳис этиш ва бошқалар.

Сиёсий партияларнинг ўзаро муносабатлар принципларига оғишмай амал қилишлари улар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ва уларнинг бир-бirlарига бўлган ишончини оширишга ёрдам беради.

2. Сиёсий партияларнинг стратегияси ва тактикаси

Жамият тараққиёти давомида ҳар бир партия ўзининг асосий мақсади ва кураш йўллари ифодаланган дастурларни ишлаб чиқади ва унда курашнинг пировард натижалари ҳамда яқын орадаги вазифаларини белгилаб қўяди. Дастурий мақсад партиянинг стратегик йўлини ифода қиласа, бу йўлни амалга ошириш учун кураш эса, партия тактик йўлининг мазмунини ташкил этади.

Демак, стратегия ҳар бир йирик тарихий босқичда партиянинг узок муддатга мўлжалланган асосий йўлини ва мақсадини ифодаласа, тактика партиянинг шу мақсадга эришишдаги кураш шакллари, усуллариидир. Тактика стратегиядан келиб чиқади ва вазиятга қараб ўзгариб туради. Тактика стратегик мақсадни амалга оширишни таъмин қилишнинг асосий йўлидир.

Партия ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай, ҳаттусиң кичик имкониятлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат

қилади, ўзиннинг бутун фаолиятини шу мақсадга эришиш йўлига бағишлайди, бу йўлда ҳар қандай қийинчилликларни ҳам енгисб ўтншга ҳаракат қилади.

Сиёсий партиялар аниқ тарихий шароитда иш олиб боради, турли хилдаги амалий вазифаларни ҳал этади. Уларнинг стратегия ва тактикаси ана шу вазиятни ҳисобга олган ҳолда қурилади. Агар жамиятда ҳарбий диктатура, тоталитар ёки авторитар тузумлар ўрнатилиган бўлса, бундай мамлакатларда сиёсий партиялар фаолияти умуман тақиқлаб қўйилиши ёки ҳукмрон сиёсий тузумга маъқул бўлганларига рухсат этилиб, унга қарши бўлганлари қувгин қилиниши мумкин.

Дунёнинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатаётган партияларнинг стратегик йўли бир хилда бўлиши мумкин эмас. Чунки уларнинг стратегик мақсадлари мазкур мамлакатда мавжуд бўлган сиёсий тузумни ўзида акс эттиради. Уларнинг стратегик мақсади шу мамлакатнинг социал-иктисодий ва маънавий ривожланиш даражасига ҳамда аниқ тарихий вазиятга боғлиқ тарзда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Масалан, ҳозирги кунда Лотин Америкасида фаолият кўрсатаётган кўпчилик сиёсий партияларнинг стратегик йўли шу минтақадаги мамлакатлarda феодал тартибларнинг қолдиқларини бутунлай тугатиш, чет эл монополиялари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиб турилишини таъминлаш, табиий ресурсларга ҳар бир мамлакатнинг ўзи эгалик қилиши, миллий иқтисодиётни юксалтириш, фашистик ва бошқа диктаторлик режимларига барҳам бериш, халқ манфаатларини ифода этувчи миллий демократик давлатни барпо қилиш ҳамда мустақил ташқи сиёсат олиб боришни таъминлашга қаратилган чуқур ислоҳотларни амалга оширишдан иборат. Аммо бу мамлакатларда айрим реакцион партиялар ҳам борки, улар бундай демократик йўлга бутунлай қарамакарши стратегик йўлни тутмоқда.

Африка, Осиё мамлакатларидаги кўпчилик сиёсий партиялар эса ўз мамлакатларидаги сиёсий тузум хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўз стратегик йўлларини ишлаб чиқмоқда ва амалга ошироқда.

Сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, феодал муносабатлари қолдиқларига барҳам бериш, ахолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириш улар амал қилаётган стратегиядир. Бу мамла-

катларда ҳам тараққиётнинг умумий йўлига қарши фаолият олиб бораётган айрим партиялар борки, улар кўпчилик сиёсий партиялар умумий йўлига тўсиқ бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Турли мамлакатлардаги сиёсий партияларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тактик кураш йўллари ишлаб чиқилади. Айрим мамлакатларда вазиятга қараб курашнинг тинч воситалари устунлик қилса, бошқа мамлакатларда нотинч йўли устунлик қилади. Баъзи мамлакатларда кўпроқ курашнинг очиқ усуllibаридан фойдаланилса, бошқаларида яширин кураш усуllibаридан фойдаланилади. Масалан, 1973 йилда Чилида ўрнатилган фашистик режим натижасида мамлакатлардаги барча сиёсий партиялар фаолияти қонундан ташқари деб эълон қилинди. Бироқ бу партияларнинг фаолияти тўхтамади, улар ўзларининг стратегик йўлидан қайтмаган ҳолда, курашнинг тактик усуllibарини ўзгартириди. Бу мамлакатда айрим ўта ўнг партиялардан ташқари барча партиялар Пиночеттининг ҳокимиётдан четлаштиришини ва демократиянинг тикланишини талаб қилиб чиқди. Улар вазиятга қараб яширин тарзда кураш олиб бора бошлади. Чилида фашистик режим ағдариб ташлангандан кейин эса, бу партиялар ўзларининг тактик кураш усуllibарини ўзгартириб, яна очиқ ҳаракат қила бошлади.

Шундай қилиб сиёсий партиялар стратегияси ва тактикаси ҳар бир мамлакатнинг тарихий шарт-шароитларини, ижтимоий тузумини, унинг тараққиёт даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва мамлакатнинг сиёсий ҳәётида, унинг истиқболини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

3. Сиёсий ҳаракатлар ва уларнинг хусусиятлари

Сиёсий ҳаракатлар маълум сиёсий манфаатларни, мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган сиёсий фаолиятдир. Унинг асосида жамият аъзолари турли қатламларининг мақсад ва манфаатлари ётади. Унинг ривожи жамият аъзолари фаоллигининг натижаларига боғлиқ бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида рўй бергаётган бундай ҳаракатлар фақат миллий хусусиятга эга бўлиб қолмай, улар халқаро майдонда умуминсоний моҳият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда ҳар бир мамлакат ичida ва халқaro

майдонда рўй бераётган зиддиятли вазиятлар, ҳудудий низо-жанжаллар, тинчликка солинаётган хавф-хатарлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби нохуш ҳолатлар аҳолининг турли қатламларини ташвишга солмоқда. Инсониятнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига хавф солаётган бу даҳшатли ҳолатлар кишиларни унга қарши сиёсий курашга унданмоқда. Бу курашда дунёning барча мамлакатларида аҳолининг жуда кенг қатламлари фаол иштирок этмоқда.

Сиёсий ҳаракатларнинг вужудга келиши узоқ тарихий тараққиётнинг натижасидир. Бу ҳаракатлар турли даврларда ҳалқ оммасининг зулм ва зўравонликка, миллий ва ирқий камситишларга қарши норозилларининг натижаси сифатида намоён бўлиб келди.

Сиёсий ҳаракатлар турлича ижтимоий мавқега эга бўлган сиёсий, диний эътиқодлари ҳам турлича, миллии, ирқи, жинсидан қатъи назар умумий мақсад-манфаатлар ва талаб-эҳтиёжлар атрофида ихтиёрий равишда бирлашган кишиларнинг иттифоқидир. Шунинг учун ҳам уларнинг мақсадлари инсоният тараққиётининг муаммолари ва истиқболларига қаратилгандир.

Ҳозирги даврда сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишини жаҳон цивилизациясини термоядро уруши ва экологик ҳалоқатлардан сақлаб қолиш, очлик, қашшоқлик, юқумли касалликларга қарши кураш каби муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги ташкил этади. Бу ҳалоқатли ҳолатлар бир мамлакат ёки бир минтақада яшаётган ҳалқлар учунгина эмас, балки бутун инсоният учун хатарли бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам дунёning барча мамлакатларидаги аҳолининг турли қатламлари бу курашга уюшмоқда, бу эса, дунёда сиёсий ҳаракатларнинг тобора авж олишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кундаги урушга қарши қаратилган сиёсий ҳаракатлар биринчи навбатда ядро урушига қарши кураш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ўрнатиш каби кураш шаклларида амал қилмоқда. Уларнинг турли мамлакатлар доирасида амал қилаётган барча бўлимлари, марказлари, уюшмалари, қўмнталари орасида тинчлик учун, ҳалқаро хавфсизлик учун, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши учун курашаётган қисми асосий ўрин эгаллайди.

Уруш хавфига қарши олиб борилаётган сиёсий ҳаракатларда қуролсизланиш масалалари билан мунтазам шуғулланиб келаётган «Жаҳон Тинчлик Қенгаси»,

«Халқаро Тинчлик Институти», «Европа Қенгашы» сингари халқаро сиёсий ташкилотларнинг роли ва аҳамияти катта бўлмоқда. Улар босқинчилик ва зўр бериб қуролланишга қарши кураш, термоядро урушининг олдини олиш, ядеровий қуролларни тақиқлаш, қуролсизланишни ёқлаб чиқувчи барча ҳаракатлар, ташкилотлар, гуруҳлар билан алоқа боғлаш ва ҳамкорлик қилиш каби мақсадларга эришиш учун кураш олиб бормоқда.

Сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишларидан яна бири — жаҳон цивилизациясига катта ҳавф туғдираётган экологик ҳалокатга қарши кураш олиб боришни ташкил этади. Бундай экологик ҳавф асосан ривожланган мамлакатлар томонидан туғилмоқда, унга қарши кураш ҳам асосан шу мамлакатларда кенг тус олмоқда.

Ҳозирги даврда экологик ҳавф-хатарларга қарши турли шаклдаги сиёсий ҳаракатлар вужудга келмоқда. Бу ҳаракатлар дунёда атроф-муҳитининг ифлосланишига қарши курашда ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини сақлаб қолишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар «Яшиллар ҳаракати», «Табиатни муҳофаза қиқилиш ҳаракати», «Табиий муҳитни сақлаш ҳаракати» сингари турли шаклларда намоён бўлаётган сиёсий ҳаракатлар бўлиб, улар жаҳон жамоатчилигига, монополияларнинг ўзбошимчалигига, давлат ҳокимияти муасасаларига кучли сиёсий таъсир қилмоқда. Ана шундай сиёсий ҳаракатлар натижасида «Яшиллар» сиёсий партияси вужудга келди ва бундай партиялар ҳозирги кунда бир қатор мамлакатларнинг сиёсий ҳаётida кучли мавкега эга бўлиб бормоқда.

Сиёсий ҳаракатларнинг марказида монополиялар ҳукмронлигига қарши кураш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг бу соҳадаги курашига дунёдаги аҳолининг турли қатламлари қўшилмоқда, улар монополияларнинг зўравонлигини тийиб қўйиш мақсадида иш ташлашлар, намойишлар ўтказмоқдалар, ҳукуматлар олдига ўз талабларини қўймоқдалар. Бундай сиёсий ҳаракатлар ҳукуматларни кўп жиҳатдан меҳнаткашларга ён беришга мажбур қилмоқда.

Ҳозирги кунда сиёсий ҳаракатларда етакчи кучлардан бири сифатида ёшлар ҳаракатлари намоён бўлмоқда. Улар асосан ишсизликни тугатишга, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, таълим жараёнларини демократиялашга, фашизм ва ирқчиликнинг барча кўринишларига қарши кураш олиб бормоқда.

Ёшларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб турувчи кўплаб халқаро сиёсий ташкилотлар мавжуд бўлиб, улардан энг нуфузлиси «Демократик ёшлар Федерацияси»дир. Бу ташкилот турли ирқ ва миллатга мансуб бўлган ёшларни бирлаштирган халқаро ёшлар ташкилоти бўлиб, у ўзининг бутун фаолияти давомида тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашиб келмоқда, бу борада турли мамлакатларнинг ёшлари ўртасидаги ҳамкорликни яхшилашга ёрдам бермоқда. Бу халқаро сиёсий ташкилот жаҳондаги уч юздан ортиқ миллий ёшлар ташкилотларини ўз атрофида бирлаштирган энг нуфузли ташкилотdir.

Талаба ёшлар ҳаракати ҳам етакчи сиёсий ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Талабалар ҳаракатининг юксалишида ва уни ҳимоя қилишда «Халқаро Талабалар Юшмаси» муҳим ишларни амалга ошироқда. Талаба ёшларнинг бу халқаро сиёсий ташкилоти тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик учун, барча мамлакатлар талаба ҳаракатлари бирлигига эришиш учун, талаба ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашни ўзларининг асосий мақсади деб билади.

Сиёсий ҳаракатларда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда дунёning турли мамлакатларида хотин-қизларнинг кўплаб миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотлари сиёсий ҳаракатларида етакчи куч сифатида фаолият олиб бормоқда. Жаҳон хотин-қизларининг кенг қисмларини ўз сафларида бирлаштирган «Халқаро хотин-қизлар Кенгаши», «Халқаро Хотин-қизлар Демократик Федерацияси», «Бутунжаҳон қишлоқ хотин-қизларининг Ассоцияси» сингари кўплаб халқаро ташкилотлар ўз фаолиятида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, ижтимоий тенгсизликнинг ҳар қандай кўринишларини тутатишда, тинчлик, демократия учун курашда фаоллик кўрсатмоқда.

Мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётида ва халқаро майдонда рўй берадиган ўзгаришлар сиёсий ҳаракатларининг мазмуни ва характеристига таъсир этмоқда. Масалан, собиқ социализм мамлакатларининг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар бу ҳаракатларнинг олдиға шундай вазифаларни қўймоқдаки, бу вазифалар дунёning бошқа мамлакатларидаги сиёсий ҳаракатлар олдида турган вазифаларга мос келмайди. Бу мамлакатларда ҳозирги кунда жамиятни иқтисодий, ижтимоий-

сиёсий тангликлардан қутқариш, инсонпарвар жамият учун курашиш, маъмурӣ-буйруқбозлик усулларига йўл қўймаслик сиёсий ҳаракатлар олдида турган муҳим ва-зифалардир.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида меҳнат жамоалари кенгашилари, иш ташлаш ҳаракатлари, қувватлаш гуруҳлари вужудга келдики, улар аҳоли кенг оммасининг сиёсий фаоллиги ўсганлиги, уларда мамлакат сиёсий ҳаётида мустақил қатнашиш иштиёқи ўсганлигини кўрсатади. Масалан, Польшада «Бирдамлик халқ сиёсий ҳаракати»нинг узоқ йиллар давомида олиб борган изчиљ ва қатъий сиёсий кураши натижасида ҳозир бу мамлакатда улар сиёсий ҳокимиятни тўла ўз қўлларига олдилар. Венгрия, Югославия, Албанияда содир бўлган ва содир бўлаётган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда ҳам сиёсий ҳаракатлар муҳим роль ўйнамоқда.

Кейинги йилларда собиқ Совет Йиттифоқида рўй берган салбий ҳолатлар шу Йиттифоққа кирувчи мамлакатларда сиёсий ҳаракатларнинг авж олишига сабаб бўлган эди. Бу сиёсий ҳаракатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар иқтисодиётида миллий даромад ҳиссанинг тобора пасайиб бориши, капитал маблағлардан самарасиз фойдаланиш, бошқарувда маъмурӣ буйруқбозлик усулининг авж олиши, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдалана билмаслик ҳолатларига қарши қаратилган эди. Бу мамлакатларда вазиятдан келиб чиққан ҳолда Литвада «Саюдис», Украина «Рух», Россияда «Демократик Россия» каби сиёсий ҳаракатлар вужудга келдики, улар жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий кучларни ўз атрофларида бирлаштириб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий талаблар билан чиқа бошладилар. Натижада ўзлари фаолият кўрсатаётган мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнади.

Демак, сиёсий ҳаракатлар алоҳида мамлакатларга хос бўлган ҳодиса эмас. Ҳар қандай мамлакатда ҳам кишилар ўзларининг мақсад ва манфаатлари йўлида курашадилар. Уларнинг бу курашлари қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, у сиёсий моҳиятга эга бўлади.

Ҳозирги кунда сиёсий ҳаракатларда аҳолининг турли қатламлари қатнашмоқда. Бу ҳаракатларда ишчилар, дехқонлар, зиёлилар, майда ва ўрта табақалар, давлат аппарати ходимлари, диндорлар, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар ва жамият ижтимоий ҳаётида фаол

қатнашаётган бошқа кўплаб кучлар иштирок этмоқда. Улар хилма-хил талаблар билан чиқмоқдалар. Булар орасида ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқлар дўстлигига асосланган ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш каби талаблар алоҳида ажralиб туради.

Сиёсий ҳаракатлар демократияга асосланади ва демократик давлат шароитида ривожланади. Ҳозирги куннинг талаби бутун жаҳонда демократияни ривожлантириш, шу асосда жаҳонда тинчликни таъминлаш, аҳолининг маддий аҳволини яхшилаш, халқлар ва давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни тараққий эттиришдан иборатдир. Бу тадбирлар жаҳондаги ҳамма мамлакатлардаги сиёсий ҳаракатлар томонидан кўллаб-қувватланмоқда.

VIII БОБ

ИЖТИМОИЙ ҲАМДА ОММАВИЙ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Жамият ҳаётида кўп сонли ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади. Уларнинг шаклланиши объектив зарурият бўлиб, бу заруриятни жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжлари тақозо қиласи. Жамият ҳаётида рўй берган ҳар бир ўзгариш зарурият тариқасида намоён бўлган ана шу эҳтиёжларнинг қондирилиши натижасидир.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари нинг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Агар бу ташкилотларнинг вужудга келиши, бир томондан, жамият ҳаётидаги муҳим сиёсий ҳодиса бўлган бўлса, иккинчи томондан, эса, жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда янги имкониятлар пайдо бўлади.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ўзларининг тузилиши, вазифалари, функциялари, мақсад ва манфаатларига кўра бир-бираидан фарқ қиласи. Улар ўзининг ана шу фарқ қилувчи жиҳатларига кўра икки турга — ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларига бўлинади.

1. Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари— сиёсатнинг субъектлари

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари сиёсатнинг субъектлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири мустақил ташкилот сифатида жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Гарчи уларнинг жамият ҳаётига таъсири турли даражада бўлса-да, лекин шунга қарамай, ҳар бир ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилоти аҳолининг маълум қисмлари манбаатларини ва уларнинг иродаларини ифода қиласди ва шу асосда уларнинг ҳаракатларини ягона мақсад учун йўналтириб туради.

Жамият ҳаётида ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари— нинг ўрни ва роли

Жамият ҳаётида шундай ташкилотлар фаолият кўрсатадики, улар ўзларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролига кўра бир-бирларига жуда яқин мавқеда турадилар. Гарчи улар ўзларининг тузилиши, функциялари, вазифалари, мақсад ва манбаатларига кўра бир-бирларидан фарқ қилсалар-да, бу фарқ қилувчи хусусиятлар уларнинг жамиятдаги ўзгартирувчилик кучига хос умумийликни инкор қилимайди. Бундай ташкилотлар ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари бўлиб, улар дунёнинг турли мамлакатларида ўзига хос мавқеда бўлади.

Ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган мақсадларни амалга ошириш учун фуқаролар томонидан ихтиёрий тарзда тузилган уюшмалар ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари деб аталади. Бу ташкилотларнинг ҳар бири фуқароларнинг муайян гуруҳларининг манбаатларини ҳимоя қиласди. Айни вақтда улар мазкур мамлакат аҳолиси барча қатламларини жамият ҳаётини бошқариш ишларига сафарбар қилиш учун муҳим восита вазифасини бажаради.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига кўра ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатда бевосита қатнашади. Улар давлатдан фарқли ўлароқ, бутун жамият номидан эмас, балки унинг у ёки бу қисми номидан иш кўради. Жамият ишларини бошқаришда бу ташкилотларнинг фаолияти мамлакатнинг умумий манбаатларигагина эмас, шу билан бирга турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос манбаатларини ҳам ифода этиди.

Улар ўзининг кундалик ишлари билан мамлакатда олиб бориладиган сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларга таъсир кўрсатади ва жамиятда амалга ошириладиган ўзгаришларда фаол иштирок этади, ўз аъзоларини ҳимоя қилиш учун кураш олиб боради.

Бу ташкилотлар давлат ишларини бошқарнишда, сиёсий, хўжалик, таълим-тарбия, маориф, ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этишда, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисадий ва ҳукуқий манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришда, миллий ва ирқий муаммоларни ҳал этишда қатнашади. Бу ташкилотлар жамият аъзоларининг турли ижтимоий қатламларига дахлдор бўлган фуқароларнинг хоҳиш-истаклари билан тузилган ихтиёрий бирлашма бўлганлиги учун ҳам, биринчи навбатда, ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қиласди.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари давлат ва сиёсий партиялар билан бир қаторда жамиятнинг сиёсий системасида ўзига хос алоҳида мавқега эга. Улар давлат ҳокимияти ташкилотларидан ва сиёсий партиялардан жамиятнинг сиёсий муносабатларида тутган ўрни билан фарқ қиласди, чунки улар давлат ҳокимияти ваколатига эга эмас ва ҳамма фуқаролар учун мажбурий ҳисобланган қарорлар қабул қилолмайди. Аммо бундай ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари жамиятнинг сиёсий ҳаётида қатнашмайди, деган холоса келиб чиқмайди. Улар давлат ҳокимиятини амалга оширишда фаол иштирок этади, лекин давлат идоралари сингари иш кўрмайди. Айни пайтда улар сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ҳаракатлардан фарқли ўлароқ, аҳолининг алоҳида бир ижтимоий гуруҳи манфаатларини ҳимоя қиласди. Бу эса, улар фаолиятнинг сиёсий моҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жамият сиёсий системасининг таркибий қисмлари бўлган ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг шаклланиши узоқ тарихий тараққиётнинг натижасидир. Масалан, қадимги қулдорлик давлатларида қулдорлар синфининг юқори қатламларига мансуб бўлмаган озод фуқаролар, озод ишлаб чиқарувчилар (Юнонистонда — демос, Римда — плебис) ўз манфаатларини ифода этувчи, уларни ҳимоя қилувчи ижтимоий-жамоат ташкилотларини тузиб, жамият сиёсий системасининг амал қилиши жараёнида у ёки бу даражада иштирок этганлар.

Кишилик жамияти қанчалик ривожланиб боргани сари, сиёсий система ҳам такомиллашиб бораверади, натижада бу системага киравчи барча таркибий қисмлар, хусусан ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу ташкилотлар ўзининг амалий фаолиятида аҳоли турли қисмларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, турмуш қийинчиликларидан чиқишга ёрдам бериш, жамият аъзоларининг турли хилдаги сиёсий ва бошқа ҳукмрон кучлар тазиқидан ҳимоя қилиш ва бошқа шулар сингари соҳаларда муҳим ишларни амалга ошириб келди.

Ижтимоий ташкилотлар билан оммавий жамоат ташкилотлари айнан бир хилдаги ташкилотлар эмас. Ижтимоий ташкилотлар оммавий жамоат ташкилотларидан ўзининг жамият сиёсий системасида тутган мавқеи, олиб борадиган ишларининг кўлами, мақсад-вазифалари, жамият сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги иштироқи билан оммавий жамоат ташкилотларидан фарқ қиласди.

Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий ташкилотларга нисбатан жуда кўп сонли бўлиб, улар жамиятнинг барча соҳаларида иш олиб бораётган фуқароларнинг нисбатан кичикроқ уюшмаларини ўз ичига олади. Улар жамиятда ижтимоий ташкилотларга нисбатан торроқ кўламдаги вазифаларни амалга оширади. Бироқ ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларини бирбиридан батамом ажратиб қўйиш мумкин эмас, чунки улар ўзининг жамият сиёсий системасида тутган ўрнига кўра бир-бирига жуда яқин туради ва жамиятни ривожлантириш билан бөғлиқ бўлган умумий манфаатлар учун биргаликда кураш олиб боради.

2. Ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг турлари

Жамиятнинг сиёсий системасида давлат ва сиёсий партиялардан кейин муҳим ўринни ижтимоий ташкилотлар эгаллайди. Уларга касаба уюшмалари, ёшлиар ташкилотлари, хотин-қизлар ташкилотлари ва диний ташкилотлар киради. Бу ташкилотлар ўз уставларида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда ва жамоат ишларини идора қилишда, сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий масалаларни ҳал этишда қатнашадилар.

Қасаба уюшмаси таш- килотлари

Ижтимоний ташкилотлар тизимида қасаба уюшмалари әнгоммавий, энг таъсиран ташкилотлардан биридир. Уларнинг сафларида турли каеб билан шуғулланувчи, жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этувчи миллионлаб кишилар бирлашган бўлиб, улар жамият ҳаётида ётта мавқега эгадирлар.

Қасаба уюшмалари моддий ишлаб чиқариш, майший хизмат кўрсатиш ва маданий-маънавий соҳаларда бажарадиган фаолиятлари туфайли фуқароларнинг энг йирик ташкилотларидан бири ҳисобланади. Улар жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришдаги ўз имкониятларини кенгайтирмоқдалар.

Қасаба уюшмаларининг қарор топиши узоқ тарихга эга бўлиб, ҳатто улар қулдорлик тузуми шароитида ҳам мавжуд бўлган. Ўша даврларда улар шаҳарлардаги озод ҳунарманд-косибларни бирлаштирган цех, гилдия, жамоа, уюшма шаклларида амал қилган. Лекин улар унчалик кўп тарқалмаган эди.

Ўрта асрларда ҳунарманд-косиблар ва савдогарларнинг қасбий уюшмалари анча кенг миёсда тарқала бошлияди. Лекин улар ўзаро боғланмаган, тарқоқ ҳолда амал қилас, ҳатто айрим вазиятларда бир-бирлари билан рақобат курашида бошқаларини заифлаштириб, расмий сиёсий ҳокимият муассасаларининг бевосита аралашувига сабаб бўлар эди.

Ҳозирги қасаба уюшмалари ҳамда қасаба ҳаракатининг шаклланиши ва амал қилиши капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши, ривожланиши, такомиллашиб бориши жараёни билан чамбарчас боғлиқdir. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий тенгсизликка қарши ўзларининг турмуш дарражасини яхшилаш ҳамда уларнинг хилма-хил манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Европа мамлакатлари ва АҚШда кўплаб қасаба уюшмалари тузила бошлаган.

Қасаба уюшмалари сиёсий партияларнинг вужудга келишидан анча илгари ташкил топган эди, чунки моддий ишлаб чиқариш жараёнида келиб чиқсан меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти бу уюшманинг вужудга келишини тақозо қилган.

Касаба уюшмалари дастлаб ишчиларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатиш жамоалари, ширкатлар сифатида амалий фаолият бошлаган, кейинчалик капитализмнинг ривожланиб бориши жараёнида уларнинг фаолиятлари ҳам ҳар томонлама такомиллашиб борди, натижада улар меҳнаткашларнинг туб ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифани бажара бошлади.

Касаба уюшмалари ҳозирги кунда ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг сиёсий системаси таркибида катта таъсир кучига эга бўлган, жамият ҳаётida муҳим ўзгаришлар қилишга қодир бўлган ташкилотлардан бирига айланган. Бу ташкилот ўз ҳаракатларининг мақсад-манфаатларини амалга оширишнинг қудратли воситаси сифатида иш ташлаш усусларидан фойдаланади, бунинг учун вазиятга қараб қисқа ёки узоқ муддатли иш ташлашларни ташкил этиб, уни бошқаради, зарур бўлган ҳолларда уни давом эттириши ёки тўхтатиб қўйиши мумкин.

Касаба уюшмалари ташкилий-сиёсий курашга уюшқоқлик асосида етакчилик қиласи ва кўп ҳолларда ўз олдига қўйган мақсадларга эришади. Бундай ҳоллар касаба уюшмалари ҳаракати тарихида жуда кўп бўлган. Жамият тараққиёти тарихида шундай воқеалар ҳам содир бўлганки, касаба ташкилотлари бошқарган иш ташлашлар натижасида мустабид тузумлар тугатилган, ҳарбий диктатуралар ағдарилиб, авторитар ва тоталитар ҳокимиятлар тугатилган, уларнинг ўрнига демократик сиёсий тузумлар ўрнатилиб, фуқароларнинг асосий талаб-эҳтиёjlари қондирилган. Масалан, 1974 йилда Германиядаги «қора полковниклар» диктатурасининг қулашига ва демократик сиёсий тузум ўрнатилишига касаба уюшмалари уюштирган ва бошқарган иш ташлашлар сабаб бўлган эди. Польша Халқ Республикасида «Бирдамлик» касаба уюшмасининг узоқ йиллар давомида олиб борган курашлари натижасида улар сиёсий ҳокимиятни тўла ўз қўлларига олган эди. Венгрия, Чехословакия, Шарқий Германия, Югославия ва Албанияда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг асосий сабабчилари ҳам касаба уюшмалари ва касаба ҳаракатларидир. Улар узоқ муддатли кураш давомида қўлга киритилган ҳокимиятда асосий лавозимларни эгаллашга эришди ва ҳозирги кунда ўз мақсадларини амалга оширишда ҳокимият кучидан фойдаланмоқда.

Аммо касаба уюшмалари ва ҳаракатларининг олиб борган мақсадли курашлари ҳар доим ҳам тўла амалга оширилавермайди. Чунки уларга қарши кучлар улар фаолиятини бўғиб қўйишга ёки уларнинг бирлашишларига қарши бўлган қонун-қоидалар қабул қилиб, ўз хўкмронлиги доирасида оммавий касаба уюшмалари ва ҳаракатларини тугатишга ёки уларни парчалаб ташлашга ҳаракат қиласидилар. Масалан, 1968 йилда Францияда ишчилар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий талаблар билан кўп миллионли иш ташлашни уюштирилар, натижада сиёсий танглик ҳолати вужудга келди. Бунинг оқибатида касаба ҳаракати ҳокимият томонидан тўхтатиб қўйилди.

Ҳозирги даврда мавжуд қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда касаба ҳаракатлари ва уюшмалари жаҳон миқёсида ва ҳар бир мамлакатда касаба ташкилотлари ва уюшмалари ўртасидаги тарқоқлик ва зиддиятларга барҳам бериб, умумий мақсад йўлида кураш олиб бормоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимиздаги касаба уюшмалари ўз сафларига фуқароларнинг ҳар хил қатламларини бирлаштириб, ўз аъзоларининг умумий мақсади бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа манфаатларини амалга ошириш учун изчил ва қатъий ҳаракат қилмоқда. Улар ўзлари фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоаларида интизомни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ташаббускорликни авж олдириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга етакчилик қилмоқда. Улар мамлакатимизда эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳар кимнинг меҳнатига яраша адолатли иш ҳақи олиб туришларини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократия ва ошкораликни қўллаб-қувватлаш йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда.

Ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари

Жамиятнинг сиёсий системаси ва сиёсий ҳаётида ахолининг катта қисмини ташкил

этувчи ёшлар ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Мамлакатлар ҳаётида вужудга келган ёки келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳар бир мамлакатда ва жаҳон миқёсида ёшларнинг турли хилдаги ташкилотлари ва ҳаракатлари шаклланган. Бундай ташкилотлар асосан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий,

сиёсий ва ғоявий талаб-эҳтиёжларини қондириш, жамиятда содир бўлаётган сиёсий ҳаёт оқимида фаол иштирок этиш мақсадида тузилган бўлиб, улар биринчи навбатда ўз аъзоларининг мақсад-манфаатларини ҳимоя қиласидар.

XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ Европадаги бир қанча мамлакатларда, хусусан Германия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатларда ёшлар ўз ўюшмаларини тузиб, мустабидлик ва зўравонлик сиёсатига қарши курашда фаол иштирок эта бошлаган эди. Кейинчалик улар мустамлакачилик асоратида яшаётган ҳалқларнинг озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, мустамлакачи давлатларнинг олдига мустамлака мамлакатларнинг ҳалқларига мустақиллик бериш талабини қўйиб, ҳукуматларни бундай талабларни амалга оширилишига даъват этган эди.

Жамият тараққиёти илгарилаб боргани сари ёшлар ҳаракати янада кенг қўлламда амал қила бошлади. Бу даврларда ёшлар ўз мамлакатлари доирасида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам озодлик, ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат тамойилларининг жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиши учун ёшларни изчил кураш олиб боришга сафарбар қилиб, улар ҳаракатини бошқариб турди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллионлаб ёшлар фашизмга қарши ташкил топган қаршилик ҳаракати сафларида уюшиб, фашизмга қарши уруш олиб бораётган мамлакатларнинг қўшинлари сафларида жанглар олиб бордилар. Бу курашдан Ўзбекистон ёшлари ҳам четда турмади, улар бевосита жанг майдонларида ва фронт ортида ўз ташкилотларини тузиб, фашизмнинг мағлубиятга учрашига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Фашизмга қарши курашган ёшлар оғир синоўвларга бардош бериб, бекиёс мардлик ва жасорат кўрсатдилар.

Фашизм турли мамлакатлардаги ёшларни янда жипслашган ҳолда уюшишга туртки берди. Бу уруш жаҳон ёшларини ҳар томонлама чиниқтириди, уларни бирлашиб ҳаракат қилишга ундаиди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бўлиб ўтган жаҳон ёшларининг йигилишлари, анжуманлари ва улар тузган ташкилотлар ёшларнинг ҳалқаро миқёсда бирлашишлари учун объектив шарт-шароитларни вужудга келтирган эди. 1945 йилда Лондонда бўлиб ўтган Демократик Ёшлар анжуманида дунёнинг 63 та мамлакатидан вакиллар қатнашиб, унда «Жаҳон Демократик

Ешлар Федерацияси» (ЖДЕФ) ни түзиш ҳақида қарор қилинди. Бу ташкилот миллати, ирқи, эътиқодлари ҳар хил бўлган ёшларни бирлаштириб, жаҳон ёшларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаёт соҳаларида иштирок қилишлари, уларнинг тинчлик, халқаро ҳавфсизлик учун кураш олиб боришлари, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга уларга ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини йўналтириб туриш билан боғлиқ ишларда амалий фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги даврда жаҳон тараққиётида ёшлар ҳаракатининг сиёсий аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Ёшлар ташкилотлари жамиятдаги кўплаб ижтимоий-сиёсий ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлгани сингари бизнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳам ёшлар ташкилотининг аҳамияти ошиб бормоқда. У ҳозирги даврда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ёшлар мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ва бошқарув органларини шакллантиришда, шунингдек жамият ҳаётига доир қарорлар, қонунларни ишлаб чиқиша фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жамғармаси умуминсоний қадриятларни, миллий ва миллатлараро манфаатларни ҳимоя қилмоқда. Ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун мамлакатдаги ва чет эллардаги ёшлар ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда.

Эндиликда Ўзбекистоннинг истиқболини таъминлаш, уни жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш ёшларнинг меҳнати ва ҳаракатларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам И. А. Қаримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида мамлакатимиз равнақи ёшларнинг фидокорлигига боғлиқ эканлигини қўйидагича таърифлайди: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдирни керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг событқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорли-

тига ва чексиз мөхнатсеварлигига боғлиқ эканлигини аংглаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва ҳалқимиз равнақ топишининг асосий шартидир»¹.

Хотин-қизлар ташкилотлари

Жамият тараққиёти ҳамда мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида инсониятнинг ярмидан

кўпини ташкил этган хотин-қизлар муҳим ўринга эгадир. Улар жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок қиласидилар, унинг яшави ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатадилар.

Хотин-қизлар ҳаракатлари, уюшмалари ва ташкилотларининг жамият ҳаётида амал қилиши объектив заруриятдир. Уларнинг асосий мақсади хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни жамият ишларига сафарбар қилиш ва шу асосда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолликларини ошириб боришдан ҳам иборатдир.

Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги ҳақидаги талаблар капиталистик муносабатлар эндигина шакланаётган даврларда ёқ илгари сурилган эди. Шимолий Америкада мустақиллик учун олиб борилган урушлар вақтида ёқ аёллар томонидан илгари сурилган кўплаб демократик талаблар ўша даврдаги кўплаб давлат ва жамоат арбоблари томонидан кўллаб-қувватланган эди. Кейинчалик хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги ҳамда уларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг берилиши тўғрисидаги талаблар АҚШ Конституциясида ўз ифодасини топганди.

Кейинги йилларда ер юзининг жуда кўп мамлакатларида синфий, миллий, диний, озодлик, тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик, тенг ҳуқуқлилик йўналишларида амалий фаолият олиб борган хотин-қизлар ташкилоглари, уюшмалари вужудга келди. Улар ўз ҳаракатларининг самарали бўлишига эришиш мақсадида жаҳондаги кўплаб хотин-қизлар ташкилотлари ва уюшмаларини биргаликда кураш олиб боришга унадди. Уларнинг бу соҳада олиб борган саъи-ҳаракатлари натижасида 1945 йилда «Ҳалқаро Хотин-қизлар Демократик Федерацияси» ташкилотига асос солинди. Бу ташки-

¹ И. А. Каримов. Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. «Узбекистон», 1992. 49-бет.

лот жаҳон хотин-қизларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жуда катта нуфузга ва обрўга эгадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳар хил кенгашлари, уюшмалари вужудга кела бошлади ва улар мамлакатда амалга оширилаётган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Хотин-қизлар уюшмалари, кенгашлари биринчи навбатда ўзларинийг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, меҳнат шароитлари, иш билан тъминланиш, болалар тарбияси, мамлакатда тинчлик ва осойишталик бўлиши, хотин-қизларни давлат ва жамоат ишларида қатнашиши сингари жуда кўплаб соҳаларда фаоллик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари бошқа мамлакатларнинг хотин-қизлар ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни турли йўналишларда олиб боришига ҳаракат қилмоқда. Турли мамлакат хотин-қизлар ташкилотлари фаолларининг ўзаро учрашувлари, жаҳон хотин-қизлари тақдирига дахлдор бўлган масалалар бўйича ўтказилаётган анжуманлар улар олиб бораётган ўзаро алоқаларнинг ўзига хос шакллариdir.

Диний ташкилотлар

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида бошқа жамоат ташкилотлари

билан бир қаторда диний ташкилотлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Жамият аъзоларининг кўпчилик қисмини ўз сафларида бирлаштирган бу ташкилотлар жаҳонда ва ҳар бир мамлакатда рўй бераётган долзарб муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ташкилотлар миллати, ирқи, эътиқоди ва жинсидан қатъи назар ўз эътиқодларига эга фуқароларнинг иҳтиёрий уюшмасидир. Улар ҳар бир мамлакатда ва ҳалқаро мийқёсда ҳар хил диндаги фуқароларни уюштирган ташкилотлар бўлиб, уларнинг энг йириклари христиан, буддизм ва мусулмон динига оид бўлган уюшмалардир.

Ҳозирги кунда диний ташкилотлар ижтимоий ташкилот сифатида жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиримоқда. Улар ўзларининг маблағлари ҳисобидан аҳолининг иҷорати қисмларига моддий ёрдам бермоқда. Масалан, жаҳондаги кўплаб диний ташкилотлар: христиан ғровослав чёрковлари, христан католик черковлари, баптистлар-

йинг диний уюшмалари, мусулмонлар диний ташкилотлари Чернобил АЭСда жабр кўрганлар жамғармасига пул ўтказиш йўли билан меҳр-шафқат ёрдамини кўрсатдилар.

Диний ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролининг ошиб бориши жамият ҳаётининг демократиялашиб бориши билан бевосита боғлиқdir. Жамият ҳаёти қанчалик демократиялашиб борса, уларнинг фаолияти эркинлашади, улар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш учун зарур бўлган имкониятларга эга бўлади.

Кейинги йилларда Farb ва Шарқда ташкил топган ёш мустақил мамлакатлар ҳаётининг демократиялашуви натижасида уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида диний ташкилотларнинг мавқеи ошиб борди. Масалан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг парламентларида диний ташкилот вакиллари фаол иштирок эта бошладилар.

Ҳозирги даврда диний ташкилотларнинг расмий ҳужжатларида мамлакатда олиб борилаётган демократиялаш жараёнлари қўллаб-қувватланмоқда. Улар жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёти ҳамда жаҳонда тинчлик, демократия, ҳамкорлик учун курашда бошқа ижтимоий-жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳаракат қилмоқдалар.

Диний ташкилотлар иккинчи жаҳон уруши даврида ўзларининг ватанпарвар диний уюшма эканликларини намоён қилди. Улар фашизм сиёсатига қарши изчил кураш олиб бориб, тинчлик учун курашни омма орасида тарғиб қилдилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида диний ташкилотлар муҳим роль ўйнамоқда. Ҳусусан, Моварооннаҳр мусулмонлар диний уюшмаси ва унинг таркибига киравчи вилоят, шаҳар, район бўлимлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ташкилотнинг вакиллари масжидларда, матбуотда, радио ва телевидение эшилтиришларида чиқишилар қилиб, одамларни ёмон йўлга юрмаслик, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик, гиёҳвандликка берилмаслик ва бошқа шулар сингари инсон саломатлигига зарарли бўлган иллатларга қарши кураш йўлида фаол ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатимиздаги диний таш-

килотлар кўпгина мусулмон мамлакатлардаги диний ташкилотлар билан узвий алоқада бўлмоқда. Уларнинг тажрибаларини ўрганмоқдалар ва ўз аъзоларининг мақсадларидан келиб чиқиб, фаолиятларининг асосий йўналишларини ишлаб чиқмоқдалар.

Мамлакатимизда мусулмон диний уюшмаларидан ташқари бошқа бир қанча диний ташкилотлар ҳам фаолият олиб бормоқда. Масалан, христиан проваслав черкови, баптистлар диний уюшмаси, синагоглар диний ташкилотлари ва бошқалар жамиятнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўринга эгадир. Уларнинг барчаси ҳозирги даврда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий йўлни қўллаб-қувватламоқда, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қурилишига хайриҳоҳлик билан қарамоқда.

3. Оммавий жамоат ташкилотлари

Жамиятнинг сиёсий системасида ижтимоий ташкилотлар билан бир қаторда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Буларга турли илмий-техника жамиятлари, ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятлари, қизил салб ва қизил ярим ой жамиятлари, табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамиятлари, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кўпдан-кўп маданий-оқартув ва спорт жамиятлари, маҳалла кенгашлари ва бошқалар киради. Жамият аъзолари мана шу уюшмалар орқали ўз касбларига тааллуқли бўлган ва бошқа муҳим муаммоларни муҳокама қилиб, уларнинг амалга оширилишида фаоллик билан қатнашади.

Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий-сиёсий тузуми қандай бўлишидан қатъи назар барча мамлакатларда амал қиласди. Аммо уларнинг шакллари, мазмуни ва моҳияти шу мамлакатнинг сиёсий тузуми, тарихий шарт-шароитлари ва миллий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлиши мумкин.

Жаҳон цивилизацияси тараққиётини таъминлаш, инсонпарвар демократик жамиятни вужудга келтириш каби мақсад ва манфаатларини, талаб-эҳтиёжларни амалга ошириш учун инсоният олиб бораётган курашда оммавий жамоат ташкилотлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Оммавий жамоат ташкилотлари ўзларининг мақсад

ва, вазифаларини муайян низомларга мувофиқ ўзига хос усууллар ва воситалар асосида бажаради. Мехнаткашларнинг бу оммавий ташкилотлари давлат ташкилотлари билан ўзаро ёрдам муносабатларида бўлади ва бир-бирларига раҳбарлик қилмай, мустақил ишлайди.

Оммавий жамоат ташкилотлари ихтиёрийлик асосида ташкил топган бўлиб, Низомлари ва ҳаракат дастурларини ўзлари қабул қиласидилар, ўз ваколатларига кирган масалаларни ўзлари мустақил ҳал этадилар. Уларнинг бутун фаолияти ўз-ўзини бошқариш, демократик тамойиллар асосида олиб борилади.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида оммавий жамоат ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос мавқега эгадир. Масалан, «Халқаро қизил салб ва қизил ярим ой ташкилоти» миллий ҳамда халқаро ўюшмаларни бирлаштирган бўлиб, урушларда яраланган, асир тушган, касал ёки табиий оғатлардан шикастланган шахслар, гуруҳлар, халқлар ва улар яшаётган мамлакатларга меҳр-шафқат ёрдамини беради. Уларнинг таркибида қизил салб (христианлар белгиси), қизил ярим ой, қизил шер ва қуёш (мусулмонлар белгиси) жамиятлари уюшган бўлиб, 145 миллий бирликларни ўз ичига олади. Бу ташкилот жуда оммавий тус олган бўлиб, ҳар бир мамлакатда унинг бўлимлари мавжуд. Ҳозирги кунда улар бажараётган ишларининг кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жамият сиёсий ҳаётida муҳим ўринга эгадир.

Баъзи бир оммавий жамоат ташкилотлари фуқароларнинг маданий ҳаётida муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўз фаолиятини амалга ошираётган «Чет мамлакатлар билан маданий алоқа боғлаш Узбекистон жамияти» хорижий мамлакатлarda яшаётган ўзбеклар ва ўзбекистонликлар, яъни ватандошлиримиз билан маданий алоқа боғлашда муҳим тадбирларни амалга оширмоқда.

Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги хорижий мамлакатлар томонидан тан олинаётган ҳозирги шароитда чет мамлакатлар билан маданий алоқа боғлаш янада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу жамоат ташкилоти кейинги йилларда хориждаги ўзбекларни ва туркистонликларни республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан танишишларида ва республикамиз аҳолисини хориждаги ватандошлиримиз

ҳаётларини ўрганишда, уларнинг маданий алоқалари-ни, ўқишлиарини ташкил этишда муҳим аҳамиятга молик ишларни амалга ошироқда.

Жамиятнинг сиёсий тизимида фаол ҳаракат қилаётган ёзувчилар, театр ходимлари, рассомлар, журналистлар уюшмаларининг роли ҳам кундан-кунга ўсиб бормоқда. Бу ташкилотлар ўз Низомлари ва дастурларида белгиланган маълум вазифа ва мақсадларни амалга ошириш учун кураш олиб боради. Улар ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш давомида доимо давлат сиёсатидаги иштирок этади давлат томонидан кўриб чиқиладиган масалалар, қабул қилинадиган қарорлар муҳокамасида, сиёсий дастурларни амалга оширишда қатнашади. Бу ташкилотлар бошқа чет мамлакатларда фаолият олиб борувчи рассомлар, ёзувчилар, журналистлар, театр ходимлари ташкилотлари билан ўртоқлашади жаҳонда бу соҳада вужудга келган ютуқлардан фойдаланади ва жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади. Айниқса, улар ўтмишда ва ҳозирда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган буюк рассомларнинг, ёзувчиларнинг асарларини ҳар бир мамлакат фуқароларига таништириш, улардан маънавий озиқ олиш, натижада ҳар бир мамлакат аҳолисининг маънавиятини ўстиришда муҳим ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу жамоат ташкилотлари муҳим тадбирларни амалга ошироқдаки, улар Узбекистон ҳалқлари маънавиятини оширишда, ўтмиш тарихимизни ўрганишда, қадриятларимизнинг тикланишида ва ўзбек тилининг равнақ топишида муҳим ҳисса бўлиб қолмоқда.

Жамият сиёсий системаси таркибида маҳалла кенгашлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Маҳалла кенгашлари жамиятнинг энг қуий ячейкаси бўлиб, уларнинг ривожи, такомиллашиб бориши жамият ривожланишининг асосини ташкил этади. Ҳозирги кунда давлат томонидан қуий бўғинларга кўпгина имтиёзлар ва ваколатлар берилди, бу эса маҳаллалар, мавзеларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ўзлари яшаётган ҳудудда вужудга келган кўпгина муаммоларни ўзлари ҳал этишлари учун кенг имконият яратмоқда. Масалан, маҳаллаларда таълим-тарбия ишлари, оиласаларда вужудга келган айрим келишмовчиликлар, тўй-ҳашамларни тартибга солиш, ободончилик, маданият соҳаларни ўрганишда, уларнинг маданий алоқалари-ни, ўқишлиарини ташкил этишда муҳим аҳамиятга молик ишларни амалга ошироқда.

рида катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳеч қандай давлат ташкилоти тарбияга маҳалладагичалик таъсир ўтказолмайди. Маҳалла кенгаши қошида бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган оқсоқоллар кенгаши фаолият олиб боради. Улар маҳалладаги барча ишларни ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда тушунтириш ва маслаҳат бериш орқали амалга оширадилар.

Шундай қилиб ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳозирги кунда жамият сиёсий системаси ва сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлган ташкилотлардир. Улар ҳар бир фуқаронинг, муайян гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи ва муҳофаза әтувчи уюшмалар бўлиб, одиллик, амалий демократия, ўз-ўзини бошқариш қоидалари асосида ташкил топган. Айни вақтда улар мазкур мамлакат аҳолиси барча қатламларини жамият ҳаётини бошқариш ишларига сафарбар қилиш учун жуда муҳим восита вазифасини ҳам бажармоқда.

4. Жамият ҳаётини демократиялашда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари фаолиятининг муҳим жиҳати жамиятни демократиялаш ҳисобланади. Демократиялаш жараёни ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларидан ўз фаолиятларида демократик асосларга тўла риоя қилишни, ошкоралик асосида ўз фаолиятини амалга ошириш, ўз аъзоларининг ишончини амалда қозониш, ўз фаолиятида инсонга хизмат қилишни тақозо этади.

Жамият қанчалик илгари қараб ривожлана боргани сари ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари жамиятни демократиялаштиришда муҳим ўринга эга бўла боради.

Жамиятни демократиялаш жараёнида меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириши муҳим муаммолардан биридир. Ҳаёт ўртага қўяётган вазифаларни юқоридан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун аҳоли барча қатламларининг жамият ишларида бевосита иштироки, уларнинг моддий ва маънавий бойликларни яратишга қаратилган ижодий меҳнати, ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарурдир.

Демократик жамият қуриш жараёни ҳокимиятни ҳаддан ташқари марказлаштиришга мос келмайди, бал-

ки ҳокимиятнинг баравар тақсимланишини тақозо эта-ди. Ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳоки-миятни бошқаришда вилоятларнинг ваколатларини кенгайтиришга, фуқароларнинг ва жамоат ташкилот-ларини жамият ишларида кенг қатнашишларига ва уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини ҳисобга олиб қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Демократия бебошлиқ эмас, унга оқилона интизом, ҳалол меҳнат, ақл-идрок билан иш кўриш натижасида-гина эришиш мумкин. Ҳозирги даврда мамлакатимиз-даги оғир шароитдан чиқиш йўлларини излаш нафа-қат давлатнинг, балки ижтимоий ҳамда оммавий жамо-ат ташкилотларининг ҳам муҳим вазифасидир. Мам-лакатимизда амалга оширилаётган демократик жара-ёнларнинг бориши шошмашошарликка йўл қўймай, сабр-тоқат билан иш кўришни тақозо қилмоқда. Бу ишда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб, жамиятни демократиялаш ишларига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшмоқда.

Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари-нинг ҳар бир аъзоси мамлакатнинг фуқароси ҳисоб-ланади. Улар жамиятда ўтказиладиган барча турдаги сайловларда фаол иштирок этмоқдалар. Улар сайлов-ларда иштирок этиш орқали жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг боришига у ёки бу даражада муносабат билдиromoқдалар.

Жамиятнинг сиёсий системасида фуқароларнинг турли қисмларини ўз сафларида бирлаштирган ижти-моий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари жамият сиёсий ҳаётини мувозанатга келтириб туради. Дунё-нинг айрим мамлакатларида бу ташкилотларга қара-ма-қарши турувчи, демократик жараёнларнинг бори-шини секинлаштиришга ва уни тўхтатиб қўйишга интилувчи сиёсий кучлар ҳам фаолият кўрсатади. Бундай кучлар мамлакатдаги ижтимоий ҳамда оммавий жамо-ат ташкилотларига таъсир қилиш орқали ўз мақсад-ларига эришишга интиладилар. Шунинг учун ҳам бар-ча сиёсий ташкилотлар сингари ижтимоий ҳамда омма-вий жамоат ташкилотлари ҳам ўз сафларини дои-мий равишда мустаҳкамлаб боришга, ўзаро алоқаларни ривожлантиришга, жамият ҳаётига доир масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликнинг турли усусларидан фой-даланишга ҳаракат қилишлари ниҳоятда зарурдир. Шундай йўл тутилгандагина бу ташкилотлар ўз олди-

га кўйилган мақсадга эришиши ва ўзларининг жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлаб боришга эришиши мўмкин.

IX БОБ

ИЖТИМОИЙ ГУРУХЛАР – СИЕСАТНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Жамият ҳаётида күп сонли ижтимоий гуруұлар фаолият күрсатади. Уларнинг фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб, бу фаолият жамиятнинг мавжудлиги, уларнинг яшаси ва ривожланишининг зарур шарти сифатида намоён бўлади. Кишилик жамияти пайдо бўлишининг ва ривожланишининг бутун тарихи турли хилдаги ижтимоий гуруұларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидир.

Ижтмоий гуруҳлар турли хил шароитларда ва турли хил сабабларга кўра шаклланган. Уларнинг шаклланиши жамият ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, тарихий тараққиётнинг ҳар бир янги даври бу гуруҳларнинг мавқеига, уларнинг турмуш ва ҳаёт шароитларига ўзининг хусусиятларини киритган. Турли даврларда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида бўлган ўзгаришлар ижтимоий гуруҳларнинг мавқеига, уларнинг ҳаракатларига у ёки бу даражада таъсир кўрсатган.

Ижтимоий гуруҳлар сиёсатнинг ўзига хос субъектлари ҳисобланади. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзининг иродасини сиёсатда ифодаланган ташкилоти ва ҳокимияти орқали амалга оширади. Ижтимоий гуруҳлар ҳаракатининг жамият ҳаётидаги амалий натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, унда жамиятга қилинадиган таъсир ўз ифодасини топади.

Ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳга мансуб бўлиши мумкин эмас. У ўзининг бутун умри давомида бир гуруҳдан чиқиб бошқасига мансуб бўлиши мумкин. Масалан, ёшлар гурӯхининг вакили вақт ўтиши билан мутахассислик хусусиятларига кўра шаклланган гуруҳга ва ундан сўнг фахрийларнинг гуруҳига мансуб бўлади.

1. Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг турлари

Ижтимоий гуруҳлар ўзининг шаклланиш хусусиятларига кўра қўйидаги турларга бўлинади: синфиийлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар; этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар; касб-корлик ва мутахассислик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар; элита гуруҳлари.

Синфиийлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар

Ишчилар ва деҳқонларнинг гуруҳлари синфиийлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлардир. Жамият ҳаётида меҳнат тақсимоти-нинг рўй бериши, деҳқончиликдан ҳунармандчилик-нинг, қишлоқдан шаҳарнинг ажralиб чиқиши кишиларни иккита катта гуруҳга — саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчиларга ажralишига сабаб бўлган. Шунга кўра саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилар ишчилар гуруҳини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилар деҳқонлар гуруҳини ташкил этган. Бу гуруҳларнинг ҳар бири жамият ҳаётида ўз ўрни ва мавқеяга эгадир.

Ишчилар жамиятнинг йирик ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Ҳозирги пайтда дунёда ишчилар синфи бўлмаган биронта ҳам мамлакат йўқ. Ҳамма мамлакатларда ҳам ишчилар аҳолининг энг йирик гуруҳларидан ҳисобланади. Улар ўзларининг моддий неъматларни ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ролига, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидағи иштирокига кўра деҳқонлардан ва бошқа ижтимоий гуруҳлардан фарқ қиласди.

Ижтимоний-сиёсий таълимотлар тарихида бирон-бир таълимот ишчиларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини марксизм-ленинизм таълимоти сингари сохталашиб юбормаган. Марксизм-ленинизм ишчилар синфи жамиятнинг энг илғор, етакчи ва раҳбар кучи деган асоссиз ақидани ижтимоний фанга олиб кирди. Коммунистлар бу ақидани ҳозирги кунда ҳам байроқ қилиб, ижтимоий гуруҳларнинг жамиятдаги ўрни ва роли масаласини бузуб кўрсатишга уринишда давом этмоқдалар. Ҳолбукк ишчилар синфи жамиятда ҳеч қачон етакчи

ва раҳбар куч бўлолмаган. Уларнинг турмуш тарзи, ҳаёт шароитлари, онглилик даражаси, сиёсий куч ва қобилиятлари жиҳатидан жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳлардан анча орқада туради. Улар дунёнинг бирон-бир мамлакатида давлат ҳокимиютига эга эмаслар, мамлакатнинг ички ва ташки сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этмайдилар.

Ишчиларнинг гуруҳлари ўзларининг сиёсий онглиги ва фаоллиги жиҳатидан бошқа ижтимоий гуруҳлардан кескин фарқ қиласди. Дунёнинг айрим мамлакатларида уларнинг аксарият қисми саводсиз ва малакасиз бўлиб улар ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумотга ҳам эга эмаслар. Осиё Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларида узоқ давом этган мустамлакачилик сиёсати бу ўлкалардаги ишчиларнинг билим олиши учун имконият бермаган эди. Кейинги йилларда бу минтақалардаги мамлакатларнинг миллий мустақилликка эришиши уларда малакали ишчилар тайёрлашга бўлган эҳтиёжни кучайтирганилиги сабабли уларда ишчиларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш бўйича баъзи бир ижобий тадбирларни амалга ошириш имкониятларини вужудга келтирди.

Ишчилар гуруҳларининг сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда қатнашиши ҳам жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳларники сингари даражада эмас. Гарчи улар сайловларда қатнашса-да, кўпчилик қисми сайловларга бефарқ муносабатда бўлиб қолмоқда. Кўп ҳолларда улар учун кимга овоз бериш бефарқдир.

Аммо бундан ишчилар гуруҳи жамият ҳаётида ҳеч қандай роль ўйнамайди ва жамият ҳаётига бирон-бир даражада таъсир этмайди, деган хато хулоса чиқармаслик керак. Чунки ишчилар гуруҳи дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам бир хил мавқега эга эмас, уларнинг сиёсий онглилиги ва сиёсий фаоллик даражаси ҳам ҳар бир мамлакатда ўзига хос имкониятларга эгадир. Айниқса дунёнинг тараққий этган мамлакатларида бу гуруҳларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли анча юқори бўлиб, улар ўзларининг кўплаб сиёсий ва ижтимоий ташкилотлари орқали жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида фаол иштирок этмоқда. Ҳуқуқий давлатчиликка эришилган мамлакатларда ишчиларнинг гуруҳлари ўз ҳуқуқ ва бурчларини қонунлар кучи ёрдамида ҳимоя қилиш, ҳокимиютилар олдига ўзларининг демократик талабларини қўйиш ва

уларни амалга ошириш бўйича фаоллик кўрсатмоқда.

Ишчиларнинг гуруҳлари ўзларининг касаба уюшмаси ташкилотлари ёрдамида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талабларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда ва кўп ҳолларда бунга мувофиқ бўлмоқдалар. Улар социал-иқтисодий соҳада ишчиларнинг иш ҳақларини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, нафакалар миқдорини ошириш, солиқлар ҳажмини камайтириш, иш ҳақининг ўз вақтида бериб турилишига эришиш, ишсизликни тугатиш ва бошқа шулар сингари талабларни илгари сурмоқда. Сиёсий соҳада эса тинчлик учун кураш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, қуролсизланиш, ядровий қуролларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш сингари турли талабларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг хилма-хил талаблари асосидаги ҳаракатлари кўпчилик мамлакатларда ишчиларнинг сиёсий ҳаракатлари авж олишига сабаб бўлмоқда.

Дунёнинг барча мамлакатларида ишчилар ўзларининг касаба ташкилотларига эгадир. Улар касаба союз ташкилотлари орқали ва уларнинг фаолияти асосида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Кўпчилик мамлакатлардаги касаба уюшмалари ташкилотлари касаба уюшмаларининг халқаро ташкилотларига бирлашганки, улар фаолияти орқали ҳам ишчиларнинг гуруҳлари ўзларининг жамиятдаги сиёсий фаолликларини оширишга ва ўзларининг ҳақхуқуқларини ҳимоя қилишга муваффақ бўлмоқдалар. Масалан, Жаҳон Қасаба Союзлар Федерацияси 140 миллионга яқин ишчиларни ўз сафларида бирлаштирган бўлиб, ишчиларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда. Бундан ташқари Эркин Қасаба Союзлар Конфедерацияси 63 миллиондан ошик ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Ишчиларнинг гуруҳлари каби дехқонларнинг гуруҳлари ҳам жамият ҳаётида алоҳида мавқега эгадир. Ишчилар сингари дехқонлар ҳам жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Дехқонлар гуруҳлари ўзининг ижтимоий аҳволи, ҳаёт шароитлари, турмуш тарзи, жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролига кўра бошқа ижтимоий гуруҳлардан кескин фарқ қиласиди. Дехқонлар дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам энг оғир шароитларда меҳнат қиласидилар ва ҳаёт кечирадилар. Хусусан, иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган

мамлакатларда дәхқонларнинг ҳаёт кечириш даражаси ва уларнинг меҳнат шароитлари ачинарли аҳволдадир. Бу ҳол уларнинг сиёсий фаоллигига салбий таъсир этмоқда ва уларда жамиятнинг сиёсий муносабатларида бўладиган ўзгаришларга бефарқлик кайфиятини кучайтироқда. Ҳозирги пайтда тропик Африка мамлакатларида дәхқонлар гуруҳлари ўзларининг жамият ҳаётидаги мавқеига кўра дунёдаги бошқа барча минтақадаги дәхқон гуруҳларидан кескин ажralиб қолмоқда. Бу минтақадаги мамлакатларда дәхқонлар аҳолининг энг катта кўпчилик қисмини ташкил этишига қарамай, уларнинг ҳаёт шароитлари жуда паст дараҷададир. Бу минтақалардаги жўғрофий ва иқлим шароитлари, ишлаб чиқаришнинг қолоқ усуллари дәхқонлар меҳнатининг унумсизлигига сабаб бўлмоқда.

Лекин шунга қарамай, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида дәхқонлар гуруҳлари ижтимоий ҳаётда фаол қатнашмоқда. Уларда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигига фан-техника ютуқларининг самарали йўлга қўйилганлиги, меҳнат шароитларининг бир мунча қулай ташкил этилганлиги каби шарт-шароитлар дәхқонларнинг асосий кўпчилик қисмининг жамият ҳаётидаги фаоллигига кучли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда дәхқонлар гуруҳлари жамиятдаги йирик ижтимоий-сиёсий кучлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдиришга, ўзларининг сиёсий, ҳуқуқий эркинликларини ҳимоя қилишга, турли сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок қилишга интилмоқда. Улар ҳукуматлар олдига ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳадаги талабларини қўйиб, уларнинг амалга ошишига ҳаракат қилмоқда. Дәхқонларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол бўлган бундай қисмлари ҳозирги кунда айниқса демократик сиёсий тузумларда ва демократик тузумга томон ривожланаётган мамлакатларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу гуруҳлар ҳозирги кунда дунёда авж олиб бораётган оммавий демократик ҳаракатларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланиб бормоқда.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида дәхқонларнинг гуруҳлари сиёсий партияларнинг ва бошқа кўплаб ижтимоий ташкилотларнинг аъзолари ҳисобланади.

Улар ана шу ташкилотлар фаолияти орқали ҳам жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида фаол иштирок қилмоқда.

Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар

хотин-қизлар, диндорлар гуруҳлари бу гуруҳларнинг асосийлариидир. Улар жамият ҳаётида турли хил шароитларда ва турли хил сабабларга кўра шаклланган. Бу гуруҳлар ўзларининг жамиятдаги ижтимоий мавқеинга кўра бир-бириларига жуда яқин туради.

Уларни ишчилар ва деҳқонларнинг гуруҳларидағи фарқ қиласидиган асосий хусусият уларнинг турмуш тарзидаги ўзига хослик жиҳатлари билан белгиланади.

Бу гуруҳлар ўз куч ва қобилиятлари, билим ва малакалари, ҳаётий тажрибаларига кўра жамиятда алоҳида мавқеда туради. Уларни бир-биридан фарқ қиласидиган асосий хусусият ҳар бир гуруҳнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли билан белгиланади.

Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳларнинг ҳеч бири жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланмайди. Гарчи уларнинг баъзилари, масалан, ёшлар, хотин-қизлар, диндорлар моддий неъматларни ишлаб чиқаришда ўёки бу даражада иштирок қилсалар-да, бироқ уларнинг меҳнати жамиятнинг барча моддий эҳтиёжларини қондира олмайди.

Бу гуруҳларнинг орасида ёшларнинг гуруҳлари алоҳида ажралиб туради. Улар ўзларининг физиологик ва психологик хусусиятларига, куч ва қобилиятларига, интилиш ва қизиқишиларига, жамият ва мамлакат ҳаётида бўлаётган ўзгаришларга бўлган муносабатларига кўра бу турдаги бошқа гуруҳлардан ва умуман барча турдаги ижтимоий гуруҳлардан фарқ қиласиди. Ана шу хусусиятларига кўра улар дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам деярли бир хил мавқега эга.

Ёшларнинг гуруҳлари жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги фаоллиги билан ажралиб турадилар. Улар ҳар бир мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга, жамият ҳаётида рўй берадиган муаммоларга, ҳатто ҳалқаро майдонда рўй берадиган сиёсий воқеа-ҳодисаларга ҳам бефарқ бўлиб

Жамият ҳаётида этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар фаолият кўрсатади. Ёшлар, фахрийлар,

қолмайдилар. Улар ўзларининг ташкилотлари ва улар орқали ёшларнинг халқаро ташкилотлари таъсирида фаол ҳаракат қиласи.

Ёшларнинг гуруҳлари оммавий демократик ҳаракатларнинг етакчи сиёсий кучларидан бири, унинг социал базаси ҳисобланади. Уларнинг аксарият кўпчилиги ҳозирги куннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, тинчлик, демократия, халқаро хавфсизлик учун курашда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида ҳаракат қиласи.

Лекин ёшлар гуруҳларининг ҳамма қисмлари ҳам мамлакат ва жамиятнинг истиқболи учун курашнинг олдинги сафларида боради, деган холоса қилиш мумкин эмас. Айрим мамлакатларда ёшларнинг баъзи қисмлари ғайридемократик, реакцион йўл тутмоқда. Масалан, ҳозирги кунда Германия, Италия, АҚШ сингари ривожланган мамлакатларда ёшларнинг баъзи қисмлари миллатчилик, ирқчилик, фашистик ҳаракатларда қатнашиб, унинг ташкилотчилари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улар дунёнинг турли мамлакатларида рўй берастган иқисодий ва сиёсий терроризмни қўллаб-қувватлаш, ўз мамлакатларида фашистик кучлар фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Уларга айрим мамлакатлардаги реакцион, фашистик кучлар таъсир этиб, ёшларнинг баъзи қисмларини ўз томонларига оғдириб олишга муваффақ бўлмоқда.

Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар орасида фахрийларнинг гуруҳлари алоҳида мавқега эга. Фахрийлар ўзларининг ҳаётий тажрибаси, билим ва онглилик даражаси жиҳатидан бошқа гуруҳларга қараганда анча юқори мавқеда турадилар. Улар ўзларининг ёш хусусиятларига кўра турли ижтимоий гуруҳлардан ажралиб чиққанлар. Шунга кўра уларда ўзлари аввал мансуб бўлган ижтимоий гуруҳларга хос хислатлар сақланиб қолади. Масалан, фахрийлар ўзларининг ёшлар гуруҳига ёки касб-корлик гуруҳига мансуб бўлган даврдаги билим, кўникум, мутахассислик, онглилик хислатларини сақлаб қолиб, улардан фахрийлик гуруҳига мансублик даврида фойдалана дилар.

Фахрийларнинг аҳволи ва уларнинг жамиятдаги мавқеи дунёнинг ҳамма мамлакатларинда ҳам бир хилда эмас. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатларда фахрийларнинг моддий аҳволи, уларнинг турмуш

ва ҳаёт шароитлари анча оғир бўлиб қолмоқда. Бундай-мамлакатларда жамиятнинг иқисодий ҳолати фахрийларни моддий жиҳатдан таъминлаш имкониятларини қийинластиради.

Лекин шунга қарамай, фахрийларнинг гуруҳлари жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида фаол қатнашади. Улар мамлакатда ва ҳалқаро майдонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдириб турадилар, мамлакатда олиб бориляётган давлат сиёсатига бефарқ бўлиб қолмайдилар. Айни пайтда улар ўзларининг турли ташкилотлари орқали сиёсий жараёнларда фаол иштирок этадилар.

Фахрийларнинг гуруҳлари ҳам оммавий демократик ҳаракатларнинг етакчи сиёсий кучларидан бири ҳисобланади. Улар бу ҳаракатларнинг фаол қатнашчиси сифатида аҳоли кенг қатламларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатдаги демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг тинчлиги ва осошишталиги, унинг яхлитлиги ва бир бутунлиги учун кураш билан боғлиқ тадбирларда амалда қатнашади. Улар давлатларнинг тинч-тотув яшаши, ҳалқаро хавфсизликни таъминлаш, ядрорий қуролларни тугатиш, ҳар қандай босқинчилик урушларига қарши туришда фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Баъзи мамлакатлarda фахрийлар муносаб мавқега эга. Улар давлат ва жамият томонидан кўрсатида-диган барча имтиёз ва ғамхўрликлардан фойдалана-дилар.

Ижтимоий гуруҳларни хотин-қизларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хотин-қизлар гуруҳлари ҳам ўзларининг жамиятдаги мавқеига кўра бошқа ижтимоий гуруҳлардан фарқ қиласди. Бошқа бирон бир ижтимоий гуруҳ сон жиҳатидан хотин-қизлар гуруҳларига тенг келолмайди, чунки улар жаҳон аҳолисининг ярмидан, кўпини ташкил этади.

Хотин-қизларнинг меҳнати ва ҳаракатлари жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг зарур шартидир. Бу уларнинг авлодни кўпайтиришдан иборат функцияга эга бўлишидан ташқари хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролида, уларнинг жамиятга кўрсатадиган таъсирида тўла намоён бўлади.

Хотин-қизлар гуруҳларининг жамият ҳаётидаги фаолияти уларнинг моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқишида, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий

муносабатларида иштирок этишида, болаларни ўстириш ва уларни тарбиялашда, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиш ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида фаол иштирок этишида аниқ намоён бўлади.

Хотин-қизлар гурӯҳи иштирок қилмайдиган ижтимоий ҳаётининг бирон бир соҳаси йўқ. Хотин-қизлар ўзларининг ақлий, жисмоний ва ташкилотчилик қобилиятлари, билим ва онглилик даражаси асосида жамият ҳаётининг турли соҳаларида меҳнат қиладилар.

Хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи ва сиёсий мавқеи дунёning ҳаммā мамлакатларида ҳам бир хилда эмас. Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги кўпчилик мамлакатларда хотин-қизлар ижтимоий ишларда фаол қатнашмайдилар, мамлакатда ва халқаро майдонда бўлаётган сиёсий воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлиб қолмоқдалар. Турмуш қийинчиликлари, рўзгор ташвишлари бу мамлакатлардаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса қишлоқ хотин-қизлари начор аҳволда қолиб келмоқда. Қишлоқ ҳаётининг қийинчиликлари ва ундаги оғир меҳнат ҳиссаси асосан қишлоқ хотин-қизларнинг зиммасига тушмоқда.

Лекин шунга қарамасдан дунёning кўпчилик мамлакатларида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ишларда фаол қатнашмоқдалар. Ҳар бир мамлакатда уларнинг ўюшган сиёсий ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар бу ташкилотлар орқали жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида иштирок этади. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига сиёсий ҳокимиятлар фаолиятига таъсир қилишда хотин-қизларнинг ҳиссаси төбора ўсиб бормоқда. Шунингдек, улар халқаро сиёсий муносабатлар ва унинг боришида ҳам салмоқли ўринга эгадирлар. Дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг хотин-қизлари ташкилотлари халқаро хотин-қизлар ташкилотларига аъзо бўлиб, бундай ташкилотлар мамлакатнинг хотин-қизлари манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, ҳозирги кунда Халқаро Хотин-қизлар Кенгаши жаҳондаги 52 та мамлакатнинг хотин-қизларини, Жаҳон Хотин-қизлари Ассоциацияси 44 та мамлакат хотин-қизлар ташкилотларини ўз сафларида бирлаштирган бўлиб, улар хотин-қизларга нисбатан мавжуд тенгсизликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, уларда фуқаролик

масъулияти ҳиссини кучайтириш, бутун дунё хотин-қизлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, қишилек аёлларига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий тараққиётда ёрдам бериш, халқаро муносабатларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришни таъминлаш сингари хилма-хил вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Ижтимоий гуруҳлар орасида диндорларнинг гуруҳлари ҳам жамиятда алоҳида мавқега эгадир. Бундай гуруҳлар дунёнинг ҳамма мамлакатларида мавжуд бўлиб, уларнинг жамият ҳаётига таъсири ўзига хос хусусиятларга эгадир. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида дин давлатдан ажратилган бўлиб, давлатлар диндорларни ва диний ташкилотларни моддий жиҳатдан таъминламайди. Бундай мамлакатларда диндорлар фуқаролар, жамоат ташкилотлари, айrim шахслар эҳсон қилиб қолдирган мулкка эгалик қиладилар ва ундан фойдаланиб, диний ишларни олиб борадилар. Улар давлат, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар томонидан шартнома асосида ўз ихтиёрларига бериладиган бинолар ва мол-мулклардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадилар.

Дунёнинг айrim мамлакатларида дин давлатдан ажратилмаган бўлиб, диний ташкилотлар ва диндорлар давлат томонидан ажратилган моддий маблағлар билан таъминлаб турилади. Ҳозирги кунда бундай ҳодиса Шарқдаги мусулмон мамлакатларига хос хусусиятдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг диндорларнинг гуруҳлари жамиятда эркин фаолият кўрсатиш имкониятларига эга бўлди. Улар эндиликада ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-руsumларни бажариш, ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат имкониятлардан кенг фойдаланмоқдалар. Мамлакатимизда диндорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, улар фаолиятининг асосий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йилнинг 14 июнида қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўзининг чуқур ифодасини топган. Бу қонунда фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги, динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши, диний ташкилотлар ва жамоалар, диний бошқармалар, марказлар ва бирлаш-

малар, диний ташкилотларнинг мулки, уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти сингари хилма-хил масалалар ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.

Барча ижтимоий гуруҳлар сингари диндорларнинг гуруҳлари ҳам ўзларининг хилма-хил ташкилотлари ва бирлашмалари орқали жамият ҳаётида қатнашади. Айрим мамлакатларда диндорлар давлат сиёсатига кучли таъсир қўрсатадилар. Улар ўз мамлакатларида ва халқаро майдонда уруш ҳаракатларига қарши курash олиб борадилар, халқаро хавфсизликни таъминлаш, халқларнинг тинч-тотув яшashi, экологик муаммоларни ҳал этиш сингари ҳаракатларда иштирок қиладилар ва уларга ўз муносабатларини билдириб турадилар.

Касб-корлик хусусият- ларига кўра шакллан- ган ижтимоий гуруҳ- лар

Жамиятда турли касб ва му-
тахассисликка эга бўлган ки-
шиларнинг алоҳида гуруҳлари
ҳам фаолият қўрсатади. Олим-
лар, муҳандислар, ўқитувчи-

лар, тиббиёт ходимлари, юристлар, журналистлар ва бошқа шулар сингари кишиларнинг кўплаб гуруҳлари бу турдаги ижтимоий гуруҳлар ҳисобланади. Улар ўзларининг жамиятда тутган мавқеи ва манфаатларининг ўзига хослиги, жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсири жиҳатидан бошқа ижтимоий гуруҳлардан фарқ қиласди.

Бу ижтимоий гуруҳларнинг шаклланиш жараёни тарихий тараққиётнинг турли даврларида рўй берган. Уларнинг шаклланишига илм-фан, техниканинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаб бўлган. Бу гуруҳлар жамиятда тутган мавқеига кўра бир-бирларига жуда яқин туради.

Касб-корлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида фаол иштирок этади. Бу гуруҳларнинг сиёсий фаолияти уларнинг турли хилдаги ташкилотлари фаолияти орқали намоён бўлади. Ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзининг уюшган ташкилоти орқали ва уларнинг таъсирида сиёсий жараёнларда ва сиёсий муносабатларда иштирок этади..

Бу ижтимоий гуруҳлар сиёсатнинг энг фаол субъектлари ҳисобланади. Улар мамлакатда олиб борила-диган давлат сиёсатига турлича муносабат билдиради

ва таъсир кўрсатади. Уларнинг айримлари бу сиёсатни қўллаб-қувватлаган бир пайтда, бошқалари унга иорозилик билдиришлари ҳам мумкин. Дунёнинг айрим мамлакатларида бир вақтнинг ўзида бу гуруҳларнинг айримлари сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок этган пайтда, бошқалари унда қатнашмайди. Кўпчилик ҳолларда уларнинг сиёсий ҳаракатларда иштирок қилиши иқтисодий талаблардан келиб чиқади. Улар ўзларининг иш ҳақларини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилашни талаб қилиб қўча намойишлари ўтказдилар, иш ташлашлар уюштирадилар, сайловларни бойқот қиладилар. Уларнинг бундай ҳаракатлари сиёсий моҳиятга эга бўлиб, давлатлар олиб борадиган сиёсатга кучли таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида улар ўзларининг айрим талабларини қондириш имкониятларига эга бўладилар.

Касб-корлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий аҳволи дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам бир хилда эмас. Иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларда бу гуруҳлар моддий жиҳатдан оғир шароитда ҳаёт кечирмоқда, уларни давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилиш имкониятлари уларнинг эҳтиёжлари даражасидан ниҳоятда орқада қолиб келмоқда. Иқтисодий қиёйинчиликлар бу гуруҳларнинг сиёсий фаоллигига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада улар кўпинча давлат сиёсатига бефарқ муносабатда бўлмоқдалар. Бу мамлақатларда ҳукуматлар олдига иқтисодий-сиёсий талаблар қўйиш мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсатига муносабат билдириш даражаси ва усуслари тараққий этган мамлакатлардаги касб-корлик гуруҳлариники сингари фаолликка эга эмас. Уларда бу гуруҳларнинг сиёсий ҳаракатларда қатнашиши, митинглар ўтказиш, қўча намойишлари уюштириш камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Лекин бу гуруҳлар ҳам ўзларининг хилма-хил ташкилотлари орқали жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида иштирок қилмоқда. Бу гуруҳларнинг кўпчилик ташкилотлари халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, бундай ташкилотлар орқали ўзларининг турли хилдаги талабларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда Халқаро Журналистлар Ташкилоти (ХЖТ) дунёнинг 40 тадан ортиқ мамлакатларида 130 мингдан ортиқ журналистларни,

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) 170 тадаң ошиқ мамлакатлардаги миллионлаб тиббиёт ходимларини, Халқаро Демократик Юристлар Ассоциацияси (ХДЮА) 50 тадан ошиқ мамлакатлардаги минглаб юристларни ўз сафларига бирлаштирган. Булар асосан касб-корлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтиёмий гуруҳларнинг вакиллари бўлиб, халқаро ташкилотлар фаолияти орқали ўзларининг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

2. Сиёсий элита — ижтиёмий гуруҳларнинг алоҳида тури

Жамият ижтиёмий-сиёсий ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлган ижтиёмий гуруҳлардан бири — сиёсий элита гуруҳидир. Бу гуруҳ ўзининг ташкилотчилик қобилияти билан ажralиб турувчи аҳолининг айrim қисмларидан ташкил топган.

Сиёсий элита гуруҳи «Элита» сўзи француз тилидан олинган бўлиб, сайланган, сараланган деган маъноларни англатади. Бу тушунча сиёсий тилда бошқариш ва раҳбарлик қилиш сифатларига эга бўлган кишиларнинг уюшган гуруҳини таърифлашда қўлланилади. Элита тушунчаси сиёсий фанларга биринчи марта француз мутафаккири Г.Моски томонидан киритилган ва шу асосда сиёсий элита назариялари яратилган.

Сиёсий элита гуруҳларининг шаклланиши узоқ тарихий даврга эга. Қулчилик тузумига ўтиш даврида ёқ жамиятда кишиларнинг юқори ва пастки, мартабали ва мартабасиз, арестократ ва оддий кишиларга ажралиши рўй берган. Жамиятдаги бундай бўлинишнинг сабабларини қадимги замонларда яшаган буюк мутафаккир-олимлар Конфуций, Афлотун, Арастулар ўз асарларида таърифлаб беришган. Қадимги юонон файласўфи Афлотун қулдорлик жамиятидаги аҳолини учтоифага: бошқарувчилар, ҳарбийлар, деҳқонлар ва ҳунармандларга ажратади. Арасту ҳам аҳолини уч гуруҳга — бойлар, камбағаллар ҳамда улар ўртасида турувчи қулдорларнинг ўрта қатламларига ажратган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам қулларни жамиятнинг фуқароси деб ҳисобламаган.

Ўрта Осиёда яшаган буюк мутафаккирлар: Фаро-

бий, ибн-Сино, Берунийлар ҳам аҳолининг турли гуруҳларга бўлниши тўғрисида муҳим фикрларни билдирганлар. Масалан, Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида жамоа аъзоларини уларнинг турли белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлади. Унинг фикрича, одамлар ўзларининг ақлий қобилиятлари, илмларни ўрганиш, билим ва кўнижмаларига қараб ҳар хил гуруҳларга ажралади. Ибн-Сино ўзининг «Ишорат ва танbihот» асарида кишиларни уларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқенига қараб уч гуруҳга ажратади: биринчиси — давлат идораларида хизмат қилувчи ва бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар; иккинчиси — дәхқончилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлганлар; учинчиси — мамлакатни қўриқлаш, уни ташқи ҳужумлардан сақлаш вазифасини бажарувчилардир.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўзининг «Темур тузуклари»да жамият аъзоларини амалдорларга, сипоҳийларга, илм аҳилларига ҳамда дәхқонлар ва ҳунармандларга ажратади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб сиёсий элита тушунчаси ижтимоий-сиёсий фанларда кенг ўрганила бошланди. Бу даврда француз ва немис олимлари В. Парето, Г. Моски, Р. Михельслар сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини чуқур таҳлил қилиб бердилар. Масалан, Г. Моски ўзининг «Сиёсий фанлар асослари» асарида сиёсий элита гуруҳларининг мавжудлиги ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини қўйидагича таърифлаб кўрсатади: «Ҳар қандай жамиятда, яъни энг паст дараҷада ривожланган жамиятгача бўлган барчасида иккита синф: бошқарувчилар ва бошқарилувчилар синфи мавжуд бўлади. Биринчиси — ҳамиша оз сонли бўлиб, сиёсий функцияни бажаради, ҳокимиятни монополия қилиб олади ва унинг афзалликларидан фойдаланади. Иккинчиси эса, энг кўп сонли бўлиб, биринчиси томонидан бошқарилади ва тартибга солиб турилади».

Г. Моски биринчи бўлиб сиёсий элитанинг шакланиши ва уларга хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Унинг ёзишича, сиёсий элитада жамиятни бошқариш ва унга раҳбарликни амалга ошириш қобилияти устун бўлади. Аҳолининг айrim табақалари ва қисмларига хос бўлган моддий, маъна-

вий ҳамда интеллектуал устунлик уларнинг сиёсий элита сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Г. Моски сингари В. Парето ҳам сиёсий элита шаклланишининг хусусиятларини ҳамда унинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилган. У ўзининг «Социология бўйича трактатлар» асарида инсоният жамияти ўзининг ақлий, жисмоний, ахлоқий, сиёсий ва ташкилотчилик қобилияtlари билан ажralиб турувчи кишилар гуруҳларидан ташкил топганлигини асослаб беради.

Сиёсий элита ва унинг жамиятдаги мавқеи билан боғлиқ масалалар Farb политологиясида чуқур ўрганилган бир пайтда, собиқ Иттифоқ даврида сиёсий элита тушунчасига буржуача атама деб қарапди ва бу гуруҳнинг жамиятдаги ўрни ва роли бузуб талқин қилинди. Бу даврда ёзилган сиёсий адабиётларда сиёсий элита назариялари «буржуа олимлари томонидан тўқиб чиқарилган уйдирма» деб қораланди ва унинг илмий моҳияти турли йўллар билан соҳталаштирилди.

Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги кунда ҳам сиёсий элита гуруҳлари жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бу гуруҳлар дунёнинг барча мамлакатларида деярли бир хил мавқеда туради. Улар ҳар бир мамлакатда аҳолининг умумий сонига нисбатан озчиликни ташкил этсалар-да, аммо жамият ҳаётига қиласидан таъсирига кўра жуда катта устунликка эга. Бундай устунлик сиёсий элита гуруҳларига хос ташкилотчилик қобилияtlарининг кучлилiği билан характерланади. Улар оммага таъсир кўрсатишга, кўлчиликни ўз орқасидан эргаштириб боришга ва фаолиятини маълум мақсад сари йўналтиришдан иборат ноёб қобилият ва истеъдодга эга бўлган кишиларнинг алоҳида қисмларидир.

Элита гуруҳлари бошқариш ва раҳбарлик қилишга дахлдор кишилардан ташкил топган. Бошқариш ва раҳбарлик ишлари қандай дараҷада олиб борилишидан қатъи назар, у жамият учун объектив зарурият ҳисобланади. Сиёсий элита гуруҳларига бўлган ҳар қандай эҳтиёж ана шу заруриятдан келиб чиқади. Шунга кўра ҳеч қандай сиёсий тузум бу гуруҳнинг жамиятдаги етакчилик ролини инкор этолмайди.

Сиёсий элита гуруҳлари таркибида доимий равища ўзгариш, янгиланиш ҳодисаси рўй бериб туради. Улар

орасида шундай кишилар ҳам учраб турадики, улар ўзларининг раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолиятларида қўпол хатоликларга йўл қўядилар, ўзлари масъул бўлган вазифаларни бажаришда ношудлик қиласидилар ва оқибатда жамоанинг ишончидан чиқиб қоладилар. Бундай кишилар сиёсий бошқариш ва раҳбарлик ишларидан четлашиб қолади ва натижада сиёсий элига таркибидан чиқиб, бошқа гуруҳларга мансуб бўлиб қоладилар. Уларнинг ўрнини янги кишиларнинг эгаллаб боришлари асосида бу гуруҳларнинг мавжудлиги муқаррар бўлиб қолаверади. Бинобарин, жамиятнинг ўзи сиёсий элита гуруҳларининг ҳаракатларини йўналтириб, тартибга солиб туради.

Сиёсий элита гуруҳлари қандай сиёсий тузумда фаолият кўрсатишларидан қатъи назар, жамиятда бошқа ижтимоний гуруҳларга қараганда катта имтиёзларга эга бўлади. Улар сиёсий ҳокимиятнинг барча бўғинларida ва бошқаришнинг турли шаклларидан ҳаракат қилиб, унинг имкониятларидан турли даражада фойдаланади. Бундай устунлик сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётида эркин ҳаракат қилишлари учун қулай имконият яратади.

Сиёсий элита гуруҳлари жамият аъзоларининг бир мунча билимдон, онгли ва ишchan қисмларидан ташкил топган. Улар жамият ҳаётида рўй берадиган сиёсий воқеа-ҳодисаларни, ўзгаришларнинг моҳиятини анча зийраклик билан пайқаб ва кузатиб боради. Уларнинг аксарият кўпчилик қисми сиёсий ўзгаришларга бефарқ муносабатда бўлмайди.

Сиёсий элита назариялари

Сиёсий элита гуруҳлари ва уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини асослаб беришга доир кўплаб назариялар, концепциялар ишлаб чиқилган. Бундай назарияларда сиёсий элита масаласи турлича талқин қилинади ва ўзининг мазмуни, моҳияти, амалий аҳамияти жиҳатидан ўзаро фарқ қиласиди. Ана шундай назариялардан бири — **муҳимилийлик ва зарурийлик назарияси**дир. Бу назарияда (Г. Москви, В. Парето, В. Робка, Н. Бердяев ва бошқалар) сиёсий элита жамиятнинг муҳим етакчи сиёсий кучи сифатида таърифланади ва у жамиятдаги бошқа ижтимоний гуруҳларга қараганда аҳолининг энг маҳсулдор ва ташаббускор қисмлари эканлиги назарий жиҳатдан асослаб берилади. Бу

назарияда сиёсий элита гурухининг шаклланиши фоқат ҳокимият учун олиб бориладиган курашнинг натижаси бўлиб қолмай, балки шу билан бирга сиёсий жиҳатдан бир мунча фаол бўлган кишиларнинг жамият томонидан табиий равишда танланишининг натижаси эканлиги масаласини исбот қилишга ҳаракат қилинади. Бу назарияга кўра, сиёсий элитаризм кишиларнинг социал мавқеидан эмас, балки уларнинг жамиятдаги тёнг имкониятларидан келиб чиқади. Шунга кўра сиёсий элитанинг мавжудлиги демократияга зид келмайди.

Муҳимилик ва зарурийлик назариясининг айрим тарафдорлари сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаб беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Н. Бердяев жамият аҳолининг юқори маълумотли қисмини маълумотли қисмига солишириш асосида сиёсий элитанинг жамият учун зарурлигини исботлашга ҳаракат қилган. У бу масалани кўпчилик мамлакатлар мисолида таҳлил этишга ҳаракат қилиб, аҳолининг юқори маълумотли қисми қанча кўп бўлса, жамиятнинг ривожланиш жараёни шунчалик тез боради, ёки аксинча, юқори маълумотлилар сони озчиликни ташкил қиласа, бунда юқори интелектуал кишиларнинг нисбати шунчалик пасайиб кетади ва бу ҳол жамиятда турғунлик ҳолатларининг рўй беришига сабаб бўлади, деб ҳисоблади.

В. Робка сиёсий элитанинг зарурлигини жамият эҳтиёжлари билан боғлаб асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш сиёсий элитага боғлиқдир.

Демократик элита назариясида (Р. Далл, М. Липсет, Л. Зиглер, К. Мангейм ва бошқалар) сиёсий элита гуруҳи аҳолининг мамлакатни бошқаришга қодир қисми бўлиб қолмай, шу билан бирга демократияни ҳўмоя қилишга ҳам қодир бўлган қисми эканлиги масаласи асослаб берилади. Бу назариянинг асосчиларидан бири Алберт Даллнинг ёзишича, сиёсий элита ҳар қандай сиёсий тузумда ҳам демократияга тарафдор бўлолмайди. Бунга мавжуд тузумда ўрнатилган тартиблар йўл бермайди. Масалан, тоталитар ва авторитетар сиёсий тузумларда сиёсий элита гуруҳлари орасида демократияга тарафдорлар ҳам, унга қарши турувчиликлар ҳам бўлади. Унинг фикрича, сиёсий элита ҳокимиятлари ўртасида ўзаро мусобақалашувчи альтернатив муассасаса ва ташкилотлар бўлиши зарур. Бундай таш-

килотлар ёки ҳокимиятлар бошқарувчи ҳокимиятга таъсири этиб туриши ва шу асосда демократияни ҳимоя қилиши лозим.

Демократик элита назариясида демократиянинг қадриятлари масаласи алоҳида ўрин тутади. Бу назарияга кўра ҳар қандай сиёсий ҳодиса сингари демократия ҳам ўзининг фундаментал қадриятларига эгадир. Бусиз демократиянинг бўлиши мумкин эмас. Ана шундай қадриятлардан бири Р. Даллнинг фикрича, кишиларнинг сиёсий тенглигидир. Уларнинг бундай тенглиги қонунлар асосида ҳимояланган бўлиши зарур. Кишиларнинг манфаатлари ва уларнинг ҳимоя қилиниши ҳам демократиянинг асосий қадриятларидан биридир.

Бу назарияда идеал демократия ғояси танқид қилинади. Демократия идеал тарзда бўлиши мумкин эмас ва унга ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Ҳозирги Farb мамлакатларида демократия ҳам демократиянинг идеал шакли эмас. Бу мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократияга зид ҳаракатлар айrim ҳолларда учраб туради.

Демократик элита назариясига кўра, демократиялаш жараёни жамият аъзоларининг ўзларига кўпроқ боғлиқдир. Агар кишилар жамият ҳаётида тўғри йўл танласалар ва бу йўл жамият учун қанчалик фойдали бўлса, бундай шаронтда уларнинг жамиятга кўрсатадиган таъсири шунчалик самарали ва фойдали бўлади.

Лекин шунга қарамай 70—80-йилларда ўтказилган эмприк-социологик тадқиқотлар демократик элита назариясининг демократияга муносабатида айrim камчиликлар борлигини кўрсатган эди. Жумладан, шахснинг сиёсий эркинликлари, сиёсий рақобат, аҳолини социал жиҳатдан ҳимоялаш масалаларида консерватизм устунлик қилганлигини кўрсатган эди. Бу назария ўзининг айrim масалаларни ҳал қилишга ёндашишларни билан авторитаризм назариясига мойил бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Сиёсий элита назарияларидан яна бири — либерал назариядир. Бу назарияда (Р. Миллс, К. Милбанд ва бошқалар) сиёсий элитанинг хилма-хил кўринишлари ва турлари ҳақида фикр юритилиб, уларни ўзаро фарқлашга ҳаракат қилинади. Масалан, Р. Миллс сиёсий элитанинг жамиятдаги мавқенга кўра уч турга бўлиб

кўрсатади. Унинг биринчи турига давлат ҳокимияти ва уни бошқаришда турли сиёсий ҳокимиятларниң марказий идораларида хизмат қилувчиларни киритади. Иккинчи турга сиёсий ҳокимиятнинг ўрта поғонасида хизмат қилувчиларни ва учинчи турига эса, сиёсий ҳокимиятларниң қуёйи поғоналарида хизмат қилувчи бошқарувчиларни киритади. Унинг фикрича, сиёсий ҳокимиятларниң юқори бўғинларида хизмат қилувчилар катта имкониятларга ва юқори мавқега эга бўлиб, улар сиёсий элитанинг ўрта ва қуёйи қисмларига нисбатан озчиликни ташкил этади. Бироқ улар жамиятда бошқаларга нисбатан имтиёзли бўлиб, мамлакатнинг сиёсий хаётида етакчи кучлардан бири сифатида фаолият кўрсатади. Сиёсий элитанинг қуёйи қисмлари эса, юқори ва ўрта бўғинлардаги сиёсий элита гуруҳларига нисбатан кўпчиликни ташкил этса-да, уларнинг жамиятдаги имконият ва имтиёзларга эга бўлишига юқори элита қисмлари йўл қўймайди.

Р. Миллс ўзининг «Ҳукмронлик қилувчи элита» асарида элита гуруҳлари билан омма орасидаги фарқни очиб беришга ҳаракат қиласди. У К. Мильбанд сингари инсоният жамияти бир хилда бўлмаслигини, индивидлар ўзларининг ақлий, жисмоний ва интелектуал жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қилишини асос қилиб, сиёсий элитани аҳолининг бошқа қисмларидан устун турувчи гуруҳи эканлигини исботлашга ҳаракат қиласди.

Либерал назарияда иқтисодий элита билан сиёсий элита ҳам фарқ қилинади. Иқтисодий элитага завод ва фабрикаларда, қишлоқ хўжалигида, молия ва банк тизимларида бошқариш ва раҳбарлик қилувчи кишилар киритилади. Сиёсий элитага эса сиёсий ҳокимиятларниң турли бўғинларида банд бўлган кишилар киритилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам жамиятнинг имтиёзли гуруҳлари эканлиги қайд этилади.

Либерал назарияда сиёсий элита иқтисодий соҳада давлатнинг иқтисодий ишларга аралашишини чеклаш, хусусий корхоналарга кенг имкониятлар бериш, нархнаво устида давлат назорати ўрнатилишига йўл қўймаслик, сиёсий соҳада бошқариш ва раҳбарлик ишларида бюрократик усувларга йўл қўймаслик, марказнинг жойларга кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш зарурлиги, демократияни ҳимоя қилиш ва бошқа шу

сингари масалаларни илмий-назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинади.

Жамият ҳаётига доир кўпгина масалаларда либерал назария демократик назарияга яқин туради.

Сиёсий элита ҳақида **партоқратик назария** ҳам мавжуддир. Бу назария сobiқ социализм мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, унда сиёсий раҳбарликнинг тарихан муқаррарлиги исбот қилинади. Бу назариянинг асосий қонда ва хулосалари тоталитар сиёсий тузумлар ҳукмрон бўлган сobiқ социализм мамлакатларидаги коммунистик партияларнинг дастурлари ва қарорларига асос қилиб олинганди. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлардаги партия ва давлат ҳужжатларида партиянинг раҳбарлик ва етакчилик роли масаласи қатъий қилиб белгилаб қўйилган эди.

Партоқратик назарияда сиёсий раҳбарликнинг ялпи хусусиятга эга эканлиги таърифланиб, бошқариш ва раҳбарликнинг бошқа ҳар қандай кўриниши инкор қилинади. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт соҳаларида олиб бориладиган амалий фоалият сиёсийлаштирилиб, хўжалик ва маданий ишларнинг партия қарорлари ва кўрсатмалари асосида ҳал қилиниши муқаррар ва зарур эканлиги бу назариянинг мазмунини ташкил қиласди.

Бу назарияда партия-давлат бошқарувининг механизмлари, уни амалга оширишнинг йўллари ва усуллари исбот қилинади. Жамият сиёсий тизимининг барча бўғинларида партия-давлат раҳбарлиги эътироф этилиб, сиёсатнинг бошқа барча субъектлари иродасининг унга бўйсуниши назарий жиҳатдан асосланади. Бу назарияда асосланган қонда ва хулосалар сobiқ социализм мамлакатларида давлат сиёсатига асос қилиб олинганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шундадир.

Партоқратик назарияда аҳолининг қуий қатламларидан партия ва давлат ишларига ўтиш демократия талабларига мос ҳолда таърифланади. Ҳолбуки ҳар қандай тоталитар сиёсий тузум демократияга батамом зид бўлиб, унда демократия қадриятлари топталади, демократик эркинликлар зўрлик билан тақиқланади.

Бошқариш ва раҳбарликни ғоявийлаштириш партоқратик назариянинг асосий моҳиятини ташкил қиласди. Бу назарияга кўра, гўё социализм ғоялари юксак қадриятларга асосланган бўлиб, бу ғояларни бошқариш

ва раҳбарлик фаолиятида қўллаш ва амалга ошириш жамиятнинг ривожланишида етакчи роль ўйнайди.

Партократик назарияда синфиийлик масаласи асосий мавзулардан бири ҳисобланади. Унда синфларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ва имкониятлари, улар фаолиятининг турли соҳалари билан боғлиқ масалаларни асослашга кенг ўрин берилган.

Бу назария моҳият эътибори билан марксизм-ленинизм таълимотига асосланади. Унинг асосчилари марксизм-ленинизмни назарий манба деб билиб, уни бошқарув ва раҳбарликнинг ғоявий қуролига айлантиришга ҳаракат қиласидилар.

X БОБ

СИЁСИЙ БОШҚАРИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОИИЛЛАРИ

Бошқариш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Унинг тузилиши ва механизмлари ниҳоятда мураккаб бўлиб, жамият ҳаётида амал қилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бошқариш жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахл қиласиди ва унинг таъсирида муҳим ўзгаришлар рўй беради.

Бошқариш ўзида сиёсий фаолиятни акс эттиради. У жамият ҳаётидаги муҳим сиёсий ҳодиса сифатида объектив ҳарактерга эга бўлади. Бошқаришга хос бўлган бу хусусият унинг жамиятнинг объектив ривожланиш қонуниятлари талабларига мувофиқ тарзда амал қилиши зарурлигини инкор қилмайди.

Жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодиса, ўзгариш бошқариш механизми ҳаракатига боғлиқ бўлади. Унинг натижалари жамиятнинг ривожланишини тезлаштириш ёки секинлаштиришга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бошқарув ишининг самарали олиб борилиши барча замонларда муҳим аҳамият касб этиб келган.

1. Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик

Бошқариш қандай шаклларда олиб борилиши ва амал қилишидан қатъи назар, у сиёсий моҳиятга эга бўлади. Бошқаришнинг сиёсий моҳияти бошқариш ва раҳбарликни сиёсат субъектлари томонидан амалга

оширилиши билан белгиланади. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқаришда у ёки бу даражада иштирок этади. Жамият ҳәёти турли соҳалар ва бу соҳаларнинг ҳар бири хилма-хил тармоқлардан ташкил топганлиги сабабли уларда бошқариш ишларини ташкил қилиш ва амалга оширишда сиёсат субъектларининг фаолиятида ўзига хослик бўлмаслиги мумкин эмас. Бинобарин, халқ хўжалигини бошқариш маънавиятни бошқаришдан қанчалик фарқ қиласа, ижтимоий ҳаёт соҳаларини бошқариш ҳам улардан шунчалик фарқ қиласди. Бу соҳалардаги ишларни ташкил қилиш уларга алоҳида ёндашишни, таъсир этувчи усулларнинг янгича воситалардан фойдаланишини тақазо қиласди.

Бошқаришнинг сиёсий моҳияти ва мазмуни

Бошқаришнинг сиёсий моҳияти жамиятнинг ҳадисаларидан келиб чиқади. Агар жамият ҳәётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга таъсир қилинмаса ва улар ҳаракатидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаса, жамиятнинг ривожланиши издан чиқади, унда ноҳуш ҳолатлар, эиддиятли вазиятлар рўй беради, кишилар жамиятнинг стихияли ҳаракати олдида ожиз бўлиб қоладилар. Инсониятнинг бутун тарихи кишиларнинг табиат ва жамиятнинг стихияли ҳаракатига қарши курашдан иборат бўлганлиги бунга мисолдир. Ҳатто ибтидоий одамлар гала бўлиб яшаган пайтда ҳам улар ўз ораларидан чиқсан бошловчилар орқасидан эргашиб борган, бошловчининг кўрсатмаларига қулоқ солишган, унинг амрига бўйсунишган.

Бироқ ибтидоий одамлар яшаган даврда ташкил топган бошқариш сиёсий моҳият касб этмаган. Чунки у даврларда табиат ва жамиятда стихиялиик ҳукмрон бўлиб, одамлар табиат ва жамиятда рўй берган ўзгаришлар, ҳодисаларнинг сабабларини тушуниб етмаганлар ва унга бирон-бир даражада таъсир этишга ҳаракат қилмаганлар. Улар табиатнинг тайёр маҳсулотларини истемол қилиб кун кечирганлар.

Бошқаришнинг вужудга келиши онгли инсоннинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу даврга келиб одамлар табиат ва жамиятда рўй берган ҳодисаларга ўз муносабатларини билдира бошлаганлар, ўзларининг яшашдан мақсадларини тушуна борганлар. Одамлар фаолиятидаги бу ўзгариш аста-секин такомиллашиб

борган ва кейинчалик улар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга, уни маълум мақсад сари йўналтиришга интилганлар. Қишилар фаолиятидаги мувофиқлашиш жараёни бошқаришга бўлган заруритни вужудга келтирган.

Кейинчалик ибтидоий муносабатлардан мулкчилик муносабатларига ўтилиши ва дастлабки қўлдорлик давлатларининг пайдо бўлиши бошқаришнинг сиёсий моҳият қасб этиши учун асос бўлган. Давлат сиёсатнинг субъекти сифатида жамият ҳаётини бошқаришни ўз зинмасига олган ва давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар сиёсий мазмунга эга бўлган.

Бошқаришнинг сиёсий мазмуни унинг таърифидан умумлашган ҳолда акс этади. Сиёсий бошқариш — бу сиёсат субъектларининг давлат воситасида жамият ҳаётига таъсир кўрсатишидир. У сиёсатнинг обьекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларни моддийлаштириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Сиёсий бошқаришнинг мазмуни жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб бориладиган ва унга таъсир этиб турадиган сиёсатнинг моҳияти ва хусусиятлари билан белгиланади. Бу хусусият сиёсий бошқаришнинг иқтисодий бошқариш, социал бошқариш, маданий бошқариш, ҳуқуқий бошқариш ва бошқа кўплаб бошқариш шаклларидан аниқ фарқ қилиш имконини беради. Масалан, сиёсий бошқариш иқтисодий бошқаришдан ўзининг тузилиши, усуслари, воситалари, вазифалари, амалий натижалари жиҳатидан фарқ қиласди. Давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар ёки жамоат ташкилотлари фаолиятини бошқариш усуслари ва механизmlари, воситалари завод ва фабрикаларни, деҳқончилик хўжаликларини, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларини бошқариш бошқаришнинг турли хил шаклларини ифода этади. Уларнинг айримлари сиёсий бошқаришни, айримлари эса иқтисодий ёки социал бошқаришни билдиради. Сиёсий партиялар ёки ташкилотлар фаолиятини бошқариш усуслари ёки воситаларини иқтисодий ёки бошқаришнинг бошқа шаклларига нисбатан қўллаш мумкин эмас.

Сиёсий бошқаришнинг мазмуни жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари соҳасида бошқариш ишларининг ташкил этилиши ва амалга оширилишини ифода қиласди. Сиёсий бошқаришнинг мазмуни жуда кенг бўлиб, у бир томондан бошқаришни ташкил этув-

чи ва амалга оширувчи ташкилотлар фаолиятини ўз ичига олса, иккинчи томондан эса, сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Сиёсий бошқариш — бу ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлай билиш ва дуч келингган муаммоларни ҳал этиш ҳамда жамиятнинг афзаликларидан, уни реал имкониятларидан фойдалана билишдир.

Сиёсий бошқаришнинг мазмуни давлат қурилиши ва давлат аппарати ишининг ташкил этилишида жуда аниқ намоён бўлади. Давлат жамиятни бошқаришнинг етакчи сиёсий кучи бўлиб қолмай, шу билан бирга у давлат ташкилотининг тузилиши, унинг механизмлари ишини ташкил этиш, давлат аппаратини кадрлар билан таъминлаш ва улар фаолиятини назорат қилиб туришни ҳам амалга оширади. Давлат ўз навбатида жамиятда турли хилдаги сиёсий тадбирларни амалга ошириш, сиёсий масалаларни ҳал этишда ҳам фаол ҳаракат қиласи. Буларнинг барчаси сиёсий бошқаришнинг давлат фаолиятидаги мазмунини ташкил этади.

Сиёсий бошқаришнинг мазмуни сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг фаолиятида ҳам аниқ намоён бўлади. Бунда ҳам сиёсий бошқаришнинг мазмуни давлат бошқариши сингари сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг тузилиши, уларнинг ташкилот сифатидаги фаолияти, уларнинг ишини ташкил қилишга дахлдор кадрлар сиёсатини амалга оширишдан ҳамда бу ташкилотларнинг жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларнда рўй берадиган муаммоларни ҳал этиш, уларда бошқарниш ишларини ташкил қилиш ва тартибга солиб турish билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб сиёсий бошқаришнинг мазмуни иккита муҳим хусусиятни: бошқариш механизмларининг ташкил қилиниши ва бошқаришнинг жамият ҳаётининг сиёсий соҳаларнда намоён бўлишини акс эттиради.

Сиёсий бошқариш функциялари

Бошқаришнинг барча турлари сингари сиёсий бошқариш ҳам аниқ вазифаларнинг бирлигини

ўзида ифода этувчи турли хилдаги функциялар орқали амалга оширилади. Сиёсий бошқаришнинг функциялари бошқариш ишларини тўғри ташкил қилиш ва жа-

миятнинг сиёсий ҳаётидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутади.

Сиёсий бошқаришнинг энг муҳим ва асосий функцияларидан бири — қонунлар, қарорлар, дастурлар, низомларни ишлаб чиқишидан иборат. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида амалга оширилиши зарур бўлган ўзгаришлар дастлаб сиёсатнинг турли субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳужжатларда акс этади. Бу ҳужжатларда жамият сиёсий ҳаётининг умумий йўналишлари белгиланиб қолмай, шу билан бирга яқин орада бажарилиши зарур бўлган вазифалар, амалий тадбирлар белгилаб берилади.

Сиёсий бошқаришнинг умумий йўналишини ифодаловчи дастурларда сиёсий ҳаётнинг ҳозирги ва келажак истиқболи, унда мазкур сиёсат субъектининг вазифалари аниқ акс этиши талаб қилинади. Масалан, сиёсий партиялар ўзларининг стратегик ва тактик йўлларини баён этади, партиянинг назарий ва амалий фаолиятига доир вазифаларни белгилайди, партия аъзоларини ўз дастурларини бажаришга сафарбар этади.

Қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш сиёсий бошқариш функциясининг асосий жиҳатидир. Қарорлар давлат ҳокимиятида, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларида ишлаб чиқилади. Бироқ уларнинг таъсир доираси бир хилда бўлмайди. Агар давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қарорлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахл қилса, сиёсий партиялар ёки оммавий жамоат ташкилотларида ишлаб чиқилган қарорлар шу ташкилотлар фаолият кўрсатадиган соҳаларгагина дахлдор бўлади.

Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқиладиган қарорларда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш кўзда тутилади. Қонунларни ишлаб чиқиш давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти амалга оширадиган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис бўлиб, унинг асосий вазифаси Олий Мажлиснинг давлат қурнилиши соҳасидаги, хўжалик соҳасидаги, бошқарув ва суд органларини тузиш соҳасидаги, қонунчилик соҳасидаги, халқаро алоқалар соҳасидаги қонунларни ишлаб чиқишидан иборат. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг сиёсий бошқариш соҳасидаги фаолияти унинг тасдиғи билан ту-

зиладиган идоралар, у сайлайдиган ва тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг Олий Мажлис олдида масъул бўлиши, жамият аъзоларини давлат ва жамоат ишларига кенг кўламда жалб этишга асосланади.

Сиёсий бошқаришнинг яна бир муҳим функцияси — ишни ташкил этишdir. Қонунлар, қарорлар, дастурларда белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар ишни ташкил қилиш функциясининг мазмунини ифодалайди. Ҳеч бир қарор ёки қонун, бирон-бир дастурий хужжатда белгиланган тадбир ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ҳал қилиниши зарур бўлган тадбирларни амалга оширишда ишни тўғри ташкил этиш, унинг самарали бўлишини таъминлаш талаб қилинади.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари соҳасида бу функцияниң амал қилиши давлат ҳокимиятининг фаолияти билан боғлиқдир. Давлатнинг ташкилотчилик функцияси сиёсий бошқариш функциясида аниқ намоён бўладики, бу функция орқали жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган муаммолар ҳал этиб борилади.

Давлат олиб борадиган сиёсат ишни ташкил этиш функциясида ўзининг амалий ифодасини топади. Давлат сиёсатининг қанчалик илмий асосланганлиги ва ҳаётийлиги ижобий ҳал қилинган вазифаларнинг натижалари билан белгиланади.

Ишни ташкил этиш жамиятнинг сиёсий ҳаётида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Сиёсий ҳаётнинг ўзига хос шундай хусусиятлари бўрки, уларда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт соҳаларида қўлланиладиган усуллардан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, давлат ёки сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этиш ва амалга ошириш ишлаб чиқарувчи корхоналар, жамоат хўжаликлари ёки маданий муассасалар ўртасидаги алоқаларни ташкил қилишда фойдаланиладиган усуллар билан бир хилда бўлмайди. Агар давлатлар ўртасидаги ишларни ташкил этишда у ёки бу давлатнинг иқтисодий жиҳатдан устунлигини белгиловчи аҳамиятга эга бўлмаса, ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги алоқалар билан боғлиқ ишларни ташкил этишда эса корхоналарнинг моддий, молиявий имкониятлари белгиловчи роль ўйнайди. Бирон-бир турдаги маҳсулот ишлаб чи-

қарувчи корхонанинг бошқа корхона билан ўзаро муносабатларини ташкил этиш соҳасидаги ишларнинг натижаси томонларнинг моддий имкониятларидан келиб чиқишини тақозо қилади.

Жамиятнинг ривожланишида ишни тўғри ташкил этиш функциясининг амалий аҳамияти каттадир. Ишни тўғри ташкил этиш орқали жамият ҳаётида рўй берадиган муаммоларни ҳал қилишга, белгиланган вазифаларни ва тадбирларни амалга оширишга эришиладики, бунинг натижасида жамиятнинг муваффақиятли ривожланишига эришилади. Шунинг учун ҳам барча замонларда бошқаришни самарали олиб боришда ишни тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият бериб келнган. Аммо унинг амалий натижалари ҳамма ваqt ҳам кутилган самарани бермаган. Бунинг сабаби ишни ташкил этиш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, хатоликлар билан белгиланади.

Сиёсий бошқаришда **ишни тартибга солиш функцияси**дан ҳам фойдаланилади. Бу функциянинг моҳияти бошқарув фаолиятида ташкил қилинадиган ишларни изчиллик асосида амалга оширишни ифода этади.

Сиёсий бошқаришда ишни тартибга солишининг маъноси бошқариш обьекти ва унинг субъектлари ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишини, улар орасида номутаносиблик ҳолатларига йўл қўймасликни билдиради. Меҳнат жараёни оқимининг бир мароммада бориши ишда тартиб ва интизом бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги нуқтаи назаридан қаралганда, бошқаруш фаолиятида ишни тартибга солиб туришнинг аҳамияти қанчалик катта эканлиги аниқ намоён бўлади.

Ишни тартибга солиш сиёсий бошқаришда ташкилотчилик фаолияти билан белгиланади. Ташкилотчилик субъектив фаолият бўлиб, унинг жамият ҳаётига таъсири ишнинг қай даражада ташкил этилишига боғлиkdir. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани сингари жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида ҳам ишнинг тартибли олиб борилиши ташкилотчилик фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Ишнинг тартибли ташкил этилиши сиёсий жараёнларда анархиянинг олдини олади, жамият аъзолари ва бошқариш соҳасидаги кадрларнинг куч-ғайратини умумий мақсад учун курашга бирлаштиради, сиёсий жараёнларда тартибсизликлар келиб чиқишига тўсиқ

бўлади. Шунинг учун ҳам бошқаришда ишни тартибли ташкил қилиш ва амалга оширишнинг аҳамияти каттадир.

Ишни тартибга солиб туришнинг мезонлари қандайдир ўлчов бирликлари билан белгиланмайди. Бунинг учун қолипга солинган андозанинг бўлиши мумкин эмас. Жамиятнинг ривожланишида шундай муаммолар пайдо бўлиб қоладики, бунинг учун ишни одатдаги усуллар, воситалар асосида ташкил қилиш ёки уни тартибга солиш мумкин бўлмайди. Шу сабабга кўра сиёсий жараёнларда ишнинг тартибга солиниши ўзига хос усуллар ва воситалардан фойдаланишини тақозо этади.

Сиёсий бошқаришда назорат қилиш функцияси ҳам амал қиласди. Унинг моҳияти жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириладиган ишларни ҳисобкитоб қилиб боришни, қонунлар, қарорлар, дастурларда белгиланган тадбирларнинг ҳаётга жорий этилишини, меҳнат жамоаларида ишнинг ташкил этилиши ва олиб борилишини эътибордан четда қолдирмасликни ифодалайди.

Назорат қилиш функциясининг зарурлигини жамият ривожланишининг объектив эҳтиёжлари тақозо этади. Назорат бўлмаган жойда қонунларга итоатсизлик, уларни бузишга интилиш, давлат ва жамият мулкини талон-тарож қилиш сингари салбий ҳолатлар келиб чиқиши учун шароит туғилади.

Сиёсий бошқаришда назорат қилиш давлат ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг сиёсий бошқаришда назорат қилишни ташкил қилишга бўлган масъуллиги улар амалга оширадиган сиёсий ҳокимиятлар томонидан йўналтириб турилади. Бунда сиёсий ҳокимиятларнинг ҳар бири ўзининг таъсир доирасида бўлган сиёсий жараёнларни назорат қилишни амалга оширади. Масалан, сиёсий партияларнинг бошқариш соҳасидаги назорат қилиш функцияси ҳар бир партиянинг барча бўғинларида ишнинг ташкил этилиши, уларнинг ўз вазифасига масъуллиги, партия қурилиши ва партия ҳаётининг нормаларига амал қилинishi, партия интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги хатти-ҳаракатлари сингари ҳолатларда намоён бўлади.

Сиёсий бошқаришнинг барча функциялари ўзаро боғлиқ ва чуқур алоқада бўлади. Уларнинг бири ик-

кинчисини тақозо этади. Масалан, қонунлар, қарорлар, дастурларда ифодаланган сиёсий бошқариш функцияси ишни ташкил этишга, уни тартибга солиш ва назорат қилишга боғлиқ. Қонунлар, қарорлар ва дастурларга асосланмаган ҳолда ишни ташкил этиш жамиятда қанчалик салбий оқибатларга олиб қелса, назорат қилинмайдиган ишлар ҳам шунчалик салбий оқибатларни көлтириб чиқаради.

Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик

Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий ҳодисалардир.

Уларга бир-биридан мустақил бўлган сиёсий ҳодисалар сифатида қарашиб мумкин эмас. Сиёсий раҳбарлик сиёсий бошқаришни тасаввур қилиб бўлмагани сингари сиёсий бошқариш бўлмагани жойда сиёсий раҳбарлик тўғрисида ҳам сўз бўлиши мумкин эмас. Бу икки сиёсий ҳодиса деярли бир вақтда жамиятнинг объектив ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик сиёсат субъектлари фаолиятининг ўзаро боғлиқ икки томонидир. Улар давлатларнинг фаолиятида ҳам, сиёсий партиялар ва ижтимоний ташкилотларнинг фаолиятида ҳам ўзаро боғлиқ равишда олиб борилади. Сиёсий бошқариш ишини ташкил этишдаги сиёсий раҳбарликнинг зарурлиги ана шу объектив ҳолатлардан келиб чиқади.

Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарликнинг нисбати сиёсатнинг барча субъектларига хос хусусият эканлиги билан белгиланади. Уларнинг ҳаммасида ҳам сиёсий бошқариш ишлари сиёсий раҳбарлик билан қўшиб олиб борилади. Шунга кўра сиёсий бошқариш билан сиёсий раҳбарликни бир-биридан батамом ажратиб қўйиш мумкин эмас.

Лекин шунга қарамай сиёсий бошқариш сиёсий раҳбарликдан ўзининг айрим хусусиятлари билан фарқ қиласиди. Агар сиёсий бошқариш жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги ишларни ташкил этиш ва уларни тартибга солиб туришни акс эттираса, сиёсий раҳбарлик эса, бир томондан бошқаришнинг ташкил этилиши ва унинг амал қилишига, иккинчи томондан, бошқариш соҳасидаги фаолиятнинг амалда намоён бўлишига бошлилик, етакчилик қилишни билдиради. Сиёсий бошқаришнинг натижалари амалиёт

орқали намоён бўлса, сиёсий раҳбарлик эса кўпинча ташкилотчилик ва унинг илмий-назарий асослари орқали намоён бўлади.

Сиёсий бошқаришнинг усууллари ва воситалари сиёсий раҳбарликни амалга оширишдан фарқ қиласди. Агар сиёсий бошқаришда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий мунисабатларидаги йирик муаммоларни ҳал қилишдан тортиб, кундалик амалий ишларни ташкил қилишгача бўлган фаолият назарда тутилса, сиёсий раҳбарликда кундалик ишлар сиёсий раҳбарликнинг умумий йўналиши орқали давом этади.

Сиёсий бошқаришда давлат бошқаруви билан партия бошқаруви ёки ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятидаги бошқариш ва раҳбарлик ишлари ҳам бир хилда бўлмайди. Агар давлат бошқаруви ва давлат раҳбарлигида жамият ҳаётининг барча соҳаларини бошқариш ифодаланса, сиёсий партиялар ёки ижтимоий ташкилотлар бошқаруви ва уларнинг раҳбарлигида жамият ҳаётининг тор доирадаги ишларини бошқариш акс этади.

Сиёсий бошқаришда кадрлар сиёсати

Сиёсий бошқаришнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан бошқаришни амалга оширишга масъул бўлган кадрларга, уларнинг сиёсий етуклиги ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқdir. Адабий тилда кадрлар жамиятнинг гули ва кўрки сифатида таърифланади. Уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий фаолияти орқали жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар амалга оширилади.

Жамият ҳамиша кадрларга кучли эҳтиёж сезади. Инсоният ривожининг бутун тарихи унинг талаблари ни қондиришга ва унда рўй берадиган муаммоларни ҳал этишга қодир ва муносаб бўлган кадрларга эҳтиёж сезиб келганлигидан гувоҳлик беради. Жамият ўзининг ҳозирги ривожланиш босқичида ҳам кадрларга кучли эҳтиёж сезмоқда ва бу масала дунёдаги барча мамлакатлар учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Сиёсий бошқаришда кадрлар сиёсатининг моҳияти кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишнинг амалий натижалари билан белгиланади. Қобилиятсиз ва масъулиятсиз кадрлар бошқарувни издан чиқаришга, мамлакат ва жамият ҳаётида нохуш ҳолатларнинг

келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай кадрларнинг бошқариш ва раҳбарлик ишларига келиб қолиши баъзан тасодифан, баъзида эса сиёсат субъектлари фаолиятидаги хатоликлар, нуқсонлар натижасида рўй беради. Бирорларнинг кўмаги ва ёрдамида бошқарув ва раҳбарлик ишларига келиб қолган кимсалар ҳам жамиятда тез-тез учраб туради. Бундай кимсалар ҳар қандай сиёсат, ҳар қандай ҳокимиютга бирдек мослашиб кетаверадилар. Бошқариш ва раҳбарлик ишларини бундай кадрлардан тозалаш зарурлигини И. А. Каримов қўйидагича таърифлаб кўрсатади: «Биз ноқобил, лоқайд, мапман раҳбар кадрлардан тезроқ қутилишимиз керак. Ўзини билимдон ва уддабурон қилиб кўрсатадиган, амалда эса ҳеч нарсани ҳал қиломайдиган, ўз мағфаатларини жамият мағфаатларидан устун қўядиган, эл-юрт ичида обрў қозонолмаган шахсларга раҳбарлар орасида ўрин бўлмаслиги керак»¹.

Кадрлар сиёсатида раҳбарнинг шахсий сифатлари эътиборга олиниши лозим. У ўзининг ахлоқий хислатлари, ташкилотчилик қобилияtlари билан кўпчиликдан ажralиб туради. Бундай кадрлар кўпчиликка таъсир ўтказиш, уларни белгиланган вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилишда бир қатор устунликларга эга бўладилар. Улар ўзларининг лавозим мартабаси билан эмас, балки шахсий хислатларининг устунлиги билан жамиятда муносиб ўринда турадилар.

Сиёсий бошқаришда кадрлар сиёсатининг самараси кўп жиҳатдан қонунчиликка ва бошқарувнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишига боғлиқdir. Бошқариш ва раҳбарлика масъул бўлган кадрларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, улар фаолиятининг йўналишлари қонунлар билан муҳофаза қонуниши ва тартибга солиб турилиши үларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишларини, жамиятга ёт хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликни таъминлайди. Бундай қонунларда бошқариш ва раҳбарлик ишларида кимнинг ишлашга ҳақи бор, у қандай хислатларга эга бўлиши керак, унинг жавобгарлиги ва мансаб мавқеининг ўсиши билан боғлиқ шартлар ўз аксини топиши зарур.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоний ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 18-бет.

Кадрлар сиёсатининг самараси фақат қонунчилликка боғлиқ бўлиб қолмай, шу билан бирга кадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат қилиб туришга ҳам боғлиқдир. Кадрларнинг раҳбарлик фаолияти, улар жамият ҳаётининг қайси соҳасида хизмат қилмасинлар, эътибордан четда қолса, бундай шарситда ҳар қандай раҳбарнинг ҳәракатларида жамиятга ёт нуқсонлар пайдо бўлиб бориши табиинйдир.

Кадрлар сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган хато-камчиликлар жамият учун жуда қимматга тушади. Агар бундай янгилишишлар бошқарувнинг юқори бўғинларида рўй берса, унинг салбий оқибатлари бутун жамият ҳаётига таъсир қилиши мумкин. Бундай ҳоллар ўтмишда жуда кўп бўлган ва ҳозирги кунда ҳам дунёнинг айrim мамлакатлари ҳаётида учраб турибди. Масалан, кейинги йилларда Узбекистон Республикасида айrim вазирликлар, вилоят ва район ҳокимликлари лавозимидағи кадрларнинг ўз вазифасидан бўшатилганлиги улар фаолиятида йўл қўйилган хато-камчиликлар, нуқсонларнинг натижасидир. Бундай раҳбар кадрларнинг айби билан мамлакатнинг моддий бойликлари исроф қилинди, хўжалик ва молиявий тизимларда тартибсизликлар келиб чиқди, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда айrim нохуш ҳолатлар рўй берди.

2. Сиёсий бошқаришнинг тамойиллари

Сиёсий бошқаришнинг самарали олиб борилиши ва унинг муваффақияти кўп жиҳатдан бу соҳада мавжуд бўлган тамойилларга оғишмай амал қилишга ва унинг натижаларига боғлиқдир. Бундай тамойиллар турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири сиёсий бошқаришнинг ташкил этилиши, уни амалга оширишнинг зарурлиги ва муқаррарлиги билан боғлиқ талабларга қатъий риоя қилиш зарурлигини ифода қиласи.

Сиёсий бошқариш тамойиллари жамият ҳаётида объектив зарурият сифатида намоён бўлади. Уларнинг ҳаракатидан ва талабларидан мақсадга мувофиқ рашишда фойдаланмаслик ёки уларнинг талабларига эътиборсизлик билан қараш жамият ҳаётида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Сиёсий бошқаришда амал қиладиган тамойилларга асосланиш натижасида

бошқарув ишининг тўғри ташкил этилишига муваффақ бўлинади.

Бошқариш соҳасида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликнинг зарурлиги ҳам сиёсий бошқариш тамойилларига амал қилишни тақозо қиласди.

Сиёсий бошқариш тамойилларининг ҳар бирни ўзи нинг моҳияти, мазмунни талаби ва амал қилиш хусусиятларига эга. Улар бошқарувнинг барча турлари учун умумий моҳият касб этади.

Объективлик ва субъективлик тамойили

Сиёсий бошқариш қайси мамлакатда ва қандай шаронтда амалга оширилишидан қатъи назар, у жамиятнинг яشاши ва ривожланиши учун объектив эҳтиёж бўлиб ҳисобланади. Сиёсий бошқаришнинг ташкил этилиши ва унинг амалий натижалари дунёнинг турли мамлакатларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамай, сиёсий ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Сиёсий бошқаришда объективлик тамойилининг моҳияти жамият ривожланишининг объектив қонуниятлари кучини ҳисобга олишни билдиради. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқариш ишларини амалга оширишда жамият ҳаётида амал қиладиган объектив қонуниятларни ва уларнинг ҳаракат йўналишларини билиб олиши талаб қилинади. Чунки жамиятни ҳаракатга келтирувчи объектив қонунлар билиб олинган тақдирдагина улар кучидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Ҳар қандай аъло даражада ташкил этилган сиёсий бошқариш усуллари ва воситалари ҳам объектив қонуниятларнинг ҳаракатини тўхтата олмади. Бундай қонуниятларининг кучидан фақат мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш мумкин. Масалан, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш объектив қонуният тариқасида намоён бўлади. Аммо унинг ҳаракати ўз-ўзидан бу соҳада муваффақиятга эришишини таъминламайди. Холбуки сиёсат субъектлари ана шу қонуниятнинг ҳаракатини маълум мақсадга йўналтириши лозим. Сиёсат субъектлари аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун зарур бўлган воситаларни аниқлаш ва уларнинг кучидан мақсадга мувофиқ равишда фойдалана билиш зарур. Шундай қилингандан-

гина, ақолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда мұхым натижаларға әришиш мүмкін бўлади.

Сиёсий бошқаришда объективлик тамойилига амал қилишнинг зарурлиги жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй бериши мүмкін бўлган кескинлик ҳолатларининг олдини олишда, мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тамойилга асосланиш сиёсат субъектларидан жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмунини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳар томонлама ўрганишни, вазиятни тўғри ҳисобга олган ҳолда амалий тадбирларни ишлаб чиқишини тақо佐 этади. Сиёсий бошқариш жараённанда сиёсат субъектлари томонидан йўл қўйиладиган хато ва янгилишишлар, амалда жамият сиёсий ҳаётининг боришидаги вазиятни тўғри ҳисобга олмаслик оқибатида келиб чиқади. Айрим ҳолларда сиёсат субъектлари жамият ҳаётида келиб чиқадиган нохуш ҳолатларни улар жамиятга ўзининг салбий оқибатларини кўрсатгандан сўнг пайқаб етадилар. Ҳолбуки бундай нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиши учун зарур бўлган ҳолатлар узоқ вақт давомида жамиятнинг бағрида етилиб боради.

Сиёсий бошқаришда субъективликнинг моҳияти сиёсат субъектларининг фаолияти билан белгиланади. Субъективлик сиёсий бошқаришга субъектив ҳолатда ёндашишни билдирамайди. Субъективлик, аввало, сиёсий бошқариш ишларида сиёсат субъектларининг фаолиятини, улар томонидан сиёсий бошқариш ишларининг ташкил этилиши ва амалга оширилишини англатади. Сиёсий бошқаришда сиёсат субъектлари турлича қатнашади. Масалан, давлат бошқарувида сиёсат субъектлари давлат аппарати ходимларининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида иштирок этишини англатса, сиёсий партияларнинг бошқариши эса, бошқаришда ҳар бир партиянинг партия ҳаётига доир ишларни бошқаришдаги иштирокини англатади. Уларнинг сиёсий бошқаришни амалга оширишдаги имкониятларининг ҳар хиллиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Сиёсий бошқаришда объективлик ва субъективликнинг моҳияти субъективизмга батамом тескаридир. Субъективизм бу — сиёсий бошқариш жараёнларида объектив қонуниятлар кучини менсимаслик ёки уларга эътибор бермасликдан иборат. Субъективизм бошқарув-

ни издан чиқаришга, жамият ҳаётида стихиялиликнинг авж олишига сабаб бўлади.

Субъективизм амалда сиёсат субъектлари орқали моддийлашади. У сиёсий бошқаришга масъул бўлган раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, уларнинг бошқариш санъатини билмасликлари оқибатида рўй беради.

Сиёсий бошқаришда объективлик ва субъективлик тамойили унинг барча талабларига оғишмай амал қилингандагина самара беради. Жамиятда ҳеч бир воқеа-ҳодиса ўз-ўзича рўй бермагани сингари объективлик ва субъективлик тамойилига амал қилиш ҳам ўз-ўзича бирон-бир ижобий натижа бермайди. Қачонки бу тамойилга ва унинг талабларига қатъий риоя қилингандагина, сиёсий бошқариш ишларида кўзланган натижаларга эришилади.

Асосий звено тамойили

Жамият ҳаётида рўй беради-
ган муаммоларнинг барчасини
бир вақтнинг ўзида бажарниш

мумкин эмас. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиш лозим. Сиёсий бошқаришда белгиланган вазифаларнинг кетма-кетлигини, уларнинг биринчи ёки иккинчи навбатда бажарниши зарурлигини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни асосий звено тамойили талабларига риоя қилишнинг зарурлиги тақозо қиласди.

Асосий звено тамойили, бир томондан, сиёсий бошқариш ва уни ташкил этишга доир вазифаларни, иккинчи томондан эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ҳал этишини талаб қиласди. Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш соҳасидаги вазифалар ҳам ўзининг далзарблиги билан бирбиридан фарқ қиласди. Бу вазифалар ўзининг долзарблигига қараб биринчи навбатда ёки бирмунча кейинроқ бажарниши зарур бўлган вазифаларга бўлинади. Асосий звено тамойили ана шу вазифалар орасидан асосийларини биринчи навбатда ҳал қилишга бутун эътиборни қаратишни, куч ва имкониятларни ишга солишни тақозо этади. Жамият ҳаётида шундай муаммолар бўладики, улар орасида ҳеч бир кечиктириб бўлмайдиганлари ҳам мавжуд бўлади. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарликнинг

қандай ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўйлади.

Асосий звено тамойили сиёсий бошқаришда мавжуд муаммоларни ёки вазифаларни ҳал қилишнинг кетма-кетлигига қатъий амал қилиш билан бирга, барча вазифаларни ҳал этишни эътибордан четда қолдирмасликни, бутун куч ва имкониятни асосий вазифаларни ҳал этишга қаратган бир пайтда, бошқа вазифаларни бажаришни пайсалга солиб қўйиш мумкин эмаслигини ифодалайди. Масалан, агар жамиятнинг сиёсий системасини ислоҳ қилиш асосий вазифалардан бири бўлган пайтда, унинг субъектлари фаолиятида рўй берган муаммоларни ҳал этишни кутиб туриб бўлмайди. Чунки сиёсат субъектлари: давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ёки оммавий жамоат ташкилотлари одатда бажариб келадиган вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ ишлар ҳам давом эттирилади.

Асосий звено тамойилининг муҳим талабларидан бири — бу ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларнинг умумий занжиридаги ҳар бир бандни маҳкам ушлаб туришни, бу бандларнинг ҳар бири ўзаро қанчалик боғлиқ эканлигини билиб олишни ва қайси пайтда қандай банднинг муҳим эканлигини ўз вақтида аниқлаш зарурлигини тақозо қиласди. Шу жиҳатдан қараганда, асосий звено тамойили бошқариш ва раҳбарликда объектив ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизда асосий звено тамойилининг талаблари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» ҳамда «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» номли асарларида жуда аниқ ифодалаб берилганлигини кўрамиз. Бу асарлarda мамлакатимизда сиёсий бошқариш ишларини ташкил этиш ва олиб боришда асосий эътиборни иқтисодий соҳада бозор иқтисодига ўтишини таъминлаш, сиёсий соҳада — мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини демократиялашни чуқурлаштириш, социал соҳада — аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, маданий соҳада маънавий қадриятларни тиклаш сингари вазифалар асосий ва биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Сиёсий бошқариш ва раҳбарликда бутун эътиборини ана шу вазифаларни биринчи навбатда ҳал қилишга қаратиш зарурлиги масаласи ва мамла-

катимизда асосий звено тамойили талабларига Ўзбекистон Республикасида қанчалик катта эътибор берилаёт-ганлигини амалда тасдиқлади.

Худудий-тармоқ тамойили

'Бошқаришнинг барча турлари
сингари сиёсий бошқариш ҳам
худудий-тармоқ тамойили та-

лабларига қатъий амал қилишни тақозо этади. Сиёсий бошқаришда бу тамойилнинг моҳияти жамият ҳаётига сиёсий раҳбарликни амалга оширишда ҳудудлар ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишини тақозо этади. Бунинг маъноси шундаки, бошқаришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароитлари, уларда мавжуд бўлган имкониятлардан келиб чиқилган ҳолда ижтимоий ҳаёт соҳаларининг турли тармоқларида ишни ташкил қилиш ва унинг самарали бўлишига эришишини билдиради.

Сиёсий бошқариш ва раҳбарлик, бир томондан, бошқариш ишларини ҳудудлар бўйича, иккинчи томондан эса, тармоқлар бўйича ташкил этиш ва амалга оширишни билдиради. Худудий-тармоқ тамойилнинг моҳияти бошқаришда бу икки томоннинг ҳеч бирiga устунлик берилмаслигини ифодалайди. Ҳолбуки, бошқаришнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳолда ташкил қилиниши ва амалга оширилиши лозим.

Ҳудудий ва тармоқ бошқарувида бошқариш функцияси ва ундан келиб чиқувчи вазифалар аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Бу вазифалар бошқаришнинг қайси томонига дахлдор эканлиги ва уларни ҳал қилишга масъул бўлган кучлар қандай йўл тутиши лозимлиги бу тамойилнинг мазмунини ташкил қиласиди. Ҳудудлар бўйича бошқаришга дахлдор вазифалар тармоқлар бўйича бошқаришга дахлдор вазифалар билан айнан бир хilda бўлмайди.

Сиёсий бошқаришнинг ҳудудий-тармоқ асосида ташкил этилиши ҳозирги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодисадир. Бироқ уни амалга оширишнинг усувлари, воситалари ҳар бир мамлакатнинг аниқ шарт-шароитларидан келиб чиқади. Бизнинг мамлакатимизда бу тамойил ҳудудий бошқаришда президентлик, ҳокимликлар ҳамда ҳалқ депутатлари кенгашлари орқали амалга оширилса, тармоқлар бўйича бошқариш эса вазирликлар ва уларнинг жойлардаги бўлимлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Рес-

публикаси Конституциясида сиёсий бошқариш механизлари ва уларнинг ваколатлари қонунлар асосида белгилаб берилган.

Маъсулиятни ҳис қилиш тамоили

Сиёсий бошқаришда бу тамоийлнинг моҳияти раҳбар кадрлар ва кенг жамоатчилик олдига қўйилган вазифага ўта масъулият билан ёндашиш зарурлигини ифодалайди. Бу зарурият, аввало, жамият ривожланишининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Жамият ўз-ўзича ривожланмаслиги сингари, унда бошқариш ишларининг ташкил этилиши ва олиб борилиши ҳам унга масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов раҳбарнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишнинг аҳамияти ҳақида гапириб: «...биз кадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат остига олишимиз керак. Токи ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъул эканини теран ҳис этсин»,¹ деб таъкидлаган эди.

Масъулият ҳисси бошқарув ходимлари олдига юксак талаблар қўяди: улар ўzlари бажарадиган вазифаларнинг жамият учун аҳамиятини чуқур англаб етадиган кишилар бўлиши; жамоа ҳар бир аъзосининг кайфиятини сезгирилк билан пайқай олиши; ўзининг шахсий манфаатларини жамоа манфаатларидан устун қўймаслиги сингари сифатларга эга бўлиши лозим. Бошқаришга масъул бўлган ходимларда ташкилотчилик қобилияти кучли бўлиши, улар одамларни белгилангандан мақсадлар сари тўғри йўналтира билиши лозим.

Масъулиятни ҳис қилиш тамоили бепарволик, бефарқлик кайфиятларига бутунлай зиддир. Айрим кишиларга хос бундай салбий ҳолатлар бошқариш ишининг издан чиқишига, ижтимоий ҳаётда айрим нохушликлар рўй беришига сабаб бўлади. Бепарволик ва бефарқлик кайфиятлари жамиятда мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради, бошқаришга масъул бўлган кишиларга нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради.

Сиёсий бошқаришда масъулиятни ҳис қилиш тамоили раҳбар кадрларнинг ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлишини талаб этади. Ҳар бир соҳа

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 18-бет.

ва тармоқда мутахассис раҳбар ишини ташкил этишнинг қулай усулларини излаб топиши, уни доимий равишда такомиллаштириб бориши лозим. Бу ҳол ташкилотчи раҳбарнинг ўз билим ва малакасини синчковлик билан такомиллаштиришини тақозо этади. Айрим раҳбарларнинг ўз устида ишламаслиги уларнинг бошқариш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш талабларидан орқада қолиб кетишига сабаб бўлади.

Масъулиятни ҳис этиш раҳбар кадрнинг жамият олдидаги жавобгарлигини чуқур англашни акс эттиради. Ҳар бир раҳбар ходим жамият олдида ўзига топширилган иш учун шахсан жавобгардир. Жавобгарлик ҳисси ташкилотчи раҳбар томонидан қанчалик чуқур англаб борилса, бу ходимларнинг бошқариш ишларида самарали фаолият кўрсатишларига ёрдам беради. Бироқ айрим ҳолларда бошқариш жараёнларида масъул бўлган ходимлар ишнинг кўзини билмаслиги, жамоа аъзоларига таъсир ўтказолмаслиги оқибатида масъулиятни бошқалар зиммасига юклаб қўйиншга уринадилар. Бундай раҳбар ходимлар жавобгарлик ҳиссининг қанчалик масъулиятли эканлигини англаб етмайдилар.

Бошқарув органлари фаолиятининг самарали бўлиши идоралар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни олиб боришга масъулият билан ёндашишини талаб этади. Улар ўртасида тузилган шартномалар ва аҳдномаларда кўзда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, юқори органларнинг қуи органларга берадиган кўрсатмаларига эътиборсизлик билан қарамаслик, топширилган иш учун масъулият билан ёндашиш бу тамойилнинг асосий талабидир.

Раҳбар кадрларнинг бошқариш жараёнининг боришини сергаклик билан кузатиб бориши, ишнинг боришини доимий равишда назорат қилиб туриши, зарур бўлгаи ҳолларда унга ўзгартишлар киритиб туриши сингари мажбуриятлар ҳам масъулиятни ҳис этиш тамойилнинг муҳим талабларидир. Бошқарув идоралари ва ташкилотлари ўртасида сансоларлик ҳоллари масъулиятни ҳис қилиш тамойили талабларига бутунлай зиддир.

Ворислик тамойили

Бу тамойилнинг моҳияти сиёсий бошқариш жараёнида бўладиган ўзгаришларда узвийлик бўлишини тақозо этади. Сиёсий бошқаришдаги узвийлик, бир томондан, бош-

қарув органлари ва ташкилотлари тизимида намоён бўлса, иккинчи томондан эса, сиёсий бошқаришга масъул бўлган раҳбар кадрлар фаолиятида акс этади.

Ворислик тамойили сиёсий ҳокимиятларнинг ўзгариши, бошқариш тизимидағи раҳбар кадрларнинг алмашиниши билан жамиятда амалда бўлиб келган бошқариш тизимини ёки бошқариш услубларини батамом ўзгартириб, уни янгидан бошлашни эмас, балки бошқариш соҳасида қўлланиб келинган йўлни давом эттиришни, унга айрим ўзгаришлар киритиб боришни ифодалайди. Ворислик тамойилининг бу талабига амал қилмаслик жамиятда кўплаб нохушликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу талабга бошқарувнинг юқори бўғинларида амал қилмаслик жамият учун жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ворислик тамойили талабларига амал қилмаслик кўпинча давлат тўнтаришлари қилинганда ёки сиёсий ҳокимиятларга реакцион, фашистик кучлар келганда рўй беради. Бундай кучлар одатда бошқариш ва раҳбарликни амалдаги конституцияларни бутунлай бекор қилиш, мамлакатнинг аввал давом этиб келган сиёсий йўлини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, демократияни тақиқлаш сингари сиёсий ишлардан бошлайдилар. Кейинги йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги айрим мамлакатларда рўй берган давлат тўнтаришлари натижасида бошқариш соҳасида рўй берган ўзгаришлар бунга мисолдир.

Ворислик тамойилининг моҳияти ва унинг зарурлигини И. А. Каримов қўйидагича таърифлаб кўрсатади: «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишиади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ»¹.

XI БОБ

ШАХС ВА СИЁСАТ

Жамият тараққиёти қанчалик үлгарига қараб ривожланиб борса, унда шахснинг сиёсий роли ва аҳамияти шунчалик ортиб бораверади. Чунки жамият тараққиёти шахсни сиёсий ҳаётда фаоллигини оширади, уни

¹ И. А. Каримов. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т., «Ўзбекистон», 1993, 5-бет.

жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирокини таъминлайди.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг сиёсийлашуви билан характерланади. Бу босқичда демократиялаш жараёни кўпчилик мамлакатларни қамраб олди. Натижада кенг халқ оммасини давлат ишларида, ҳокимиятни бошқаришда ва сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятларни вужудга келтириди.

Ҳозирги даврда сиёсат айрим кишилар шуғулланадиган соҳа бўлмай қолди, балки у кўпчилик иштирок этадиган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, жамият аъзоларининг ўзлигини намоён қиладиган соҳага айланди. Бу муҳим ўзгариш сиёсий жараёнларда шахснинг ўрни ва ролига янгила қарашни, унинг сиёсий мақомини аниқлаб олишни тақозо этади.

1. Шахс — сиёсий ҳодиса сифатида

Инсон — ижтимоий мавжудот бўлганлиги сабабли у фақат жамиятда ривожланади. Унинг бутун ҳаёти жамиятда, унинг бошқа кишилар билан турли хилдаги муносабатларда бўлиши асосида кечади. Ҳар бир шахс жамиятдан ажралган ҳолда бошқа кишилар билан алоқа қилмасдан, ижтимоий муносабатлардан ташқарида яшолмайди. Бу ҳол жамият аъзоси бўлган шахсни тарбиялайди, уни маънавий жиҳатдан бойитади ва сиёсий онгини оширади.

**Шахс — сиёсатнинг
объекти ва субъекти**

Ҳар бир шахс объектив шартшароитлар ва субъектив омилларнинг узвий бирлиги таъсири остида шаклланади ва ривожланади. Шахснинг ривожланишида объектив шарт-шароитлар етакчи роль ўйнайди. Оила, мактаб, олий ўқув юртлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, муассасалар, қўни-қўшни, маҳалла сингари омиллар ҳам шахсни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Объектив шарт-шароитларнинг шахсга таъсири субъектив омиллар орқали ўтади.

Шахс жамиятда шаклланади ва камол топади. Аммо бу жараёнга бир томонлама қараш керак эмас, чунки жамиятнинг маҳсули бўлган шахс унинг ривожига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам шахснинг характеристи, фаоллиги, инсонпарварлиги

ва бошқа сифатий белгилари улар яшаётган сиёсий тузумга боғлиқ бўлади. Агар жамият якка ҳукмронликка асосланган бўлса, бу жамиятда шахснинг сиёсий ривожланиши суст бўлади, натижада жамият тараққиёти секин ривожланиши ёки ривожланишдан орқада қолиши мумкин. Агар жамият тараққиёти демократик тамойилларга асосланган бўлса, унда шахснинг фаоллиги, унинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилади. Натижада жамият тараққиёти ривожи тезлашади.

Шахс нафақат ижтимоий моҳиятга эга, балки у табиатан сиёсий моҳиятга ҳам эга бўлади, чунки у жамиятда сиёсатнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади.

Жамиятда яшовчи ҳар бир шахс ўзининг хоҳиш иродасидан қатъи назар, бирон-бир давлатнинг фуқароси, маълум сиёсий-ижтимоий ташкилотнинг аъзоси, у ёки бу миллатнинг вакили ҳисобланади. Бу мансублик шахсни жамият ишларида иштирок этишини таъминлаб туради.

Шахснинг жамиятдаги иштироки унинг хоҳиш-истагидан қатъи назар рўй беради. Бу объектив жараён сифатида жамият ҳаётида намоён бўлади. Шахснинг жамиятдан ташқарида бўлмаслигининг ўзи унинг объектив ҳодиса эканлигини кўрсатади.

Шахснинг жамиятда сиёсат объекти сифатида намоён бўлишининг боиси шундаки, жамиятда ишлаб чиқиладиган ва олиб бориладиган ҳар қандай сиёсат, биринчи навбатда, жамият аъзоларига, уларнинг жамият ҳаётида қандай қатнашишларига қаратилган бўлади.

Сиёсат ўзининг жамият аъзоларига кўрсатадиган таъсири орқали моддийлашади. Сиёсатнинг ҳар бир шахсга ва жамиятдаги барча шахсларга кўрсатадиган таъсири эса, шахсни сиёсатнинг объекти бўлишига сабаб бўлади.

Шахс сиёсатнинг объекти сифатида жамиятнинг объектив қонунларига бўйсунади. Объектив қонунларни субъектив омиллар асосида ўзgartириб бўлмагани сингари шахснинг сиёсатдаги иштирокини ҳам тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир шахс сиёсатда ёки жамиятнинг сиёсий жараёнларида у ёки бу даражада иштирок этади. Шундай экан, шахснинг жамиятдаги

иштирокини объектив ҳодиса сифатида таърифлаш зарур.

Шахснинг жамиятга таъсири мақсадсиз, режасиз. кўр-кўрона фаолият орқали амалга ошмайди. Инсон жамият қонунларини, ўз ҳаёти шароитларини билиб олгач, маълум мақсадга қаратилган амалий фаолият кўрсатиш йўли билан ижтимоий-сиёсий муҳитни, жамиятни ўзгартирувчи сиёсий кучга айланади.

Инсон фақат тарихий шароит ва унинг маҳсулигина бўлиб қолмай, балки бундай шароитларнинг яратувчи-си ҳамдир. Жамият тараққиёти ҳар бир шахсни ўз бурчини кўр-кўрона бажариш эмас, балки унга онгли муносабатда ёндашишни талаб қиласди. Бу ҳол шахснинг сиёсатнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатишини тақозо қиласди. Шахснинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг субъекти сифатидаги фаолияти унинг сиёсатни ишлаб чиқишида қатнашиши ва жамиятда олиб бориладиган сиёсатга муносабат билдириши орқали ифодаланади.

Шахс сиёсатнинг субъекти сифатида жамиятдаги сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмайди, балки уни англаб олишга ҳаракат қиласди ва жамият сиёсий ҳаётида маълум ролларни бажаради. У сайловларда сайловчи сифатида овоз беради, сайлаб қўйиладиган турли органлар, жамоат ташкилотларининг ишларида, референдумларда қатнашади ва уларга ўз муносабатларини билдиради. Буларнинг барчаси шахснинг сиёсатнинг субъекти сифатидаги роли ва аҳамиятини оширади.

Шахснинг сиёсий онгини ўзгартирмай туриб янгича фикрлаш, иқтисодиётда, бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бирон-бир ўзгартиш қилиш мумкин эмас. Шахс қарорлар ва йўл-йўриқларни, юқоридан бериладиган ҳар қандай кўрсатмаларни кўр-кўрона бажарадиган робот эмас, балки у мураккаб ижтимоий-сиёсий мавжудотdir. Агар шахсга нисбатан унинг нафсониятини ерга урадиган, таҳқиrlайдиган муносабатда бўлинса, бу ҳол муқаррар равишда жамият олиб бораётган сиёсатга ишончсизлик, умидсизлик туғдиради, шахснинг сиёсий фаоллигини сусайтиради.

Шахснинг сиёсий тип-лари

Жамиятдаги барча шахслар сиёсий ҳаётда бир хилда қатнашиши мумкин эмас, уларнинг айримлари фаол иштирок этса, айримлари суст

иштирок этади. Бундай хислатларга қараб шахсларни қўйидаги сиёсий типларга ажратиш мумкин: сиёсатдан йироқ бўлган шахслар; сиёсий фаоллиги паст бўлган шахслар; сиёсатга ўртacha даражада аралашадиган шахслар; сиёсий етакчи ёки профессионал шахслар.

Сиёсатдан йироқ шахсларга балоғат ёшига етмаган ёшлар киради. Бу даврда ҳали уларнинг сиёсий ҳаётда қатнашишлари учун ақл-идроқи етарли даражада бўлмайди. Яна шундай гурӯҳ шахслар борки, улар ўзларининг тўла истиқболсизлигидан норозилиги туфайли сиёсий фаолиятдан чекинади ва унга нисбатан бутунлай бефарқ бўлиб қолади. Бу типдаги шахсларга сиёсатга бутунлай бефарқ, унда қатнашишдан қочувчи кишилар киради.

Бу типдаги шахслар учун мамлакатнинг ички ва ташки ҳаётида, халқаро муносабатларда қандай ўзгаришлар бўлаётганлиги, сиёсий жараёнлар оқими' бефарқ бўлади. Бундай шахслар мамлакат ва жаҳон майдонида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга, ўзгаришларга тўғри муносабат билдира олмайдилар, унинг сабаблари ва оқибатларини тушуниб етмайдилар. Улар учун муқаддас бўлган нарса — ўз тирикчилигини ўтказишиб, ҳар бир куннинг тинч ва осойиши ўтишидир. Бундай шахслар баъзида сайлов жараёнларига ҳам бефарқ муносабатда бўладилар, турли сиёсий тадбирлар, анжуманларда иштирок қилишдан ўзларини олиб қочадилар.

Шундай гурӯҳ шахслар ҳам борки, улар жамиятнинг сиёсий ҳаётида жуда суст иштирок этадилар. Улар бирон-бир сиёсий ёки ижтимоий ташкилотлар фаолиятида қатнашмайдилар, сиёсий тадбирларга лоқайдлик билан қарайдилар. Бундай шахслар сиёсий фаоллиги паст бўлган кишилар гурухини ташкил этади.

Сиёсатга ўргача даражада аралашадиган шахслар жамият сиёсий ҳаётида энг кўп учрайдиган шахс гуруҳлари ҳисобланади. Булар сиёсий муаммоларга, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеаларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларига эга бўлган кишилар ҳисобланади. Улар жамиятда фаолият олиб бораётган у ёки бу ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг аъзоси сифатида мазкур ташкилотларнинг устави ва дастурларини эътироф этадилар ва ўзларига маълум мажбуриятлар оладилар. Бундай шахслар жамият сиёсий ҳаётида ва унда ўтказиладиган барча сиёсий тадбирларда онгли равишда иштирок этадилар. Масалан, президент, парламент ва бошқа сайлов-

ларда ўз номзодларини кўрсатадилар ва уларнинг сай-
ланиши учун ҳаракат қиласидилар.

Сиёсатга ўртача даражада аралашадиган шахслар-
ни одатда ишчилар ва деҳқонларнинг гуруҳита мансуб
бўлган кишилар ташкил қиласидилар. Бу типга киравчи
шахслар зиёлиларнинг айрим қисмлари орасида ҳам уч-
раб туради.

Ўзининг бутун фаолиятини сиёсий мақсадларга ба-
ғишлаган профессионал сиёсатчи шахснинг алоҳида бир
типини ташкил этади. Бундай шахслар жамият ҳаётида
юқори мавқега эга бўлиб, асосан бошқарув ишларида
қатнашадилар. Бу гуруҳ шахслар ҳар бир мамлакат-
нинг сиёсий йўлини ишлаб чиқиб, унинг ички ва ташки
сиёсатини амалга оширишда фаоллик кўрсатадилар.

Сиёсий етакчиларни танлаш ва уларни жой-жойига
қўйиш ҳар бир мамлакат ёки жамиятнинг сиёсий тузу-
мiga боғлиқ бўлади. Агар мамлакатда мустабид сиё-
сий тузум амал қилса, унда сиёсий раҳбарликка кўпин-
ча тасодифий, ҳатто бутунлай нолойиқ шахслар келиб
қолиши мумкин. Чунки бундай тузумда сиёсий раҳбар-
лар махфийлик асосида тайинланади. Юксак ташки-
лотчилик қобилияtlарига эга бўлган шахслар эса, бош-
қариш ва раҳбарлик ишларидан четда қоладилар.

Ҳозирги даврда сиёсий етакчилик тўғрисидаги қа-
рашлар ўзгармоқда. Янгича тушунча бўйича ҳокими-
ятнинг энг юқори поғонасини эгаллаган кишиларгина
сиёсий етакчи ҳисобланмайди. Жамият ҳаётида жуда
кўп муаммолар борки, улар меҳнат жамоаси, корхона,
бирлашма, миллатлар, элатлар миқёсида ҳал этилади.
Бу ижтимоий-сиёсий бирликларнинг ўз етакчилари бў-
либ, мавжуд муаммоларни ҳал этиш уларнинг ташки-
лотчилигига, одамларни ўз ортидан эргаштира олишига
боғлиқ бўлади. Бундай гуруҳдаги шахслар жамиятнинг
ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб,
уларни ҳам сиёсий етакчилар сафига қўшиш мумкин.

Жамият тараққиёти ривожи ва унда демократик жа-
раёнларнинг кенгайиб бориши сиёсий етакчиларга бўл-
ган талабни янада оширади. Бундай шаронтда янгича
дунёқарашга, билимга, малакага, янгиликларга мойил-
лиги бўлган, жамоатчилик ёрдамида демократик усулда
ишлай оладиган, хуллас, тўла маънодаги сиёсий онгга
эга бўлган сиёсий етакчи раҳбарлар зарур бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга ошири-
лаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўз-

гаришларда катта тўсиқлар ва зиддиятларга дуч келинмоқда. Бунинг сабаби кўпчилик сиёсий раҳбарларнинг эскича фикрлаши, улар сиёсий онгининг ҳозирги давр талабатридан орқада қолишидадир.

Аммо, ўтмишда жамиятни фақат лаёқатсиз шахслар бошқарган, деган хато хулосага келмаслик керак. Ўтмишда ҳам мамлакатимизни бошқаришда минглаб ажойиб, ҳалол, фидоий, ишбилармон раҳбарлар ўзларининг ақлий ҳамда жисмоний куч-қудратини ҳалқ ва юрт фаравонлиги йўлида сарфлаганлар. Бироқ бундай кишилар сон жиҳатдан озчилликни ташкил қилган бўлиб, мамлакатда ҳал қилувчи ишчанлик муҳитини яратишга ожизлик қилган эдилар.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берадиган ҳозирги ўзгаришлар сиёсий раҳбарларни аввал йўл қўйилган хатолар, камчилик-нуқсонлардан ҳолос бўлишга, уларни жамиятмизнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги фаоллигини оширишга қаратилган муҳим вазифаларни ҳал этишга унダメқда.

Шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари Шахснинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги масалә барча замонларда яшаган мутафаккирлар, буюк давлат арбобларининг эътиборидан четда қолмаган. Улар ўзларининг асарларида шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари тушунчасини, унинг моҳияти, мазмуни ва амалий ифодасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар. Юноностонлик буюк файласуф Арасту шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига доир муҳим ғояларни илгари суради. У инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этибгина қолмай, балки табиий ва шартли, ижобий ва салбий ҳуқуқларни фарқлайди. Унинг фикрича, табиий ҳуқуқ ва эркинлик шартли ҳуқуқ ва эркинлик учун намуна бўлиб хизмат қилиши керак.

Шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари масаласи Фаробий, ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Навоий, Бобур сингари етук мутафаккир олимлар ва буюк давлат арбобларининг эътиборидан ҳам четда қолмаган. Улар инсоннинг моҳиятини шахс сифатида тушунтириб бермаган ва масалага шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари маъносида ёндашмаган бўлсалар-да, бироқ улар инсонни Аллоҳнинг неъмати, Аллоҳ олдида барчанинг баробар эканлиги, улар золим подшоҳлар ва

ҳукмдорлар зулмидан ҳимоя қилиниши зарурлиги тұғырысида мұхим фикрларни илгари сурганлар. Буюк соғыбқирион Амир Темур ўзининг «Темур тұзуклари» асарыда давлат ишларида қонун-қоидаларга асосланиб иш тутганлиги тұғырысида ёзған әдіки,¹ бу қонун-қоидаларда инсоннинг ҳуқуқ ва әркинликлари мужассамлашғанлиги шубҳасизdir.

Индивид шахсга айланиши учун бир қанча ҳуқуқ ва әркинликларга эга бўлиши лозим. Масалан, қул — инсон, лекин шахс эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, қул жамиятда ҳеч қандай ҳуқуқ ва әркинликларга эга бўлмайди. Шундай экан, шахс дейилганда умуман инсон эмас, балки типик ва алоҳида хусусиятлар мужассамлашған, муайян ҳуқуқ ва әркинликларга эга бўлган одам тушунилади. Унинг ҳуқуқ ва әркинликлари дараҷаси жамиятнинг ижтимоий тузуми, омманинг тобора ўсиб бораётган фаоллиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Эркинлик ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳимоя қилиш барча давлатларнинг вазифасидир. Инсон дунёда яшар экан, еб-ичиши, кийиниши, уй-жойли бўлиши, оила қуриши, ҳордиқ чиқариши, даволаниши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши зарур. Булар унинг инсон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир.

Инсоннинг барча ҳуқуқ ва әркинликлари сингари, унинг сиёсий ҳуқуқ ва әркинликлари ҳам бўғиб қўйил-маслиги зарур. Аммо жаҳоннинг айрим мамлакатларида шахснинг сиёсий ҳуқуқлари ва әркинликларини чеклаб қўйиш, паймол қилиш ҳоллари давом этмоқда.

Шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва әркинликлари масаласи кўплаб ҳалқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган. 1990 йилда қабул қилинган «Европа учун Париж Хар-

¹ Қаранг: Темур тузуклари. Т., Ф. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1991. 63-бет.

тияси»да шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш ҳукуматларнинг биринчи галдаги вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бу ҳужжатда шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, кучли ҳокимиятга эга бўлган давлатларга қарши сезиларли кафолатдир, уларга риоя қилиш эса, эркинлик, адолат ва тинчлиқнинг асосидир, дейилади.

Шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир нечта асосий ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклорацияси», «Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт» сингари ҳужжатларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олинган. Мазкур ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини камситишнинг барча шаклларини тақиқладиган қоидалар мавжуд бўлиб, уларни ратификация қилган мамлакатлар ундаги қоидаларга риоя қилишга мажбурдирлар, дейилади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўлгина ишлар амалга оширилмоқда. 1991 йил 30 декабря бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XII сессиясида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари деклорацияси» қабул қилиниши ва унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топиши бунга яққол мисолдир.

Шахснинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари — бу фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда ва давлатни бошқаришда фаол иштирок этиш имкониятларининг яратилиши, сайлов ҳуқуқлари, уюшмаларга, иттифоқларга кириш эркинлиги, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш эркинлиги, сўз, фикрини ифодалаш эркинлиги, виждан эркинлиги шундай ҳуқуқлар жумласига киради.

Мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари (VII боб) билан бирга уларнинг сиёсий ҳуқуқлари (VIII боб) ҳам белгилаб берилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги қонун асосида мустаҳкамланган. Конституциянинг 117-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги

қайд этилганки, бу шахснинг сиёсий ҳуқуқлари қонун асосида кафолатланганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифотчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳам қонун билан ҳимоя қилинади.

Собиқ Йиттироқ даврида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари расмий равишда Конституцияда ифодалаб берилган бўлса-да, амалда уларга бутунлай йўл қўйилмас эди. Парламент сайловларида депутатликка номзодлар фақат марказдан кўрсатилар, фуқаролар эса бундай ҳуқуқ ва эркинликларга амалда эга эмас эдилар. Намойишлар, митинглар, йиғилишлар ўtkазиш эса мамлакат манбаатларига мос келганда руҳсат этилар, мос келмаганлари эса бутунлай тақиқланар эди. Бу эса, ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий фаоллигининг, ташаббускорлигининг сўниб боришига сабаб бўларди.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришганидан сўнг унда шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари анча кенгайди, уни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўп partiyaийlik тизими ташкил топиб, уларга аъзо бўлиш шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинлиги амалда ўз ифодасини топганлигини кўрсатади.

Навбатдаги парламент сайловларида мамлакатимиздаги барча фуқаролар фаол иштирок этдилар. Улар парламентга ўз номзодларини демократик асосда кўрсатиб, ўзларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаландилар. Парламентга сайланган халқ депутатлари барча фуқароларнинг манбаатларини кўзлаган ҳолда мамлакат тараққиётини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда тобора кўпроқ фаллик кўрсатмоқдалар.

2. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида шахснинг ўрни ва роли

Шахс сиёсатнинг обьекти ва субъекти сифатида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида му-

ҳим роль ўйнайди. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар шахснинг фаолиятига, унинг ҳаракатлари ва сиёсий жараёнлардаги фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқdir.

Шахс жамиятда оддий кузатувчи эмас, балки доимий ҳаракатда бўлувчи сиёсий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Унинг бутун фаолияти ва ҳаракатлари жамиятнинг мавжудлиги, унинг яшаши ва ривожланишининг зарур шарти ҳисобланади.

Шахс—жамиятни сиёсий ривожлантириштнинг ўрни ва мавқеига эга нинг ҳаракатлантирувчи кучи Ҳар бир шахс жамиятда ўзи-
сий ривожлантириштнинг ўрни ва мавқеига эга
бўлади. Унинг бутун ҳаёти
жамият билан муносабатда
ўтади. Бу муносабат қандай
ҳолатда ва қандай даражада бўлишидан қатъи назар
объектив моҳиятга эга бўлади.

Шахс жамиятнинг маҳсули бўлишига қарамай, жамиятга турли томондан таъсир кўрсатади. Ҳар бир шахс жамиятнинг фақат моддий ёки маънавий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб қолмай, шу билан бирга жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам у ёки бу даражада фаолият кўрсатади. Моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган шахснинг ҳаёти фақат шу соҳанинг ўзида фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлмайди. Ҳолбуки у ижтимоий ва шахсий ҳаётда, оилада, маҳаллада, шаҳар ёки қишлоқда кечадиган жараёнларда бевосита ёки бавосита иштирок этади. Шахснинг жамият ҳаётидаги бундай иштироки онгли ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир шахснинг меҳнати ва ижтимоий фаоллиги асосида жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши амалда бўлади. Бинобарин, шахс жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги унинг меҳнати ва ижтимоий ҳаракатлари билан белгиланади.

Шахс жамиятни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши билан бирга, жамиятни сиёсий ривожлантиришнинг ҳам асосий кучи ҳисобланади. Бунинг маъноси шундаки, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унда рўй берадиган ўзгаришларни шахснинг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шахс ҳар қандай шароитда ҳам сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг умумий оқимини ташкил этади ва уни маълум мақсадларга томон йўналтириб боради.

Ҳар бир шахснинг ўз-ўзича қиласиган ҳаракати уни жамиятни сиёсий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини билдирамайди. Жамиятда шахснинг мақсадсиз ҳаракатлари кўп бўлади ва бу тез-тез учраб туради. Шахснинг бундай ҳаракатлари амалда бирон-бир таъсирга эга бўлмайди.

Шахс фаолиятининг ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги роли, аввало, шахс ҳаракатининг онгли ва маълум мақсадга йўналтирилганлигига боғлиқ бўлади. Чунки шахснинг онгли ва мақсадли ҳаракатлари бошقا шахсларнинг шундай ҳаракатлари оқимига қўшилиб, жамиятни ривожлантиришнинг қудратли кучига айланади.

Жамиятнинг сиёсий ривожланишида буюк шахсларнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати кўп ҳолларда ана шундай шахсларнинг фолиятига боғлиқ бўлади. Бундай шахслар баъзида ўзининг мансаб мавқеига кўра, баъзида эса, ўзининг ўткир зеҳни, жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаб етиши, ўзининг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларига кўра жамиятни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўша олади. Агар буюк шахслар томонидан олиб бориладиган сиёсат реакцион тусга эга бўлса, бундай шароитда мамлакатда ёки ҳалқаро муносабатларда кескинлик ҳолатлари ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундай шахсларнинг фаолияти жамиятни сиёсий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олмайди.

Буюк шахсларнинг фаолияти жамиятни сиёсий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши учун улар олиб борадиган сиёсат жамият тараққиётига ва унинг истиқболларига йўналтирилган бўлиши лозим. Бундай шахсларнинг ҳаракатлари кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланади ва унга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлинади.

Шахснинг жамиятни сиёсий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши унинг сиёсий жиҳатдан фаоллигига боғлиқ бўлади. Шахс жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида қанчалик кўп фаол ҳаракат қиласа, жамиятнинг ривожланишига шунчалик кучли таъсир қиласи. Бу таъсир жамиятнинг сиёсий тизимиға, унинг демократик асосларда ривожланиши ва такомиллашиб боришига ёрдам беради.

ди. Шахснинг сиёсий фаоллиги таъсирида сиёсий ҳо-
кимиятлардаги ўзбошимчаликларни тийиб қўйишга,
сиёсий бошқариш ва раҳбарлик ишларида йўл қўйилган
хато ва янгилишишларнинг олдини олишга муваффақ
бўлинади.

Шахснинг жамиятни сиёсий жиҳатдан ривожланти-
ришнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги фаолияти
унинг сайлов жараёнларида, референдумлар, оммавий-
сиёсий йиғилишлар, митинглар ва кўча намойишлари-
да иштирок қилишида жуда аниқ намоён бўлади. Ҳар
бир шахс турли хилдаги сиёсий тадбирларда иштирок
этиши билан жамиятнинг сиёсий ҳаётига дахлдор ма-
салаларни ҳал қилишда муҳим сиёсий кучлардан бири
сифатида фаолият кўрсатади.

Шахс ва сиёсий муно Шахс сиёсий муносабатлар-
сабатлар нинг обьекти ва субъекти ҳи-
собланади. Унинг сиёсий муносабатларнинг обьекти сифатидаги ўрни турли сиёсий ва
ижтимоий ташкилотлар олиб борадиган сиёсатнинг
шахсга йўналтирилганлнги билан белгиланса. ва бу сиё-
сатни амалга оширишда уларнинг иштирок этиши асо-
сида намоён бўлса, унинг сиёсий муносабатларнинг
субъекти сифатидаги иштироки эса, сиёсатни ишлаб чи-
қишида қатнашиши билан белгиланади.

Маълумки, шахс аниқ ижтимоий-сиёсий муҳитда
яшайди. У бирон-бир давлатнинг фуқароси, у ёки бу
сиёсий партия, ижтимоий ташкилотнинг аъзоси сифа-
тида фаолият кўрсатади. Унинг бутун ҳаёти бошқа ки-
шилар, ташкилотлар билан яқин алоқада ўтади. Шахс-
нинг сиёсий муносабатларда иштирок қилиши амалда
халқнинг иродасига боғлиқ бўлади. Чунки халқ омма-
си томонидан қўллаб-қувватланмаган сиёсий муносабатларнинг ҳар қандай шакли жамият манфаатларига
зид бўлади.

Жамиятнинг ривожланиш даражаси қанчалик юк-
салиб борса, шахснинг сиёсий онги шунчалик ўсиб бо-
ради ва унинг жамиятни бошқаришдаги имкониятлари
кенгайиб боради. Шахснинг давлат билан ўзаро муносабатлари унинг давлат ишларини бошқаришда иштирок
этишида жуда аниқ намоён бўлади.

Давлат билан шахс ўртасидаги муносабатлар сиёсий
моҳиятга эга бўлади. Чунки уларнинг ҳар иккала-
си ҳам сиёсатнинг субъектлари ҳисобланади. Шахс-

нинг давлат билан ўзаро муносабати асосида унинг сиёсий фаоллиги ошиб боради.

Шахснинг давлат билан муносабати унинг ҳокимиятнинг ваколатли органларидағи иштирокида яққол күзга ташланади. Ҳар бир шахс давлатнинг ваколатли органларига ўтказиладиган сайловларда иштирок этади ва унинг айрим вакиллари парламент ишларида қатнашади. Ваколатли органларга номзод бўлган шахсни бошқа шахслар ёки фуқароларнинг кўпчилик қисми қўллаб-қувватлаши асосида улар давлат органлари билан бевосита муносабатда бўладилар.

Шахс сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ҳам жамиятнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар фуқароларнинг маълум бир қисмини ўз атрофида бирлаштириб, уларнинг манфаат ва мақсадларини бевосита ифода этади. Сиёсий партияга аъзо бўлган ҳар бир шахе унинг устави ва дастурини ишлаб чиқишида ва уни амалга оширишда иштирок этади. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ҳокимиятдан ўрин олишга ҳаракат қиласидилар. Фуқаролар сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида мамлакатнинг асосий сиёсий йўлни ишлаб чиқишида қатнашадилар. Бу йўл давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар учун умумий бўлиб, уни амалга оширишда барча фуқаролар ва ташкилотлар иштирок этадилар. Демак, фуқаролар сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ҳам жамиятни бошқаришда бевосита иштирок этадилар ва шу асосда улар ўртасидаги муносабатлар сиёсий моҳиятга эга бўлади.

Жамият тараққиёти шахснинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этиши учун кенг имкониятлар ва шарт-шаройтлар яратиб беради. Бу, айниқса, уларнинг ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларидағи фаолиятида аниқ намоён бўлади. Маълумки, демократиялаш жараёни жамоат ташкилотлари фаолиятини фаоллаштиришга олиб келади. Уларнинг ишида қатнашиш орқали ҳар бир шахс жамиятнинг сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этади. Шахснинг бундай иштироки асосида унинг жамият билан ўзаро муносабатлари давом этади ва бу муносабатлар сиёсий моҳиятга эга бўлади.

Шахс сиёсатнинг обьекти ва субъекти сифатида ўзаро сиёсий муносабатда ҳам бўлади. Шахс билан шахс ўртасидаги сиёсий муносабат қўйидаги ҳолларда

жуда аниқ намоён бўлади: а) жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларни бир шахс иккинчиси орқали билб олади; б) бир шахс бошқасини ваколатли органларга номзод сифатида тавсия этади; бир шахс бошқасининг сиёсий фаоллиги ошишига ёрдам беради ва ҳоказо.

Шахс ва демократия

Шахс фақат жамиятнинг маҳсули бўлиб қолмай, шу билан бирга уни яратувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч ҳам ҳисобланади. Жамиятнинг тарақкий этиши ҳар бир шахсдан унинг ўз бурчига онгли муносабатда бўлишини талаб этади. Инсон жамият қонунларини билиб олиб, уларнинг ҳаракатидан тўғри ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланган тақдирдагина жамиятни ўзгартирувчи кучга айланади.

Ҳозирги даврда шахсни ғоявни-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, унинг сиёсий онги ва маданиятини ошириш демократияни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш демократиялашнинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Демократиялаш жараёни олдида турган вазифа ва муаммоларни юқоридан туриб амалга ошириш эмас, балки бунинг учун шахснинг жамият ишларини амалга оширишдаги бевосита иштироки, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишни талаб қиласи.

Демократиялаш жараёни шахсда юксак масъулият, ишчанлик, интизом, омилкорлик фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Бу жараён фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг сиёсий жараёnlар ва сиёсий муносабатларда фаоллик билан иштирок этишлари учун зарур бўлган моддий, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларни вужудга келтириш мухим роль ўйнайди.

Демократиялаш ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида шахс ролининг муттасил ошиб боришини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларнинг маҳсули бўлган шахснинг сиёсий фаоллигини ривожлантирмай туриб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Шахс сиёсий жиҳатдан қанчалик кўп камол топиб борса, у ижтимоий-сиёсий ишларда шунчалик фаол иштирок этади, натижада жамиятнинг ривожланиши тезлашади ва мустаҳкамланиб боради.

Демократия кўп жиҳатдан қонунийликка боғлиқ бўлади. У ҳуқуқий асосларга таянмай туриб амалда бўлолмайди ва ривожланмайди. Чунки қонунийлик жамиятни, ҳокимиятни суистеъмол этишдан ҳимоя қилади, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди ва ҳимоя қиласди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг асосий сиёсий йўли ҳуқуқий демократик давлатни қуришдан иборат. Бундай давлатни барпо этиш учун эса, барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш зарур бўлади. Бу борада мамлакатимизда кейинги йилларда бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатнинг мустақиллиги ва унинг тараққиётини таъминлаб берадиган қонунлар ишлаб чиқилди ва улар умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокама давомида мамлакатимизнинг миллионлаб фуқаролари ўз фикр ва мулоҳазалари билан қатнашдилар. Шунинг ўзи мамлакатимизда демократиялаш жараёни узлуксиз ривожланиб бораётганлигини, фуқароларнинг барча соҳаларда иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганлигидан далолатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шахснинг демократияга муносабати қандай бўлиши зарурлиги ҳақида гапириб, бу муносабат демократиялаш жараёнларида амал қиладиган қонуниятларни ҳар бир шахс доимий равишда ўрганиб бориши ва уларнинг талабларига амал қилиши ҳақида, одамларнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ эканлиги тўғрисида муҳим фикрларни илгари сурди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократиялаш жараёнининг муҳим йўналишларидан бири шахснинг руҳиятини ўзгартиришдан иборатdir. Чунки кишилар онгига ўтмишда шаклланган эскича қарашлар, тасаввурлар, тушунчаларни бартарраф этмай туриб, жамиятнинг ривожини тўла маънода таъминлаш мумкин эмас.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, янгича фикрлаш ва ишлаш истаги ҳосил қилинмаса, ижтимоий ҳаёт соҳаларида ва сиёсий бошқарувда ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда вужудга келаётган қийинчиликлар, зиддиятлар ва айрим ҳолларда қара-

ма-қаршиликлар жамият аъзоларида шаклланган эскича қарашларнинг натижасидир. Шундай экан, мамлакатда демократиялаш жараёнини ривожлантириш ва та-комиллаштириш учун янгича фикрлайдиган, ҳозирги давр талабларига тўла жавоб берадиган шахсларни тарбиялайдиган узлуксиз ишловчи механизмларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шахс сиёсий фаоллигининг ошиб бориши

бўлади. Бу муносабат ҳар бир шахснинг жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши, ўзининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш йўлидаги ҳаракатлари асосида давом этади. Шахснинг жамиятдаги барча ҳаракатлари, шу жумладан унинг сиёсий ҳаракатлари ҳам, унинг объектив воқеликка бўлган муносабатида реал кучга айланади. Шахс сиёсий муносабатларда қанчалик эркин иштирок этса, бу унинг сиёсий фаоллиги ўсишига шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Инсон учун борлиқни тўғри англаш ҳамда жамиятнинг ривожланиш истиқболларини кўра билиш имкониятлари заминида шахснинг амалий сиёсий фаолияти ётади. Жамият шахснинг ҳар қандай мақсад ва манфаатларини, талаб ва эҳтиёжларини ўз-ўзидан тўла даражада қондираолмайди. Шунга кўра ҳар бир шахс ўзининг сиёсий онглилик даражасини ошириб боришига ва шу асосда жамиятга таъсир кўрсатишга ҳаракат қиласди. Шахснинг жамиятга қиласидиган таъсир кучи ошиб боргани сари, унинг сиёсий фаоллиги ҳам такомиллашиб боради.

Шахснинг сиёсий воқеликни англаши, сиёсий ҳаётда иштирок этиши ўта мураккаб ва зиддиятли тарзда амалга ошади. Сиёсий онг ҳамма вақт ҳам унинг мөҳияти ва мазмунига айнан тўғри келадиган сиёсий хатти-ҳаракатларга, сиёсий натижаларга олиб кела-вермайди. Аксинча, у шахс сиёсий фаоллигининг ўсишига ёки унинг сусайишига сабаб бўлиши мумкин.

Шахс сиёсий фаоллигининг ўсиб бориши жамиятда содир бўладиган кескин ўзгаришларга бевосита боғлиқ бўлади. Халқларнинг миллий мустақиллик учун, зулм ва эксплуатацияга, ирқий камситишларга, ижтимоий адолатсизликларга, қуролланишга ва уруш ҳа-

Шахснинг сиёсий фаоллиги унинг объектив воқеликка бўлган муносабатида аниқ намоён

ракатларига қарши норозиликлари асосида шахс сиёсий фаоллигининг ошиб бориши рўй беради.

Кейинги йилларда айрим мамлакатларда ва халқаро майдонда рўй берган кескин сиёсий ўзгаришлар кенг халқ оммасининг турмушига, уларнинг ижтимоий ҳаётига тобора кўпроқ хавф сола бошлади. Бир мамлакатнинг бошқаси томонидан боснб олиниши, айрим мамлакатларда фашистик тартибларнинг ўрнатилиши, қурол-яроғларнинг ҳаддан ташқари кўплаб ишлаб чиқилиши ва бошқалар фуқароларнинг бу салбий ўзгаришларга қарши курашдаги сиёсий фаоллигининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Чунки ҳар бир шахс ўзининг сиёсий фаолиятида бундай салбий ҳолатларга қарши бошқа шахслар билан уюшган ҳолда ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Шахс сиёсий фаоллигининг ўсиб бориши миллий озодлик кураши мисолида жуда аниқ намоён бўлади. Бу даврда жамиятдаги кўпчилик сиёсий кучлар: сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, давлат органларида меҳнат қилаётган ходимларнинг асосий кўпчилик қисми ўз мамлакатларининг озодлиги учун олиб борилаётган курашда биргаллашиб ҳаракат қиласилар. Бундай биргаликдаги ҳаракат заминида ҳар бир шахснинг алоҳида кураши акс этади. Бу кураш, бир томондан, шахс сиёсий фаоллигининг ошиб бориши натижасида бўлса, иккинчи томондан, эса, ҳар бир шахс учун унинг сиёсий фаоллиги ошишидаги муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда собиқ социализм мамлакатларида, хусусан, собиқ Иттифоқда рўй берган кескин сиёсий ўзгаришлар бу мамлакатларда шахс сиёсий фаоллигининг ошишига сабаб бўлди. Маъмурӣ-буйруқбозлий усулларининг авж олиши собиқ Иттифоққа кирган барча республикаларда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳақли равишдаги норозиликларига сабаб бўлди. Улар жамиятни унда рўй берган таңг ҳолатлардан олиб чиқиши зарурлигини қатъий талаб қилиб чиқа бошладилар. Бундай сиёсий талаблар шахснинг сиёсий фаоллиги ошишига кучли туртки бўлди. Бунинг маъноси шундаки, шахснинг жамиятдаги мавқеига таъсир қилувчи салбий ҳодисалар, ўз навбатида, уларнинг сиёсий фаоллигига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши унинг

афзалликларидан фойдаланишни куннинг долзарб ма-
саласига айлантириди. Бу ҳол ҳар бир шахсда миллий
ифтихор руҳини кучайтириди ва ўнинг эркин фаолият
кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни ву-
жудга келтириди. Мустақиллик туфайли шахснинг сиё-
сий эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган-
лиги унинг сиёсий фаоллиги ошишига туртки берди.

Мамлакатимизда шахс сиёсий фаоллигининг оши-
шида ҳар бир шахснинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий
муносабатлардаги иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга
бўлди. Бунинг амалий ифодаси фуқароларнинг Ўзбе-
кистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини му-
ҳокама қилинишида қатнашиши, мамлакат парламенти-
га ўтказилған сайловларда фаол иштирок этишлари
мисолида аниқ намоён бўлдик, бу ҳол, шубҳасиз, мам-
лакатимизда шахс сиёсий фаоллигининг ўсиб бори-
шида муҳим аҳамиятга эгадир.

Хозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаёт-
ган демократиялаш жараёни шахс сиёсий фаоллиги-
нинг ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳар
бир шахснинг демократиялаш жараёнининг фаол иш-
тирокчиси сифатида ҳаракат қилаётганлиги унинг сиё-
сий фаоллиги ошиб бораётганлигини амалда кўрсат-
моқда.

XII БОБ

СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ ТАРБИЯ

Сиёсий онг ижтимоий онг шаклларидан бири бў-
либ, шахснинг камол топиши ва ривожланишида му-
ҳим роль ўйнайди. Сиёсий жиҳатдан етук бўлган ҳар
бир инсон жамиятда ва ижтимоий ҳаётда фаол ишти-
рок этиш имкониятларига эга бўлади.

1. Сиёсий онг ижтимоий онгнинг алоҳида шакли

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари —
ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик онг шакллари сингари инсон-
нинг камол топиб бориш даражасини белгилайди. Сиё-
сий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан бир
вақтда шаклланиб ва ривожланиб боради. Ижтимоий
онгнинг бошқа шакллари сиёсий онгнинг шаклланиши
ва ривожланишига қанчалик таъсир этса, сиёсий онг
ҳам ўз навбатида ижтимоий онгнинг бошқа шаклла-

рига шунчалик кучли таъсир этади. Бу ҳол ижтимоий онг шакллари ўртасида чуқур алоқа, ўзаро таъсир ва диалектик бирлик амалда бўлишини кўрсатади.

Онг — сиёсий ҳодиса сифатида

Сиёсий онг кишиларда уларнинг жамиятнинг сиёсий ҳаётти ва сиёсий муносабатларида бўладиган ўзгаришларни ндрок қилиш, уларнинг моҳияти ва мазмунини англаб етиш ҳамда уларга у ёки бу даражада муносабат билдириш жараённида шаклланиб боради. Шунга кўра сиёсий онг сиёсий воқеъникни инсон тафаккурида модднийлашуви тарзида намоён бўлади.

Сиёсий онг инсон учун туғма хусусият эмас. У авлоддан-авлодга ўтмайди, қариндош-уруғчиликка, ворисликка ёки насл-насад хислатларига боғлиқ бўлмайди. Ота билан боланинг, aka билан уканинг сиёсий онглилиги бир хилда бўлмагани сингари, қариндош-уруғларнинг ҳам сиёсий онглигиги турлича даражада бўлади. Бир хил муҳитда ва шаронтда яшаган кишиларнинг сиёсий онглилик даражасидаги ҳар хилликнинг асосий сабаби, сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг инсон онгига турлича даражада таъсир этиши ҳамда кишиларнинг сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини турлича тушуниши, ндрок қилиши билан белгиланади. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган бирон-бир ўзгаришнинг моҳиятини турлича тушуниш ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга ҳар хил ёндашишлар ҳам сиёсий онгнинг ҳар хиллик даражасидан келиб чиқади.

Сиёсий онг ёки сиёсий онглиликнинг даражасини белгиловчи бош мезон—ҳар бир шахснинг сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиш қобилиятидир. Айрим кишилар мамлакатда ва халқаро майдонда рўй берадиган сиёсий ўзгаришларни жуда тез пайқаб оладилар, унга тўғри муносабат билдирадилар ва баҳо берадилар. Бундай кишиларнинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлардаги иштироки анча фаол бўлади.

Сиёсий онглилик кишиларни жамиятнинг ёшесий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида ҳаракатга келтириб турувчи маънавий куч ҳисобланади. Ана шу куч асосида жамият аъзолари сиёсий жараёнларда у ёки бу даражада қатнашадилар.

Сиёсий онг кишиларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқенин белгилаб беради. Унинг даражасига қараб кишилар сиёсий ҳаётда ва умуман жамият ҳаётида ало-

ҳида мавқега эга бўладилар. Сиёсий онглилик даражасининг ўсиб боришига қараб кишиларнинг сиёсий фаолликлари ошиб боради.

Бошқариш ва раҳбарлик лавозимларига кўтарилиш, ўзининг мансаб мавқенини сақлаб қолиш ёки уни ўзгартириб туришда сиёсий онг муҳим роль ўйнайди. Бироқ бундан сиёсий онги юқори бўлган киши бошқариш ва раҳбарлик ишларида ишлаши зарур деган хато хуносага келмаслик лозим. Чунки сиёсий билими юқори бўлган ҳар қандай киши ҳам бошқариш ва раҳбарликнинг ўзига хос мураккаб жиҳатларида қобилиятызиз бўлиши мумкин.

Сиёсий онг турли ижтимоий субъектлар: шахс, гурӯҳ, табақа, синфлар онгининг объектив борлиққа бўлган муносабатлари ва қарашлари мажмуасидан ташкил топади. Алоҳида олинган шахс томонидан сиёсий воқееликни англаш жараёни айни вақтда мазкур шахс мансуб бўлган ижтимоий гуруҳнинг сиёсий онги оқимига келиб қўшилади. Лекин унда у бутунлай ўзлигини йўқотиб юбормайди. Ҳар бир шахснинг сиёсий онги турли ижтимоий гуруҳларнинг онги билан мазмунан уйғуналашади, яъни кўпчилик шахсларнинг мақсад-манфаатлари билан қўшилади ва натижада умумий мониторинга эга бўлади.

Сиёсий ижтимоийлашув оқимида шаклланган сиёсий онг ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у мазкур ижтимоий гуруҳлар мақсад-манфаатлари ижтимоий-сиёсий ҳаёт жараёнида нисбатан мустақил характерга эга бўлади. Шундай қилиб, шахснинг сиёсий онгини шакллантириб, жамият сиёсий ҳаётида умумий мақсад-манфаатларга асосланган ягона сиёсатни вужудга келтиради. Шу тарика сиёсий онгнинг моддий ифодаси сифатида мазкур жамиятда сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсий жараёнлар оқими вужудга келади.

Ижтимоий онг шаклларининг бирлиги ва ўзига хослиги

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан шаклланниб боради. Бу ҳол ижтимоий онг шакллари ўртасида диалектик бирлик ва чуқур алоқа борлигини кўрсатади. Ижтимоий онг шакллари инсон тафаккури орқали умумлашади ва унинг маънавий ривожланишига хизмат қиласи.

Сиёсий онг ҳуқуқий онг билан чуқур алоқада ва диалектик бирликда бўлади. Жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларнинг қонунларда ифода қилиниши ва тартибга солиниши сиёсий моҳиятга эга бўлади. Чунки қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормаларнинг давлат томонидан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши унинг фаолияти сиёсий моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий онг сиёсий онгни ўзига хос даражада акс эттиради.

Фуқаролик ҳуқуқи, жиноятчилик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа шулар сингари турларида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганилади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида давлатнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига доир масалаларда сиёсий фаолият акс этади. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқий мазмунга эга бўлган масалалар инсон онгидаги сиёсийлашади ва сиёсий онгнинг ўсишига ёрдам беради. Ўз навбатида сиёсий моҳиятга эга бўлган масалалар ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ва ривожланиб боришида муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий онг ахлоқий онг билан ҳам чуқур алоқада ва диалектик бирликда бўлади. Ахлоқий нормаларнинг сиёсат субъектлари фаолиятида намоён бўлиши унинг сиёсий онг билан ўзаро алоқадорликка эга эканлигини кўрсатади. Ҳар бир шахс сиёсатнинг субъекти сифатида ахлоқнинг виждан, бурч, инсонийлик, садоқатлилик ва ахлоқнинг бошқа шулар сингари турларига муносабатда бўлади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. Ахлоқ нормаларининг инсон онгидаги ижтимоийлашиб бориши орқали у сиёсий онгга таъсир кўрсатади.

Ахлоқий онг сиёсий онгга қанчалик таъсир этса, ўз навбатида сиёсий онг ҳам ахлоқий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг идрок қилиши, жамиятда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатнинг ахлоқ нормаларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги инсоннинг онгли фаолияти орқали унинг ахлоқида намоён бўлади.

Ижтимоий онг шаклларининг бирліги ва алоқадорлиги сиёсий онгнинг эстетик онг билан ўзаро муносабатида ҳам намоён бўлади. Инсоннинг гўзалликка, ноzik дид, покиза ва озода бўлишга интилиши унинг

фақат табиат ва жамиятга муносабатини билдирибги-на қолмай, шу билан бирга унинг сиёсий воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларга бўлган муносабатида ҳам акс этади. Бунинг маъноси сиёсий ўзгаришларнинг гўзал бўлишини эмас, балки уларга инсоннинг ҳалол ва по-киза ҳис-туйғулар асосида муносабатда бўлишидан иборат. Шу жиҳатдан қараганда эстетик онг сиёсий онгнинг шаклланишига маълум даражада таъсир қилиб туради.

Эстетик онгнинг шаклланишида сиёсий онгнинг ро-ли ва аҳамияти ҳам каттадир. Сиёсий жиҳатдан онгли бўлган инсонда унинг эстетик диди, гўзалликка бўлган интилиши ва уларнинг идрок қилиниши ҳам кучли бўлади. Инсон сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг 'моҳиятини қанчалик чуқур тушуниб етса ва унга тўғри муносабат билдира олса, бу унинг эстетик қобилиятига ва унинг ўсишига муҳим таъсир кўрсатади.

Сиёсий онг ижтимоий онг шакллари билан қанчалик боғлиқ бўлса, ўз навбатида улардан фарқ ҳам қилади. Бу фарқ амалда сиёсий онгнинг нисбий мустақиллигини акс эттиради. Сиёсий онг асосан жамият аъзоларининг жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида бўладиган ўзгаришлар таъсирида шаклланади ва ривожланиб боради.

2. Сиёсий онгнинг шаклланиш хусусиятлари

Сиёсий онгнинг шаклланиши мураккаб диалектик жараёндир. Бу жараён жамият аъзоларининг жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида иштиrokeri, уларга бўлган муносабати орқали кечади. Ҳар бир давр сиёсий онгнинг шаклланишига ўзининг хусусиятларини киритади.

Сиёсий онг шаклла- нишининг объектив асослари ва моҳияти

Сиёсий онг жамият аъзоларида турли хил шароитларда ва турли йўллар билан шаклланади. Сиёсий онг шаклланишининг шароитлари инсон фаолият кўрсатадиган сиёсий тузумлар ва уларда рўй берадиган сиёсий ўзгаришларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агар кишилар жамиятнинг сиёсий жараёнларида фаол иштирок қилсалар ва бунинг учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлса, бундай ҳолда сиёсий онгнинг шаклланиш жараёни осон кечади. Бунинг маъ-

носи. шундаки, жамият аъзолари мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий тадбирларда: сайловлар, референдумлар, турли хилдаги анжуманлар ва йиғилишларда, митинглар, намойишларда иштирок этадилар. Бу тадбирларда жамият аъзолари шунчаки иштирок этиб қолмай, балки улар бу тадбирларнинг сиёсий мөҳиятини тушунишга, уни ўз онгода ифодалашга ҳарарат қиласидилар. Жамият аъзоларининг бундай тадбирларда мунтазам равишда иштирок этиши билан уларнинг онгода бу тадбирларнинг сиёсий мөҳияти тобора чуқурроқ англаб борилади. Бу имконият шахс сиёсий онгининг шаклланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қиласиди. Агар жамиятда тоталитар сиёсий тузум ҳукмрон бўлса, бундай шароитда жамият аъзоларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари бўғилади, улар сиёсий ҳаётдан бегоналашиб борадилар ва натижада уларнинг сиёсий фаолликлари сустлашади. Кишилар сиёсий фаоллигининг сустлашиб бориши уларнинг сиёсий онглилик даражасига таъсир этиш, унинг ривожланишини секинлаштиришга олиб келади.

Сиёсий онгининг шаклланишидаги муҳим шароитлардан бири — жамият аъзоларининг таълимнинг турли соҳаларида иштирок этишларидан иборат. Кишилар таълим жараёнида иштирок этиш билан ўзларининг билим даражаларини ошириб борадилар. Улар турли фан соҳасидаги билимлар билан бирга сиёсий фанлар берадиган билимлардан ҳам хабардор бўлиб борадилар. Билим олиш босқичма-босқич амалга оширилганлиги учун ҳам сиёсий билимлар таълим жараёнининг кеинги босқичларида кенг ҳажмда ўрганилади. Хусусан, ўрта ва олий таълим тизимида сиёсий билимларни олиш учун қулай шароитлар мавжуд бўлади: Бундай шароит дунёнинг ҳамма мамлакатларида мавжуд бўлиб, жамият аъзоларининг маълум бир қисми бу шароитдан баҳраманд бўлади.

Сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий жиҳатдан ўрганиш шахс сиёсий онгининг шаклланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки фан ҳар қандай сиёсий ўзгаришнинг сабаби ва мөҳиятини илмий жиҳатдан асосланган қоида ва холосалар асосида очиб беради. Фан исбот қилиб берган сиёсий билимларни эгаллаш шахс сиёсий онгининг даражасини ҳам белгилаб беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 55 та

олтий ва 246 та ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, уларда ярим миллиондан ошиқ талаба таълим олмоқда. Бу ўқув юртларининг барчасида сиёсий фанлардан ҳам билим берилмоқда. Ўқув юртларида олинаётган сиёсий билимлар мамлакатимиз ёшларининг кўпчилик қисми сиёсий онгининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Сиёсий билимларни ўрганувчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб боргани сари, мамлакатимизда аҳолининг сиёсий өнглилик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлиб боради.

Сиёсий онгнинг шаклланишидаги шароитлардан яна бири — жамият аъзоларининг сиёсий жараёнларда ва сиёсий муносабатларда иштирок этиши билан белгиланади. Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги кунда ҳам жамиятнинг ҳар бир аъзоси сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда у ёки бу даражада иштирок этади. У сиёсий мавзуларда бўладиган сұхбатларда, йиғилишларда қатнашиб, жамиятнинг сиёсий ҳасти ва сиёсий муносабатларида бўладиган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлади ва уларга ўз муносабатларни билдиради. Бундай воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар шахс онгига таъсир этиб, унда сиёсий онгнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиради.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрлар ва улар ишининг ташкил этилиши ҳам шахс сиёсий онгининг шаклланиши ва ривожланишидаги муҳим шароит ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда радио ва телевидение орқали хилма-хил эшиттиришлар берилади, миллионлаб нусхаларда газета, журналлар, илмий ва бадиий адабиётлар чоп қилинади. Буларда жамиятнинг сиёсий ҳаётида бўладиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларга доир муҳим хабарлар, илмий ва амалий маълумотлар берилади. Жамият аъзолари мунтазам равишда мамлакатда ва халқаро майдонда рўй бераётган сиёсий воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб борадилар. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам бундай ахборот ва маълумотлардан бир хилда хабардор бўлмасалар-да, ҳар ҳолда аҳолининг кўпчилик қисми бундай маълумотларнинг таъсирида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ва босма нашрлар орқали берилётган сиёсий маълумотлар, ахборотлар, илмий-назарий билимлар жамият аъзоларининг ва ҳар

бир шахснинг онгига таъсир этиб, уларнинг жамиятдаги сиёсий фаоллиги ошишига сабаб бўлади.

Кишилар сиёсий онгининг шаклланиши ва ривожланишини фақат жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида бўладиган ўзгаришларнинг натижалари билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Гарчи сиёсий ўзгаришлар сиёсий онгнинг шаклланишида биринчи асос ҳисобланса-да, аммо унга жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам кучли таъсир кўрсатади. Жамият ҳаётининг турли соҳаларига сиёсатнинг кучли таъсир этиши ва шу орқали жамият ҳаётидаги иқтисодий, маданий, социал ўзгаришларнинг сиёсий моҳият касб этиши кишилар сиёсий онгининг шаклланишида жамият ҳаётида рўй берадиган турли хилдаги ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлишини билдиради.

Сиёсий онг шаклланишининг хусусиятлари

Сиёсий онгнинг шаклланиши ижтимоий онгнинг барча шакллари сингарп умумий хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар ижтимоий онгнинг ҳар бир алоҳида шаклида намоён бўлади ва уларнинг моҳиятини очиб беради.

Сиёсий онгнинг шаклланиши объективлик ва субъективлик хусусиятига эгадир. Бунинг маъноси шундаки, сиёсий онгнинг шаклланиши, бир томондан кишиларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй берса, иккинчи томондан эса, у ҳар бир шахснинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг интилишлари ҳамда турли сиёсий омилларнинг фаолияти натижасига боғлиқ бўлади.

Сиёсий онгнинг шаклланишидаги объективликнинг моҳияти кишиларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши билан белгиланади. Жамият аъзоларининг сиёсий ўзгаришларида қандай иштирок этиши ёки уларга қандай муносабат билдиришидан қатъий назар, бу жараён объектив ҳодиса сифатида рўй беради. Сиёсий онгнинг шаклланиш жараёнини тўхтатиб қўйиш мумкин эмаслигининг ўзи ҳам унинг объектив хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши объектив жараён бўлиши билан бирга, у субъектив фаолиятнинг ҳам натижаси ҳисобланади. Ҳар бир шахс жамиятнинг ўзига хос субъекти сифатида сиёсий воқеа-ҳодисаларга маъ-

лум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, сайдовларда овоз бериш, йиғилишларда, мажлисларда сиёсий масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши ва бошқа сиёсий тадбирларда иштирок этиши билан шахс ўзининг сиёсий онглилик даражасини ўстириш имкониятига эга бўлади. Бу ҳол шахс сиёсий онгининг шаклланишидаги субъективликни ифода этади.

Сиёсий онгнинг шаклланишидаги субъектив хусусият бир шахснинг бошқасига сиёсий таъсир этиши билан ҳам белгиланади. Масалан, бир шахс иккинчи шахсга бирон-бир сиёсий воқеа-ҳодиса ёки ўзгаришнинг моҳиятини тушунтирганда иккинчи шахснинг онгидага у тушиниб етмаган сиёсий масала тўғрисида маълум даражада тасаввур ҳосил бўлади. Ана шундай ҳолатлар ҳам сиёсий онгнинг шаклланишидаги субъективлик хусусиятининг моҳиятини ифодалайди.

Сиёсий онгнинг шаклланишида субъективликнинг обьективлашуви ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бир кишининг сиёсий воқеа-ҳодисалар ёки ўзгаришлар ҳақидаги шахсий фикри турли йўллар орқали кўпчиликка таъсир этиб, унинг сиёсий онгидага обьективликка айланади. Демак, сиёсий онгнинг шаклланишига фақат обьектив жараён деб қараш мумкин эмас. Аксинча бу жараён субъектив фаолиятнинг натижаларига ҳам боғлиқдир. Шу жиҳатдан қараганда, сиёсий онгнинг шаклланиши обьектив ва субъектив обьективларнинг натижалари, обьектив ва субъективлик диалектикасининг амал қилиши асосида кечади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши алоҳидалик хусусиятига ҳам эга. Жамият аъзоларининг онглилик даражаси уларнинг сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни идрок қилиш қобилияти ҳар хил бўлганлиги учун ҳам сиёсий онг жамият аъзоларида алоҳида-алоҳида ҳолатларда, яъни индивидуал тарзда шаклланиб боради. Бунга инсонга хос бўлган табиий хислатлар ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бир хил шароитда ва бир хил имконият асосида бўлган икки кишининг сиёсий онглилик даражаси ҳар хил бўлади. Бир хилдаги ахборот, бир хилдаги илмий таълимот, улар қандай мазмунга эга бўлишидан қатъи назар, иккита шахс томонидан бир хил даражада қабул қилинмайди ёки идрок этилмайди. Хуллас, ҳар бир шахсга, унинг ҳаётти ва тақдирига хос бўлган хусусиятлар бетакор бўл-

ганлиги сабабли сиёсий онглилик ҳам жамиятнинг барча аъзолари учун умумий хусусият бўла олмайди.

Сиёсий онгнинг шаклланиши алоҳидалик билан бир вақтда умумийлик хусусиятига ҳам эга бўлади. Умумийликнинг моҳияти сиёсий онгнинг ижтимоий гуруҳлар фаолиятида намоён бўлиши билан белгиланади. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни англаш, идрок қилиш, уларнинг моҳияти ва мазмунини тушиниб етиш жараёни ишчилар, деҳқонлар зиёлилар, ёшлар, хотин-қизлар, сиёсий элита ва бошқа шулар сингари гуруҳларнинг фаолиятида умумий бир тарзда кечади. Бунда масаланинг моҳиятига ҳар бир ишчи, ҳар бир деҳқон, ҳар бир зиёли ёки бошқа гуруҳларнинг ҳар бир алоҳида вакили сифатида қаралмайди. Чунки умумийлик барча ишчилар, барча деҳқонлар, барча зиёлилар, барча ёшлар фаолияти орқали намоён бўлади. Бунинг сабаби шундаки, барча ишчилар, барча деҳқонлар ва бошқа барча ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий онглилик даражаси деярли ўзаро яқин бўлади.

Сиёсий онглиликнинг кўпчилик фаолиятида намоён бўлиши умумийликнинг моҳиятини ифода этади. Ижтимоий гуруҳларнинг меҳнат ва турмуш шароитларидаги, касб-корлик ва машғулот турларидаги умумий шароитлар уларнинг онглилик, шу жумладан сиёсий онглилик даражасига ҳам таъсир этади.

Ҳар қандай жамиятда ҳам ҳамма ишчилар ёки ҳамма деҳқонлар, ёки бошқа ижтимоий гуруҳлар учун умумий шароитлар мавжуд бўлади. Шунга кўра жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш ҳам жамиятнинг алоҳида гуруҳлари учун умумий хусусиятга эгадир.

Жамият аъзолари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани сингари унинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари соҳасида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бир лаҳзада англаб ололмайдилар. Бу кишилар онгига аста-секинлик билан сингиб борадиган жараёндир. Бундан ташқари сиёсий воқеа-ҳодисалар жамият тараққиётининг алоҳида бир босқичига хос бўлган хусусият эмас. Жамият ривожланар экан, унинг сиёсий ҳаётида янгидан-янги воқеа-ҳодисалар рўй бериб туради. Бу узлуксиз жараён бўлиб, у аста-секинлик билан

кишилар онгига таъсир эта боради. Ана шу икки ҳолат шахс сиёсий онгининг шаклланишидаги аста-секинлик хусусиятини ифода этади. Сиёсий онгининг шаклланишига хос бўлган аста-секинлик хусусияти сиёсий онгнинг узоқ йиллар давомида ўсиб, ривожланиб боришини ифода этади.

Сиёсий онгининг шаклланишига хос бўлган хусусиятлардан яна бири ўзгарувчанликдир. Жамият сиёсий ҳаётининг ривожланиши бир ерда тўхтаб қолмагани сингари, сиёсий онг ҳам бир хил даражада қотиб қолмайди, балки янги сиёсий ўзгаришлар таъсирида ўзгариб, ривожланиб боради.

Эски сиёсий тасаввурларнинг янгилари билан алмасиб бориш жараёни шахс сиёсий онгининг ўзгариб боришини ифода этади. Масалан, Октябрь инқилоби, коммунистик партия ва ишчилар синфининг раҳбарлик роли тўғрисидаги эски тасаввурларнинг ўзгариши кўпгина сиёсий масалаларга янгича ёндашишларни вужудга келтирди ва бу ҳол кишилар сиёсий онгининг ўзгаришига маълум даражада таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда халқаро майдонда рўй берган кўплаб сиёсий ўзгаришлар ҳам сиёсий онгдаги эскича тасаввурлардан воз кечишга олиб келди.

3. Сиёсий тарбия ва унинг асосий йўналишлари

Сиёсий тарбия инсонни маънавий жиҳатдан камол топтиришнинг таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб жараёндир. Сиёсий гарбия серқирра жараён сифатида инсон фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Инсоннинг жамиятдаги ҳаракатлари ва муносабатлари унинг сиёсий жиҳатдан қай даражада тарбияланганлигига боғлиқ бўлади.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг барча шакллари сингари инсоннинг қобилият ва талантини намоён қиласи, унинг мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга тўғри муносабатда бўлишини шакллантиради. Сиёсий тарбиянинг жамият учун аҳамияти унинг амалий натижалари билан белгиланади.

Сиёсий тарбия—ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми

Тарбия жараёни ниҳоятда мураккаб ва серқирра бўлиб, унинг даражаси чексиздир. Тарбия жараёни инсоннинг ёш-

лик йилларидан токи ҳаётининг охиригача бўлган узоқ даврни ўз ичига олади. Тарбия жараёни жамиятда рўй берганлиги сабабли, у ижтимоий моҳиятга эга бўлади ва турли хил шаклларда амалга оширилади. Менгнат тарбияси, ахлоқий тарбия, сиёсий тарбия, ҳуқуқий тарбия, эстетик тарбия, ғоявий тарбия, жисмоний тарбия ижтимоий тарбиянинг алоҳида шакллари ҳисобланади. Тарбиянинг бу хилма-хил шакллари инсоннинг бутун фаолияти давомида амалда бўлади ва унинг ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан камол топишига ёрдам беради.

Ижтимоий тарбиянинг барча шакллари ўзаро боғлиқ ҳолда кечади ва ҳар бир кишига турлича таъсир кўрсатади. Ижтимоий тарбиянинг ҳар бир шакли ўзиға хос усуллар ёрдамида амалга оширилади ва маълум вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг барча шакллари билан бир вақтда ва улар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Жамият аъзолари аввал сиёсий жиҳатдан, сўнг ҳуқуқий жиҳатдан, ундан кейин ахлоқий ёки эстетик жиҳатдан тарбияланмайди. Бундай кетма-кетлик ҳодисаси инсоннинг фаолиятига, унинг камол топиши ва ривожланишига хос хусусият бўлолмайди.

Сиёсий тарбия ўз навбатида ижтимоий тарбиянинг бошқа шаклларидан фарқ ҳам қиласи ва унинг натижалари инсоннинг ривожланишига турлича таъсир этади. Агар ҳуқуқий тарбия асосида жамият аъзолари томонидан жамиятда мавжуд бўлган қонунларнинг, ҳуқуқий нормаларнинг моҳиятини англаб етиш, уларнинг мазмунини тушуниш ва уларга риоя қилиш зарурлигини англаб назарда тутилса, сиёсий тарбия орқали эса, жамият аъзоларининг мамлакатда ишлаб чиқладиган ва амалга ошириладиган сиёсатга тўғри муносабатда бўлишларини ана шу асосда сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари кўзда тутилади. Ижтимоий тарбиянинг бошқа шакллари ҳам жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларнинг кишилар онгига турли томондан ва айни пайтда ўзига хос даражада сингдирилишини акс эттиради.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми сифатида жамиятнинг объектив әҳтиёжларидан келиб чиқади. Ҳар бир жамият унда қандай сиёсий тузум ҳукмрон бўлишидан қатъи назар, сиёсий тарбия у ёки бу даражада амалга оширилади. Барча сиёсий

тузумларда ҳам жамият аъзоларини унда амалга оширилаётган сиёсатга садоқат руҳида тарбиялашга ёки бу сиёсатни улар онгига сингдиришга ҳаракат қилинган.

Сиёсий тарбиянинг ижтимоий моҳиятга эга бўлиши унинг жамият аъзоларига йўналтирилганлиги билан белгиланади. Бу сиёсий тарбиянинг индивидуал тарзда олиб борилмаслигидан келиб чиқади. Ҳар қандай жамиятда ҳам сиёсий тарбия алоҳида шахслар учун ишлаб чиқилмайди. Сиёсий тарбия кўпчиликнинг манфаатларини кўзда тутганлиги учун ҳам ижтимоий моҳият касб этади.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг таркиби қисмларидан бири эканлигини сиёсатнинг жамият аъзолари онгига ижтимоийлашиб бориши мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин. Жамият аъзоларининг сиёсатга бўлган муносабатлари уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш орқали ҳам ижтимоий моҳият касб этади. Чунончи, жамият аъзолари мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдириш орқали унга таъсир қиласидилар. Анашу таъсир жамият аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг таркиби қисми сифатида мустақилликка эга бўлади. У ижтимоий тарбиянинг бошқа шакллари билан батамом қўшилиб кетмайди. Бинобарин, сиёсий тарбияга хос бўлган алоҳидалик унинг ўзига хослигини акс эттиради.

Сиёсий тарбиянинг зарурлиги

Сиёсий тарбия ўзининг объектив зарурият эканлиги билан белгиланади. Ижтимоий тарбиянинг барча шакллари сингари сиёсий тарбия ҳам жамият ва унинг ривожланиши учун ниҳоятда зарурдир. Чунки жамият аъзолари сиёсий жиҳатдан қанчалик юқори даражада тарбияланган бўлсалар, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил муаммоларини ҳал этишда шунчалик катта имкониятларга эга бўладилар.

Сиёсий тарбия инсоннинг ўзи учун ҳам, ўнинг камол топиши ва ривожланиши учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Сиёсий жиҳатдан яхши тарбияланган киши айрим ҳолларда учраб турадиган сиёсий эҳтиросларга берилиб кетмасдан ўзини тия олади, ҳар хил сиёсий ўйинлар, сиёсий бузғунчиликларга холисона баҳо беради, сиё-

сий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда босиқлик өнлан қатнашади.

Сиёсий тарбия кишиларга уларнинг ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг моҳиятини тўғри англаб олишларига катта ердам беради. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги муаммоларни билиб бориш нуқтаи-назаридан ҳам сиёсий тарбия жамият аъзолари учун ниҳоятда зарурдир.

Давлатнинг жамиятда самарали фаолият кўрсатиши учун ҳам сиёсий тарбиянинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам давлат ўзининг тарбиявий функцияси асосида сиёсий тарбияга алоҳида эътибор беради. Давлат фуқароларни тарбия қилишда уларнинг сиёсий жиҳатдан етук бўлишларига, уларнинг давлат олиб бораётган сиёсатнинг моҳиятини чуқур англаб етишларига ҳаракат қиласди.

Давлат ўз ихтиёрида бўлган таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрлардан фойдаланиб, жамият аъзоларини сиёсати таъсирига тортишга ҳаракат қиласди. Жамият аъзолари давлат сиёсатининг моҳияти ва мазмунини қанчалик кўп тушуниб ва англаб борсалар, бу уларнинг сиёсий тарбиясига у ёки бу даражада таъсир этиб боради. Айрим мамлакатларда фуқароларнинг давлат сиёсатига билдирадиган ишончсизлиги кўп жиҳатдан уларнинг давлат олиб бораётган сиёсатнинг моҳиятини тушуниб етмасликлари сабабли рўй беради.

Сиёсий тарбиянинг зарурлигини инсонни маънавий жиҳатдан камол топтиришнинг эҳтиёжлари ҳам тақо佐 этади. Ҳар бир инсон жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши учун ақлан етук, жисмонан соғлом, аҳлоқий ва эстетик фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур. Жамият аъзоларида бу сингари фазилатларни шакллантиришда сиёсий тарбиянинг ҳам аҳамияти каттадир. Чунки сиёсий тарбиялаш орқали кишилар томонидан уларнинг фақат сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаб етишга эришиши эмас, шу билан бирга улар тафаккури ва ижтимоий-сиёсий оғзининг ўсишига ҳам эришиш кўзда тутилади. Бу объектив зарурият сифатида сиёсий тарбиянинг муқаррарлигини ифода этади.

Сиёсий тарбиянинг зарурлиги ва муқаррарлиги унинг даражаси билан белгиланмайди. Чунки жамият аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш қандай усуллар

ва воститалар ёрдамида, қандай сиесий күчлар томонидан амалга оширилишидан қатын назар, ҳар бир мамлакатда у ёки бу даражада олиб борилади. Сиёсий тарбия ишлари яхши ташкил этилган мамлакатларда унинг амалий натижалари ҳам самарали бўлади.

Сиёсий тарбиянинг зарурлиги унинг таърифини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг маъноси шундаки, сиёсий тарбияга бериладиган илмий таърифа унинг жамият учун объектив зарурият эканлиги ўз ифодасини топади.

Сиёсий тарбия — жамият аъзоларида сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалий фаолият бўлиб, унинг ёрдамида сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда бўладиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни жамият аъзолари томонидан у ёки бу даражада англаб этилади ва уларда сиёсатга онгли муносабатда бўлиш қобилияtlари шакллантирилади.

Сиёсий тарбиянинг зарурлиги, айниқса, буюк шахслар, сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарликка масъул бўлган кишилар фаолиятида аниқ намоён бўлади. Буюк шахслар ва юқори мартабали лавозимдаги кишиларнинг сиёсий жиҳатдан тарбияланган бўлиши уларнинг сиёсий масалаларни ва бошқариш ишларини босиқлик билан ҳал этишларида муҳим маъно ва аҳамият касб этади. Мамлакатда сиёсий жиҳатдан тарбияланган раҳбар кадрлар қанчалик кўп бўлса, бундан жамият катта наф кўради.

Жамият ўз аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш билан бирга улар олдига юксак мажбуриятлар ҳам қўяди. Бу масъулият жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан чуқур ҳис этилмоғи керак. Хусусан, раҳбарлик лавозимидағи кишилар учун сиёсий тарбиянинг аҳамиятини ҳис этиш ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек, «Раҳбарлик лавозимиға кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси — уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиқсан ҳалқига сидқидилдан хизмат қилиш»dir.¹

¹ И. А. Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т., «Ўзбекистон», 1993, 30-бет.

Мақсад ва вазифалари Жамиятда мақсадсиз бирон-
бир ҳаракат бўлмайди. Бундай
ҳаракатларнинг натижалари қандай бўлишидан қатъи
назар, у англанган бир мақсадга эришишини кўзда ту-
тади. Бу умумий қоида ижтимоий тарбиянинг барча
шакллари сингари сиёсий тарбияга ҳам дахлдордир.

Жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялашдан
кузатилган асосий мақсад — кишиларнинг мамлакатда
ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган сиёсатга
онгли муносабатда бўлишларига эришиш ва уларнинг
сиёсий онглилик даражасини ошириб боришдан иборат.
Бу мақсадга эришиш ўз-ўзича рўй бермайди. Бунинг
учун сиёсий тарбияни амалга оширишга дахлдор бўл-
ган мураккаб вазифаларни ҳал этиш талаб қилинади.

Кишиларни сиёсатга онгли муносабатда бўлиш ру-
ҳида тарбиялаш сиёсий тарбиялашдан кузатилган асо-
сий мақсад бўлса-да, бироқ унга ҳамма вақт ҳам бир
хил мунисабатда бўлинмайди. Бунинг асосий сабабла-
ридан бири айрим сиёсий кучларнинг жамият аъзола-
рининг сиёсий фаоллигини оширишдан манфаатдор
бўлмаслиги билан белгиланади. Бундай кучлар киши-
ларнинг эътиборини сиёсатдан чалғитишга, уларнинг
сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда қатна-
шишига иложи борича имкон бермасликка ҳаракат
қиладилар. Бундай кучлар учун аҳолини сиёсий руҳда
тарбиялашдан кўра, уларни ўзлари учун мъækýл бўл-
ган сиёсатга бўйсундириш муқаддас ҳисобланади.

Айрим мамлакатларда аҳоли кенг қатламларининг
сиёсатга лоқайдлик билан мунисабатда бўлиши у мам-
лакатларда сиёсий тарбия соҳасидаги ишларнинг суст
олиб борилиши билан белгиланади. Баъзи сиёсий куч-
ларнинг сиёсий тарбия масаласига тўғри ёндашишлари
ҳам жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялаш со-
ҳасидаги ишларни мураккабластиради.

Собиқ Иттифоқ даврида сиёсий тарбияга бир томон-
лама ёндашиб келинган эди. У даврда жамият аъзо-
ларини сиёсий руҳда тарбиялашдан кузатилган асо-
сий мақсад кишилар онгига коммунистик партия иш-
лаб чиқсан ва амалга оширган сиёсий йўлнинг моҳия-
ти ва мазмунини сингдиришдан иборат бўлган эди.
Жамият аъзоларини коммунистик партия олиб борган
сиёсатга ишонтириш ва буни кишилар онгига сингди-
риш сиёсий тарбия соҳасида эришилиши зарур бўлган
асосий мақсадлардан бири бўлган эди.

Сиёсий тарбияга бир томонлама ёндашиш жамият-да кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки жамият аъзоларини хато ва зарарли сиёсатга ишонтиришга уриниш уларни сиёсий жиҳатдан нотўрғи тарбиялаш билан бирга уларнинг сиёсий онгини заҳарлашга ҳам сабаб бўлади.

Сиёсий тарбияни самарали олиб бориш бу соҳада маълум вазифаларни бажаришни тақозо этади. Сиёсий тарбия соҳасидаги вазифалар барча мамлакатлар учун умумий ҳодиса бўлолмайди. Бунинг сабаби шундаки, дунёнинг турли мамлакатларида сиёсий ўзгаришларнинг кечиши ўзига хос даражада бўлади. Шунингдек ҳар бир мамлакатда сиёсий тарбиядан кузатилган мақсадлар ҳам алоҳидаликка эгадир. Шунга кўра, бир мамлакатда сиёсий тарбия соҳасида амалга оширилаётган вазифа айни пайтда бошқа мамлакатда ё ҳал қилинган ёки келажакда ҳал қилиниши мумкин бўлади. Бундан чиқадиган қатъий хулоса шундаки, сиёсий тарбия соҳасидаги вазифалар ҳар бир мамлакатнинг аниқ шарт-шароитлари ва имкониятларидан келиб чиқади.

Лекин шунга қарамай, сиёсий тарбия соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларда умумийлик ҳодисаси ҳам мавжуд бўлади. Сиёсий тарбия соҳасида амалга ошириладиган у ёки бу вазифа бошқа мамлакатлардагидан батамом фарқ қилмайди. Уларда кўплаб ўхшаш, умумий томонлар мавжуд бўладики, бу сиёсий тарбияни амалга ошириш соҳасидаги вазифаларни уларнинг барча мураккабликлари билан боғлиқ ҳолда аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Хозирги босқичда жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялаш соҳасидаги вазифалар жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

— жамият аъзоларининг сиёсий онглилик даражасини изчиллик билан ошириб бориш;

— сиёсий ахборотнинг самарадорлигини ошириш, жамият аъзоларини мамлакатда ва ҳалқаро майдонда рўй бераётган сиёсий ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиб туриш;

— ҳар бир мамлакатда давлат сиёсатининг моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага тўғри тушунтириб бориш;

— меҳнат жамоаларида сиёсий мавзуларга доир амалий тадбирлар ўтказиб туриш ва уларда жамоа аъзоларининг фаол иштирок қилишлари учун зарур

бўлган шарт-шаронтлар ва имкониятларни яратиш;

— мамлакатнинг миллй мустақиллиги ва суверенитетига қарши бўлган сиёсатни тарғиб қилишга ва уни жамият аъзолари онгига сингдиришга қаратилган сиёсий фаолиятга йўл қўймаслик.

Бу вазифаларнинг ҳар бири ҳар бир мамлакатнинг ички имкониятлари ва унинг шарт-шаронтларидан келиб чиқсан ҳолда турли хил усусларда ва турли йўллар билан ҳал этиб борилади.

Ҳозирги пайтда бизнинг мамлакатимизда жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялаш соҳасидаги вазифалар ҳам ана шу вазифаларга мос келади. Бу вазифаларнинг умумий ва ўзига хос томонлари Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида аниқ баён қилиб берилган бўлиб, уларни ўрганиш орқали мамлакатимизда сиёсий тарбия соҳасидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлинади. И. А. Каримов ҳозирги кунда жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялашнинг зарурлиги ва аҳамиятини қайд этиш билан бирга, ўзининг кўпчилик асарларида бу вазифаларнинг ҳар бири тўғрисида муҳим фикрларни баён қилиб берган. Президент И. А. Каримов ўзининг «Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик» асарида ҳозирги босқичда жамият аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялашда мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири халқимизда миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтиришдан иборат, деб алоҳида таъкидлаган эди.¹

Сиёсий тарбиянинг усуллари ва воситалари

Ижтимоий тарбиянинг бошқаллари сингари сиёсий тарбияга ҳам турлича ёндашилади. Бундай ёндашувларни, бир томондан, сиёсий тарбияни самарали олиб бориш эҳтиёжлари тақозо этса, иккинчи томондан эса, у сиёсий тарбияга дахлдор күчларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади. Сиёсий тарбияга ҳар хил ёндашишлар айни пайтда унинг усуслари ҳисобланади ва улардан жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялашда турли даражада фойдаланилади.

Сиёсий тарбиянинг асосий усусларидан бири — ишон-

¹ И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Узбекистон», 1994, 20-бет.

тириш усулидир. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти ўзи амалга оширадиган сиёсатга ёки унинг учун маъқул бўлган сиёсий ўзгаришларга жамият аъзоларини ишонтиришга ҳаракат қиласди. Бу усул ҳар қандай сиёсий тузумда ҳам жамият аъзоларига сиёсий таъсир кўрсатишининг энг самарали усули бўлиб келган. Чунки кишиларда сиёсатга бўлган ишонч қанчалик ортиб борса, бу уларнинг сиёсий тарбиясида шунчалик муҳим ахамият касб этиб боради.

Ишонтириш усулининг натижалари жамият аъзоларининг сиёсий онглилик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сиёсий онглилик даражаси юқори бўлган ҳар бир киши мамлакатда рўй берадиган сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тез ва тўғри англаб етади ва унга холисона баҳо беради, тўғри муносабат билдира олади. Бундай шаронтда сиёсий тарбия соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятлари ҳам кенгаяди. Сиёсий онглилик даражаси паст бўлган кишиларга сиёсий таъсир кўрсатиш анча қийин кечади, чунки бундай кишилар сиёсий ўзгаришларнинг моҳияти ва сабабларини тўғри англаб етишда бир мунча қийинчиликларга дуч келадилар. Уларда бундай қобилиятни шакллантириш ва -кучайтиришда сиёсий тарбиянинг ишонтириш усулидан кенг қўлланиш талаб қилинади.

Сиёсий тарбияда жамият аъзоларига сиёсий таъсир этиш усулидан ҳам фойдаланилади. Бу усулининг афзalлиги шундаки, унинг ёрдамида кишилар жамиядада рўй берадиган ўзгаришлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар.

Сиёсий тарбияда намуна бўлиш усулидан ҳам фойдаланилади. Бу усул ёрдамида айрим шахсларнинг сиёсий онглилиги ва фаоллиги бошқаларга ибрат бўлади. Инсонда яхши нарсаларга интилиш ҳисси кучли бўлганлиги учун ҳам уларга айрим кишиларнинг сиёсий етуклик хислатларини намуна қилиш орқали тарбия берилади. Бу усул ҳам жамият аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялашда жуда қўл келади.

Сиёсий тарбия соҳасида қўлланиладиган усуллар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Сиёсий тарбияни мавжуд усуллар асосида олиб борища хилма-хил въситалардан фойдаланилади. Радио, телевидение, босма нашрлар, сиёсий адабиётлар, музейлар, сиёсий мавзуларга доир бадиий ва ҳужжатли фильмлар жамият аъзоларини сиёсий руҳда тарбиялашнинг асо-

сий воситаларни ҳисобланади. Бироқ ҳамма мамлакатларда ҳам сиёсий тарбия ишларида бу воситалардан тўғри ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмайди. Айни пайтда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидан рўй берадиган ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни бузиб, сохталаштириб талқин қилинади. Бу ҳол жамият аъзолари онгиға салбий таъсир этиб, уларни сиёсий руҳда тарбиялашда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради.

XIII БОБ

МАДАНИЙ СИЁСАТ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Сиёсат ижтимоний ҳодиса сифатида жамиятнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг таъсирида жамиятнинг маданий ҳаётида рўй берадиган хилма-хил муаммолар ҳал қилинади ва муҳим ўзгаришлар амалга оширилади. Сиёсат таъсирида маданий соҳадаги ўзгаришлар қандай натижаларга олиб келишидан қатти назар, у маданий сиёсатнинг жамият маънавий ҳаётида намоён бўлишини акс эттиради.

Жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ёки бирон-бир ўзгариш ўзидан рўй бермайди. Бу умумий қонди жамиятнинг маданий ҳаётига ҳам бевосита дахлдордир. Бинобарин, ҳар бир халқнинг маданияти, аввало, шу халқ истиқомат қилаётган мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатга, унинг натижаларига боғлиқ бўлади.

1. Маданий сиёсат ва унинг ривожланиш хусусиятлари

Маданий сиёсат—субъектларининг жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳасидаги назарий ва амалий фаолияти, улар ҳаракатининг натижалари ва оқибатларидан иборат объектив жараёндир. Бу жараён кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ва дунёning турли мамлакатларида ўзига хос даражада кечади. Сиёсатнинг маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши маданий сиёсатнинг моҳиятини ташкил этади.

**Маданий сиёсатнинг
моҳияти ва мазмуни**

Маданий соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқиш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки

жамиятнинг маданий ҳаётини бошқарниш, унда кечадиган хилма-хил муносабатларни тартибга солиш ва англанган мақсадга йўналтириш маданиятни ривожлантириша мұхим роль ўйнайди.

Маданий сиёсат сиёсатнинг бошқа турлари, кўри-нишлари ва шакллари сингари ўзининг аниқ мазмунини, моҳияти ва хусусиятларига эга. Маданий сиёсатнинг моҳияти ва хусусиятлари унинг мазмунидан келиб чи-қади ва унга боғлиқ бўлади. Маданий сиёсатнинг маз-мунидаги бўладиган ҳар қандай ўзгариш унинг моҳияти ва хусусиятларида акс этади.

Сиёсатнинг жамият маънавий ҳаётидаги ифодаси маданий сиёсатнинг мазмунини ташкил этади. Унинг мазмунин орқали жамиятнинг маданий ҳаётидаги амалга ошириладиган ўзгаришлар ифодаланади. Бу ўзгаришларда маданий соҳадаги сиёсатнинг ўрни ва роли тур-лича бўлади. Бунинг маъноси шундаки, маданий со-ҳада олиб бориладиган сиёсат ҳамма мамлакатларда ҳам бир хил натижага ва оқибатларга олиб келмайди. Ҳар бир мамлакатнинг маънавий ҳаётига хос бўлган шарт-шароитлар маданий соҳада ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатга ўзининг хусусиятини киритади.

Маданий сиёсат мазмунан кенг қамровли бўлиб, у, бир томондан, жамиятнинг маданий ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни ва, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги ўрни ва ролига доир масалаларни ўзида ифода қиласди. Бу масалалар ўзаро боғлиқ ҳолда маданий сиёсатнинг назарий ва амалий асосларини ташкил этади.

Маданиятнинг ички ва ташқи сиёсатда ифодала-ниши, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги ва-зифаларни ҳал қилишдаги фаолияти, сиёсий бошқариш ва раҳбарликнинг маданий соҳада амал қилиши, ма-даниятнинг ҳалқаро сиёсий муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши, ҳалқаро сиёсий ташкилотларнинг маданий соҳада олиб борадиган фаолиятига доир ва бошқа шуларга ўхшаш сиёсий фаолият ва сиёсий муносабатлар билан боғлиқ хилма-хил масалалар маданий сиёсатнинг мазмунини ташкил этади.

Маданий масалаларга дахлдор миллний ва ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжатлар: конституция-

лар, давлатларапо ва ташкилотларапо ҳужжатлар, деклорациялар, баёнотлар, фармонлар, дастурлар, ҳукуматлар томонидан қабул қилинадиган қарорларда ифодаланадиган масалалар ва мавзулар ҳам маданий сиёсатнинг мазмунини ифодалайди.

Маданий сиёсатнинг мазмунида жамиятнинг маданий жиҳатдан ривожланиш эҳтиёжлари ҳам акс этади. Жамиятнинг маданий ривожланиш эҳтиёжлари хилма-хил бўлганлиги сабабли, бу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган сиёсатнинг бутун йўналиши маданий сиёсатнинг мазмунида ўз аксини топади.

Маданий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири бир хилда бўлмаганлиги унинг маданий соҳага қиласидиган таъсирида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлади. Бундай ўзига хослик маданиятнинг жамият ҳаётида алоҳида хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади.

Маданий сиёсатнинг алоҳида хусусиятлари, бир томондап, жамиятнинг маданий жиҳатдан ривожланганлик даражасига ва, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг миллий маданиятга бўлган муносабатлари билан белгиланади. Бунинг маъноси шундаки, маданий ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлarda маданий сиёсатнинг амалга оширилиш имкониятлари бир мунча кенг бўлиб, унинг натижалари ҳам самарали бўлади. Маданий жиҳатдан ривожланиш даражаси қолоқ ҳолатда бўлган мамлакатлarda эса, маданий сиёсатнинг амалга оширилиши анча қийин кечади. Бу ҳодиса, хусусан, жамият аъзоларининг саводхонлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агар мамлакатдаги аҳолининг саводхонлик даражаси юқори бўлса, бундай шароитда улар маданият соҳасида ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган ўзгаришларнинг сабаблари ҳамда уларнинг моҳиятини ўз вақтида пайқаб оладилар ва унга ўз муносабатларини билдириш имкониятларига эга бўладилар. Борди-ю, аҳолининг саводхонлик даражаси паст бўлса, бундай шароитда маданий соҳадаги сиёсат ўзининг самарали натижасини бермайди. Бу ҳол сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги фаоллигига ҳам кучли салбий таъсир кўрсатади.

Маданий сиёсатнинг моҳияти унинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Унда

жамият аъзоларининг иродаси ва мамлакатнинг маданий истиқболи етакчи ўринни эгаллайди. Агар маданий сиёсат кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилса, бундай шароитда маданий соҳада амалга ошириладиган сиёсатнинг жамият учун фойдаси беқиёс даражада катта бўлади. Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Узбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлиланган тантаналарда сўзлаган нутқида мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган маданий сиёсатнинг моҳиятини қўйидагича таърифлаб кўрсатган эди: «Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмуни шуки, юртимизда яшаётган барча меҳнат вакилларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга, уларнинг давлат тузумлари ишида ва жамоат турмушида фаол қатнашишга кафолат берилади».¹

Маданият соҳасидаги сиёсат масаласи кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу масала кишилик жамияти тараққиётининг барча давларида ва дунёning барча мамлакатларида узоқ йиллардан бўён мавжуд бўлиб келмоқда. Бу масала жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, социал ва маънавий ҳаёт соҳаларидаги долзарб муаммолар сингари барча замонларда муҳим аҳамият касб этиб келди. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги кўплаб мутафаккирлар, давлат арбоблари маданий соҳада олиб борилган сиёсат масалаларига алоҳида эътибор билан қараб келганлар. Қадимги юонон файласӯфи Арасту ўзининг «Сиёсат» асарида қадимги қулдорлик давлатларида жамиятнинг маданий ҳаётида амалга оширилган ишлар давлат сиёсатида етакчи ўринни эгаллаши лозимлигини, давлат бошлиғи ва унинг амалдорлари жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор масалаларга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишлари лозимлигини кўп марталаб таъкидлайди.

Улуг бобокалонимиз Амир Темур ўзининг бунёд этган марказлашган давлатида маданий соҳада жуда катта ишларни амалга оширганлиги бугунги кунда кўпчиликка маълумдир. У ўзининг маданий соҳада олиб борган сиёсатида мамлакатни юксакликка кўта-

¹ И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., «Узбекистон», 1994, 71-бет.

риш, бунинг учун илм-маърифатга, маданият ўчоқлари ва маданий обидалар қуришга кенг йўл очиб берди. Бу ҳақда у ўзининг «Темур тузуклари»да шундай ёзган эди: «Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ, масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қиласинлар...»¹

Амир Темурнинг маданий соҳада олиб борган сиёсати амалда қандай натижаларга олиб келганлигини венгер тарихчиси X. Вамбери қўйидагича таърифлайди: «Нақадар ваҳший этиб тасвирланган жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва маъмурий асарлари далиллар. Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этса-да, масалан, Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Ҳазрат Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида бино қилдирса-да, лекин ўзининг буюк саҳоват ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий асарларни қурдиришда кўрсатди»...²

Амир Темурнинг маданий соҳада олиб борган сиёсати кейинчалик Ўлугбек, Бобир Мирзо, Ақбаршоҳ, Шоҳжаҳон, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий сингари буюк олим ва давлат арбоблари томонидан давом эттирилади.

Маданий сиёсатга доир масалалар IX—X асрларда Урта Осиёда яшаган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фаробий, Имом ал-Бухорий, ибн Сино, Берунийларнинг сиёсий қарашларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Улар ўтмишда ва ўзлари яшаган даврда мамлакатда олиб борилган маданий соҳадаги ишлар тўғрисида, подшоҳлар, ҳукмдорларнинг бу соҳада олиб борилган сиёсатга кўрсатган таъсирлари ҳақида ва маданий соҳани ривожлантириш учун қандай йўл тутилиши тўғрисида муҳим ғояларни илгари сурган эдилар.

Маданий масалалар ва бу соҳада олиб борилган сиёсатнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари барча замонларда яшаган мутафаккирларнинг назаридан четда қолмаган. Аммо уларнинг ҳар бири маданий сиёсат масаласини таҳлил қилишга ўз даврининг шартшароитлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда

¹ Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи. Т., F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

² Темур тузуклари. Т., F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 100-бет.

ёндашганлар. Шунинг учун ҳам биз. ўтмишда яшаган мутафаккирлар маданий сиёсат масалалари билан бевосита шуғулланганлар ва бу масалалар ҳақида муҳим назарий хulosаларни ишлаб чиққанлар, деган қатъий фикрга келмаслигимиз лозим. Улар асосай ўтмишда ва ўzlари яшаган даврда мамлакатнинг маданий ҳаётига доир қилинган ишлар тўғрисида хабар бердиларки, ана шундай хабарларда, шубҳасиз, мамлакатда маданий соҳада олиб борилган сиёсат билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган эди.

Ўтмишда маданий соҳада олиб борилган сиёсатда кўплаб ноxуш ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар ҳам рўй берган. Тарихий тараққиётнинг айrim даврларида маданият таназзулга юз тутган, ношуд ҳукмдорлар ва давлат бошлиқлари мамлакатни маданий жиҳатдан ривожлантиришга эътиборсизлик билан қараган, халқ оммасини маърифатли бўлишга интилмаган ва айrim ҳолларда бунга тўсқинлик ҳам қилишган. Бунинг устуга мамлакатнинг маданий бойликларини кўпайтириш ўрнига, унинг талон-тарож қилинишига қаратилган сиёсий йўл ҳам амалга оширилган. Ўрта Осиёда салжуқийлар, фазнавийлар, шайбонийлар ҳукмронлик қилган йилларда маданий соҳада олиб борилган сиёсат кўплаб ноxуш ҳолатларни келтириб чиқарган. Улар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқларининг маданий соҳадаги эҳтиёжлари назар-писанд қилинмаган, маориф, фан, адабиёт, санъат соҳалари таназзулга юз тута бошлаган.

Маданий сиёсат соҳасидаги бундай салбий ҳолатлар Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинган йилларда ҳам, хатто собиқ СССР даврида ҳам рўй берган. Чор Россияси амалдорлари ўлкада маданий тарқоқликни кучайтиришга, ерли миллат халқларини тутқунлик ва итоатда сақлашга уриниб, уларни илм-маърифатли бўлишга қарши турганлар. Шунинг учун ҳам улар Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсатида маданий соҳада бирон-бир ўзгариш қилишга уринишмаган, аксинча улар Ўрта Осиё халқларининг бой маданий меросини камситиш сиёсатини амалга оширишга кўп куч ва вақт сарфлаганлар.

Собиқ СССР даврида эса бу сиёсат бир мунча бошқача шакллар ва усулларда амалга ошириб келинди.

«Пролетар маданияти», «маданиятга партия раҳбарлиги», «шаклан миллӣ мазмунан социалистик маданият», «миллӣ маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви ва келажакда қўшилиб кетиши» каби ақидалар сиёсий йўл билан жамият аъзолари онгига сингдириб келинди. Миллӣ тилиларни сиқиб қўйиш, рус тилин ва рус маданиятини Ўрта Осиё халқлари ҳаётига зўрлик билан сингдириш сиёсати амалга оширилди.

СССРнинг тарқалиши ва Ўрта Осиё халқларининг ўз миллӣ давлатчилигига эришиши, ижтимоий ҳаётнинг барча сўхаларида бўлгани сингари жамиятнинг маданий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бу ўзгаришларда мустақил Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва амалга оширила бошлиган маданий сиёсат муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг унинг маданий ҳаётида амалга ошириладиган сиёсатнинг назарий ва амалий масалалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарларида ўзининг чуқур ва аниқ ифодасини топа бошлади. И. А. Каримов ўзининг ҳар бир асарида ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг маданий ривожланиши, бу соҳада қилинаётган ишларнинг аҳамияти, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг моҳияти, мазмуни ва хусусиятларини очиб беришга катта эътибор бериб келмоқда.

Маданий сиёсатнинг йўналишлари

уни ривожлантириш маданий сиёсатнинг йўналишлари орқали амалга оширилади. Сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги фаолияти жамият маданий ҳаётининг барча соҳаларига йўналтирилган бўлади. Бу фаолиятнинг маданий соҳадаги ифодаси маданий сиёсатнинг йўналишларида аниқ намоён бўлади.

Маданий сиёсатнинг йўналишлари дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодиса ҳисобланса-да, бироқ уларнинг амалий ифодаси ҳар бир мамлакатнинг аниқ шарт-шароитларига bogliq bouldi. Масалан, миллӣ-маънавий қадриятларни тиклаш ҳамма мамлакатларда ҳам маданий сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланмайди. Маданий сиёсатнинг бундай йўналиш

Жамиятнинг маданий соҳаси ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси бўлганлиги учун ҳам

Бу ҳаётнинг алоҳида соҳаси бўлганлиги учун ҳам маданий соҳадаги фаолияти жамият маданий ҳаётининг барча соҳаларига йўналтирилган бўлади. Бу фаолиятнинг маданий соҳадаги ифодаси маданий сиёсатнинг йўналишларида аниқ намоён бўлади.

Маданий сиёсатнинг йўналишлари дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодиса ҳисобланса-да, бироқ уларнинг амалий ифодаси ҳар бир мамлакатнинг аниқ шарт-шароитларига bogliq bouldi. Масалан, миллӣ-маънавий қадриятларни тиклаш ҳамма мамлакатларда ҳам маданий сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланмайди. Маданий сиёсатнинг бундай йўналиш

орқали амалга оширилиши амалда мустамлакачилиқдан озод бўлган мамлакатларда ёки миллий-маънавий қадриятлари топталган кўп миллатли мамлакатларда рўй беради.

Мустамлакачилик шароитида ҳар қандай халқнинг миллий-маънавий қадриятлари кейинги ўринларга суреб қўйилиши факти турли халқларнинг тарихидан маълум. Ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятлари масаласи ҳам бундан мустасно эмас. Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек халқининг асрлар давомида яратиб келган миллий-маънавий қадриятлари топтаб келиндики, бунинг оқибатида, биз, ўтмиш авлодларимиз учун муқаддас бўлган ва уларнинг меҳнати билан яратилган маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш имкониятларидан маҳрум бўлиб келдик. Ўтмишда яратилган илмий ва бадиий асарлар, санъат асарлари, миллий анъаналар, миллий урф-одатлар камситилиши билан бирга, уларни асрраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш турли сиёсий ва ташкилий йўллар билан бўғиб келинди.

Ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятларини камситишга қаратилган маданий сиёсат ўзининг салбий оқибатларини келтириб чиқармаслиги мумкин эмас эди. Ана шу сиёсат натижасида миллий-маънавий қадриятлар халқимиз орасида унитила бошлади, ундан фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар сиёсий жиҳатдан қораланди ва таъқиб остига олинди.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришган кундан бошлаб, маданий сиёсатнинг асосий йўналишти маънавий соҳада йўл қўйилган ана шу хато сиёсатга барҳам беришга ва унинг ўрнига ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятларини тиклашга қаратилди. Бу сиёсатни изчил ва самарали олиб бориш натижасида тез орада маданий соҳада кўплаб хайрли ишлар амалга оширила бошлади. Бундай ишлар орасида миллий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш соҳасида дастлабки натижаларга эришилганликни кўрсатиб ўтиш мумкин. Наврўзнинг қайта тикланганлиги, ўтмишдаги мутафаккирларнинг илм-фан ва маърифат соҳаларида қилган хизматларини қадрлаш бўйича амалий натижаларга эришилганлиги, ўзбек тили давлат тилига айлантирилганлиги ва бошқа шулар сингари ўзгаришлар қилинганлиги бунга аниқ мисолдир.

Маданий соҳадаги сиёсатнинг муҳим йўналишлари-

дан бири таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда олиб бориладиган маданий сиёсатда бу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишга у ёки бу даражада эътибор билан қаралади. Аммо унинг натижалари турлича бўлиши табиийдир. Буниг сабаби шундаки, маданий сиёсатда ҳам тўғри ёки хато ёндашишларга йўл қўйилади, таълим тизимини ташкил этиш ва уни ривожлантиришга турлича ёндашувлар бўлади.

Таълим тизимини ташкил қилишда ҳар бир мамлакатнинг милларий хусусиятларидан келиб чиқилади. Шунинг учун ҳам ҳалқ маорифи, ўрта ва олий таълимни ташкил қилишда маданий сиёсатда ўзига хос йўл тутилади ва ўзига хос усуллардан фойдаланилади. Лекин шунга қарамай таълим тизимини ташкил қилишда барча мамлакатлар учун умумий бўлган шундай хусусиятлар борки, унда мамлакатда таълим ишларини ташкил қилиш, аҳолининг саводли ва илми бўлиши асосий ўринини эгаллайди.

Барча мамлакатларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам таълим тизимини ривожлантириш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Маданий сиёсатнинг бу соҳадаги йўналиши мамлакатимизда ҳалқ маорифи, ўрта ва олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳондаги илфор тажрибалар билан бойитиш, жамиятимиз эҳтиёжи ва талабларига жавоб берадиган билимли мутахассис кадрларни етказниш сингари муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир. Мамлакатимиз мустақилликка эришган куниданоқ, бу вазифаларни бажаришга киришилди ва ўтган ишлар ичидаги бир қатор амалий натижаларга эришилди.

Фанини ривожлантириш ва унинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган сиёсий фаолият ҳам маданий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биринди. Гарчи илм-фанини ривожлантириш маданий сиёсатдаги асосий йўналиш ҳисобланса-да, бироқ ҳамма замонларда ва ҳамма мамлакатларда ҳам бу соҳага бир хил даражада эътибор билан қаралмаган. Бунга мамлакатлар ва ҳалқлар тарихидан кўйлаб мисоллар топилади. Лекин шунга қарамай илм-фанининг ривожи тўхтаб қолмаган, у ўзига қандайдир йўл очиб, табиат ва жамият сирларини очиб беришда, мавжуд муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб беришда инсониятга

хизмат қилиб келган ва ҳозирги кунда ҳам бу йўлда давом этмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам илм-фан жуда қадимдан тараққий топган, унинг илдизлари чуқур ва бақувват бўлиб, юз йиллар давомида ўзбек миллатига, бутун жаҳон аҳлига самарали хизмат қилиб келди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган маданий сиёсатнинг муҳим йўналиши мамлакатимизда илм-фани ривожлантиришга кенг йўл очиб беришга қаратилгандир. Бу сиёсатнинг мөҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти қўйидағича таърифлайди: «Илму фан тараққиёти биз учун энг устивор соҳалардан биридир. Бу соҳада хизмат қиласидаги одамларнинг савиғаси, обрўси ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг ҳаётимизга қўшадиган ҳиссасига эътибор беришимиз шарт. Ўзининг келажагини ўйладиган жамият, давлат авваламбор ўз олимларини, илм-зиё аҳлини ҳурмат қилиши керак, уларни юксак даражага кўтариши лозим.

Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўра кўпроқ биладиган, узоқроқни кўрадиган, теранроқ англайдигач кишилар экан, демак уларнинг жойи тўрда бўлиши керак. Шундай илмий шароит, шундай ижодий муҳит яратиш лозимки, токи илм-фан соҳасидаги ноёб истеъоддларнинг болалик чоғидан ташаббусини яратиш, парвариш қилиш, миллатнинг энг катта бойлиги спофатида асраршга имконият туғисин».¹

Адабиёт ва санъатнинг ҳалқчиллигини ошириш, унинг тарбиявий таъсирини кучайтириш ҳам маданий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Маданий сиёсатнинг барча йўналишлари сингарни адабиёт ва санъатнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ижодкор ходимларнинг таланти ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳоҳиш-иродасига қулоқ тутиш, дардини эшитиш ҳар бир давлат сиёсатида муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган маданий сиёсатда бундай талабларга катта эътибор бериладигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Собиқ Иттилоқ даврида Ўзбекистон Республикасида адабиёт ва санъат ўзининг миллий хусусиятларини йў-

¹ И. А. Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., Ўзбекистон», 1994, 172—173-бетлар.

қота бошлаган эди. Рус адабиёти ва санъати ўзбек милий маданиятида стакчи ўринни эгаллаётганилиги учун ҳам кўпчилик ўзбек бадиий ижодкорлари ўзларининг асарларида ўзбекистонлик фидониларнинг образларини акс эттиришдан узоқлашиб борган эдилар.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши маданий сиёсатдаги бу каби салбий ҳолатларга ҳам чек қўйишга олиб келди. Мустақиллик натижасида маданий сиёсатда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, адабиёт ва санъатда мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёг тарзини бадиий жиҳатдан тасвиirlаб бериш, унинг ҳалқиллигини ошириш соҳасида дастлабки натижаларга эришила бошлади. Ўзбекистон ёзувчилари ва санъат ходимлари ўтмишда яратилган бадиий ва санъат асарларини ҳалқимизга қайтариш, уларни жаҳон маданияти ҳазинасига олиб кириш учун ҳаракат қилимоқдалар. Улар Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтиисодий ва маънавий ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларни бадиий ва санъат асарлари орқали кенг жамоатчиликка ва жаҳон адлияга таништириш соҳасида каттакатта ишларни амалга ошироқдалар. Уларнинг ижодий ишлари Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган маданий сиёсат орқали ҳимоя қилинмоқда ва рағбатлантирилмоқда.

Маданий соҳадаги сиёсатнинг муҳим йўналишларидан яна бири босма нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ишини ривожлантариш ва такомиллаштиришdir.

Босма нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситалари жамият маданий ҳаётининг муҳим соҳаларидан биридир. Бу соҳанинг ишини тўғри ташкил этиш ва ривожлантариши давлат сиёсатининг асосий жиҳатларидан биридир.

Газета ва журналлар нашр қилиш, илмий ва бадиий адабиётлар чоп этиш ҳалқларининг маданий эҳтиёжларини қондиришда ҳамда жамиятнинг маънавий ривожланишида етакчи роль ўйнайди. Босма нашрларсииз маънавий қашшоқликка юз тутилади. Шу сабабдан ҳам ҳар бир мамлакатда босма нашрлар ишини ташкил этишда давлат сиёсати амалга оширилади. Бу сиёсатнинг натижалари ҳар бир мамлакатнинг ички имкониятлари ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам барча мамлакатларда бўлгани сингари босма нашрлар иши давлатнинг

маданий соҳадаги сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Бу соҳада мамлакатимизда ўнлаб нашриётлар, газета ва журнал жамоалари ташкил этилган бўлиб, уларда минглаб журналист ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистонда оммавий-ахборот воситалари ишини ташкил қилиш ва ривожлантириш соҳасида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда радио ва телевидениенинг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганилиги маданий соҳада амалга оширилаётган сиёсатининг натижаларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда радио ва телевидение ишларини жонлантириш орқали мамлакатимиз ва халқаро майдонда рўй беряётган ўзгаришлардан халқимиз мунтазам равишда хабардор бўлмоқдалар. Бу уларниңг сиёсий онглилигининг ошишига самарали таъсир этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оммавий-ахборот воситаларининг ишини ташкил этиш ва уни назорат қилиш билан боғлиқ давлат сиёсатининг моҳиятин Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида қонун билан мустаҳкамланган. Мазкур моддада ёзиб қўйилганки, «оммавий ахборот воситалари эркинdir ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардиrlар.

Цензурага йўл қўйилмайди».¹

Халқаро маданий алоқаларни ташкил этиш ва уни самарали олиб бориш ҳам маданий соҳадаги сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатда олиб бориладиган маданий сиёсатда турли давлатлар билан маданий алоқаларни ташкил қилиш ва уни олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дунёнинг ўнлаб мамлакатлари билан маданий алоқалар йўлга қўйилди ва уни самарали олиб бориш давлат сиёсатининг асосига айланди.

Ҳозирги кунда маданий алоқаларда турли давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама имзоланган шартномалар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу шартномаларда давлатлар ўртасида радио ва телевидение эшиттиришларини ташкил этиш, адабиёт, санъат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992, 21-бет.

ва фан ходимларининг ўзаро учрашувлари, декадалар ўтказиш, ҳамкорликда китоблар чоп этиш, илмий ва бадиий фильmlар ишлаб чиқиши сингари тадбирларни ўтказиш одат тусига айланисб бормоқда. Бу ҳол турли мамлакатлар халқларининг ижтимоний-сиеёсий, иқтиносий ва маънавий ҳаётин билан яқиндан танишишларидан, улар маданиятининг бошқа халқлар маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маданий сиеёсатнинг барча йўналишлари турли мамлакатларда турлича усуллар, воситалар орқали амалга оширилмоқда. Бу йўналишларнинг ҳар бири мамлакат олдида турган маданий соҳадаги хилма-хил мураккаб вазифаларни ҳал этишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

2. Сиеёсий маданият ва унинг шаклланиш хусусиятлари

Маданий соҳадаги сиеёсатни самарали олиб бориши кўп жиҳатдан жамият аъзоларининг сиеёсий онглилигига, уларнинг маданий савиясига боғлиқдир. Бинобарин, жамият аъзоларининг маданий савияси қанчалик юқори бўлса, сиеёсат субъектларининг маданий соҳадаги сиеёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш ишлари шунчалик осон кечади.

Сиеёсий маданият шаклланишининг шарт-шароитлари

Кишиларнинг сиеёсий маданиятини шакллантириш ниҳоятда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Жамият аъзоларининг турли хил шароитларда ҳаёт кечириши, улар ижтимоний мавқеининг ҳар хиллиги, сиеёсий онглилигининг турли даражада бўлиши уларда сиеёсий маданиятининг шаклланишидаги ҳар хилликни ва ўзига хосликни ифода қиласи. Шу билан бирга кишиларга хос бўлган физиологик ва психологияк хиселатлар, улар қобилияtlарининг турли даражада бўлиши сингари сабаблар ҳам шахс сиеёсий маданиятининг шаклланишига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Шахс сиеёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи бу обьектив ҳолатлар бу жараённинг ниҳоятда мураккаб ҳолда кечишини кўрсатади.

Сиеёсий маданият жамият ҳар бир аъзосининг сиеёсий онглилиги, сиеёсий қобилияти, сиеёсий билими ва

кўнималари билан характерланувчи фаолиятнинг ўзига хос кўринишидир.

Сиёсий маданият сиёсий онгининг алоҳида кўриниши, унинг таркибий қисмиди. Шунга кўра сиёсий маданиятнинг шаклланиши сиёсий онгининг шаклланиши билан бир вақтда кечади. Инсон сиёсий маданиятининг ўсиши унинг сиёсий онгининг ўсишига қанчалик таъсир этса, сиёсий онгининг ўсиши ҳам унинг сиёсий маданиятининг ўсишига шунчалик кучли таъсир қиласди.

Сиёсий маданият маданий соҳада олиб бориладиган сиёсат билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Сиёсий маданияти юқори бўлган шахснинг маданий соҳадаги сиёсатнинг моҳиятини англаб этиши осон кечади, бинобарин, унинг маданий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишдаги фаоллиги кучли бўлади. Ўз навбатида маданий соҳада олиб бориладиган сиёсат шахс сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатади.

Шахс сиёсий маданиятининг шаклланиши ўз-ўзидан рўй бермайди. Бунинг учун маълум шарт-шароитлар бўлиши талаб қилинади. Ана шундай шарт-шароитлардан бирни жамиятнинг моддий жиҳатдан ривожланганилик даражаси билан белгиланади.

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатда маданият соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш имконияти анча қийинлашади. Ҳолбуки, маданиятни ривожлантириш жамиятнинг моддий имкониятларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Адабиёт, санъат, фан, ҳалқ маорифи, архитектура ва бошқа шулар сингари маданият соҳаларини моддий маблагсиз ривожлантириб бўлмайди. Моддий тараққиётнинг паст даражаси эса, кишилар сиёсий маданиятининг шаклланиши жараёнинг сусайиб борининг олиб келади.

Бундан ташқари жамият аъзоларининг моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси ҳам улар сиёсий маданиятининг ривожланишига маълум даражада таъсир этади. Чунки моддий имкониятлар қулай бўлган шароитда кишилар ўзларининг билим даражасини оширишга, маданий тадбирларда қатнашишга ва шу орқали ўзларининг сиёсий маданиятини ўстириш имкониятларига эга бўладилар.

Жамият ҳаётини демократиялаш жараёни ҳам сиёсий маданиятининг шаклланишидаги муҳим шароит ҳисобланади. Шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурч-

ларининг қонун асосида ҳимояланиши, ҳуқуқий давлатчилик асосларининг яратилиши жамият аъзолари нинг маданият бойликларидан баҳраманд бўлишларидага мұхим роль ўйнайди. Демократиялаш жараёнида фикрлар эркинлиги ва ҳар хиллиги учун қенг имкониятлар яратилади, бу ҳол жамият ҳар бир аъзосининг мустақил фикрлаши, ўз фикр-мулоҳазаларини дадил айта олиши учун қулай имконият яратилишини таъминлайди.

Маданий сиёсатнинг шаклланиши учун зарур бўлган бундай шарт-шароитнинг моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қўйицагича таърифлайди: «Жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган барча ижодий меҳнат соҳалари ҳам қонун ҳимоясизда бўлиши зарур. Ҳозирги дунёда ҳамма нарса ўйғуллаштирилган. Жамиятнинг бирёзлама, техникратик ривожи миллат салоҳиятини пасайтириб юбориши, оғир ижтимоий, маънавий ва сиёсий йўқотишларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда ҳам.

Ижодий меҳнат қадр-қимматини оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш керак. Ижодий бирлашмалар, илмий, илмий-техник жамоалар ва уюшмалар фаолиятини кенгайтириш учун янгидан-янги имкониятларни вужудга келтириш лозим.

Бир сўз билан айтганда, биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиятини, истеъодини тўла намоён этиш учун адабиёт, санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожи учун зарур шароитларни яратишмиз лозим»¹.

Инсон маънавий неъматлардан қанчалик кўп баҳраманд бўлса, бу унинг маданиятли бўлишида, сиёсий фаолиятда камтарлик, одамийлик хислатларини кўпроқ намоён қилиш имкониятларига эга бўлади. Бунинг учун эса, жамият ҳаётини демократиялаш объектив заруриятга айланади. Ҳуллас, демократиялаш жамият ҳаёти учунгина зарур бўлиб қолмай, балки у инсоннинг фаолияти, унинг сиёсий маданияти шаклланиши учун ҳам мұхим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида кишиларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиш улар турмушини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг зарур шарти бўлиб

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 21—22-бетлар.

қолмай, балки инсоннинг сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, маданий жиҳатдан ўсиши учун ҳам қулай шарт-шароит ҳисобланади. Инсон жамият томонидан ҳимоя қилинар экан, унинг илм-фан ва маданиятдан, маънавият бойликларидан баҳраманд бўлиш имкониятлари кенгаяди. Турмуш ташвишлари билан қийналиб қолган кишининг жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлиши табинидир. Бундай кишининг сиёсат билан қизиқиши, сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳам суст бўлади ва оқибат натижада, унинг сиёсий маданият даражаси давр талабларидан орқада қолиб боради.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида жамиятнинг маданий жиҳатдан ривожланганлик даражаси ҳам муҳим шароит ҳисобланади. Маданий жиҳатдан ривожланган жамиятда кишиларнинг маданият ютуқларидан, унинг афзаликларидан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди. Бу ҳол инсон онгида аҳлоқий нормаларнинг шаклланиб бориши учун муҳим омил бўладики, бунинг натижасида инсоннинг маданий ўсиши учун зарур шароит яратилган бўлади.

Сиёсий маданият шакл-Кишиларда сиёсий мадаланишининг хусусият-ниятнинг шаклланиши ўзига лари хос хусусиятга эга бўлади.

Бундай ўзига хослик сиёсатнинг жамият маънавий ҳаётида намоён бўлиши орқали инсон онгида у ёки бу даражада акс этишидан келиб чиқади.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири аста-секинлик хусусиятидир.

Сиёсий маданиятнинг шаклланиши ҳам сиёсий онгининг шаклланиши сингари бир лаҳзада ёки жуда қисқа давр ичida рўй бермайди. Инсон улғайиб боргани сари жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг мөҳиятини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва оқибатларини аста-секинлик билан англаб боради ва улар ҳақида етарли билимга эга бўла боради. Инсон сиёсий воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларининг сабабларини кўпроқ билиб борса, ўзининг бу ўзгаришлардаги ўрни ва иштирокини ҳам шунчалик кўп англаб боради.

Вақт ўтиши билан ҳар бир кишида сиёсий маданият белгилари шаклланади. Бу жараённи сунъий равища тезлаштириб бўлмагани сингари, уни тўхтатиб қолиш ҳам мумкин эмас.

Объективлик ва субъективлик хусусияти ижтимоий оиг барча шакллариңа хос хусусияттар. Сиёсий маданиятиннг шаклланишида бу хусусиятнинг намоён бўлиши жамият ҳаётида рўй берадиган объектив ўзгаришлариннг моҳияти билан белгиланади. Бинобарин, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар инсон оигига қанчалик таъсир қиласа, бу ҳол шахс сиёсий маданиятиннг шаклланишига ҳам шунчалик таъсир қиласди. Шу маънода, сиёсий маданиятиннг шаклланиши жамиятнинг объектив ривожланиш қонуниятларига бўйсунади ва унинг таъсиридан ташқарида содир бўлмайди.

Сиёсий оигиннг шаклланишида субъектив омилининг роди ҳам каттадир. Бунинг моҳияти шундаки, сиёсий маданиятиннг шаклланишига турли сиёсат субъектлари кучли таъсир этади. Масалан, бирон-бир сиёсий партия олиб бораётган сиёсатда маданиятга хос белгилар қанчалик кўп бўлса, бунда сиёсатнинг таъсири шахс сиёсий маданиятиннг шаклланишига шунчалик кўпроқ туртки беради.

Сиёсий маданиятга хос белгилар жамиятнинг барча аъзоларида бир вақтда шаклланмайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзосига хос бўлган шундай алоҳида хусусиятлар борки, ана шу хусусият сиёсий маданият белгилариннг жамият ҳар бир аъзосида алоҳида-алоҳида рўй беришини ифода қиласди. Шунга кўра бир ерда яшаётган ёки меҳнат қилаётган икки кишиннинг сиёсий маданият даражаси иккни хил бўлади. Бунинг маъноси шундаки, сиёсий маданиятиннг белгилари жамиятнинг барча аъзоларида оз ёки кўп даражада шаклланиб боради. Сиёсий маданиятиннг ҳар бир белгиси жамиятнинг ҳар бир аъзосида алоҳида-алоҳида кўринишда намоён бўлмаслигининг ўзи ҳам сиёсий маданиятиннг шаклланишидаги умумийлик хусусиятини акс эттиради.

Бундан ташқари сиёсий маданиятиннг ижтимоий гуруҳлар фаолиятида намоён бўлиши ҳам сиёсий маданият шаклланишига хос бўлган умумийликни ифода қиласди. Масалан, ишчилар, деҳқоплар, зиёлилар, ёшлар ва бошқа гуруҳлариннг ҳар бирида сиёсий маданият даражасида бир мунча яқинлик бўладики, бу ҳол сиёсий маданият шаклланишига хос бўлган умумийлик хусусиятини ифода қиласди.

Сиёсий маданият ўзининг хилма-хил мезонлари, ўлчовларига эга. Уларни сиёсий маданият шаклланишиннинг даражаси ва амалий фаолиятдаги натижаларга қа-

раб белгилаш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда сиёсий маданиятнинг мезонлари қўйидаги уч турин ташкил этади: биринчи турга сиёсий маданиятнинг юқори даражасига эришган шахс, иккинчи турга сиёсий маданияти ўртача даражада бўлган шахс ва учинчи турга сиёсий маданияти паст даражада бўлган шахс ёки шахслар турүхи кіради.

Сиёсий маданиятнинг юқори даражада бўлиши шахснинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда фаол иштирок қилишини, сиёсий ишларни чуқур мулоҳаза ва тадбиркорлик, ташаббускорлик асосида олиб боришини, давлат сиёсати ёки бирон-бир партия томонидан олиб борилаётган сиёсатга босиқлик билан, холисона баҳо бера билиш қобилиятига эга бўлишни билдиради. Сиёсий маданияти юқори бўлган киши сиёсий раҳбарлик ишларини ташкил этишда ўзи раҳбарлик қиласётган жамоага нисбатан шошиқалоқлик қилишдан, манманликдан ўзини тийиб қола олади. Бундай кишилар бошқаларга ўрнак бўлиш билан бирга кўпчиликнинг ишончи ва ҳурматига ҳам сазовор бўладилар.

Сиёсий маданияти юқори бўлган шахс ўзининг одоби, ахлоқи ва бошқа инсоний хислатлари билан кўпчиликдан ажралиб туради. Бундай кишилар кўпчиликни ўз орқасидан эргаштиради, уларни уюштиради ва уларга раҳбарлик қила олади.

Сиёсий маданияти ўртача даражада бўлган кишиларда раҳбарлик ва бошқариш ишларига ҳавас ва интилиш кучли бўлади. Аммо бундай кишилар бошқариш ва раҳбарлик жараёнида ходимларга нисбатан қўпол муносабатда бўлади, бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашмайди, ўз фикридан, агар у нотўғри бўлса ҳам қайтмасликка ҳаракат қиласди. Бундай кишилар фаолиятида сиёсий маданият савиғи сиёсий маданиятсизлиқ билан қўшилиб кетади. Оқибатда бундай кишилар кўпчиликни ўз орқасидан эргаштира олмайди, бошқаларга кучли сиёсий таъсир кўрсата олмайди.

Сиёсий маданияти паст даражада бўлган киши сиёсий раҳбарлик ёки бошқариш ишларида қатнашишда фаоллик кўрсата олмайди. Бундай кишилар учун бошқаларга намуна бўладиган сифатлар кам бўлади, уларда жамият ишларига лоқайдлик, ўзгалар билан қизиқмаслик кучли бўлади. Бундай кишиларда сиёсий маданиятлиликка нисбатан сиёсий маданиятсизлик устунлик қиласди. Бошқаларни менсимаслик, ҳақоратлаш сингари

Хислатлар маданиятсизликнинг амалдаги кўриниши ҳисобланади, сиёсий маданияти паст даражада бўлган кишилар ана шу турдаги кишилар гуруҳига кирадилар.

У ЧИ Н Ч И Б У Л И М

ЖАҲОН СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

XIV БОБ

ХАЛҚАРО СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга бўлиб, унинг тараққиёти сиёсат ва сиёсий фаолиятнинг натижаларига боғлиқдир. Ҳар бир мамлакатда сиёсат ва сиёсий фаолиятнинг ўзгариши маълум даражада халқаро муносабатларда ўз аксини топади.

Давлатларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Бу муносабатлар қандай шаклларда бўлишидан қатъи назар, объектив характерга эга бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Бу объектив зарурият халқаро сиёсий муносабатларнинг туб моҳиятини белгилаб беради.

1. Халқаро сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг таркибий қисми

Халқаро сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг таркибий қисми сифатида жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллади. Халқаро сиёсий муносабатларнинг ташкил топиши ва ривожланиб бориши ҳар бир янги тарихий даврда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва бу даврларнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

**Халқаро сиёсий муносабатларнинг ташкил то-
пиши ва ривожланиши** Халқаро сиёсий муносабатлар жамият тараққиётининг маъ-
лум босқичида давлатларнинг вужудга келиши ва улар ўрта-
сидаги алоқаларнинг шаклланиши асосида рўй берган. Бу

муносабатларнинг қарор топиши ер юзида энг қадимги давлатлар—Миср, Вавилония, Эрон, Урарту, Юнонистон, Рим ва бошқа давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан бевосита болғыдир. Чунки бу мамлакатларнинг ҳар бири ўзича ривожланиши мумкин эмас эди. Бу эса, улар ўртасида турли хилдаги муносабатларнинг ўрнатилишини заруратга айлантирган. Шу асосда мамлакатлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аста-секинлик билан шакллана борған. Аммо ўша даврларда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳали унчалик мукаммал бўлмаган.

Ер юзида давлатлар сонининг кўпайиши ва ривожланиб бориши улар ўртасидаги муносабатларнинг янада такомиллашиб боришига олиб келди. Мамлакатлар ўртасида ҳамкорликнинг хилма-хил шакллари ташкил топиб борди ва улар халқаро аҳамиятга эга бўлди. Ҳамкорликнинг бундай шакллари орасида сиёсий ҳамкорлик муносабатлари ҳам ривожланди. Ҳамкорликнинг бу шакли унинг бошқа шакллари сингари халқаро муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Халқаро сиёсий муносабатларда рўй берган ўзгаришлар ҳар бир янги тарихий даврда шу даврнинг илғор кишилари, мутафаккирлари, сиёсий ва давлат арбобларининг қарашларида ўз аксини тогиб келди. Улар ўзларининг сиёсий қарашларида давлатлар ўртасида вужудга келган ва ривожланиб борган сиёсий муносабатларнинг хилма-хил масалалари тўғрисида муҳим фикрларни илгари сурдилар. Юнонистонлик буюк файласӯф олим ва мутафаккир Арасту халқаро сиёсий муносабатлар масаласини атрофлича талқин қилган бўлиб, давлатнинг 'асосий вазифаларидан бири қуллар билан қулдорлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришдан иборат деб таъкидлайдики, қуллар унинг фикрича, юнонлардан эмас, балки бошқа халқлардан бўлиши керак. Бу билан Арасту юнонлар давлати бошқа халқларни бўйсундириш ёки босиб олиш билан ўз мамлакати фаровонлигини таъминлаши мумкин эканлигини исботламоқчи бўлади.

Қадимги Римда яшаган ва ҳукмронлик қилган буюк сиёсий давлат арбоби Юлий Цезарь Арасту таълимотига амал қилган ҳолда давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар бошқа давлатлар ва халқларни босиб олиб, уларни Рим давлатига бўйсундиришдан иборатдир деб

исботламоқчи бўлади. У ўзининг ана шу тоғасига асосланган ҳолда бошқа бир қанча мамлакатлар билан уруш олиб боради ва уларни Рим давлатига бирлаштиради.

Юлий Цезарь ишини давом эттирган Октавиан Август Рим империясига асос солди ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашга эришиди. У ўзи босиб олган мамлакатларда ваколатхоналарни таъсис этди ва уларнинг ҳукуқлари, бурчлари, қонуни-қоидаларини белгилаб берди.

Октавиан Август биринчи марта халқаро сиёсий муносабатлар соҳасидаги алоқа усуллари ва воситалари асосларини ишлаб чиқди ва уни амалда қўллашга эришиди. Шу даврдан бошлаб мамлакатлар ва халқлар ўтасидаги сиёсий муносабатлар илмий асосга кўйилди.

Халқаро сиёсий муносабатлар ривожига Россия империясининг таниқли сиёсий ва давлат арбоблари Пётр I, Екатерина II, Александр I лар ҳам катта ҳисса қўшганлар. Улар Россия давлатининг сиёсий асосларини ишлаб чиқиб, уни амалий халқаро сиёсий муносабатлар соҳасига жорий этдилар. Натижада улар ҳукмдорлик қилган давларда Россия жаҳон сиёсатида ўз мавқенини мустаҳкамлаб олди ва дунёда буюк куч-қудратга эга бўлган мамлакатга айланди. Бу давлат арбобларининг ютуғи шундан иборат бўлдики, улар халқаро муносабатларда фақат ҳарбий кучларга, урушларга суюниб иш кўрмай, балки бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, битимлар тузиш, тинч дипломатик алоқалар ўрнатиш каби усуллар ва алоқа воситаларидан фойдаландилар ва уларни янада такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқдилар.

Халқаро сиёсий муносабатлар ривожига Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сиёсий ва давлат арбоблари Исмоил Сомоний, Амир Темур, Заҳриддин Бобур, Ҳусайн Бойқаролар ҳам катта ҳисса қўшганлар. Чунончи, сомонийлар сулоласининг асосчиси бўлган Исмоил Сомоний ўз мамлакати ривожини бошқа мамлакатларни босиб олиш ва бўйсундирини йўли билан эмас, балки кўпроқ турли халқлар ва мамлакатлар билан тинч ҳамкорлик қилиш, улар билан ўзаро фойдали алоқалар ўрнатиш йўли билан амалга ошириш мумкин деб билган. У ана шу қоидага амал қилган ҳолда ўз сиёсатини амалга ошириди, натижада катта ютуқларга эришиди. Сомонийлар давлатини иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳарбий жиҳатдан юксек даражада ривожланган давлатлар қаторига олиб кирди.

Халқаро сиёсий муносабатлар тарихида Амир Темур тузган марказлашган давлатнинг ўрни ва роли бениҳоя катта бўлган эди. Темур давлати қўшни давлатлар билан сиёсий алоқаларни шу даражада йўлга қўйган эдиди, бунинг натижасида улар ўртасида ўзаро алоқаларнинг янги шакллари вужудга келган эди.

Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзо, Абдуллахонлар хумроңлик қилган йилларда ҳам Ўрта Осиёда халқаро сиёсий муносабатлар ривож топган. Хусусан ўзбеклар давлатининг кўзга кўринган сиёсий арбобларидан бири Абдуллахон халқаро сиёсий муносабатлар тарихида ўзига хос из қолдирган. У қўшни давлатлар билан тинч ҳамкорликинг самарали йўлларини ишлаб чиқди ва ундан ўзининг амалий фаолиятида тўла фойдаланди. Абдуллахон Туркия, Эрон, Афғонистон, Кавказ ва Кавказ орти мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий савдо, маданий алоқаларни мустаҳкамлашга эришди. Улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш натижасида ўз давлатининг қудратини оширишга катта ҳисса қўшиди.

Капитализмнинг вужудга келиши халқаро сиёсий муносабатлар ривожида муҳим давр бўлди. Бу даврда халқаро муносабатлар ривожига стук сиёсатшунослар Вольтер, Монтескьелар катта ҳисса қўшдилар. Улар мамлакатлар ўртасида тинч ҳамкорлик бўлиши зарурлигици уқтириб, урушларининг келиб чиқишининг асосий сабаби мустабид, тоталитар сиёсий тузумларининг мавжудлигидир, деб таъкидлайдилар. Улар халқаро муносабатлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлади ва унинг ривожига кучли таъсир кўрсатади, деб қарайдилар.

Халқаро сиёсий муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ

Давлатлар ўртасидаги алоқалар халқаро сиёсий муносабатларда амал қиласиган халқаро ҳуқуқ талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқ алоҳида олинган кишилар, гуруҳлар, синфларнинг ҳодимиш-ипродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив ижтимоий жараён натижасида шаклланади. Халқаро ҳуқуқ давлатларнинг вужудга келиши билан улар ўртасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш жараёнида шаклланаб, давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турғашда муҳим роль ўйнайди.

Халқаро ҳуқуқ ҳалқаро муносабатларнинг таъсири на-тижасида шаклланган бўлишига қарамай, унга фаол акс таъсир кўрсатади. Халқаро муносабатлар йиллар давоми-да шаклланган умумий ҳуқуқий қоидаларға амал қилган ҳолда ривожланади, акс ҳолда улар ўртасидаги муносабатларда қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, келиш-мовчиликлар авж олиб кетиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ—давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида олиб бориладиган сиёсий, иқтисадий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги алоқаларнинг қонун ва қоидалар мажмуидир. Унинг субъектлари сифатида барча мустақил давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳам халқаро алоқаларга киришиши мумкин. Халқаро ташкилотларнинг фаолиятлари халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид келмаган ҳолда чекланган ҳуқуқли субъектлар қаторида амал қиласкеради.

Халқаро ҳуқуқ қонун ва қоидалари халқаро муносабатга киришувчи барча мамлакатлар томонидан ўзаро келишувлар асосида яратилади ҳамда уларнинг ба-жарилиши халқаро муносабатларга киришаётган барча субъектлар томонидан таъминланади.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар томонидан ишлаб чиқилган шунчаки қонун ва қоидалар бўлмай, объектив жараён бўлиб, кишиларни ўраб турган дунё билан ўзаро алоқаларга интилишлари натижасида қарор топган. Шу сабабли ҳам халқаро ҳуқуқ жамият тараққиёти халқаро муносабатларнинг доимо ўзгариб бориши натижасида халқлар ва давлатларнинг ривожига ўз таъсирини ўтказади.

Халқаро ҳуқуқ ижтимоний онг шакли сифатида объектив ижтимоний тараққиётнинг маҳсулидир. Шунинг учун ҳам у давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришдаги объектив қонуният ҳисобланади.

Халқаро муносабатларда амал қиласидиган ҳалқаро ҳуқуқнинг шаклланиши узоқ тарихга эга бўлиб, жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланишида биринчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган ҳалқаро муносабатлар катта роль ўйнайди. Бу даврда вужудга келган ҳалқаро вазият ҳалқаро муносабатларни тартибга солиб туришнинг такомиллашган янги қоидаларини ишлаб чиқишини тақозо қила бошлиди. Халқаро ҳуқуқнинг бундай такомиллашган янги қоидалари Версалъ Шартномаси, ке-

йинчалик эса Миллатлар Иттифоқи доирасида ишлаб чиқилди. Бу ташкилотларнинг ҳужжатларида давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, унда айниқса жаҳон халқларининг тинчлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқ қоидалари асосий ўринни эгаллаган эди. Аммо, фашизмнинг босқинчилик сиёсати бу даврда ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқ нормаларини бутунлай поймол қилди. Натижада йиллар давомида шаклланган халқаро ҳуқуқ қоидалари бузилди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида поймол қилинган халқаро ҳуқуқ қонун ва қоидалари урушдан кейинги давр талабларига бутунлай жавоб бермай қолди. Натижада 1945 йилда кўпчилик мамлакатларни ўз сафида бирлаштирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тузиљди. Унинг Низомида янги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамоилиллари ва қоидалари ишлаб чиқилди ва уларга амал қилишнинг йўллари белгилаб берилди.

Шундай қилиб Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг янги тартиб ва қоидалари амал қила бошлади. Бу эса, ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ўйғунаштиришда, унинг тинчлик, ўзаро ҳамкорлик йўлидан ривожланиб боришида янги имкониятлар яратиб берди.

Ҳозирги даврда халқаро муносабатлар соҳасида шаклланган ва амал қилаётган халқаро тартиб-қоидалари мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришда, улар ўртасидаги келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликларни халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида демократик асосларда ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган мажароли муаммоларни халқаро ҳуқуқ қонун-қоидалари негизида тинч йўл билан ҳал қилиш воситаси сифатида Халқаро Суд амал қиласи.

Халқаро суд мамлакатлар ўртасидаги ҳуқуқий можароларни томонлар розилиги билан кўриб чиқади ва тавсия шаклида хукм, ажрим, қарор чиқариб беради. Демак, Халқаро Суд халқаро муносабатлар соҳасида вужудга келган халқаро тартиб-қоидаларни мамлакатлар томонидан амал қилиншини таъминлайди.

Давримизнинг хусусияти инсоният келажаги олдида

жечиктириб бўлмайдиган умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиши бўлиб, бундай шароитда халқаро муносабатларда амал қиласидиган ҳуқуқ нормаларини янада такомиллаштириш, улар эса, мамлакатлар ва халқлар олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишда гарант вазифасини бажариши лозим.

Шундай қилиб, давлатлар ўртасидаги муносабатларда амал қиласидиган халқаро ҳуқуқ давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти билан мутаносиб тарзда амал қилиш хусусиятига эга. Ҳозирги даврда алоҳида олинган давлатлар якка тартибда сиёсат олиб бориши мумкин эмас. Демак, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг амал қилиши объектив жараёндир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг юздан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрнатди. Мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан бундай алоқалари ҳозирги кунда халқаро фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни, бошқа мамлакатларнинг тажрибасини умумлаштиришни ва халқаро ҳуқуқ тартиб-қондаларига тўла амал қилишини тақозо қиласди.

Халқаро сиёсий муносабатларда амал қиласидиган тамойиллар

Халқаро муносабатларда амал қиласидиган тамойиллар давлатлар учун умумий мөхиятга эга бўлиб, улар йиллар давомида мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни тартибта солиб туришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда амал қиласидиган тамойиллар дастлаб 1915 йилда бўлиб ўтган Вена Конгресси, кейинчалик эса, 1919 йилда тузилган Миллатлар Иттифоқининг хужжатларида умумий тарзда ифодалаб берилган эди. Ҳали бу даврда халқаро муносабатлар учалик ривож топмаган бўлса-да, бу муносабатларда амал қилувчи тамойиллар мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг такомиллашиб бориши уларнинг халқаро муносабатларда амал қиласидиган тамойилларнинг роли ва аҳамиятининг ошишига сабаб бўлган эди. Бу муносабатларнинг ривожида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ташкилотнинг Уставида халқаро муносабатларда амал қиласидиган тамойил-

ларга ҳар бир мамлакатнинг оғишмай амал қилиши зарурлиги қайд этилди. БМТнинг Устави ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида ишлаб чиқилган ва ҳозирда мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилаётган тамойиллар қўйидагилардан иборат: давлатларниң суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларниң ички ишларига аралашмаслик; тинч-тотув яшаш сиёсатига оғишмай амал қилиш; халқаро келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал этиш; давлатлар чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бирбутунлигини тан олиш; инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; миллатлар ва элатларниң ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши; халқаро мажбуриятларга вижданан амал қилиш.

Демократик йўлдан ривожланиб бораётган барча мамлакатларда бу тамойиллар халқаро сиёсий муносабатларниң асосини ташкил этади. Ҳар бир мамлакат мавжуд тамойилларга амал қилган ҳолдагина жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланниши мумкин. Бу тамойиллар айрим мамлакатлар ёки халқаро ташкилотлар томонидан ўйлаб топилган бўлмай, узоқ йиллар давомида халқаро муносабатлар соҳасида объектив равишда шаклланган. Бу тамойилларга амал қўйилмаслик алоҳида олинган мамлакатларни халқаро ҳамжамиятдан бутунлай ажralиб қолишига олиб келади.

Ҳозирги даврнинг хусусияти шундан иборатки, алоҳида олинган мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда бирон-бир ижобий ютуқقا эришиши мумкин эмас. Чунки жаҳоннинг бир бутунлиги ундағи муаммоларни алоҳида олинган мамлакат ҳал этаолмаслигига яққол намоён бўлади. Шу сабабли ҳам барча мамлакатлар бу тамойилларга амал қилган тақдирдагина халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имкониятларига эга бўладилар.

Давлатларниң суверен тенглигини ҳурмат қилиши ҳозирги халқаро муносабатларниң асосини ташкил этади. Бу тамойил БМТнинг талабидан келиб чиқади. Чунки унинг ўзи давлатларниң суверен тенглигин асосида ташкил топган. Бу тамойилга амал қилишининг зарурлиги БМТ таркибига кирган кўпчилик минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг уставларида, мамлакатларниң иккى томонлама ва кўп томонлама шартнома-

лари ҳужжатларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1970 йилда қабул қилинган Деклорациясига асосан суверен тенглик тушунчаси қуидаги талабларни ўзида ифода этади:

- а) давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги;
- б) бир давлат бошқасини ҳамкорликнинг субъекти сифатида ҳурмат қилиши;
- в) ҳар бир мамлакатнинг сиёсий мустақиллиги, ҳудудининг бир бутунлигини тан олиши;
- г) ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожини ўзи белгилаши;
- д) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини сўзсиз бажариши ва ҳоказолар.

Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили мамлакатларнинг мазкур халқаро ташкилотларга ихтиёрий равищада аъзо бўлиши ҳамда улардан ихтиёрий равищада чиқиб кетиш ҳуқуқини ҳам беради.

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили халқаро муносабатларда буржуа-демократик инқилоблар даврида кўпчилик давлатлар томонидан ёзтироф этила бошланган. Бироқ ўша йиллар бу тамоҳил талабларига бир томонлама ёндашиб устун бўлиб, айрим ҳолларда мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга халқаро ҳуқуқ йўл очиб берар эди.

Хозирги кунда бу тамойилга амал қилишининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. БМТга аъзо мамлакатларнинг ҳар бири бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги бу ташкилотнинг уставида кўрсатилган мажбуриятларга риоя қилишларини ўз зиммаларига олганлар. Мамлакатлар томонидан бу тамоҳилнинг бузилиши халқаро сиёсий муносабатларда қаттиқ қораланади.

Айрим ҳолларда мамлакатлар ҳаётидаги зиддиятлар, уруш-жанжаллар бошқа давлатларга ҳам хавф туғдириши мумкин. Бундай ҳолда жаҳон ҳамжамияти у ёки бу давлатнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар. Бу ҳуқуқ БМТ Уставининг VII бобида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили ҳар бир мамлакатнинг ўз тарихий шароитлари, миллий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётини ўзи белгилаш имкониятини яратиб беради.

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро

можароларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликлари тинч йўл билан ҳал этишга катта эътибор берилмоқда. 1991 йилда Мальтада бўлиб ўтган СБСЕнинг халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича эксперталарнинг якуний мажлисида келишмовчиликларни тинч йўл билан тартибга солиб турадиган маҳсус орган тузиш таклифи ўртага ташланди. Бу орган мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлган тавсияларни ишлаб чиқади ва уни жанжаллашаётган мамлакатлар ҳукмига ҳавола қилади.

Мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишда эътиборга молик учинчи томоннинг ўртада турниши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишда собиқ Совет Иттилоғи муҳим роль ўйнаган эди. Ҳозирги даврда Югославиядаги уруш ҳаракатларининг тўхтатилишида, Исроил ва Ливан мамлакатлари ўртасида келиб чиқсан ҳарбий можароларга чек қўйишда АҚШ, Россия сингари давлатлар фаоллик кўрсатдилар.

Халқаро сиёсий муносабатларда амал қиладиган тамойиллар ва уларнинг талабларига амал қилиш ҳар бир суверен давлатнинг муқаддас бурчи бўлиши лозим. Ҳар бир давлат халқаро сиёсий муносабатлардаги тамойилларга тўла амал қилган тақдирдагина давлатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик имкониятлари кенгаяди. Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек, «Давлатлараро муносабатлар соҳасида ягона ғоя амал қилиши лозим. Бу ғоянинг маъноси шуки, биргаликда тинч ҳаёт кечириш, ҳамкорликка интилиш, суверен давлатларнинг ички ишларига аралаш-маслик, турли нуқтаи назар ва фикрларга бардошли бўлиш тамойилларини ўзида акс эттирган қонунлар устиворлик касб этиши даркор».¹

¹ И. А. Каримов. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикబолининг асосий тамойиллари. Т. «Узбекистон», 1995, 67-бет.

2. Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари

Биз яшаётган ҳозирги давринг характерли хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мазмунини ташкил этмоқда, давлатлараро ҳамкорликнинг ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар жаҳон майдонида рўй берадиган сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг хусусиятларини ўзида ифода қилмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар сиёсий муносабатлар оқимига қўшилиб, унинг мазмунан бойиб боришини таъминламоқда.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларнинг моҳияти ва хусусиятлари

Сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бу муносабатлар тўғрисида француз политологи Раймон Арон

шундай ёзади: «Халқаро сиёсий муносабатлар — бу социал бирликлар ва институтлар (давлат, миллат, синф, социал қатлам ва гурӯҳлар, дипломатик хизмат маҳкамаси) ўзаро алоқалари ва таъсир замирида шаклланувчи муносабатларнинг бир кўринишиди». Унинг фикрича, иқтисодий, маданий ва социал муносабатлар ўз эволюциясининг маълум бир босқичида, яъни сиёсий тизим, давлатчилик ва бошқарув системасининг барқарорлиги билан боғланган жойда ўз-ўзидан сиёсий тус олади. Демак, халқаро сиёсий муносабатлар давлатлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг мамлакатлар ўртасида олиб борадиган фаолиятидир.

Узоқ йиллар давомида халқаро сиёсий муносабатлар масаласига синфиийлик асосида ёндашиб келинди. Бу йилларда мазкур масалага ғоявий тус берилиб, давлатлар ва мамлакатлар ўртасидаги икки хил тузум ўртасидаги муносабатлар сифатида таърифлаб келинди.

Собиқ социалистик системанинг инқирозга учраши ва бу системадан чиқсан давлатларнинг демократик ривожланиш йўлини танлаб олиши, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг демократик, умуминсоний

принциплар асосида тараққий этиши учун кенг имконияттар туғилмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатларда күчлар нисбати эмас, балки манфаатлар нисбати сиёсати устунлик қилмоқда.

Халқаро муносабатларда манфаатлар устунлиги сиёсати турли манфаатларни үйғулаптиришни тақозо этади. Битта ёки бир гурух мамлакатларнинг манфаатлари халқаро сиёсий муносабатларнинг асосий йўналишини белгилаб бермоқда. Манфаатлар нисбати сифатида халқаро муносабатга киришаётган ҳар бир давлат биринчи навбатда ўз манфаатини ҳисобга олишни, иккинчидан эса бошқа давлатларнинг манфаатларини эътироф этиши ва ҳурмат қилишини тақозо қиласди.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиши дунёнинг бирбутунлигидан келиб чиққан ҳолда қурилмоқда. Чунки бир мамлакатда вужудга келган муаммо бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундай муаммоларни ҳал қилиш кўпчилик мамлакатлар ва халқлар олдида турган вазифаларга айланаб бормоқда. Шу сабабдан ҳам ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар айрим зиддиятларга қарамай, ўзаро боғлиқ жараён сифатида кечмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларда ҳарбий-сиёсий ихтилофларга йўл қўймаслик мухим аҳамиятга эгадир. Чунки инсоният тақдиди, жаҳон цивилизацияси тақдиди хавфсизликнинг қай даражада таъминланганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам жаҳон уруши хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига қаратилган чора ва тадбирларни амалга ошириш давлатлар ўртасидаги муносабатларда мухим ўрин эгаллади.

Ҳозирги вақтда жаҳон жамоатчилиги ва халқлари ҳарбий устунликдан ҳеч ким ютмаслигини тушуниб етмоқда. Лекин шунга қарамай, ҳозирги кунда жаҳоннинг турли минақаларида кескинлик ўчоқлари мавжуд бўлиб, бу давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янгича тафаккур асосида қуришини тақозо этмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилишда ижобий силжишлар мавжуд бўлиб, давлатлар ядро қуролларининг яиги турларини ишлаб чиқмаслик, ядро қуроллари синовини тақиқлаш, ядрорий мамлакатларнинг кўпайшига йўл қўймаслик тўғрисида бир неча конференциялар, ўзаро учрашувлар уюштирилар ва унда мухим ҳужжатлар қабул қилиниди.

Халқаро сиёсий муносабатларда халқаро терроризмга қарши кураш зарурлиги мұхым аҳамият касб этмоқ да. Терроризм XX асрнинг энг мудғыш ижтимоий-сиёсий ҳодисаларидан бири бўлиб, халқаро муносабатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Терроризм давлатларнинг сиёсий тузуми, ривожланиш йўли ва тараққиёт даражасидан қатъи назар жаҳондаги барча давлатларни ўзаро келишувга, унга қарши муросасиз кураш олиб боришга мажбур қилмоқда. Чунки терроризм алоҳида олинган бир мамлакатнигина эмас, балки барча давлатлар ва халқларнинг умумий муаммосига айланиб бормоқда.

Терроризм у ёки бу шаклда давлат томонидан, айрим ёки бир гурӯҳ кишилар томонидан ижтимоий-сиёсий тартибни бузишга, қўпоришга ёки халқларни қўрқитишга қаратилган ҳаракатdir.

Халқаро муносабатларда у ёки бу давлат томонидан олиб бориладиган терроризм энг хавфли ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, халқаро муносабатларни тартибга солишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Терроризмнинг кўринишлари турли хил бўлиб, улар ўз ичига сиёсий раҳбарларга суюқасд уюштириш ёки гаровга олиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш, мұхым объектларни портлатиш, қўпорув ишларини амалга ошириш каби ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчаси халқаро муносабатлар соҳасида турли хилдаги зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 1995 йилда Истроил давлатининг Бош вазири Исҳоқ Рабиннинг ўлдирилиши Истроил билан кўпчилик араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳам Мисрнинг Аш-Шайх шаҳрида 1996 йилнинг май ойида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро кенгаш ўтказилди. Бу кенгашда кўпчилик давлатларининг Президентлари қатнашиб, улар терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш ҳар бир давлат сиёсатининг акралмас қисмига айланиши зарур эканлигини, унга қарши кураш эса барча давлатларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди. Кенгашда терроризмга қарши курашнинг йўллари ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарам дунёда барча давлатлар ва халқлар учун умумий бўлган бундай муаммоларни ҳал этишда мамлакатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик мұхим аҳамиятга эгадир. Бунда халқаро

ташкилотлар, хусусан БМТ ташкилоти катта роль ўйнайды. У давлатлар ўртасидаги ҳамкорликкин, халқаро муносабатларни тартибга солиб туршишинг асосий гарanti ҳисобланади.

Халқаро сиёсий муноса- батларда зиддиятлар нинг ривожланиши бу муносабатларда келиб чиқадиган турли хилдаги зиддиятларга ва уларни ҳал қилишга боғлиқдир. Бундай зиддиятлар халқаро сиёсий муносабатларда турли хил сабабларга кўра турли хил шароитларда рўй беради. Уларни келтириб чиқарган омиллар халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиши жараёнида ўзига хос даражада намоён бўлади ва бу муносабатларга ўзининг таъсирини кўрсатади.

Зиддиятлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари халқаро сиёсий муносабатларнинг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бунинг маъносин шундаки, халқаро сиёсий муносабатларда бу муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар пайдо бўлиб туради. Бундай муаммолар давлатлар томонидан ёки сиёсатнинг бошқа субъектлари томонидан ҳамма вақт ҳам тўғри ва ҳаққоний равишда англаб олинмайди. Баъзи ҳолларда сиёсатнинг айрим субъектлари халқаро сиёсий муносабатларда рўй берадиган муаммоларни ўз манфаати йўлида ҳал этишга ҳаракат қиласди. Натижада халқаро сиёсий муносабатларда у ёки бу муаммони ҳал қилишда ёки бу соҳадаги зиддиятни ҳал этишда манфаатлар ўртасида қарамақаршилик келиб чиқади. Бундай шароитда зиддиятлар халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланишига эмас, балки унинг секинлашишига, унда турли хилдаги ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган зиддиятлар ҳаракатидан турлича мақсадларда фойдаланиш бу муносабатларда айрим танглик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, агар бирон-бир давлат ёки бирон-бир сиёсий ташкилот иккинчи томоннинг манфаатларига зид ҳаракат қиласа, бундай шароитда улар ўртасида келиб чиқадиган ҳар қандай ихтилоф улар ўртасидаги зиддиятга айланади ва унинг янада кескинлашиши халқаро сиёсий муносабатларда намоён бўлади. Томонлар ўртасидаги зиддиятларнинг

ўз вақтида ҳал қилинмаслиги халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Хозирги даврда халқаро сиёсий муносабатларда мавжуд бўлган зиддиятлар қуйидагилардан иборат:

— халқаро сиёсий муносабатларда мавжуд бўлган муаммолар билан уларни ҳал қилиш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар;

— ҳар бир мамлакатнинг миллӣ манфаатлари билан уларнинг байналмилал манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар;

— халқаро сиёсий муносабатларда иштирок қилувчи субъектларнинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар;

— халқаро сиёсий муносабатларни тартибга солиш билан унинг имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар.

Бу зиддиятларнинг ҳар бири объектив моҳият касб этади ва халқаро сиёсий муносабатлар ривожланишининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Уларнинг ҳар бири турли хил қўринишларда намоён бўлиб, халқаро сиёсий муносабатлар ривожланишининг ҳар бир янги босқичида ўзига хос маъно ва мазмунга эга бўлади. Масалан, халқаро сиёсий муносабатларни у ёки бу муаммолиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бир муаммонинг ҳал этилиши бошқа бир муаммонинг ҳал қилишини билдирамайди. Муаммолар жуда кўп бўлганлиги ва улар янгидан пайдо бўлиб туриши сабабли ҳам халқаро сиёсий муносабатларда ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги мумкин эмаслигини билдиради. Шунга кўра, янгидан пайдо бўладиган ҳар қандай муаммо уни ўз вақтида ҳал қилиб боришини тақозо этади.

Халқаро сиёсий муносабатларда иштирок қилувчи турли субъектларнинг манфаатларидаги ўзига хослик уларнинг манфаатларида зиддиятлар бўлиб туришини тақозо этади. Уларнинг манфаатларини бир хилдаги манфаатлар шаклига келтириб бўлмагани сингари, бу манфаатлардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳам айнан бир хилдаги муаммолар деб бўлмайди. Бинобарин, манфаатлардаги ҳар хиллилик ва уларда ифодаланган вазифалар халқаро сиёсий муносабатларда ифодаланган зиддиятлар шаклида намоён бўлади.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган ҳар қандай зиддиятни ҳал қилишга алоҳида ёндашиш талаб этилади. Уларнинг ҳаммасини бир хилдаги усуллар ёки воситалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас. Шунингдек, бундай зиддиятларни ҳал қилиш учун халқ-

аро сиёсий муносабатларда иштирок этувчи барча субъектларнинг куч-ғайратини бирлаштириш ҳам талаб қилинди. Ҳолбуки бундай субъектларнинг ҳар бири ўз манфаати ва имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда мавжуд зиддиятларни ҳал этишда иштирок қиласди. Бироқ шундай зиддиятлар бўлади, уларда ифодаланган муаммоларнинг айримларини ҳал қилишда субъектларнинг фаолиятини, айниқса, давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар ҳамкорлигини ташкил этиш талаб қилинади. Бундай ҳамкорлик, хусусан, хавфсизлик соҳасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда, минтақавий можароларни бартараф этиш учун курашда ниҳоятда зарурдир.

Ҳалқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган зиддиятларни бирон бир томоннинг фойдасига ҳал этишига уриниш бу муносабатларда кўплаб ноxуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам давлатлар ҳалқаро сиёсий муносабатларнинг ҳал этиши ишига бир томонлама ёндашувлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилиши зарур. Бу заруриятни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қўйидагича таърифлаган эди: «...ҳалқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва ҳалқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмақда».¹

Ҳалқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган зиддиятлар қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, улар давлатлар ва ҳалқлар томонидан чуқур англаб олиниши лозим. Ҳар қандай воқеа-ҳодиса ёки ўзгаришга онгли муносабатда ёндашилгандагина унинг моҳияти тўғри тушунилади. Ҳалқаро сиёсий муносабатларда ифодаланган зиддиятлар ҳам бу талабдан мустасно эмас.

Ҳалқаро сиёсий муносабатларни демократиялаш

Ҳалқаро сиёсий муносабатларни демократиялашни йўлдан ривожланишга ҳақлиидир. Турли сиёсий тузумдаги давлатлар бирга яшар экан, бир-бирларининг танлаган йўлини ҳурмат қўлиши ва у билан ҳамкорликда

Ҳалқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган ҳар бир давлат, у катта ёки кичиклигига қарамай, ўзи танлаган

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 59-бет.

яашашга интилишн зарур, аке ҳолда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли хилдаги қарама-қаршиликлар келиб чиқиши шубҳасиздир.

Ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, гарчи бир мунча барқарорлашган бўлса-да, бироқ у ҳамон чигаллигича қолмоқда. Бу чигаллик барча давлатлар ва халқларни ташвишга солмоқда. Шу туфайли ҳам халқаро муносабатларни соғломлаштиришнинг турли хил йўлларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жўмладан, кейинги йилларда «кенг қамровли хавфеззлик», «кучлар нисбатидан мағфаатлар нисбатига ўтиш», «жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабатларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги турли хил концепциялар ишлаб чиқилмоқда ва уларда халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришга доир турли фикрлар илгари сурилмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли — халқаро муносабатларни демократик асосларда қайта қуришдир. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар шу қадар мураккаб ва зиддиятлики, унинг тақдирини бир-икки ёки бир гурӯҳ кучли давлатлар ихтиёрига топшириб қўйиш мумкин эмас. Ҷонда кўпчилик давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати муҳум аҳамиятга эгадир.

Таникли француз политологи Крозье жамият, миллат ва давлат тақдирини узоқ муддат давомида бир гурӯҳ танланган шахслар ҳал этиб, ундан «сукутдаги кўпчилик» бехабар қолса, у ҳолда ушбу бўшлиқда, албатта, бошқариш қийин бўлган деструктив куч йиғилади, дейди. Унинг фикрича, халқаро сиёсий муносабатларнинг бориши ва унда рўй берадиган муаммоларни ҳал қилиш кўпчилик давлатларнинг демократик асосдаги фаоллигига боғлиқдир. Халқаро майдонда «назоратсиз бўнилиқлар»нинг вужудга келиши, дейди Крозье, ҳеч бир мамлакатнинг мағфаатига тўғри келмайди.

Халқаро сиёсий муносабатларнинг бугунги кун тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, унга хос бўлган зиддият ва барқарорлик сабаблари, бир томондан ҳозирги тарихий босқичнинг қарама-қаршиликларидан келиб чиқса, иккичи томондан эса, сиёсий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда халқаро сиёсий муносабатлар соҳасида бир қатор ижобий силжишлар вужудга кела бошлади. Бунинг асосий сабаби Шарқий Европа мам-

лакатларидаги коммунистик тартибларининг барҳам топишни, Варшава Шартномаси ташкилотининг тутатилиши, собиқ Совет Иттифоқининг мустақил давлатларга бўлиниб кетиши ва бошқа шулар сингари жуда муҳим сиёсий ўзгаришларнинг рўй бериши билан боғлиқдир. Ўмумжаҳон аҳамиятига молик бу муҳим сиёсий ўзгаришлар давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Халқаро майдонда рўй бераётган жуда муҳим ижобий ўзгаришларга қарамай, халқаро муносабатларда айрим ўзига хос мураккабликлар борки, улар халқаро сиёсий муносабатлар ривожига маълум даражада таъсир қилиб туради. Маълумки, давлатлараро муносабатлар айрим олинган мамлакатлар ички муносабатларидан кескин фарқ қилиб, у тасодифларга жуда бой бўлади. Бунинг сабаби шундаки, халқаро сиёсий муносабатларда ўзининг мақсад ва манфаатлари турлича бўлган сиёсатининг кўп сонли субъектлари фаолият кўрсатади, уларнинг таъсирида жаҳон сиёсатига даҳлдор бўлган жуда муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар халқаро сиёсий муносабатлар оқимини янги мазмун билан бойитиб боради.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этастган барча давлатларнинг БМТ ҳужжатларида ишлаб чиқилган умумий қоидаларга оғишмай амал қилиши мамлакатлар ва халқларнинг демократик йўлдан ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

Ҳозирги дунёнинг ўзаро боғлиқлиги, бирбутунилиги халқлар ва давлатлар ўртасидаги халқаро алоқаларидаги демократик тарзда амал қилишини тақозо этади. Янгича демократик дунёқараш ҳозирғи вақтда умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни қарор топтириш учун турли давлатлар ҳамкорлиги гоясини илгари сурмоқда.

Умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни синфиий, миллий, давлатлар манфаатларидан устунлигини эътироф этиш мамлакатлар ўртасидаги янгича демократик вазиятни вужудга келтирмоқда.

Умуминсоний манфаатлар халқаро сиёсий муносабатлардаги ихтилофлардан устун туради. Бундай манфаатлар турли сиёсий тузумлардаги давлатларни ҳозирги замоннинг долзарб масалаларини ҳал этишда биргаликда куч-қудрат сарфлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида халқаро сиёсий муносабатларнинг

барқарорлашиб, демократик асосларда ривожланиб боршига олиб келади.

XV БОБ

ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг бутун тарихи уларнинг ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқ ҳолда давом этиб келганлигини кўрсатади. Тарихий тараққиётнинг барча босқичларида бўлгани сингари, ҳозирги даврда ҳам давлатлар фаолиятида ташқи сиёсат масаласи асосий ўринни эгаллайди.

Ташқи сиёсат давлатларнинг халқаро майдондаги ўрни ва мавқенини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир давлат халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида бу муносабатларнинг боришида у ёки бу даражадаги мавқега эга бўлади. Айни пайтда давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги объектив асос ҳисобланади.

1. Давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмуни

Давлатларнинг ташқи сиёсати объектив сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Ҳеч бир давлат бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилмасдан ёки ўзаро муносабатда бўлмасдан самарали ривожлана олмайди. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари қай даражада олиб борилишидан қатъи назар, бу жараён халқаро муносабатларнинг боришини белгилаб беради.

Ташқи сиёсатининг зарурлиги ва муқаррарлиги

Ташқи сиёсатининг зарурлигини ҳар бир давлатнинг эҳтиёжлари тақозо этади. Эҳтиёжлар, аввало, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади. Ҳеч бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида бўшқа давлатнинг манфаатларини устун қўймайди ва бунга интилмайди. Ўз навбатида у ёки бу мамлакатнинг миллий манфаатлари бошқа мамлакатларнинг манфаатларидан ҳам устун қўйилмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши жараёнида ана шу талабларга оғишмай риоя қилиши зарур. Акс ҳолда

давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қарама-қаршиликтар келиб чиқиши табиийдир.

Давлатларниң миллий маңбаатлари уларниң ташқи сиёсати орқали моддий күчга айланып, халқаро майдонда уларниң ўёки бу даражада фаолият күрсатишини белгилаб беради. Ташқи сиёсат зарурлигининг миллий маңбаатлар орқали ифодаланиши барча давлатларга хос бўлган умумий ҳодиса ҳисобланади.

Давлатлар учун ташқи сиёсатининг зарурлиги бир давлатниң бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни тули хил шаклларда олиб бориши билан белгиланади. Бундан ташқари, давлатларниң турли халқаро ташкилотлар билан қиласидан алоқалари ҳам уларниң ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгалайди ва улар олиб борадиган ташқи сиёсатининг муҳим омили ҳисобланади.

Давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини халқаро сиёсий муносабатларниң ривожланиши эҳтиёжлари ҳам тақозо этади. Халқаро муносабатларда рўй берадиган ҳар қандай муаммони ҳал қилиш, биринчи навбатда давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига боғлиқ бўлади. Буниң сабаби шундаки, давлатлар ўзларининг ташқи сиёсий фаолияти орқали халқаро муносабатларга таъсир кўрсатадилар ва уларни тартибга солиб туришда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида ҳаракат қиласидилар.

Давлатларниң ташқи сиёсати ва униш амал қилишига ички ва ташқи омиллар таъсир этиб туради. Ички омиллар объектив ва субъектив омиллардан ташкил топади. Объектив омилларга мамлакатларниң ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллар, субъектив омилларга эса, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаолият кўрсатувчи сиёсатининг турли хилдаги субъектлари киради. Бу омиллар ташқи сиёсатга таъсир этиши билан бирга униш зарурлигини ҳам тақозо этади. Бинобарин, агар давлатларниң ташқи сиёсати амалда бўлмаса, мазкур омилларниң ҳаракати ҳам бир томони лама йўналишга эга бўлиб қолади.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гарчи давлатларниң умумбашарий муаммоларни ҳал этишга муносабати уларниң ички сиёсати орқали ишлаб чиқилса-да, уни амалга оширилиши ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Чунки давлатлар ўзларининг ташқи сиёсати орқали умумбашарий

муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссаларини бошқа давлатлар билан ҳамжиҳатлика аниқлаб оладилар.

Ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан тинч ва аҳил яшаш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади. Тинч-тотув яшашинг давлатлар ташқи сиёсати орқали амалий воқеликка айланиши унинг объектив зарурлигини ифода этади.

Халқаро хавфсизликни таъминлаш ва дунёда барқарор тинчликка эришиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини ифода этади. Ташқи сиёсат ривожининг бутун тарихи давлатларининг ташқи сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳамиша етакчи ўринни эгаллаб келганлигини кўрсатади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

**Ички ва ташқи сиёсат-
нинг бирлиги ва ало-
ҳидалиги** Давлатларининг ташқи сиёсати уларнинг ички сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Чунки ташқи сиёсат биринчи навбатда ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ўзида ифода қиласди. Ҳеч бир давлат ташқи сиёсатини ўзининг миллий манфаатларига зид ишлаб чиқмайди ва амалга оширмайди.

Ички ва ташқи сиёсатининг бирлиги қўйидаги объектив ҳолатлар билан белгиланади:

Биринчидан, ички сиёсат сингари ташқи сиёсат ҳам мамлакатнинг ривожланишига йўналтирилган бўлади. Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири мамлакатнинг ички имкониятларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаб боришдан, унинг ижтимоий ҳаётида рўй берадиган муаммоларни ҳал этиб боришдан иборат. Бунинг учун давлатлар ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

Давлатлар ўзининг ички сиёсати орқали мамлакатни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг самарали йўлларини излаб топишга қанчалик кўп ҳаракат қиласа, бундай ҳаракатни улар ўзининг ташқи сиёсати орқали ҳам давом эттирадилар. Бундай ҳаракатларнинг қандай натижаларга олиб келиши ҳар бир давлатнинг амалий фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади.

Иккичидан, ички ва ташқи сиёсатининг бирлиги улардан биронтасига устунлик бермаслигига аниқ на-

моён бўлади. Давлатларнинг ички сиёсати уларнинг фаолиятида қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, ташқи сиёсат ҳам шунчалик катта аҳамиятга эгадир. Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати тажрибасидан маълумки, тарихий тараққиётнинг ҳеч бир босқичида бирон-бир давлат ўзининг ё ички, ёки ташқи сиёсатига устунлик бермаган. Улар ҳамиша ички ва ташқи сиёсатни ўйғун равишда амалга ошириб келган.

Учинчидан, ички ва ташқи сиёсат давлатлар томонидан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ҳар бир давлат мамлакатнинг ички ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилиш билан бир вақтда, халқаро майдонда рўй берадиган муаммоларни ҳал қилиш ишида ҳам у ёки бу даражада иштирок этади. Аввал ички сиёсат, кейин ташқи сиёсат ёки аксинча бўлиши мумкин эмас. Масалага бундай ёндашиш ички ва ташқи сиёсатнинг бирлигига асло мос келмайди.

Давлатлар ички ва ташқи сиёсатининг бирлиги уларнинг алоҳидалигини инкор қилмайди. Ички сиёсат сингари ташқи сиёсат ҳам ўзига хос шундай хусусиятларга эгаки, бу хусусиятлар уларни бир-биридан аниқ фарқ қилишни ва уларга алоҳида-алоҳида ёндашишни талаб этади.

Ички сиёсат халқаро вазиятга, жаҳон майдонида рўй берәётган ўзгаришларга боғлиқ бўлмайди. Ташқи сиёсат эса; бундай хусусиятга эга эмас. Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсий ўйлини ишлаб чиқишида халқаро вазиятнинг ўзгариб туришини, халқаро муносабатларнинг қандай ривожланиб боришини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, халқаро сиёсий муносабатлар давлатларнинг ички сиёсатига қараганда, уларнинг ташқи сиёсатига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Ташқи сиёсатни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳам ички сиёсатнидан фарқ қиласди. Бинобарин, давлатлар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда бир хилдаги усуллардан ва воситалардан фойдалана олмайди. Мамлакатнинг ички ҳаётига доир муаммоларнинг келиб чиқиши ва ҳал этилиши ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлгани сингари, халқаро майдонда рўй берадиган муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳам турлича бўлади. Шу сабабли давлатлар ўзининг ички ва ташқи сиё-

сатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда алоҳида ёндашишга мажбур бўлади.

Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаолият кўрсатувчи сиёсий кучларнинг иштироки ҳам турлича бўлади. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг давлатнинг ички сиёсатига таъсири унинг ташқи сиёсатига кўрсатадиган таъсиридан фарқ қиласиди. Уларнинг ички сиёсатдаги иштироки ташқи сиёсатдаги иштирокидан анча фарқ қиласиди. Ташқи сиёсатда эса бу ташкилотларнинг айримлари умуми иштирок қилмасликлари мумкин. Масалан, хотинқизлар, муҳандислар, рассомлар, бастакорлар, юристлар ва бошқа шу сингари ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари давлатларнинг ички сиёсатига, унинг амалга оширилишида фаол иштирок этсалар, ташқи сиёсатда бундай фаоллик деярли сезилмайди.

Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалари ҳам ўзаро фарқ қиласиди. Ички сиёсат соҳасидаги вазифалар ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар билан айнан бир хилда бўлмайди. Уларни амалга ошириш ўйлари ва шарт-шароитлари ҳам турлича бўлади. Масалан, ташқи сиёсатда турли мамлакатлар ҳаётига дахлдор бўлган масалалар ва улардан келиб чиқувчи вазифалар ифода қилинса, ички сиёсатда бундай вазифалар амалда бўлмайди.

Давлатлар ички ва ташқи сиёсатининг алоҳидалиги унинг амалий натижалари билан ҳам белгиланади. Амалий натижалар у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсат соҳасида белгиланган вазифаларнинг ҳал этилиши, кўзланган мақсадга эришилганлиги билан белгиланади. Бундай натижалар амалда икки томонлама характеристерга эга бўлади. Чунки давлатлар ташқи сиёсатининг амалий натижалари бир давлатнинг саъи-ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Унда томонларнинг манбаатлари ҳисобга олиниши ва шунга мувофиқ ҳаракат қилиниши талаб қилинади.

Ички ва ташқи сиёсатининг алоҳидалиги уларнинг мустақиллигини акс эттиради. Ички сиёсатда муҳим ўзгаришлар бўлган бир пайтда ташқи сиёсатнинг бир хил даражада давом этиши ёки ташқи сиёсатдаги муҳим ўзгаришлар шароитида ички сиёсатдаги барқарорлик ҳолатлари бунга мисол бўлади.

Шундай қилиб, кўрамизки, ички ва ташқи сиёсат-

нинг алоҳидалиги уларнинг бирлиги орқали кечади. Ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда диалектиканинг бу тала-бига амал қилиши лозим. Акс ҳолда фақат ташқи сиё-сатда эмас, балки ички сиёсатда ҳам айрим нохушлик-лар келиб чиқиши мумкин.

Ташқи сиёсатнинг ўзи- га хос хусусиятлари

Ташқи сиёсат ҳам ички сиё-
сат сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ташқи сиё-
сатнинг ўзига хос хусусиятлари унинг моҳияти ва маз-
мунидан келиб чиқади ҳамда уни ички сиёсатдан фарқ
қилиш имконини беради. Гарчи сиёсатнинг бу икки
тури бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, улар
ўзининг жамият ҳаётига қиладиган таъсири, шарт-ша-
роитлари, амалга ошириш усуллари билан ажralиб ту-
ради.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига хос бўлган асосий
ва муҳим хусусиятлардан бири ташқи сиёсатнинг объ-
ектив моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. Таш-
қи сиёсат у ёки бу мамлакатдаги бирон-бир сиёсий куч-
нинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда давлат-
ларнинг ташқи муносабатларда иштирок қилиш эҳтиёжла-
ридан келиб чиқади. Ҳар бир давлат бошқа давлатлар
билин ўзаро алоқада бўлмасдан мамлакатнинг ижти-
моий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ривожланиш эҳтиёж-
ларини тўла даражада қондира олмайди. Бу ҳол зару-
рият тариқасида ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсий фа-
олиятида акс этади ва унга муносабат билдириш дав-
латлар ташқи сиёсатида ифодаланади.

Ташқи сиёсатга хос бўлган объективлик хусусияти
давлатларнинг халқаро майдонда рўй берадиган ўзга-
ришларга муносабат билдиришида ҳам намоён бўлади.
Бу муносабат, бир томондан, ҳар бир давлатнинг хоҳиш-
истагига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, у жаҳон
сиёсатидан четда қолиб кетмаслиги зарурлигидан келиб
чиқади.

Ташқи сиёсат ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир.
Маълумки, мамлакат ичida ва халқаро майдонда рўй
берадиган янгидан-янги сиёсий воқеа-ҳодисаларга бил-
дириладиган муносабат ҳамиша бир хилда бўлиб қол-
майди. Гарчи бу муносабат давлатлар ташқи сиёсати-
нинг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келмаса-да, айни
пайтда бу сиёсатга маълум даражада таъсир этиб, унинг

янги вазият талабларига мос равища ўзгариб туришига сабаб бўлади.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари барқарорлик хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик, бир томондан, ташқи сиёсий вазиятга, иккинчи томондан эса, сиёсий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Бунинг маъноси шундаки, ҳалқаро муносабатлар ва уларга таъсир этиб турувчи давлат ҳокимиятлари фаолиятидағи самарали натижалар ташқи сиёсатга барқарорлик руҳини бахш этади. Сиёсий вазият қанчалик тез ўзгариб туришига қарамай, ташқи сиёсатнинг умумий йўналиши узоқ йиллар давомида кескин ўзгаришларга учрамаслиги мумкин. Шунга кўра ташқи сиёсат кўпчилик давлатлар фаолиятининг барқарор давом этишини билдиради.

Ташқи сиёсатга турли давлатларнинг мақсад ва манфаатларидаги умумийлик ҳодисаси ҳам хосдир. Бир давлатнинг ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан мос келади. Буни ҳар бир давлатнинг жаҳон майдонида рўй берадиган ўзгаришларга бир хил муносабат билдиришда у ёки бу муаммони ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишда аниқ кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш, ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва бошқа шулар сингари сиёсий муносабатларда кўпчилик давлатлар олиб бораётган ташқи сиёсатда умумийлик ҳодисаси устун ўринни эгаллади.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига мамлакат ичидаги ва ҳалқаро майдондаги турли сиёсий кучлар таъсир қилиб турса-да, бироқ улар бирон бир давлатнинг ташқи сиёсатини батамом ўзгаририб юборолмайди. Ташқи сиёсатга қилинадиган таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатига кўрсатиладиган ижобий таъсир унинг мамлакат ичидага ҳалқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг обрў эътиборининг ошишига ёрдам беради. Бундай шароитда давлат мазкур сиёсий кучлар билан ҳамжиҳат бўлишга, улар фаолияти ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиласади.

2. Ҳозирги босқичда давлатларнинг ташқи сиёсати

Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатларнинг ташқи сиёсати мамлакат ҳаёти ва

халқаро майдонда рўй берәётган ўзгаришларга муво-
фиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.
Ҳар бир давр давлатларнинг ташқи сиёсатига ўзининг
хусусиятларини киритгани сингари ҳозирги босқичнинг
ўзгаришлари ҳам бу сиёсатда ўз ифодасини топмоқ-
да.

Ҳозирги халқаро муно- сабатларда давлатлар ташқи сиёсатининг ўр- ни ва роли

Ҳозирги халқаро муносабат-
лар ва үларнинг ривожлани-
шини давлатларнинг ташқи
сиёсатисиз тасаввур қилиш
мумкин эмас. Бунинг сабаби

јуундаки, халқаро муносабатларга, улар қандай бўли-
шидан қатъи назар, давлатларнинг ташқи сиёсати орқали
таъсир кўрсатилади. Бу таъсир давлатларнинг ташқи
сиёсий фаолиятида амалий кучга айланади ва турли
хилдаги натижаларга олиб келади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабат-
ларда ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқа-
ради. Бунинг сабаби жуда хилма-хил бўлиб, уларни
қўйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, айрим ҳолларда давлатлар ўзининг таш-
қи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хал-
қаро муносабатларда рўй берәётган ўзгаришларни ҳи-
собга олмаган ҳолда бу муносабатларда иштирок этиши-
га ва унга таъсир кўрсатишга ҳаракат қиласди. Бун-
да гап у ёки бу давлат томонидан халқаро муносабат-
ларда рўй берәётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушу-
ниб етмаслик устида эмас, балки уларга онгли муно-
сабатда бўлгани ҳолда муносабат билдириши ҳақида
бормоқда. Шундай давлатлар борки, улар айрим ҳол-
ларда халқаро муносабатларда бўладиган ўзгаришлар
ва үларнинг оқибатлари билан ҳисоблашмай, халқаро
аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда бирон-
бир даражада устун бўлишга ҳаракат қиласди. Бундай
уриниш бошқа давлатларнинг манфаат ва мақсадлари-
га зид келиб қолади ва натижада халқаро муносабат-
ларда танглик ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бў-
лади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни тартибга со-
либ туришда давлатларнинг ташқи сиёсати муҳим аҳа-
миятга эгадир. Ташқи сиёсат ёрдамида давлатлар хал-
қаро майдонда рўй берган вазиятга ўз муносабатлари-
ни билдирадилар ва унда келиб чиқадиган муаммолар-

ни ҳал қилишга у ёки бу даражада ҳисса қўшадилар. Масалан, кейинги йилларда Босния, Сербия, Хорватия, Герцоговина мамлакатлари ўртасида келиб чиқсан уруш ҳаракатлари, Истроил ва Ливан ўртасида рўй берган ҳарбий ҳаракатлар, Чеченистон воқеалари, Афғонистон ва Тожикистондаги можароларга дунёдаги кўпчилик давлатлар ўз муносабатларини билдириб, бу мамлакатларда тинчликка эришиш билан боғлиқ масалалар улар ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Бу минтақалардаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш зарурлиги давлатимиз ташқи сиёсатида ҳам етакчи ўринни эгаллади. Узбекистон давлати ҳам кўпчилик бошقا давлатлар сингари ўзининг ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатлар ва можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини изчиллик билан давом эттириб келмоқда.

Учинчидан, халқаро муносабатларда рўй берадиган айrim ноxуш ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқdir. Айrim ҳолларда халқаро муносабатларда келиб чиқадиган у ёки бу муаммони ҳал қилишда уларнинг манфаатлари бир-бирига зид келиб қолади. Бундай шароитда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ташқи сиёсатига хос бўлган субъектив ёндашишлар устунлик қилиб қолади. Бунинг оқибатида халқаро муносабатларнинг боришида салбий ҳолатлар келиб чиқади.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларда келиб чиқадиган салбий ҳолатларни бартараф қилишда ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда амалга ошириши, кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилган ташқи сиёсат принциплари талабларига риоя қилиши зарур. Халқаро муносабатлар тарихидан маълумки, бу муносабатларда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишга бир томонлама ёндашиш ҳеч қаҷон ижобий натижага олиб келмаган.

Халқаро муносабатлар халқаро сиёсатнинг шундай мураккаб соҳаси ҳисобланадики, ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида бу мураккабликларни ҳисобга олиши лозим. Халқаро муносабатлар алоҳида олинган бир мамлакат ҳаётига дахлдор бўлганлиги учун ҳам бу муносабатларда жаҳондаги барча давлатларнинг ёки

кўпчилик давлатларнинг мақсад-манфаатлари умумлашган тарзда акс этади. Бундай шароитда халқаро муносабатларнинг ривожланиши бирон-бир давлатга устунлик бермайди.

Халқаро муносабатларда давлатлар ташқи сиёсатининг белгиловчилик роли шунда намоён бўладики, бу муносабатларнинг қандай ривожланиши биринчи навбатда давлатларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Жамият ҳаётида амалда бўлган бошқа бирон-бир ташкилот ёки сиёсий куч халқаро муносабатларга давлат ташкилоти сингари кучли таъсир қила олмайди. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ўзининг халқаро муносабатларга таъсирини унга аъзо бўлган давлатлар орқали амалга оширади.

Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширадиган маҳсус орган — Ташқи ишлар вазирлигига эга. Бу вазирлик ўзининг кўп сонли мутахассис ва ташкилотчи кадрлари орқали давлатларнинг ташқи сиёсатида ифодаланган вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатади. Бундай вазифалар хилма-хил бўлиб, уларнинг самарали ҳал қилиб борилиши ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътиборининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Халқаро муносабатларда давлатлар ташқи сиёсатининг белгиловчилик роли уларнинг бу муносабатларнинг ривожига қўшадиган амалий ҳиссаси билан ҳам белгиланади.

Давлатларнинг халқаро муносабатлардаги амалий ҳиссаси мавжуд муаммоларни ҳал қилишга иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий йўллар билан кўмак беришда аниқ намоён бўлади.

Давлатларнинг халқаро муносабатларнинг долзарб муаммоларига доир масалалардаги муносабатини белгилаб берувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ҳам уларнинг ташқи сиёсати орқали амалга оширилади. Айрим давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама имзоланадиган ҳужжатлар: шартномалар, деклорациялар, меморандумлар, баёнотлар ва бошқа турдаги сиёсий ҳужжатлар ҳамда уларда белгиланган сиёсий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг асосий жиҳати ҳисобланади.

Давлатлар ташқи сиёсатининг йўналишлари Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини турли йўналишлар орқали амалга ошироқда. Бундай йўналишлар турлича бўлиб, улар давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмунини белгилаб бермоқда.

Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан иборат.

Ҳар бир давлат ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлашга интилнishi, аввало унинг ички сиёсати орқали намоён бўлади ва ташқи сиёсатда акс этади. Бу ўз навбатида, тинчлик учун курашнинг хавфсизлик учун кураш билан бирлигини ифода қиласи ва шу асосда давлатлар ташқи сиёсатига асос бўлади.

Тинчлик ва хавфсизлик масаласи сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам у давлатлар ташқи сиёсати орқали моддийлашади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсати орқали тинчлик учун амалий фаолият олиб боради ва бошқа давлатларни унга даъват этади.

Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг айrim минтақаларида тинч вазиятнинг бузилиб туриши, ҳарбий ҳаракатларнинг рўй бериши, ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий харажатларни кўпайтиришга интилиш сингари ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка доимий равишда хавф солиб туради. Шунинг учун ҳам тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат бу йўлни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналиши қилиб олмоқда.

Ҳозирги даврниг муҳим талабларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ягона давлат сиёсатининг бўлишидан иборат. Бу курашда сиёсий, ташкилий, хуқуқий, ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа чора-тадбирларнинг ўзаро уйғун тизимиға эга бўлиш ва уларнинг имкониятларитан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда дунёдаги кўпчилик давлатлар ўзининг ташқи сиёсатини ана шу асосда қуришга ва олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосий ва муҳим йўналишларидан яна бири умумбашарий муаммоларни ҳал этишда давлат сиёсатининг зарурлиги шундаки, бу сиёсат орқали давлатлар ўзининг имкониятларидан ке-

либ чиққан ҳолда уларни ҳал қилишда иштирок этади.

Умумбашарий муаммолар у ёки бу мамлакат ҳудудида келиб чиққан бўлишига қарамай, уларнинг заарали оқибатлари барча давлатлар сиёсатида чуқур англаб етилмоғи лозим. Давлат сиёсатида сансоларликка йўл қўйиб бўлмагани сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишга ҳам ташқаридан томошабин бўлиб қолиш мумкин эмас. Бу умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг объектив эҳтиёжларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўзининг ташқи сиёсатида бу муаммоларнинг салбий оқибатларини чуқур англаб етиши ва уларни ҳал этишга амалда ҳаракат қилиши лозим.

Халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кураш ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Давлатлар ўзининг ташқи сиёсати орқали халқаро вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ижобий таъсир халқаро вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келса, салбий таъсир натижасида эса, халқаро вазиятда кескинлик ҳолатлари кучаяди, давлатлар ўртасида ишончсизлик келиб чиқади.

Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатида халқаро вазиятнинг ўзгариб туришини тўғри ҳисобга олиши,unda røy beradigan ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаб етиши, уларнинг оқибатларини олдиндан сезиши ва шу асосда халқаро вазиятни тўғри баҳолай олиши лозим. Халқаро вазиятнинг боришини тўғри баҳолай билиш бу соҳада келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг йўлларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва уни янада такомиллаштириб боришдан иборат. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ҳамкорлик шаклларидан иборат бўлиб, бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга ошириш ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади.

Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир. Давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, аввало, уларнинг халқаро ташкилотлардаги ўрни ва роли билан белгиланади. Дав-

латлар турли хилдаги халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро муносабатларда иштирок этади. Уларнинг бундай иштироки ўз ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қиласди.

Халқаро ташкилотларнинг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти бениҳоя катта бўлганлиги сабабли уларнинг фаолияти давлатларнинг ташқи сиёсатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, давлатларнинг ташқи сиёсатида уларнинг халқаро ташкилотларга муносабат билдириши ҳам турлича бўлиши табиийдир.

Ҳозирги даврда ташқи сиёсатни мафкурадан ҳоли қилишининг зарурлиги ва аҳамияти жаҳондаги кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилмоқда ва бунинг учун амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бундай ҳаракатлар давлатлар ташқи сиёсатининг йўналишларидан бири сифатида давлатлараро муносабатларнинг ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фоявий мухолифлик барча замонларда ҳам давлатлар ўртасидаги душманлик муносабатларининг кескинлашишига сабаб бўлиб келган. Фоявий мухолифликка асосланган давлат сиёсати ҳеч қачон самарали натижага олиб келмаган. Аксинча, бундай сиёсат айрим ҳолларда дунёни ҳалокат ёқасига олиб келган. Шунинг учун ҳам фоявий курашдан воз кечиш ҳозирги кунда давлатлар ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бирига айланиб қолмоқда. Фоявий курашнинг заарали оқибатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қўйидаги таърифлаб кўрсатади: «Фоявий мухолифлик ўтмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлиншишига сабаб бўлди. Дунёни ҳалокат ёқасига олиб келди. Бундай келишмовчиликлар бугун ҳам давлатлараро ихтилофларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, бутун-бутун халқларнинг фожиасига сабаб бўлаётир».¹

Давлатлар ташқи сиёсатининг тамойиллари

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатининг самарали бўлиши кўп жиҳат-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 67-бет.

дан давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиласидаган тамойилларда ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдидағи бурчи ва масъулияти акс этади. Бунинг маъноси шундаки, давлатлар ўзининг ташқи сиёсати орқали жаҳон сиёсатида рўй берадиган ўзгаришларга баҳо беришни, ўзаро мажбуриятларни доимо ҳис қилиб туришни, ташқи сиёсат соҳасида кўпчилик давлатлар учун маъқул бўлган қоида ва нормаларга амал қилишни ўз фаолиятларининг асосий жиҳати деб билышлари талаб қилинади.

Ташқи сиёсат соҳасида амал қиласидаган тамойиллар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида амал қиласидаган тамойиллар сингари бирон-бир давлат томонидан ишлаб чиқилмаган. Улар давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкил топиш жараёнida бу муносабатларни самарали ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам давлатларнинг ташқи сиёсатида амал қиласидаган тамойиллар мажбурий характерга эга эмас. Уларга амал қилмаслик эса, давлатларнинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига сабаб бўлади.

Давлатларнинг ташқи сиёсатида кўпгина умумий томонлар борки, бу уларнинг жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда ўз фаолиятларини мувофиқлаштиришларини талаб этади. Бу объектив зарурит давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиласидаган тамойилларнинг талабларидан келиб чиқади. Тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорлик қилиш, бир давлатнинг бошқасига ўз ҳукмини ўтказмаслиги, ички ишларга аралашмаслик, гоявий мухолифликдан ҳоли бўлиш, халқаро муносабатларга доир муаммоларни ҳал қилиш ишларида фаоллик кўрсатиш, ташқи сиёсат соҳасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш ва бошқа шулар сингари кўплаб тамойиллар ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатини белгилаб бермоқда. Бу тамойилларга оғишмай амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Ташқи сиёсат соҳасида давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги тамойили халқаро аҳамиятга доир масалаларни муҳокама қилиш ишларида ҳар бир давлатнинг ҳеч қандай чеклашларисиз иштирок қилишини, уларнинг қабул қилинаётган қарорларида баравар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишини билдиради. Бинобарин, ҳеч бир

давлат ташқи сиёсат соҳасида ҳам ўзининг камситилишига йўл қўймайди. Шундай экан, тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг ҳар бир давлат ташқи сиёсатида эътироф этилиши табиийdir.

Давлатлар ташқи сиёсатининг тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда бир давлатнинг бошқасига нисбатан ўз ҳукмини ўтказишга уриниши рўй бериб турган. Бундай ҳаракатлар оқибати кўп ҳолларда босқинчилик урушлари билан тугаган. Аммо бунга барча мамлакатлар ташқи сиёсатига хос хусусият деб қарамаслик керак. Дунёда кўпчилик давлатлар ўзининг ташқи сиёсий фаолиятини бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида олиб борган. Бундай давлатларнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори ошиб борган. Шунинг учун ҳам кўпчилик давлатлар ташқи сиёсат соҳасида бошқа давлатларга ўз ҳукмини ўтказмасликка ҳаракат қилиб келмоқда ва бу соҳадаги ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида бу тамойилга оғишмай амал қилиш асосида жаҳон ҳамжамиятида алоҳида нуфузга эга бўлмоқда.

Давлатлар ўртасида ишончсизлик ҳолларининг рўй бериши уларнинг ички ишларига аралашиб оқибатида келиб чиқади. Бундай ҳоллар давлатлар тарихида жуда кўп бўлган. Ҳозирги давр ҳам бундан мустасно эмас. Кейинги ўн йилликлар давомида собиқ СССР, АҚШ, Англия, Франция, Испания, Жанубий Африка Республикаси, Хитой сингари мамлакатларнинг ташқи сиёсатида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиб ҳоллари рўй бериб турганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда давлатларнинг ички ишларига аралашиб оқибатида улар ўртасида келиб чиқадиган ишончсизлик давлатлараро ва ҳалқаро муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам дунёдаги кўпчилик давлатлар ўзларининг ташқи сиёсатида ички ишларга аралашмаслик тамойилига амал қилишга ҳаракат қилмоқдалар ва бошқа давлатларни ҳам бунга даъват этмоқдалар.

Давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли бўлишида ғоявий мухолифликдан воз кечиш тамойилига амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ғоявий мухолифлик давлатларни бир-бирига яқинлаштириш эмас, балки уларни узоқлаштиришга, улар ўртасида душманлик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади.

Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар масалала-рига доир муаммоларни ҳал қилиш ишида фаоллик кўрсатиш тамойили давлатлар ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллаши лозим. Бу тамойилга ва унинг талаблари га амал қилиш ҳам давлатлар ўртасидаги ишончни оширади, уларнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори-нинг мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

Давлатларнинг ташқи сиёсатида амал қиласиган тамойиллар ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари га мос келади. Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг миллий манфаатларига зид бўлмаганлиги учун ҳам, давлатларнинг ташқи сиёсатида уларга амал қилиш муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

XVI БОБ

УРУШ ВА ТИНЧЛИК СИЁСАТИ

Уруш ва тинчлик масаласи ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу масала барча замонларда бўлгани сингари, ҳозирги кунда ҳам инсониятни беҳад ташвишга солиб келмоқда. Урушнинг даҳшатли оқибатлари инсониятга қанчадан-қанча кулфатлар келтирганлиги тўғрисида тарихнинг ўзи жонли гувоҳдир.

Урушнинг олдини олиш ва келажакда унинг келиб чиқишига йўл қўймасликнинг бирдан-бир шарти жаҳондаги барча давлатлар ва халқларнинг тинчлик учун олиб борадиган қатъий ва изчил курашидан иборат. Тинчлик учун кураш ҳаракатлари сусайган жойда уруш ҳаракатларининг келиб чиқиши учун шароит етилиб боради.

1. Урушлар — сиёсатнинг натижаси

Урушлар давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсатнинг натижасидир. Бирон-бир давлатлар гуруҳи мамлакат ичкариси ва халқаро майдонда рўй берадиган муаммоларни иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий, дипломатия йўллари билан ҳал қилолмагач, уруш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиласиди. Миллий озодлик урушларидан ташқари инсоният тарихида келиб чиқсан барча урушлар ана шу сабабларга кўра рўй берган.

Урушларнинг келиб чиқиши сабаблари Урушлар ҳеч қаочон ўз-ўзича келиб чиқмайди. Уларнинг келиб чиқишига жуда кўплаб омиллар сабаб бўлади. Бундай омиллар турлича бўлиб, уларни турли даврларда рўй берган ҳар бир урушнинг тури ёки хусусиятига қараб изоҳлаш мумкин. Ҳамма турдаги урушлар бир хилдаги омил асосида келиб чиқмагани сингари, айнан бир хилдаги омиллар ҳам турли хилдаги урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлолмайди.

Ибтидоий жамиятда айрим қабилалар ўртасида рўй берган тўқнашувлар уруш ҳисобланмайди. Бундай тўқнашувлар баъзида тасодифий равишда, баъзида эса тирикчилик эҳтиёжлари натижасида рўй берган. Бундай тўқнашувлар олдиндан тузилган режа асосида олиб борилмаган ва уларда босқинчилик мақсадлари кўзда тутилмаган. Бундай тўқнашувлар ҳарбий тайёргарликка эга бўлган, мунтазам қўшинларнинг ҳаракатлари асосида олиб борилмаган ва уларда уруш ҳаракатлари учун қўлланиладиган ҳарбий қурол-аслаҳалардан фойдаланилмаган. Шунинг учун ҳам ибтидоий жамиятда келиб чиқсан тўқнашувларни, гарчи уларда қурбонлар берилган бўлса ҳам, уруш ҳаракатлари ёки урушлар деб аташ мумкин эмас.

Урушлар олдиндан пукта тайёргарлик кўрилган босқинчилик ёки озодлик учун кураш мақсадида олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлардир. Бундай ҳаракатларда урушувчи томонлар мунтазам қўшинга эга бўлади, ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқилади, ҳарбий ҳаражатлар учун маблағлар тўпланади, қўшинларга ҳарбий ҳаракат сирлари ўргатилади. Бундай ҳаракатларга, айниқса, босқинчилик урушлари даврида зўр бериб тайёргарлик кўрилади.

Урушларнинг келиб чиқишига мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда фаолият кўрсатувчи айрим сиёсий кучларнинг у ёки бу давлат сиёсатига кўрсатадиган таъсири ҳам сабаб бўлади. Агар бундай кучлар мамлакат ичкарисида ҳарбий қурол-яроғларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг янги турларини яратишдан босқинчилик мақсадларидан фойдаланишга ҳаракат қўлсалар, мамлакат ташқарисида эса, улар у ёки бу давлатнинг ички ишларига аралashiш орқали уларни ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга ундайдилар. Масалан, асримизнинг 60-йилларида АҚШнинг Въетнам мамлакатига қарши олиб борган уруш ҳаракатларидан шу

мамлакат ичкарисидаги ҳарбий-сиёсий күчлар манфаатдор бўлган эди ва улар АҚШ ҳукуматини Въетнамга қарши урушга тортишгá муваффақ бўлишганди. Америкалик машҳур политолог Жеймс Розенau ўзининг «Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат» асарида АҚШ нинг Въетнамга қарши олиб борган уруш ҳаракатлари унинг миллий манфаатларига зид бўлиши билан бирга, кўпчилик американкларнинг норозиликларига ҳам сабаб бўлганлигини ёзган эди. Чикаго университетининг профессори К. Райт ўзининг «Урушларни тадқиқ қилиш» асарида урушларнинг келиб чиқиш сабабларини қўйидагича таърифлайди: «Уруш ҳозирги замон цивилизациясида ғоявий жиҳатдан пухта ишланган нутқлар, қоидалар, символлар, идеаллар системаси ёрдамида тарбиялашга асосланади. Урушлар ҳозирги даврда шароитнинг етилишидан эмас, балки шароитни ўта сунъийлик билан изоҳлашдан келиб чиқади».

Урушларнинг келиб чиқишига айрим давлат бошлиқларининг шахсий ташабbusи ва уларнинг хоҳиширодаси ҳам сабаб бўлади. Чингизхон, Напалеон, Гитлер, Муссолини сингари кўплаб тарихий шахсларнинг босқинчилик йўлидаги хоҳишистаклари дунёда энг даҳшатли урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Уларнинг ташабbusи ва айби билан тарихда мисли кўрилмаган даҳшатли уруш ҳаракатлари олиб борилди ва бу урушларда қанчадан-қанча бегуноҳ қурбонлар берилди, инсониятнинг куч қудрати, ақл-заковати ва меҳнати билан яратилган моддий ва маънавий бойликлар вайрон қилинди.

Мустамлакачилик зулмига қарши кураш ҳам урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бироқ бундай урушлардан кузатилган асосий мақсад, ҳар бир мамлакатнинг мустақил яшашга бўлган интилиши билан изоҳланади. Шунга кўра бундай урушлар, гарчи уларда ҳам қурбонлар берилса-да, мамлакат истиқболини кўзлаб олиб борилади.

Урушларнинг келиб чиқишига у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсатидаги хатоликлар ҳам сабаб бўлади. Бундай хатоликларга бир давлатнинг бошқасига нисбатан ҳудуд даъво қилиши, улар ўртасида имзоланган шартномаларнинг бузилиши, халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилмаслик каби салбий ҳолатларни киритиш мумкин. Ироқ—Эрон, Ироқ—Қувайт, Исроил—Ливан, Хитой—Въетнам ва бошқа кўплаб мамлакатлар ўрта-

сида келиб чиққан уруш ҳаракатлари бунга аниқ мисолдир.

Урушларнинг келиб чиқишига миллий, ирқий камси-тишлар ҳам сабаб бўлади. Бундай урушлар фуқаролик урушлари бўлиб, кўпинча ва асосан мамлакат ичкари-сида олиб борилади. Бундай урушларнинг келиб чиқишига у ёки бу давлатнинг мамлакат ичкарисида олиб борадиган сиёсати ҳам сабаб бўлади. У ёки бу миллат ёки ирққа мансуб бўлган фуқароларнинг давлат сиёсатига норозилиги айрим ҳолларда фуқаролик урушла-рини келтириб чиқаради.

Урушлар қандай сабабларга кўра келиб чиқишидан қатъи назар (миллий озодлик урушлар бундан истисно қилинади — *муалл*) у барча тарақийпарвар кучлар томонидан қораланади.

Урушларнинг турлари Ҳар қандай уруш бошқасидан **ва уларнинг характеристи** ўзининг кўпгина белги-хусусиятларига кўра ажralиб туради. Ўзининг ҳамма жиҳатлари билан бир-бирига айнан ўхшаш бўлган ёки тўла мос келадиган урушлар жаҳон тарихида бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Урушлар уни келтириб чиқарган тарихий шароитлар, ҳарбий ҳаракатларнинг бориши, уларда иштирок этувчи қуролли кучларнинг нисбати, қурол-яроғларнинг ҳажми ва миқдори, уруш ҳаракатларига тортилган мамлакатлар ва улар томонидан берилган қурбонлар сингари ўзининг хилма-хил томонлари билан ўзаро фарқ қиласди. Урушлар, ҳатто, ўзининг мақсадларига кўра ҳам айнан бир хилда бўлмайди.

Лекин шунга қарамай урушларда кўпгина ўхшаш, умумий томонлар ҳам мавжуд бўлади. Урушларни уларга хос умумий, ўхшаш томонларига кўра тўртта асосий турга ажратиш мумкин: 1) жаҳон урушлари; 2) маҳаллий урушлар; 3) фуқаролик урушлари; 4) миллий озодлик урушлари. Улар орасида фақат кейингиси босқинчилик мақсадларига эга эмас. Қолган ҳар уччала турдаги урушлар босқинчилик ва зўравонлик характеристига эга бўлади. Ҳатто фуқаролик урушларида ҳам урушувчи томонлар ўртасида босқинчилик, талончилик ҳаракатлари олиб борилади.

Урушлар орасида уларнинг энг даҳшатлиси жаҳон урушлариdir. Жаҳон урушлари уларда берилган қурбонлар сонига кўра ҳам, моддий ва маънавий бой-

ликларнинг вайрон қилиниш ҳажми ва миқдорига кўра ҳам, уларда қатнашган қуролли кучлар ва уруш ҳаракатларининг миқёсларига кўра ҳам урушларнинг бошқа турларидан кескин фарқ қиласди. Бундай урушлар ХХ асрнинг энг мудҳиш воқеаси сифатида тарихда ўчмас из қолдириди.

Жаҳон урушларининг даҳшатларини уларни бирбирига қиёс қилганда янада аниқ кўриш мумкин. Агар Биринчи жаҳон урушига 1 миллиардан ошиқ аҳолига эга бўлган 36 та давлат тортилган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида эса, 1 миллиард 700 миллиондан ошиқ аҳолига эга бўлган 61 та давлат жалб қилинди. Агар Биринчи жаҳон урушида ҳарбий ҳаракатлар 14 та мамлакат ҳудудида олиб борилган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши эса, 40 мамлакат ҳудудида давом этди. Агар Биринчи жаҳон урушида ҳар йили 2 миллиондан ошиқ, жами 9 миллионга яқин киши ҳалок бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида эса, йилига 10 миллиондан ошиқ, жами 50 миллионга яқин киши ҳалок бўлган.

Жаҳон урушлари тўғрисида келтирилган бу статистика маълумотлари жаҳон урушларининг инсоният бошига қанчалик оғир даҳшатлар солганилигини аниқ кўрсатиб беради. Бу урушлар оқибатида қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди, моддий ва маънавий бойликлар йўқ қилинди, дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиши таназзулга юз тутди, жамият тараққиёти бир неча ўн йилларга орқага суриб юборилди. Айрим сиёсий кучларнинг айби билан келиб чиққан бу урушлар инсоният учун жуда қимматга тушди.

Гарчи жаҳон урушлари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида олиб борилмаган бўлса-да, унинг даҳшатлари ватанимизни четлаб ўтгани йўқ. Ҳусусан, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи бошқа халқлар билан биргаликда бу урушнинг оғир оқибатларини ўз бошидан кечирди. Ўзбекистонлик турли миллат вакиллари жанг майдонларида ҳам, уруш ортида ҳам қаҳрамонона жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистон халқи фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроғлар билан таъминлаб туришда собиқ Иттифоқдаги барча халқлар билан бир сафда борди.

Фақат жаҳон урушлари эмас, балки маҳаллий урушлар ҳам инсониятга кўплаб кулфатлар келтиради. Гарчи маҳаллий урушлар, уларда қатнашувчи қуролли куч-

ларнинг ҳажми, ҳаракатларининг чекланган ҳудуди, қурбонлар сонининг озлиги, вайронагарчиликнинг камлиги билан жаҳон урушларидан фарқ қиласа-да, бундай урушларнинг оқибатлари ҳам дунёдаги кўплаб мамлакатлар ва халқларга беҳад кўплаб кулфатлар келтиради.

Маҳаллий урушлар асосан икки ёки ундан кўпроқ мамлакатлар ўртасида олиб бориладиган урушлардир. Бундай урушларнинг келиб чиқиши ҳам томонларнинг олиб бориладиган сиёсатига ва унинг натижаларига боғлиқ бўлади. Бундай урушлар асосан босқинчлилик сиёсатини ҳарбий йўллар билан амалга оширишнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида дунёда 40 тадан ошиқ ана шундай урушлар бўлди. АҚШ—Въетнам, Ироқ—Эрон, Ҳиндистон—Покистон ва бошқа давлатлар ўртасида келиб чиққан урушлар ана шундай урушлар турига киради.

Фуқаролик урушлари ҳам урушларнинг даҳшатли турларидан биридир. Бундай урушлар асосан мамлакат ичida қарама-қарши томонларнинг ҳокимият учун олиб борадиган курашидан иборат бўлади. Фуқаролик урушларига хос хусусият — уларда қатнашувчи кучларнинг таркибини аниқлаб бўлмаслиги билан белгиланади. Бундай урушларда ҳам кўплаб талофотлар берилади, бегуноҳ одамларнинг қони тўклилади, моддий ва маънавий бойликлар вайрон қилинади, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи оғирлашади. Кейинги йилларда Ливанда, Афғонистонда, Тоҷикистонда келиб чиққан урушлар ана шундай турдаги урушлар ҳисобланади.

Урушларнинг барча турлари орасида фақат миллий озодлик урушлари босқинчлилик характеристига эга бўлмайди. Бундай урушлар мамлакатнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши учун олиб борилади. Шунинг учун ҳам бундай урушлар фақат озодлик учун курашувчи халқлар томонидангина эмас, шу билан бирга дунедаги барча тинчликсевар, тараққийпарвар халқлар ва давлатлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

Урушлар қандай турда бўлишидан қатъи назар адолатли ёки адолатсиз бўлади. Адолатли урушлар халқни асоратга солишга қарши қаратилган урушлардир. Қадимги дунёда қулларнинг қулдорларга қарши, феодал тузумда деҳқонларнинг золим ҳукмдорларга қарши олиб борган урушлари ана шундай урушлардир.

Дунёдаги күпчилик халқларнинг ўз мамлакатининг озодлигини ҳимоя қилиш йўлидаги урушлари ҳам адолатли уруш ҳисобланади. Собиқ СССР халқларининг фашист босқинчиларига қарши, Въетнам халқининг АҚШга қарши, Қувайтнинг Ироққа қарши олиб борган урушлари ҳам адолатли урушлар бўлган эди.

Адолатли урушлар жамият тараққиётига, унинг ривожига ёрдам беради. Аммо бундан адолатли урушлар ҳамма вақт бўлиб туриши керак, деган хато холосага келмаслик керак. Адолатли уруш ҳам уруш ҳаракатлари давом этажтан пайтда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига салбий таъсир этади. Бундай урушларнинг жамият ривожига қиласидан ижобий таъсири унинг ғалабаси асосида воқееликка айланади. Миллий озодлик урушларининг ғалаба билан тугаши оқибатида озодликка ва мустақилликка эришган барча мамлакатларнинг тажрибаси бу қоиданинг тўғрилигини тасдиқлади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида кейинги ўн йилликлар давомида миллий озодлик урушлари натижасида ўзининг миллий тараққиётига эришган мамлакатлар ҳаётида рўй берган чуқур социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар бунга аниқ мисолдир.

Урушувчи томонларнинг бири учун адолатли бўлган уруш иккинчи томон учун адолатсиз бўлади. Бу миллий озодлик урушларидан ташқари урушларнинг бошқа барча турларига хос хусусиятдир. Бироқ урушлар бир вақтнинг ўзида ҳам адолатли, ҳам адолатсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам урушларнинг ҳарактерини аниқлашда унинг адолатли ёки адолатсиз эканлигини доимо назарда тутган ҳолда унга муносабат билдириш лозим.

Адолатсиз урушлар бошқа мамлакатларни босиб олиш, бошқа халқларга ўз ҳукмини ўtkазиш ёхуд меҳнаткашларнинг озодлик учун олиб борадиган курашларни бостириш мақсадида олиб борилади. Бундай урушлар жамият тараққиётига тўсқинлик қилиш билан бирга, халқларни асоратга солишга, уларнинг иродасини зўрлик асосида букиб туришга ёрдам беради.

Адолатсиз уруш олиб бораётган томон унинг адолатсиз эканлигини тушунса-да, уни жаҳон аҳлидан сир сақлашга ёки уни адолатли қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласиди. Ҳатто Гитлер ҳам Иккинчи жаҳон урушида ўзининг олиб борган босқинчилик урушини адолатли уруш деб бутун дунёга жар соглан эди.

Урушлар тұғрисидаги назариялар

Босқинчилик, адолатсиз урушлар инсоният томонидан ҳамма вақт қораланиб келинганд. Шукинг учун ҳам бундай урушларни олиб борища урушқоқ күчлар унинг моҳиятини бузиб күрсатишига ва шу йўл билан босқинчилик урушларини оқлашга ҳаракат қилинадар. Бу ишда уларга урушлар тұғрисида яратилган назариялар жуда қўйл келган. Бундай назариялар хилма-хил бўлиб, уларда урушларнинг зарурлиги ва муқаррарлигини оқлашга турли йўллар билан ҳаракат қилинади.

Урушнинг зарурлиги ва муқаррарлиги тұғрисидаги реакцион назариялардан бири мальтусчилик назариясидир. Бу назарияда вақти-вақти билан бўлиб турадиган урушлар табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришига ва шу йўл билан жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга эришиш мумкин эканлиги тұғрисидаги асоссиз фоялар илгари сурлади.

Мальтусчилик назарияси XVIII асрда яшаган инглиз иқтисодчи олими Мальтуснинг номи билан боғлиқдир. У ўзининг иқтисодий масалаларга доир ёзган асарларидага иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқиши капитализмнинг айрим даврларида иқтисодий кризисларга учраб туриши моддий неъматларни ишлаб чиқиш билан уларни истеъмол қилиш ўртасидаги тенгсизликнинг кучайиб боришига боғлиқ, деб исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши арифметик прогрессия асосида, одамлар сонининг ўсиши эса, геометрик прогрессия асосида боради. Бунинг оқибатида, дейди у, аҳоли сони шу қадар ўсиб кетадики, уларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий неъматлар тобора камайиб боради ва оқибатда очарчилик бошланади. Очарчилик турли хилдаги касалликларни келтириб чиқаради. Натижада яшаш учун кураш моддий неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан уни ишлаб чиқарувчиларни камайтиришга қаратилган курашга айланади. Бунга йўл қўймасликнинг бирдан бир йўли, деб уқтирилади мальтусчилик назариясида, бу мамлакатлар ва халқлар ўртасида вақти-вақти билан урушлар қилиб туришдан иборатdir.

Урушлар тұғрисидаги ана шундай заарли назариялардан яна бири зўрлик назариясидир. Бу назарияда зўрлик фояси инсонга хос табиий хусусият деб талқин қилинади. Бир киши иккинчисига нисбатан кучли бўл-

ғанлиги сингари, дейилади бу назарияда, бир давлат ҳам бошқасига нисбатан кучли бўлади. Кучлар нисбатидаги бундай тенгсизлик кучлиларнинг кучсизларга ҳамиша бўйсуниб яшашини объектив заруриятга айлантиради. Шундай экан, дейилади бу назарияда, кучсизларнинг кучлиларга тенглашишига йўл қўйиб бўлмайди. Агар кучсиз давлатлар кучли давлатларга бўйсунишдан қайт-масалар, деб уқтиришади бу назариянинг асосчилари, унда уларнинг ҳар қандай қаршилигини кучли давлатлар уруш йўли билан бостириб турадилар. Кучсиз давлатларнинг кучли давлатларга айланиши йўлидаги ҳаракатлари муқаррар бўлгани сингари, уларга қарши кучли давлатларнинг зўрлик қилиб туриши ҳам муқаррардир. Бу назарияда жамиятнинг ривожланиши объектив қонуниятларга эмас, балки ҳарбий тўқнашувларнинг натижаларига боғлиқ эканлиги тарзида тасвирланади.

Урушларнинг зарурлиги ва муқаррарларгини геополитик назарияда ҳам турли йўллар билан оқлашга ҳаракат қилинади. Бу назариянинг асосчилари ҳам ўзларининг реакцион ғояларини дунёда аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан боғлиқ ҳолда изоҳлаб беришга ҳаракат қиласилар. Улар аҳоли сонининг кўпайиб боришини уларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ эканлигини эътироф этсаларда, бироқ улар бундай имкониятларни фақат уруш орқали яратиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, ҳар бир мамлакатда аҳоли сонининг тўхтовсиз ошиб бориши натижасида, улар ўзлари яшаб турган ҳудудга тобора кўпроқ сифишимай қоладилар. Бу ҳол, шубҳасиз, уларни ўз ҳудудларини кенгайтиришга мажбур қиласиди. Ҳар бир давлат ўз мамлакати халқининг эҳтиёжларини қондиришга мажбур бўлганлиги учун ҳам бошқа давлатларнинг ҳудудига эга бўлишга ҳаракат қиласиди. Бу мақсадга эришиш, дейилади геополитик назарияда, фақат уруш йўли билан ҳал қилинади.

Урушлар тўғрисидаги назариялар орасида ирқий назария ҳам энг зарарли назариялардан биридир. Бу назарияда кишиларнинг олий ёки паст ирқقا мансублиги ва олий ирқнинг паст ирқقا нисбатан ҳукумронлик қилиши зарурлиги ғояси турли йўллар билан асослаб берилади. Бу назариянинг айрим тарафдорлари паст ирқка мансуб кишиларни қириб ташлаш фикридан ҳам воз кечмаганликларини очиқ-ойдин эълон қилишган эди. Бу назария Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга

жуда құл келган эди. Фашистлар немис миллатини олий ирққа мансуб ҳисоблаб, бошқа халқларни уларга хизмат қылдирған мақсадида ўзларининг босқинчилік ҳаракаттарини оқлашга уринган әдилар. Иккінчи жағон уруши ва ундан кейинги йилларда АҚШ, Италия, Жаңубий Африка Республикаси мамлакатларида ҳам фашистлар ирқчилік түғрисидаги назарияларни кенг тарғиб қилишган эди. Ҳозирги кунда ҳам айрим мамлакатларда биш күтараётған баъзи фашистик түдалар ва ташкилотлар урушлар түғрисидаги ирқчилік назариясини қайтадан тарғиб қилишга ҳаракат қылмоқдалар.

Урушларнинг зарурлиги ва муқаррарларының 60-йилларда Хитойда ҳам давлат сиёсатига асос қилиб олинган эди. Хитой компартияси ва хитой давлатининг бошлиқлари жағон инқилоби манфаатлари йўлида ҳарбий тўқнашувлардан қочиш эмас, балки унга интилиш керак, деб бутун дунёга жарсолған әдилар. Мао-Цзе-Дун партия ходимларининг 1969 йилда Чендунда бўлган йиғилишида урушга интилишнинг зарурлигини қўйидагича таърифлаган эди: «Агар, масалан, атом бомба бизни кунғояқун қиласа нима ҳам дердик, қилаберсин, ўшандан кейин биз қурилишни янгидан бошлаймиз. Ушанда қурилишимиз ҳозиргидан кўра бир мунча яхшироқ бўлиб чиқиши ҳам эҳтимол»¹.

Тинчликни астойдил қадрлайдиган бирон кишининг янги жағон урушининг олдини олиш учун курашда ўз масъулиятини англамаслиги мумкин эмас. Бироқ ўша йилларда Хитой раҳбарлари «инқилоб ғалабаси» учун инсониятнинг ярмидан кўпи ядрорий урушда қирилиб кетишига рози бўлишга тайёр турганликлари билан мақтанганликларини ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас.

Урушнинг зарурлиги ва муқаррарларини оқлашга доир назарияларнинг барчаси ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Уларнинг ҳаммасида ҳам урушқоқ кучларнинг манфаатлари ифода қилинган. Шунинг учун ҳам бундай кучлар бу назарияларнинг асосчиларини рағбатлантирганлар, уларнинг ғайри илмий таълимотларини бутун дунёда кенг ёйишга ҳаракат қилганлар. Гитлер, Муссолини сингари фашистлар бу назарияларда илгари сурилган ғаразли ғоялардан ўзларининг босқинчилік мақсадларида фойдаланганлар.

Аҳоли сонининг ўсишини урушлар орқали чеклаб

¹ «Совет Узбекистони» газетаси, 1970 йил 20 май.

туриш ғоясида ҳеч қандай мантиқ йўқ. Бу муаммони бошқа усуллар ва воситалар билан ҳал қилиш мумкинлиги турли давлатлар тажрибасида тасдиқланган. Ҳозирги кунда давлатлар томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат бу масалани қанчалик оқилона даражада ҳал қилиш мумкинлигини кўрсамтоқда.

Урушлар тўғрисидаги назарияларда илгари суриласётган зўрлик ғояси ҳам ҳеч қандай илмий асосга эга эмас. Зўрлик жамиятга хос бўлган табиий ҳодиса эмас. Бу урушқоқ кучларнинг ўз ғаразли мақсадларини оқлаш йўлида тўқиб чиқарган уйдирмаларидан бошқа нарса эмас.

2. Тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш.

Урушга қарши курашнинг энг ишончли ва самарали йўли тинчлик ва тинч тотув яшаш учун курашdir. Бу йўл қанчалик оғир ва мешаққатли бўлишига қарамай, жаҳон аҳлиниң асосий кўпчилик қисми бу йўлдан боришига ва шу асосда ўз ҳаётини тинч ва осойишта ўтказишига ҳаракат қилмоқда.

Тинчлик учун кураш Тинчликни сақлаш ва мустаҳва унинг зарурлиги камлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Бу муаммони кишиларнинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният ўзи учун муқаддас бўлган нарсага доимо изчил ва қатъий кураш натижасида муваффақ бўлган.

Ер юзида босқинчилик ҳаракатларининг келиб чиқиши ва бунинг оқибатида урушларнинг авж олиши неча йуз йиллар давомида жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб келди ва бу ҳодиса ҳозирги кунда ҳам рўй бериб турибди. Уруш даҳшатлари жаҳон халқлари тарихида бирон кун ҳам тўхтаганий йўқ. Қонли урушларнинг оқибатлари унга қарши бўлган кучлар ҳаракатининг авж олишига сабаб бўлиб келмоқда. Урушга қарши кучлар ҳаракатининг тобора авж олиб бориши тинчликсевар кучлар фаоллигини тобора оширмоқда.

Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда тинчлик учун кураш ниҳоятда муҳим аҳамият ва маъно касб этмоқда. Кейинги йилларда дунёнинг айрим мамлакатлари, айрим минтақаларида ва умуман

халқаро майдонда рўй бераётган чуқур сиёсий ўзгаришлар тинчлик учун курашнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Кўпчилик мамлакатлар халқларининг узоқ йиллар давомида оғир машаққатлар билан қўлга киритган миллий мустақилликлари, демократик эркинликларини асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодларга етказиш йўлидаги ҳаракатлари тинчликка боғлиқ эканлиги, уларни тинчликни қадрлашга тобора кўпроқ унданмоқда. Фақат тинчлик шароитидагина ижтимоий тараққиётнинг баланд чўққиларига эришиш, дунёнинг ҳар хиллиги ва бир бутунлигини сақлаб қолиш мумкин.

Тинчлик учун кураш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг зарур шарти ҳисобланади. Агар дунёдаги барча давлатлар ва турли хилдаги сиёсий кучлар тинчлик учун астойдил ва амалда кураш олиб борсалар, бундай шароитда халқаро хавфсизликнинг кескинлашиши учун ҳеч қандай имконият қолмайди. Лекин ҳозиргача бунга эришишнинг барча давлатлар учун умумий ва маъқул бўлган йўли топилгани йўқ. Айрим давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамон сақланиб қолаётган келишмовчиликлар, мақсад ва манфаатлардаги қарама-қаршиликлар, халқаро муносабатларда бирон-бир даражадаги устунликка эришиш иштиёқи ва бошқа шулар сингари сабаблар дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришиш имкониятини бермаяпти. Дунёда кўплаб ҳарбий-сиёсий можароларнинг келиб чиқаётганлиги бунга аниқ мисолдир.

Тинчлик учун курашда ижтимоий-сиёсий тузуми, жаҳон майдонида тутган мавқеи, ҳарбий куч-қудрати қандай бўлишидан қатъи назар, барча давлатлар ва халқларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари, тинчлик учун курашга даҳлдор ҳар қандай муаммони ҳамжиҳатлиқда ҳал қилишга интилишлари мухим аҳамиятга эгадир. Тинчликни таъминлашга олиб келадиган ҳар қандай муаммони, уларнинг катта ёки кичиклигидан қатъи назар, барча давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари асосида ҳал қилиш орқали мухим амалий натижаларга эришилади. Бу талабга ҳозиргун кунда дунёдаги кўпчилик давлатлар тўла амал қилишга интилмоқдалар.

Тинчлик учун кураш жаҳон халқларини миллати ва ирқидан, эътиқоди ва маслагидан қатъи назар, уларни ўзаро яқинлаштиришнинг қудратли воситасидир. Бинобарин, турли-ҳалқлар ва давлатларнинг, миллатлар ва элатларнинг тинчлик ишига қўшаётган амалий ҳисса-

си үлар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилкларни осонлик билан ҳал қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Тинчлик учун кураш турли ҳалқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга катта ёрдам беради ва ҳалқлар ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиб бориши эса, улар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг тобора кенгайиб боришига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда тинчлик учун кураш ишига дунёдаги кўплаб давлатлар, ҳалқаро сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг саъи ҳаракатлари билан дунёнинг айrim мамлакатлари ва минтақаларида келиб чиқаётган уруш ҳаракатлари ва ҳарбий-сиёсий можароларга чек қўйилмоқда.

Тинчлик учун кураш ишига Ўзбекистон Республикаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақилликка эришган кунидан бошлаб тинчлик учун курашни ўз ташқи сиёсатининг бош йўналиши эканлигини бутун дунёга эълон қилди. У кейинги йилларда тинчлик учун кураш йўлидаги ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, бу соҳада олиб борилаётган ҳаракатларга ҳар томонлама кўмак бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг тинчлик учун кураш ишига қўшаётган амалий ҳиссаси мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг асарларида, унинг БМТнинг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида жуда аниқ баён қилиб берилди. И. А. Каримов тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун курашнинг зарурлиги ҳамда унинг аҳамиятини қўйидагича таърифлайди: «Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, аввалимбор «Ассалому алайкум» дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънони англатишини яхши биласизлар. «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Қуръони каримда 40 марта учрар экан. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: «Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиши маъносида «тинчлик» сўзи айтилур»¹.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоншиг сиёсий-ижтимоий ва иқтисолий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 72—73-бетлар.

Тинчликка әришиш йўллари

Ҳозирги кунда тинчлик учун курашнинг зарурлиги ва аҳамияти инсоният томонидан қанчалик чуқур англаб етилаётган бўлса, унга әришишнинг самарали йўлларини излаб топишга бўлган ҳаракатлар ҳам шунчалик кенгайиб бормоқда. Барча замонларда ва турли хил шароитларда ҳалқлар тинчликка әришишнинг ўзига хос йўлларидан фойдаланиб келишган. Бундай йўллар хилма-хил бўлиб, уларни ҳар бир даврнинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда изоҳлаш мумкин.

Ҳалқлар ва давлатларнинг дуёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка әришиш йўлларини излаб топиш мақсадида олиб бораётган ҳаракатлари ҳозирги кунда жуда катта маъно ва аҳамият касб этмоқда. Буларни қўйидаги сабабларга кўра изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, дунёнинг айrim мамлакатлари ва минтақаларида сиёсий ва ҳарбий можаролар рўй бериб турибди, қуроли тўқнашувлар ва уруш ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Иккинчидан, қурол-яроғлар ишлаб чиқариш, уларнинг янги турларини яратиш соҳасидаги ишлар ҳамон давом этмоқда, ядро синовини тўхтатиш энг ўткир муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, жаҳонда мулкий тенгсизлик саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар кучайиб бормоқда. Бу ҳалқаро муносабатларда айrim зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, айrim ҳолларда давлатлараро шартномаларда кўзда тутилган талаблар атайн бузилмоқда, энг нуфузли ва обрўли ҳалқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорларда кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришга эътиборсизлик билан қаралмоқда, ҳалқаро аҳамиятга молик кенгашлар, конференцияларда ишлаб чиқилган қоида ва хulosалар, амалий таклифлар қофозларда қолиб кетмоқда.

Бешинчидан, коллектив хавфсизлик масаласига ҳамма мамлакатларда ҳам бир хилда жиддий муносабатда бўлинмаяпти. Баъзи давлатлар коллектив хавфсизлик тизимини яратиш ишига астойдил киришган ва унинг аҳамиятини тўла эътироф этаётган бир пайтда. айrim давлатлар бу умумий ишдан ўзларини четга олишга интилмоқда.

Дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришишга хавф солиб турган бу каби салбий ҳолатлар ҳар бир мамлакатда ва халқаро майдонда ташвишли вазиятнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Лекин шунга қарамай, тинчликка эришиш истаги жаҳон аҳлиниңг асосий кўпчилик қисмини ўзига жалб қилмоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, давлатларни тинчлик учун курашга унда-моқда ва уларни тинчликка эришишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш ва бу йўлдан изчиллик билан боришга даъват этмоқда.

Тинчликка эришиш йўллари БМТ ва жаҳондаги бошқа кўплаб халқаро сиёсий ташкилотларнинг ҳужжатларида, халқаро Кенгашлар ва Конференцияларнинг ҳужжатларида, давлатларнинг ташки сиёсий фаолиятига доир ва бошқа сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларда илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилмоқда. Ҳар бир давлат ўзининг амалий фаолиятида бу ҳужжатларда кўрсатиб берилган йўлга қатъий амал қилиши ва бу йўлдан оғишмай бориши дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги даврда тинчликка эришишнинг асосий ва муҳим йўлларидан бири давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг барча шаклларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат. Бу йўлнинг афзаллиги шундаки, ҳеч бир давлат бир вақтнинг ўзида бошқаси билан бир томондан ҳамкорлик қилиб, иккинчи томондан, уруш ҳаракатлари олиб бормайди. Бундай ҳодиса давлатлар тарихида бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Уруш муносабатлари ҳамкорлик муносабатларига батамом қарама-қарши бўлганлиги учун ҳам уруш даврида улар ўртасида урушгача бўлган барча муносабатлар тўхтатилади. Қишининг ўнг қўли унинг чап қўлига тескари иш қилмагани сингари бир давлат бошқаси билан бир вақтнинг ўзида ҳам уруш, ҳам ҳамкорлик муносабатида бўлмайди.

Давлатлар ўртасида олиб бориладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, ҳарбий ҳамкорлик қанча кенг ривож топса ва узоқ давом этса, бу улар ўртасида тинч шароитнинг шунчалик мустаҳкам бўлишига олиб келади. Бундай ҳамкорликнинг жаҳондаги барча мамлакатлар ўртасида кенг авж олиб бориши, дунёда тинчликка эришиш имкониятларини янада кенгайтиради. Давлатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатлари

сусайган пайтда, улар ўртасида душманлик кайфиятлариға йўл очилади. Душманлик ҳолатларининг астасекин кучайиб бориши эса, охир оқибатда улар ўртасида уруш ҳаракатларининг келиб чиқишига олиб келади. Шунга кўра тинчликка эришишдан манфаатдор ҳар бир давлат ўзининг ташкін сиёсатида ҳамкорлик қилиш йўлидан бориши ва бу муносабатларни бутун чоралар билан ривожлантиришга интилини зарур.

Ҳозирги кунда колектив хавфсизлик тизимини вужудга келтириш ҳам тинчликка эришиш соҳасидаги асосий йўллардан биридир. Колектив хавфсизлик тизими шаклланган жойда уруш ҳаракатларига йўл қўйилмайди. Бундай хавфсизлик турли давлатларнинг ягона мақсад — уруш ҳаракатларига йўл қўймасликларини таъминлади.

Ҳозирги кунда колектив хавфсизлик тизимини яратишнинг зарурлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қўйидагича таърифлайди: «Ўзбекистоннинг МДҲ таркибида коллектив тизимдаги иштироки миңтақада барқарорлик ва тинчликнинг муҳим кафолатидир.

Бизнинг давримизда фақат коллектив хавфсизлик бўлиши мумкин. Хавфсизликни бу тарзда тушуниш нафақат ҳар бир алоҳида давлатнинг имкониятлари чеклангани, қолаверса, маънавий-сиёсий тусдаги мулоҳазаларга ҳам боғлиқ. Давлатларнинг имкониятлари ва саъй-ҳаракатларини хавфсизликни таъминлаш йўлида бирлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. У, биринчидан, коллектив хавфсизлик тизимида иштирок этувчилар ўртасида кескинлик йўқлигидан далолат берса, иккинчидан, уларнинг бирлашишига интилишларини намойиш этади¹.

Тинчликка эришишнинг яна бир муҳим йўли қурол-яроғларни ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиш, қуролсизланиш ва қурол аслаҳаоналарини батамом йўқ қилишдан иборат. Қурол-яроғлар қанчалик кўп ишлаб чиқилса ва унинг заҳиралари қанчалик кўпайиб борса, бундай шароитда тинчликка эришиш ҳавфи ҳам шунчалик кўпайиб боради. Қуроллар амалда ҳарбий мақсадлар учун ишлаб чиқилади. Қуроллар ишлаб чиқариш мусобақаси давлатлар ўртасида қанчалик кенг

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистонинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари: Т., «Ўзбекистон», 1995, 68-бет.

авж олса, тинчликка эришиш имкониятлари ҳам шунчалик камайиб боради. Шунинг учун ҳам қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни батамом тұхтатиши ташаббуси билан чиққан ҳар қандай давлат ўзининг тинчликка тарафдор эканлигини амалда намоён қиласа. Бундай давлатлар сонининг ошиб бориши эса, тинчликка эришиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Тинчликка эришишнинг яна бир муҳим йўли халқаро сиёсий ташкилотларнинг тинчлик учун курашдаги фаоллигини тұхтосыз ошириб борышдан иборат. Ҳозирги кунда бундай ташкилотлар ҳар қандай агрессор давлатни тиийиб қўйиш, унинг бошқаларга зўравонлик қилишига йўл қўймаслик имкониятларига эга. Уларнинг ихтиёрида фақат сиёсий воситаларгина эмас, ҳатто ҳарбий воситалар ҳам мавжуд. БМТ ва НАТО ҳарбий-сиёсий ташкилотлари бунга аниқ мисол бўла олади. Бундай шароитда ҳар бир давлат халқаро сиёсий ташкилотлар билан ҳисоблашиши, уларнинг кучи ва имкониятларидан фойдаланиб тинчликка эришиш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Ҳозирги даврда давлатлар ўртасида ғоявий муҳолифликка йўл қўймаслик ҳам тинчликка эришишнинг муҳим йўлларидан бири бўлиб қолмоқда. Ғоявий муҳолифлик қанчалик кучайиб борса, давлатлар ўртасида душманлик муносабатлари ҳам шунчалик кескинлашади. Давлатлар ўртасида душманлик ҳолатлари сақланниб қолган шароитда ҳақиқий тинчликка эришиб бўлмайди.

Тинч-тотув яшаш сиёсати Дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришишнинг муҳим шарти ижтимоий түзуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашидир. Тинч-тотув яшаш барча замонларда ҳам инсоният яшашининг съектив эҳтиёжи бўлиб келган. Бундай эҳтиёж жаҳондаги турли давлатлар ва халқларнинг тинч ва осойишта яшашга бўлган интилишлари асосида келиб чиққан. Ҳозирги кунда ҳам дунёдаги барча тинчликсевар кучларнинг тинчлик учун кураш йўлидаги ҳаракатлари давлатларни тинч-тотув яшаш учун курашга унダメоқда.

Тинч-тотув яшаш инсониятнинг шунчаки орзу-умидлари бўлиб қолмай, шу билан бирга улар ҳаракатининг амалий натижаларини ҳам ифода қиласа. Дунёдаги

кўпчилик давлатларнинг тинчлик учун кураш йўлида-
ги саъи-ҳаракатлари халқларнинг тинч-тотув яшашга
бўлган интилишларини кучайтиromoқда.

Тинч-тотув яшашнинг давлатлар сиёсатида ифода-
ланиши узоқ тарихга эга. Дастлабки давлатлар шакл-
ланган қулчилик жамиятида ҳам халқлар ва давлатлар
ўртасида тинч-тотув яшашга бўлган интилиш давом
этган. Тарихий тараққиётнинг бирон-бир босқичида
тинч-тотув яшаш учун кураш ҳаракати тўхтамаган.
Ҳатто айрим мамлакатлар ўртасида душманлик муно-
сабатлари авж олган пайтда ҳам бу мамлакатларда
истиқомат қилувчи аҳолининг асосий кўпчилик қисми
давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшашига тарафдор
бўлган ва буни ўз мамлакатларида ҳукмрон бўлган
сиёсий кучлардан талаб қилган.

Тинч-тотув яшаш жамиятни ҳаракатга келтирувчи
муҳим омиллардан биридир. Урушлар жамият ривож-
ланишини бир неча ўн йилларга орқага суриб юбо-
ришга олиб келувчи омил бўлса, тинч-тотув яшаш ша-
роитида эса, жамият ривожи тўхтовсиз давом этади.
Шунга кўра, тинч-тотув яшаш жамият тараққиётининг
объектив эҳтиёжи ҳисобланади.

Тинч-тотув яшаш учун изчил ва қатъий кураш
олиб бориш зарур. Бу кураш тинчликни қўлга қурол
олиб ҳимоя қилиш эмас, балки қурол-яроғларни йўқ
қилиш йўлидаги ҳаракатларни ифодалайди. Қуролни
қурол кучи билан эмас, балки уни ақл-заковат ва
кундалик амалий ҳаракатлар орқали, бунёдкорлик
ишлари ёрдамида ҳал қилиш кўзда тутилади.

Тинч-тотув яшаш учун курашни урушлар ўртаси-
даги дам олиш, нафасни ростлаш имконияти деб ту-
шунмаслик керак. Уни давлатлар ва халқлар ўртаси-
даги ўзаро муносабатларнинг алоҳида тури ёки кўри-
ниши деб ҳам аташ мумкин эмас. Ҳолбуки, тинч-тотув
яшаш сиёсий фаолиятнинг шундай бир муҳим жиҳати
ҳисобланадики, бундай фаолият ёрдамида уруш ҳа-
ракатларига чек қўйилади, босқинчилик ҳаракатларининг
олди олинади, уруш ҳаракатлари тўхтатилади ва халқ-
лар ўртасида тинчлик ва осойишталик ҳукм суришига
эришилади.

Тинч-тотув яшаш ҳар бир аниқ ҳолатда қуйидаги-
ларни билдиради:

Биринчидан, ҳар қандай низоли масалаларни куч
ишлатиш ёки зўравонлик йўли орқали эмас, балки

уларни тинч сиёсий воситалар ёрдамида ҳал қилиш. Давлатлараро ва ҳалқаро муносабатларнинг бошقا барча соҳаларида низоли масалаларнинг сиёсий йўл билан ҳал қилиб борилиши, бу муносабатларда зўравонлик қилишни ёки босқинчилик ҳаракатларидан фойдаланишни батамом истисно этади.

Иккинчидан, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва уни бутун чоралар билан ривожлантириш. Ҳамкорлик муносабатлари қанчалик кенгайиб ва ривожланиб борса, душманлик муносабатлари шунчалик камайиб боради. Душманлик муносабатлари бўлмаган жойда уруш ҳаракатларига ҳеч қандай ўрин қолмайди.

Учинчидан, ҳар бир давлатнинг суверенитети ва мустақиллигини амалда эътироф этиш, унинг ички ишларига аралашмаслик. Бу тамойил талабларига амал қилинган ерда тинч-тотув яшаш имкониятлари кенгаяди, ҳалқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади.

Тўртингчидан, ғоявий мухолифликка йўл қўймаслик. Тинч шароитнинг бузилиши кўпинча ғоявий мухолифликка боғлиқ бўлади. Ғоявий мухолифлик тинч-тотув яшашга зид бўлиб, давлатлар ва ҳалқлар ўртасида ишончсизликни кескинлаштиради ва тинчликка доимий равишда хавф солиб туради.

Бешинчидан, ҳар қандай кўринишидаги диний, миллий ва ирқий камситишларга қарши кураш олиб бориш. Бундай камситишлар бўлган жойда ҳалқлар ва давлатларнинг тинч-тотув яшашлари учун зарур бўлган имкониятлар тораяди.

XVII БОБ

ХАЛҚАРО СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАР

{ Халқаро сиёсий ташкилотлар халқаро ташкилотларнинг алоҳида кўриниши бўлиб, улар халқаро муносабатларни сиёсий воситалар ёрдамида тартибга солиб туришда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг таъсирида у ёки бу мамлакат ҳаётида, халқаро муносабатларда ҳамда жаҳон сиёсатида турли воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар рўй бериб туради. Дунёдаги кўпчилик давлатлар халқаро сиёсий ташкилотларнинг аъзоси сифатида бу ташкилотларнинг ишларида фаол қатнашадилар.

I. Ҳалқаро сиёсий ташкилотлар — сиёсатнинг субъектлари

Ҳалқаро сиёсий ташкилотлар сиёсатнинг ўзига хос субъектлари сифатида жаҳон сиёсатида ва уни умуминсоний манфаатлар йўналишида ривожланишида етакчи роль ўйнайди. Бу ташкилотлар жаҳон сиёсатининг етакчи кучларидан бири ҳисобланади.

Ҳалқаро ташкилотлар, уларнинг ташкил то- пиши ва моҳияти

Ҳалқаро ташкилотларнинг қарор топиши узоқ тарижга эга бўлиб, улар давлатларнинг ривожланиши, мамлакат-

лар ва ҳалқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг такомиллашиб бориши зарурати асосида шаклланган. Уларнинг дастлабки шаклланиш жараёни 1851 йилда чақирилган Вена Конгрессидан бошланган. Ӯшангача ҳали мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштириб турадиган тартиб-қоидалар мавжуд бўлмаган. Вена Конгресси айнан шу вазифани, яъни мамлақатлар ва ҳалқлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи қонун-қоидаларнинг дастлабки асосларини ишлаб чиққан эди. Бу Конгресс ҳалқаро ташкилот сифатида давлатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда, жаҳон сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беришда муҳим омил бўлди.

Вена Конгресси ўз даврида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди, аммо вақт ўтиши билан давлатлараро муносабатлар янада мукаммал бўлган алоқа шаклларини талаб қила бошлади. Ана шундай алоқа шаклларидан бири сифатида Миллатлар Иттифоқи ташкил топди. Бу Иттифоқ Биринчи жаҳон урушининг охирларида тузилган бўлиб, унда урушда ғолиб чиққан мамлакатлар келажакда урушларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик, мамлакатлар, ҳалқлар ўртасида тинч ҳамкорлик ўрнатиш, ҳар қандай келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал этиш тўғрисида ҳужжатлар қабул қилиди.

Миллатлар Иттифоқи жаҳон сиёсати тарихида муҳим роль ўйнади, чунки у биринчи марта жаҳон аҳлиниң ягона мақсади бўлган тинчлик, ҳамкорлик, ҳавфсизлик муносабатларига амал қилиши мумкин эканлигини исботлаб берди ва уни ҳёт тажрибаси синовидан ўтказди.

Миллатлар Иттифоқи ташкилоти жаҳонда барча тинчликсевар кучларни бирлаштириб, фашизмга қарши кураш олиб бориша ва бу билан Иккинчи жаҳон урушига тўсқинлик қилишда маълум даражада ўз ҳиссасини қўшди. Аммо у Иккинчи жаҳон урушини тўхатиб қололмади.

Миллатлар Иттифоқи Иккинчи жаҳон уруши туфайли ва бошқа объектив сабабларга кўра тарқатиб юборилди. Кейинчалик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларні тартибга солиб турадиган халқаро ташкилотга бўлган эҳтиёж кучайиб борди. Бундай эҳтиёжларнинг қондирилишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг тузилиши мухим аҳамиятга эга бўлди. Бу ташкилот мустақил давлатларнинг ихтиёрийлиги асосида дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш ҳамда давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил топди.

Халқаро ташкилотлар давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзларининг мақсад ва манфаатлари, ҳаракат йўналишларига, жаҳон сиёсатида тутган ўрни ва ролига қараб турлича аҳамият касб этади. Улар турли хил тарихий шароитларда вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг умумий сони юздан ошиб кетди. Улар сиёсатнинг субъектлари сифатида бир-бирларидан фарқ қиласди ва халқаро спёсатда турлича мавқега эга.

Халқаро ташкилотларни уларнинг халқаро муносабатларда ва жаҳон сиёсатида тутган ўрнига, мақсад ва вазифаларига қараб бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Буларга ихтисослашган халқаро ташкилотлар, минтақавий халқаро ташкилотлар, халқаро ҳарбий-сиёсий ташкилотлар киради. Ҳозирги кунда бу гуруҳлардаги барча халқаро ташкилотларнинг диққат-эътибори халқларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маориф, фан ва маданиятни ривожлантириш, атом қувватларидан тинч мақсадларда фойдаланиш, тиббий хизматни яхшилаш, космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш каби хилма-хил масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Шундай ташкилотлар ҳам борки, улар ҳудудининг яқинлиги, миллий, иқтисодий манфаатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Бундай ташкилотлар минтақавий ташкилотлар бўлиб, улар маз-

кур миңтақадаги халқлар ва давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро кескинликни юмшатишига, ирқий камситишларга барҳам бериш, ҳарбий блокларга қатнашмаслик, тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга ошириш, фан-техника тараққиётига ҳисса қўшиш, тиббиёт ва савдо-сотиқни ривожлантириш каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида ташкил топган. Уларга Араб Давлатлари Иттифоқи (АДИ), Америка Давлатлари Ташкилоти (АДТ), Африка Бирдамлиги Ташкилоти (АБТ), Осиё ва Африка Бирдамлиги Ташкилоти (ОАБД) каби халқаро ташкилотлар киради. Бу ташкилотлар мазкур миңтақадаги мамлакатларнинг бирон-бир соҳасини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймади, балки улар аъзо давлатларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қиласди.

Жаҳонда мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ташкилотлар ҳам мавжуд. Уларнинг мақсади аъзо давлатларнинг иқтисодий интеграциясини кучайтириш, маҳсулотларни соғиши кенг йўлга қўйиш, мамлакатларнинг тангликларсиз бир маромда ривожланишини таъминлашга қаратилган. Буларга Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги («Умумий бозор»), Осиё ва Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссия, Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёда Бирлашган Иқтисодий тараққиёт юзасидан «Паломо Плани», Марказий Америка Умумий Бозори (МАУБ) каби халқаро ташкилотлар киради.

Иқтисодий ташкилотлар уларга аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга, улар ўртасида тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни амалга оширишга қаратилган мақсадлар йўлида фаолият олиб бормоқда.

Халқаро сиёсий ташки- Халқаро ташкилотлар тўрли лотлар, уларнинг мақ- мақсадларда шаклланган бўлса-да, бироқ улар ўз моҳияти жиҳатидан сиёсий характерга эгадир. Аммо уларнинг сиёсий моҳиятга эга эканлиги, бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам халқаро сиёсий ташкилот эканлигини билдиrmайди. Чунки уларнинг кўплари сиёсий масалалар билан шуғулланмайди.

Халқаро сиёсий ташкилотларнинг фаолияти асосан сиёсий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг мақсади халқаро кескинликни юмшатиши,

тинчлик, демократия ва хавфсизликни таъминлашдан иборат. Ўз навбатида бу ташкилотлар соғ сиёсий масалалар билан шуғулланиб қолмасдан, шу билан бирга ўз фаолиятларида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий масалаларни ҳал этишда ҳам етакчи роль ўйнайди. Бу ташкилотларнинг халқаро сиёсий ташкилот деб аталишининг сабаби уларнинг фаолияти ўз моҳияти жиҳатидан ҳам, мазмұни жиҳатидан ҳам сиёсий характерга ва сиёсий йўналишга эга эканлиги билан белгиланади. Масалан, БМТнинг халқаро сиёсий ташкилот сифатидаги фаолияти унинг дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, можароларни улар қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, сиёсий йўл билан ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Дунёдаги энг нуфузли ва таъсирчан халқаро сиёсий ташкилотлардан бири Жаҳон Тинчлик Кенгаши (ЖТК) дир. Бу ташкилотнинг асосий мақсади дунёда тинчликни ҳимоя қилиш, давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш талабларини амалга ошириш, мамлакатлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш, суверен давлатларнинг ички ишларига аralashiшга йўл қўймаслик, халқлар ва мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши тинчлик тарафдорларининг 1950 йилда Варшавада бўлиб ўтган II Жаҳон Конгрессида таъсис этилган. У ўз сафларида дунёдаги 130 тадан ортиқ давлатдаги сиёсий партиялар, ташкилотлар ва миллий қўмиталарнинг вакилларини бирлаштирган. ЖТК ўзининг фаолиятида тинчлик тарафдорларининг дунёдаги кўпчилик мамлакатларда мавжуд бўлган миллий ташкилотларга, шунингдек, тинчлик тарафдорлари ҳаракатига кирмаган бўлса-да, тинчликни ҳимоя қилиб келаётган турли халқаро ва миллий ташкилотларга таянади. Бу ташкилотнинг фаолияти тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатни кенгайтириш, барча мамлакатлардаги аҳолининг сиёсий қарашларидан ва диний эътиқодларидан қатъи назар уларни шу ҳаракатга тортишdir.

Халқаро сиёсий ташкилотлар тизимида Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги ташкилоти ҳам алоҳида мавқега эга. У 1975 йилда тузиленган бўлиб, унга Европадаги 33 мамлакат ҳамда АҚШ ва Канада давлатлари аъзо. Ўзбекистон ҳам бу ташкилотнинг аъзоси-

бўлиб, сиёсий ва бошқа муаммоларнинг ечимида унинг ёрдамига таянмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларда Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси (ЖДЁФ) ҳамда Хотин-қизларнинг Халқаро Демократик Федерацияси (ХҚҲДФ) сингари ташкилотлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Булар соғ сиёсий ташкилотлар бўлмаса-да, ўз характерига ва фаолиятининг асосий йўналишига кўра сиёсий моҳиятга эгадир. Масалан, ЖДЁФ ташкилоти турли сиёсий қараваш ва маслакка эга бўлган ёшларни ўз сафига бирлаштирган бўлиб, унда турли сиёсий оқимларга кирадиган кўпгина миллий ёшлар ташкилотларининг вакиллари (демократлар, радикаллар, социалистлар) фаол иштирок этмоқда. ЖДЁФ тинчлик, миллий-озодлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун изчил кураш олиб бормоқда.

ЖДЁФ жаҳоннинг энг илфор ва ташаббускор ёшларини ўз сафларида бирлаштирган энг оммавий халқаро сиёсий ташкилотdir. Бу ташкилот ёшлар ва талабаларнинг қуролсизланиш, тинчлик ва мустақиллик учун курашувчи халқаро конференцияси, миллий мустақиллик ва озодлик, тинчлик учун курашда ёшлар ва студентларнинг бирдамлиги жаҳон форуми ва бошқа кўплаб жаҳон ёшлари бирдамлигига асосланган тадбирларга ташаббускорлик қилмоқда.

Хотин-қизлар Халқаро Демократик Федерацияси ҳам ёшлар ташкилоти каби жаҳондаги йирик сиёсий ташкилотлардан бўлиб, у турли миллат хотин-қизларининг ирқи, диний ва сиёсий қаравашларидан қатъи назар, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тинчлик, демократия ва халқларнинг миллий мустақиллигини таъминлаш мақсадида ташкил тоғган. ХҚҲДФ нинг фаолияти сиёсий характерга эга бўлиши билан бирга, бошқа кўплаб кенг қамровли муаммоларни ҳал қилишни ҳам ўз зиммасига олади. Бироқ бу ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши ва мақсади сиёсий масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, ядро қуролларини ишлаб чиқаришни тақиқлаш, қуролсизланиш, халқаро масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш, демократия, тараққиёт учун кураш олиб боришдан иборатdir.

Шундай халқаро ташкилотлар ҳам борки, улар ўзларининг моҳияти, мақсад ва вазифаларига кўра ҳарбий-сиёсий характерга эгадир. Уларга Шимолий Ат-

лантика Блоки (НАТО), Тинч Океани Хавфсизлиги Пакти (АНЗЮС), Фарбий Европа Иттифоқи каби ташкилотлар киради. Бу ташкилотларнинг уставига кўра, улар аъзо мамлакатларни ташқи душманлардан ҳимоя қилишни асосий мақсади деб билади. Аммо бу ташкилотлар кўпинча айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига ҳам аралашадилар. Шунга қарамай ҳарбий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти кейинги йилларда анча демократлашиб бормоқда. Буни НАТОнинг собиқ Югославиядаги кескинликни бартараф этиш учун олиб борган амалий ҳаракатларида аниқ кўришимиз мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро сиёсий ташкилотлардан ташқари яна бошқа бир қанча ташкилотлар ҳам борки, улар ҳам ўз фаолиятларида сиёсий масалалар билан шуғулланадилар. Буларга Жаҳон Қасаба Союзлари Федерацияси (ЖКСФ), Христиан Тинчлик Кенгаши (ХТК), Жануби—Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН), Халқаро Студентлар Союзи (ХСС) ва бошқалар киради. Улар ўз дастурларида белгиланган асосий мақсадларини амалга ошириш учун кураш олиб бориш билан бирга бевосита халқаро аҳамиятга молик сиёсий масалалар: қуролсизланиш, ядро урушининг олдини олиш, кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш каби масалалар билан ҳам шуғулланади.

Бирлашган Миллатлар **Бирлашган Миллатлар** **Ташкилоти Иккинчи жаҳон урушидан** **Ташкилоти Иккинчи жаҳон урушидан** **Ташкилоти Иккинчи жаҳон урушидан**

нинг ихтиёрий бирлашуви асосида жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган. БМТ ўзининг тузилишига кўра Бош Ассамблея (Ялпи мажлис), Хавфсизлик Кенгаши, Халқаро судга эга. Булардан ташқари БМТнинг доимий амалда бўлган фаолиятини Котибият олиб боради ва унинг ишини Бош Ассамблея сайлаб қўядиган Бош Котиб бошқариб боради.

Бош Ассамблея ҳар йили жаҳон сиёсатининг дол зарб муаммоларини муҳокама қиласи ва бу масалалар бўйича БМТга аъзо бўлган давлатларга ёки Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар беради. Аммо Бош Ассамблея ишлаб чиқкан тавсиялар ва қарорлар мамлакат-

лар учун мажбурий характерга эга эмас. Лекин шунга қарамай давлатларнинг асосий кўпчилик қисми БМТ Бош Ассамблеяси қарорлари ва тавсияларини бажа-ришга ҳаракат қиласидилар ва бундан манфаатдордир.

Бош Ассамблея БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Қенгашини бошқариб боради. Бу Қенгаш 54 та аъзо давлатга эга бўлиб, йилига икки марта йиғилиш ўтка-зади. Бу йиғилишда жаҳонда рўй бериб турадиган иқ-тисодий ва ижтимоий муаммолар кўриб чиқилади, му-ҳокама қилинади ва булар юзасидан қарорлар ва тав-сиялар ишлаб чиқилади. Бу тавсиялар асосан ривож-ланаётган мамлакатлар иқтисодининг ўсишига, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга, жиноятчи-ликка қарши курашга ва бошقا масалаларга қаратил-ган бўлиб, уларнинг бажарилиши ихтиёрий характерга эга. Иқтисодий ва ижтимоий Қенгашнинг бир қанча маҳсус органлари бўлиб, улар фан ва маданият соҳа-сида халқаро ҳамкорликни амалга оширишга қаратил-ган.

Ҳозирги кунда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти, Бо-лаларни Ҳимоя Қилиш Ташкилоти (ЮНИСЕФ), Озиқ-овқат ва Қишлоқ Хўжалиги масалалари билан шуғул-ланувчи «ФАО» ташкилоти, Халқаро Меҳнат Ташки-лоти (ХМТ), Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ), Атом энергияси бўйича халқаро вакиллик (МАГАТЭ), Космик фазодан тинч мақсадларда фойда-ланиш Комитети, Халқаро Электр Алоқалари Иттифо-қи сингари ўнлаб ташкилотлар давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришда жаҳон си-ёсатининг етакчи кучига айланиб бормоқда.

Ҳозирги даврда давлатлар ўртасидаги алоқаларни сиёсий воситалар ёрдамида тартибга солиб туришда БМТ Хавфсизлик Қенгашининг роли ва аҳамияти жу-да каттадир. Хавфсизлик Қенгashi халқаро можаро-ларни бартараф этиш, агрессия ёки табиий оғатлар қўрбони бўлган халқларга ёрдамлашиш борасида жу-да қатта ишларни амалга ошириб келмоқда. Хавфсиз-лик Қенгашининг донмий аъзолари АҚШ, Россия, Хитой, Англия ва Франция давлатларидир. Улар БМТ Уставига кўра «Тақиқлайман» (вето) ҳуқуқига эгадир-лар. Қолган ўн бир давлат эса, навбат билан турли минтақа ва ҳудудлардан сайланиб қўйиладиган аъзо-лар сифатида қатнашадилар. Вето. ҳуқуқига эга бўл-ган беш давлатдан биронтаси муҳокама қилинадиган

у ёки бу масалага қарши чиқса, бу масала очиқ қолдирилади.

Хавфсизлик Қенгаши жаҳонда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, халқаро муносабатларни демократик йўналишда ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Жаҳон алансига алтаниб кетиши мумкин бўлган қанчадан-қанча ҳарбий можароларни бартараф қилишда, халқаро муносабатларга вақти-вақти билан соя солиб турувчи халқаро терроризм, айрим давлат раҳбарларининг айби билан у ёки бу мамлакатда халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилиши, айрим миңтақаларда рўй берәётган экологик оғатлар ва бошқа хавфхатарларга қарши курашда Хавфсизлик Қенгашининг роли бекиёс даражада каттадир.

БМТнинг ташкил топганига ярим асрдан ошиқ вақт ўтди. Бу давр ичида жаҳон мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда муҳим ўзгаришлар юз берди. Масалан, собиқ СССР давлати парчаланиб, янги мустақил давлатлар ташкил топди ва улар БМТнинг тўлақонли аъзоларига айланди. Айрим агрессив давлатлар, Япония, Германия ва бошқалар демократик ривожланиш йўлидан бориб, жаҳон мамлакатлари ўртасида катта мавқега эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида БМТнинг, айниқса, Хавфсизлик Қенгаши ҳамда ихтисослашган муассасаларнинг фаолиятини тубдан қайта қуриш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТнинг 50-сессиясида қилган маърузасида Хавфсизлик Қенгаши фаолиятини кенгайтиришни, бунинг учун унинг аъзолари сафига Германия ва Японияни киритишни, БМТ Бош Қотиби ваколатларини кенгайтиришни таклиф қилган эди.

БМТ тизимида жаҳон сиёсатининг можароли муаммоларини халқаро ҳуқуқ қонун-қондалари негизида адолатли ва тинч йўл билан ҳал қилиш воситаси сифатида Халқаро Суд амал қиласи. У 1945 йилда таъсис этилган бўлиб, давлатлараро ҳуқуқий можароларни кўриб чиқади ва тавсия шаклида ҳукм, ажрим, қарор чиқариб беради. Унинг фаолияти асосан давлатлараро келишмовчиликларни ҳуқуқий қондалар ишлаб чиқиш асосида келишувга йўналтиришдан иборат. Халқаро Суд аъзолари 15 кишидан иборат бўлиб, улар тўқиз йил муддатга сайланади. Ҳар уч йилда уларнинг учдан бир қисми янгидан сайланиб туради.

БМТнинг Бош Ассамблеясида 1948 йилда катта аҳа-миятга молик халқаро ҳужжат — «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Деклорацияси» қабул қилинган. Унда БМТ га аъзо бўлган барча давлатлар томонидан тан олинган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари қайд этилган. Унда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, сўз, виждан, яаш, меҳнат қилиш, ўз фикрини ошкора баён қилиш, йиғилиш, намойишларга чиқиш, сиёсий ҳаётда фаол қатнашиш ва бошқа ҳуқуқлар белгилаб қўйилган бўлиб, бу қоидаларга барча мамлакатлар оғишмай амал қилишлари кўрсатиб ўтилган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бу қонун-қоидалар у ёки бу давлатда қанчалик демократик тарзда амал қиласа, у шунчалик ижобий самара беради. Мамлакатларда инсоннинг ижодий куч-қудрати тўла намоён бўлиши учун зарур шарт-шароитлар қанчалик кўп яратиб берилса, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий эркинликлари ҳам шунчалик кўп кафолатланади. Натижада бу мамлакатлар жаҳон цивилизациясида, халқаро ҳамжамиятда муносаб ўринга эга бўлади ва жаҳон сиёсатининг умуминсоний қадриятлар бирлиги ва яхлитлиги сари боришга салмоқли ҳисса қўшади.

2. Жаҳон сиёсати ва халқаро сиёсий ташкилотлар

Жаҳон сиёсатининг бориши ва унда бўладиган ўзгаришлар кўп жиҳатдан халқаро сиёсий ташкилотлар ва уларнинг фаолиятига боғлиқdir. Бу ташкилотлар жаҳон сиёсатини белгилаб бермаса-да унинг боришига ўзининг амалий таъсирини кўрсатиб туради.

Халқаро сиёсий ташкилотларнинг жаҳон сиёсатидаги роли

Жаҳон сиёсатининг шакл-ланиши ва ривожланишида халқаро сиёсий ташкилотлар муҳим роль ўйнайди. Улар жаҳон сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беришда, пировардида умуминсоний манфаатлар йўлида хизмат қилишда катта аҳамият касб этади.

Жаҳон сиёсати билан халқаро сиёсий ташкилотлар фаолияти ўртасида диалектик алоқа ва ўзаро таъсир жуда кучли бўлиб, улар бири иккинчисиз амал қилиши мумкин эмас. Халқаро сиёсий ташкилотларнинг ҳар бири сиёсий муносабатларнинг муайян бир жи-

ҳатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, улар ўз фаолиятида жамият манфаатларини ифодалайди.

Халқаро сиёсий ташкилотлар жаҳон сиёсатига турлича таъсир кўрсатади. Жаҳон сиёсати тарихида ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан Миллатлар Иттилоғи катта роль ўйнаган эди. У дастлабки халқаро сиёсий ташкилот сифатида тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида муҳим ишларни амалга оширган. Ўз даврида бу ташкилот халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожига жуда катта ҳисса қўшган.

Жаҳон сиёсати халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб, такомиллашиб боришини тақозо этади, чунки давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг самарали ривожланиши халқаро сиёсий ташкилотларнинг саъи-ҳаракатларига, уларнинг назарий ва амалий ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ҳозирги даврда жаҳон сиёсатининг бориши ва унда бўладиган ўзгаришларни БМТ ташкилотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки бу ташкилот давлатлар ва халқлар тақдирига дахлдор долзарб муаммоларни ҳал қилинганда етакчи сиёсий кучлардан бири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. БМТ фаолияти жаҳон сиёсатининг барча муҳим соҳаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, давлатлар ўртасидаги кескинликни юмшатишга, барча соҳаларда тинч муносабатлар ўрнатиш, умумбашарий муаммоларни ҳал этишда муҳим ўринга эгадир.

БМТ ҳамда унинг тизимиға кирувчи ихтисослашган халқаро ташкилотлар давлатлараро алоқаларнинг кенгайишида, уларнинг бир-бирларини тушунишларида, етилган халқаро муаммоларни ҳамжихатликда ҳал этишда фаоллик билан ҳаракат қилиб келмоқда.

Жаҳон сиёсатига мінтақавий ташкилотлар ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Америка Давлатлари Ташкилоти, Европа Ҳавфсизлиги ва Ҳамкорлиги Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти ва бошқа шулар сингари кўплаб халқаро сиёсий ташкилотлар фақат аъзо давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, шу билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган мінтақаларда рўй берәётган сиёсий ўзгаришларга муносабат билдиримоқда, ўзларининг турли хилдаги анжуманларида етилган сиёсий муаммоларни ҳал қилишнинг йўлларини белгилаб олмоқда.

Америка Давлатлари Ташкилоти жуда кўп соҳаларда БМТ билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, жаҳон сиёсатига жуда катта ҳисса қўшмоқда. Унинг ишида аъзо давлатлар билан бир қаторда доимий кузатувчилик мақомига эга бўлган бошқа кўплаб давлатлар ҳам иштирок этади. Узоқ йиллар давомида бу ташкилот фаолиятида АҚШнинг устунлиги сақланиб келган эди. Бироқ кейинги йилларда бу ташкилотга аъзо давлатларнинг халқаро майдондаги таъсирининг ўсиб бориши ҳамда жаҳон сиёсатида рўй берган муҳим ўзгаришлар натижасида АҚШнинг бу ташкилотдаги устунлиги ўзининг аҳамиятини йўқотди. Бу ўзгариш туфайли АДТ-га аъзо давлатлар минтақада вужудга келадиган дол зарб муаммолар ечимида катта имкониятларга эга бўла бошлади. АҚШ ташқи сиёсатида рўй берган ижобий ўзгаришлар ҳам бу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатликнинг кучайиб боришига, минтақада кескинлик ҳолатларининг юмшатилишига олиб келмоқда.

Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ) ҳам аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамкорликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. АБТ ўз фаолиятида нафақат минтақадаги мамлакатлар билан, балки жаҳондаги бошқа кўплаб мамлакатлар билан ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида ҳам фаол амалий ҳаракат қилиб келмоқда.

Жаҳон сиёсатининг тинчлик, ҳамкорлик, демократия, ижтимоий тараққиёт йўлидаги талабларига оғишимай амал қилишда Евropa Xавфсизлиги ва Ҳамкорлиги Ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси сингари ўнлаб халқаро сиёсий ташкилотлар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ўлар давлатлар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатишда ва жаҳон сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ишига муносиб даражада ҳисса қўшмоқда.

Тамойиллар ва алоқа шакллари

Халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қиласидаги тамоийиллар дастлаб Вена Конгресси ва Миллатлар Йиттиҳоди ҳужжатларида қайд этилган. Кейинчалик улар БМТ Уставида ва бошқа кўплаб халқаро сиёсий ташкилотларнинг ҳужжатларида ифодалана бошлаган. Бу тамо-

йиллар умумий моҳиятга эга бўлиб, уларга амал қилиш халқаро сиёсий ташкилотлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қиласидаги асосий тамойиллар қўйидагилардан иборат: ҳар бир ташкилотнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик; халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасида рўй берадиган келишмовчиликларни сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этиш; халқаро сиёсий ташкилотлар томонидан олинган мажбуриятларга вижданан амал қилиш; халқаро сиёсий ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; жаҳон сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва олиб борилишига самарали ҳисса қўшиш ва бошқалар.

Халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган тамойилларга амал қилиш ҳар бир ташкилотнинг муқаддас бурчига айланishi лозим. Акс ҳолда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда айрим келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Ҳар бир халқаро сиёсий ташкилот бу тамойилларнинг талабларига амал қилиш асосида жаҳон сиёсати ва халқаро сиёсий муносабатларнинг боришига самарали таъсир этади.

Халқаро сиёсий ташкилотлар ўзларининг мақсад ва вазифаларининг турлича бўлишига қарамай, бир-бirlари билан яқин муносабатда бўладилар. Бу муносабатлар асосида улар ўзаро тажриба алмашадилар ҳамда биргаликдаги ҳаракат йўналишларини белгилаб оладилар.

Халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан улар олиб борадиган алоқаларга ва бу алоқаларнинг қандай шаклларда амал қилишига боғлиқdir. Ана шундай алоқа шаклларидан бири халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда уларнинг икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларидир. Бундай учрашувлар давомида томонлар жаҳон сиёсатининг у ёки бу масаласи бўйича ўзларининг нуқтаи-назарларини белгилаб оладилар, баъзи ҳолларда у ёки бу ташкилот фаолиятида рўй берадиган камчиликларни ошкора муҳокама қиласидилар, дунёning айрим мамлакатларида, миңтақаларида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда ишлаб чиқадилар. Икки томонлама учрашувлар ҳам, кўп томонлама учрашувлар ҳам,

уларнинг натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, томонлар учун фойдалидир. Чунки бундай учрашувлар бир томоннинг устунлигида эмас, балки уларнинг тўла тенглиги асосида ўтказилади. Бинобарин, ҳар бир учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнидаги томонларнинг мақсад ва манфаатлари аниқлаб олинади ва шунга мувофиқ ташкилотларнинг раҳбарлари бир ерга тўпланадилар.

Минтақавий ҳамда Халқаро Қенгашлар ҳам халқаро сиёсий ташкилотларнинг ўзига ҳос алоқа шаклларидан биридир. Бундай Қенгашларда кўпчилик халқаро ташкилотлар қатнашиб, уларнинг барчаси учун умумий бўлган муаммолар: тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳарбий можаролар ва уруш ҳаракатларининг олди니 олиш, демократия ва экологик муаммолар сингари халқаро аҳамиятига молик кўплаб масалалар юзасидан амалий ҳаракат йўналишлари белгилаб олинади.

Халқаро сиёсий ташкилотларнинг ўзаро алоқаларида минтақавий ва бошқа Конференциялар ҳам муҳим роль ўйнади. Бундай Конференцияларда халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда вужудга келган қийинчиликлар, зиддиятлар ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилади. Халқаро сиёсий ташкилотларнинг тактик ва стратегик вазифаларини белгилаб олишларида ҳам бундай Конференцияларнинг роли ва аҳамияти каттадир.

Халқаро сиёсий ташкилотлар ўртасида вужудга келган ва амалда бўлган алоқа шаклларидан фойдаланиш фақат бу ташкилотларнинг ўзлари учунгина эмас, шу билан бирга мамлакатлар ва давлатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки давлатлар халқаро ташкилотларнинг моддий-молиявий, ижтимоий-сиёсий, маданий ёрдами асосида ўзларининг турли хилдаги эҳтиёжларини қондиришда катта имкониятларга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов халқаро сиёсий ташкилотлар кўмагидан фойдаланишнинг аҳамиятини қуйидагича таърифлаб берганлиги бунга аниқ мисолдир: «Халқаро ташкилотлар иқтисодиётимизни қайта қуришга кўмаклашадиган энг самарали воситадир. Улар кредит олиш, хорижий сармояларни тўғридан-тўғри жалб этиш, республиканинг жаҳон бозорида олга силжишига бебаҳо ёрдам кўрсатиши мумкин.

Асосийси, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фа-

олиятидаги иштироки миллий хавфсизлигимиз, миңтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир».¹

Хозирги босқичда халқаро сиёсий ташкилотлар фаоллигини оширишнинг зарурлиги

Хозирги даврда халқаро сиёсий ташкилотларнинг жаҳон сиёсатидаги роли ва аҳамиятини ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон сиёсатининг моҳиятини умуминсоний қадриятлар устунлиги белгилаётган шароитда уларнинг фаоллигини оширишнинг зарурлиги табиий ҳолдир. Бинобарин, халқаро сиёсий ташкилотларнинг фаоллигини оширмай туриб, ҳозирги даврда вужудга келаётган долзарб муаммоларни, турли хилдаги қийинчиликларни ҳал этишда самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

Кейинги йилларда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши, Евropa Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги ташкилоти, Ҳаҷон Тинчлик Кенгаши ва бошқа кўплаб халқаро сиёсий ташкилотларнинг ташаббуси ҳамда бевосита иштирокида бир қатор можароли масалалар, урушлар, давлатлар аро келишмовчиликлар тинч сиёсий мунозара ва музокаралар воситасида ҳал этилиб, қанчадан-қанча қон тўклишишининг, вайронагарчиликларнинг, исрофгарчиликларнинг олди олинди. Бу ташкилотларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик фалокатларнинг олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти ҳам сезиларли тус олмоқда. Лекин шунга қарамай, ҳали жаҳонда халқаро сиёсий ташкилотлар ҳисса қўшиши зарур бўлган ва уларнинг биргаликда амалий фаолият кўрсатишларини тақозо этувчи кўплаб муаммолар сақланиб қолмақда ва айрим ҳолларда уларнинг янгилари рўй бермоқда. Ядро қуролига эга давлатлар сонининг ошиб бораётганилиги, дунёнинг айрим миңтақаларида ҳарбий тўқнашувларнинг рўй бериб туриши, давлатлараро тузилган айрим шартномаларнинг асоссиз равишда бир томонлама бузилаётганилиги, айрим мамлакатларда сиёсий терроризмнинг, наркобизнеснинг авж олаётганилиги сингари хилма-хил мудҳиш ҳодисаларнинг рўй бергаётганилиги халқаро сиёсий ташкилотлар олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бироқ бу вазифаларга жаҳондаги барча халқаро сиёсий ташкилотлар ҳам тўла масъуллик

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 63-бет.

асосида ёндашаётганлари йўқ. Кейинги йилларда БМТ-нинг Юgosлавия, Афғонистон, Тоҷикистондаги можароларга бўлган муносабати бунга мисолдир. Жаҳон Тинчлик Қенгashi, Африка Бирлиги Ташкилоти, Араб Давлатлари Ташкилоти сингари бошқа халқаро сиёсий ташкилотлар ҳам ўз имкониятларидан тўла дараражада фойдаланаётганлари йўқ. Бу ҳол, шубҳасиз, айрим халқаро сиёсий ташкилотларнинг жаҳондаги обрўси ва нуфузига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқаро сиёсий ташкилотлар фаоллигини оширишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро сиёсий ташкилотлар жаҳонда вужудга келаётган можароли вазиятларга, зиддиятли ҳолатларга уларнинг олдини олиш қийин бўлиб қотган пайтда эмас, балки уни олдиндан кўра олиши ва мунособ дараражада баҳолай олишини объектив заруриятга айлантирилмоқда. Улар турли хилдаги можаролар ва урушлар хавфи юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш борасида зарур чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлган кучларга ва ҳаракатларга қарши барча турдаги жазо чораларини ишлаб чиқиши ва уни амалда қўллаши лозим бўлади.

Давримизнинг хусусияти шундан иборатки, ҳар бир мамлакатнинг хавфсизлигини жаҳон мамлакатлари хавфсизлиги имкониятларидан ажralган ҳолда таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлаш имкониятларига эга бўлган халқаро сиёсий ташкилотларнинг ишини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг асосий талабига айланмоқда.

Жаҳон миқёсидаги муаммоларнинг олдини олишда барча халқаро сиёсий ташкилотларнинг, биринчи навбатда, БМТнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ташкилотнинг етакчи органларидан бири бўлган Хавфсизлик Қенгashi ҳозирги кунда дунёнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини кенгроқ ва тўлароқ акс эттириш заруритини туғдирмоқда. Ҳозирги кунда бу кенгаш ҳузурида юзага келаётган муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини белгилаб бериш бўйича маҳсус гуруҳлар ташкил этилиши бу Қенгаш ишининг такомиллашиб ва фаоллашиб бораётганлигидан далолат беради.

Булардан ташқари БМТнинг Европа, Осиё ва дунё-

нинг бошқа миңтақаларидаги ташкилий тузилмаларини кенгайтириш, жумладан бу миңтақаларда хавфсизлик, барқарорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинарларини чақириш, халқаро терроризмга, наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-гайратларини мувофиқлаштириш учун жойларда БМТнинг миңтақавий комиссияларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, Орол ва Оролбўйи экологик фалокатнинг халқаро моҳиятга эга эканлигини эътиборга олиб, унинг бу миңтақа бўйича маҳсус комиссиясини тузиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш халқаро сиёсий ташкилотларнинг фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги босқичда БМТ билан ҳамкорликда, аммо ундан мустақил ревишида ҳаракат қилаётган Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги Ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Қўшилмаслик ҳаракати, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро сиёсий ташкилотлар фаолиятини кучайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ташкилотларнинг имкониятларидан қанчалик кенгроқ фойдаланилса, дунёнинг хавфсизлиги ва бошқа сиёсий муаммоларнинг ҳал этилиши шунчалик кўпроқ кафолатнади.

XVIII БОБ

УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

XX аср ижтимоий тараққиётининг юқори даражасига эришиш билан бир вақтда инсониятни чуқур таҳликага солған мураккаб муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Бу муаммолар кўп жиҳатдан ва асосан давлатлар олиб борган ички ва ташқи сиёсатда йўл қўйилган салбий ҳолатлар билан белгиланади. Турли давлатлар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ва янгилишувлар, тор доирадаги миллий манбаатлар кўпчилик давлатлар фаолияти орқали умумлашиб, жаҳон халқлари учун ҳалокатли бўлган оқибатларни келтириб чиқарди ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

1. Умумбашарий муаммоларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари

Умумбашарий муаммолар ҳозирги куннинг энг жиддий ва кескин муаммоларидан бирига айланиб қолмоқ-

да. Улар жуда хилма-хил бўлиб, ўзининг келиб чиқиши сабаблари ва оқибатларига кўра бир-биридан ажралиб туради.

Турлари

Умумбашарий муаммолар ўзининг даҳшатли оқибатлари, жамиятга келтирадиган зарари билан бошқа ҳар қандай муаммолардан кескин фарқ қиласди. Бу муаммоларни жамият ҳаётида рўй берадиган бирон-бир турдаги муаммога қиёслаб бўлмайди. Улар ўзининг кўлами ва миқёсларига кўра дунёнинг жуда катта қисмига йийланган бўлиб, кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Умумбашарий муаммоларни келтириб чиқарган тарихий шароитлар, уларнинг кескинлашишига олиб келган сабаблар турлича бўлганлиги бу муаммоларни ўзаро фарқ қилиш зарурлигини тақозо этади. Умумбашарий муаммолар бир вақтда рўй бермагани сингари, айни пайтда улар бир хилдаги оқибатларни ҳам келтириб чиқармайди. Бу муаммоларнинг оқибатлари қанчалик даҳшатли бўлишига қарамай, улар ўзининг кўлгина хусусиятларига кўра бир-биридан ўзаро фарқ қиласди.

Умумбашарий муаммолар ўзининг фарқ қилувчи хусусиятларига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

Хавфсизлик муаммоси. Халқлар ва давлатлар тарихида бу муаммо ҳамиша мұхим аҳамият касб этиб келган. Аммо бу муаммо инсоният тарихининг ҳеч бир даврида XX асрдаги сингари кенг маъно ва аҳамият касб этмаган. Асримизда рўй берган иккита даҳшатли жаҳон уруши, ўнлаб маҳаллий урушлар инсоният бошига қанчадан-қанча кулфатлар келтирганлиги барчага маълум. Ядровий ва бошқа қирғин қуролларининг ишлаб чиқиляниги ва улар заҳираларининг беҳад кўпайиб кетганлиги ҳам XX асрнинг маҳсулидир. Буларнинг барчаси хавфсизликни таъминлашни умумжаҳон муаммосига айлантириди.

Тинчлик учун кураш муаммоси. Тинчлик учун кураш ҳар бир даврнинг ўткир муаммоси бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам у ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Тинчлик учун кураш барча мамлакатлар ва халқлар учун баравар аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Гарчи урушлар дунёнинг ҳар ер-ҳар ерида рўй бериб турса-да, унинг оқибатлари кўпчилик мамлакатлар ва халқлар тақдирига у ёки бу даражада дахл қи-

лади. Шунинг учун ҳам тинчлик учун кураш умумбашарий моҳият касб этади.

Экологик муаммолар. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши табиат учун ҳам, жамият учун ҳам энг зарарли ҳодисадир. Ҳаво, тупроқ, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига эътиборсиз муносабатда бўлиш бу муаммонинг келиб чиқишига ва кескинлашиб кетишига сабаб бўлди. Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан самарасиз фойдаланиш сингари субъектив сабаблар ҳам экологик муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига олиб келди.

Ҳозирги кунда экологик муаммолардан батамом ҳоли бўлган бирон-бир мамлакат йўқ. Шунга кўра бу муаммо ҳам умумбашарий муаммолардан бири ҳисобланади.

Қасалликлар муаммоси. Ҳар қандай қасаллик ҳам умумбашарий муаммо ҳисобланмайди. Қасалликларнинг умумбашарий моҳият касб этиши, аввало, уларни даволаш имкониятларининг муракқабликлари ва қийинчиликларидан келиб чиқади. Дунёда шундай қасалликлар рўй берадики, улардан қутилиш учун кўпчилик давлатлар биргаликда кураш олиб боришга мажбурдирлар. Бу кураш давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатида етакчи ўринни эгаллаши лозим. Ҳозирги кунда рак ва СПИД қасалликларига қарши кураш ана шундай умумбашарий муаммолардан ҳисобланади.

Очарчилик муаммоси. Ер юзида инсоният пайдо бўлганидан буён очарчилик энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган. Айrim мамлакатлар ва минтақаларда бу муаммони ҳал этиш учун бир неча юз йиллар талаб қилинган. Лекин шунга қарамай инсоният очарчилик муаммосидан ҳамон қутилгани йўқ. Ҳозирги кунда дунёning кам тараққий этган айrim мамлакатларида очарчилик ва қашшоқликдан кўплаб кишилар нобуд бўймоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, жаҳондаги кўпчилик давлатларни очарчилик муаммосини ҳал этишга унда мөқда.

Гиёвандлик муаммоси. Инсоният тарихининг турли даврларида айrim халқлар ва миллатларнинг турли гуруҳлари орасида учраб турган гиёвандлик ҳодисаси асримизнинг сўнгги йилларига келиб дунёning кўпчилик мамлакатларига кенг тарқалди. Унинг даҳшатли оқибатлари жамият учун жуда қимматга тушмоқда. Ундан, айниқса, аҳолининг ёш қатламлари кўпроқ зарар кўрмоқда:

Кейинги йилларда давлатлар ўртасидаги савдо-иктисодий алоқаларнинг ҳамда тижорат ишларининг кенгайиши гиёвандликни жаҳон муаммосига айланаб кетишига олиб келди. Натижада давлатлар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатида бу муаммога қарши биргаликда кураш олиб боришга мажбур бўлмоқда.

Терроризм муаммоси. Терроризм ўзининг барча кўринишлари билан XX асрнинг энг даҳшатли ҳодисасига айланди. Эндиликда бу ҳодиса дунёнинг кўпчилик мамлакатлари ва минтақаларига тарқалиб, жаҳон аҳлини ғоят ташвишга солмоқда. Унинг салбий оқибатлари халқаро муносабатларга, давлат бошлиқлари, айрим шахслар ва тинч аҳоли ҳаётига, турли хилдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий тузилмалар фаолиятига тобора кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Терроризмнинг бузғунчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари жамият ва унинг ривожланиши учун жуда қимматга тушмоқда. Шу сабабдан ҳам давлатлар терроризмга қарши курашни кучайтиришга, унинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш муаммоси. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда давлатлар олиб бораётган сиёсатдаги айрим хато ва янглишишлар ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш ишига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги ўн ва юз йилликлар давомида кўплаб ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетаётганлиги ва бунинг олдини олиш йўлидаги сусткашликлар табиат ва у билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ривожланишига катта хавф солмоқда. Шу сабабдан ҳам ҳар бир давлат ўзининг ички сиёсатида бу масалага жиддий эътибор бериши зарур. Бир давлатнинг бу соҳадаги амалий ҳаракатлари кўпчилик давлатларнинг шундай ҳаракатлари билан қўшилиши зарур. Акс ҳолда умумбашарий моҳият касб этувчи бу муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Умумбашарий муаммолар қандай турда ёки кўринишида бўлишидан-қатъи назар, табиат ва жамият учун, мамлакатлар ва халқларнинг осойишта ҳаёт кечириши учун, давлатларнинг самарали ички ва ташқи сиёсат олиб боришилари учун энг хавфли ҳодисадир. Уларни ҳал этиш давлатларнинг биргаликда қиладиган ҳаракатларига, жаҳон жамоатчилигининг қатъий ва изчил фаолият кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Умумбашарий муаммолар амалда жаҳон цивилизацияси тараққиети билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммолардир. Дунёнинг барча қитъалари, мамлакатлари ва минтақаларида яшаётган барча кишиларга даҳидор бўлган бундай муаммолар кундан-кунга ташвишли тус олиб бормоқда. Бу муаммолар жамият ҳаётининг хилма-хил томонларини — жаҳон сиёсати ва иқтисодиётини, давлатларо ва миллатлараро муносабатларни, кишиларнинг яшаш ва турмуш шароитларини, оммавий онгни ўз ичига қамраб олади. Бу муаммолар қанчалик хилма-хил бўлмасин, бир қатор умумий хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар уларнинг ягона, бирбутун ҳолда намоён бўлишига сабаб бўлади. Улардан ҳар бири ва ҳаммаси биргаликда инсоният тақдири учун катта хавф туғдиради. Уларни ҳал этишга бефарқ муносабатда бўлиш эса, цивилизациянинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Кейинги ўн йилликлар давомида ишлаб чиқариш ва техника тараққиётининг бекиёс даражада ўсиши, атроф-муҳитнинг ифлосланишини шу даражага олиб келдики, бунинг оқибатида мавжуд табиий тизимлар: океанлар, денгизлар, дарёлар, ўрмонлар, атмосфера ва бошқалар бунга бардош беришга қодир бўлмай қолди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра 2000-йилларнинг бошларига борганда атроф муҳитнинг ифлосланиши даражаси ҳозирги кунга нисбатан бир неча марта ортади. Табиатга қилинадиган бундай акс таъсир табиат мувозанатини бутунлай бузиб юбориши мумкин. Маълумки, табиатнинг имкониятлари, унинг моддий бойликлари чексиз бўлиши мумкин эмас. Агар табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлинса, у маълум даврлардан сўнг инсониятнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлмай қолади. Шу сабабли ҳам экологик муаммоларнинг ҳозирги ҳолати жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги тарихий босқичи бошланганлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда иссиқлик қувватини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилувчи йирик корхоналар сонининг кун сайин ортиб бориши натижасида атмосферанинг тобора исиб бориши кузатилмоқда. Бунинг ижтимоий оқибати ниҳоятда мудҳиш бўлиб, у ер шари атмосфераси қобиғининг қизиб кетишига олиб келади. Натижада Шимолий муз океанининг абадий музликлари эриши ва ер шарининг маълум қисмиии сув босиб кетиши хавфи туғилади.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти кутилмаган муаммоларни юзага келтирмоқда. Оммавий қирғин қуроллари, биринчи навбатда, ядрорий қуролларнинг вужудга келиши ва уларнинг тобора такомиллашиб бориши инсоният ҳаёти ва жаҳон цивилизацияси учун ҳалокатли бўлган термоядро хавфини келтириб чиқаради.

Маълумки, термоядро урушида ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди. У бутун жаҳон ҳалқлари ва мамлакатларини ўз гирдобига тортиб кетади. Термоядро қуроли учун у қандай мамлакат бўлишидан қатъи назар, жаҳоннинг барча қисмига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Олимларнинг фикрларига кўра термоядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг амалда қўлланилиши атмосфера, ер, сувнинг радиация билан заҳарланишини кучайтиради. Бу ҳодиса ўз навбатида инсониятнинг қирилиб кетишинигина эмас, балки ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг ҳам бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам дунёдаги кўпчилик ҳалқлар ва мамлакатлар учун мухим бўлган экологик, демографик, озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қолоқликка бутунлай барҳам бериш, хавфли касалликлар ва гиёвандикларнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли барча давлатларнинг биргаликда ва ҳамжиҳатликда иш олиб боришларига боғлиқдир.

Умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари

Умумбашарий муаммолар турли хилдаги сабабларга кўра келиб чиқади. Табиат ва жамиятда ҳеч қандай воқеа-

ҳодиса ўз-ўзича рўй бермагани сингари умумбашарий муаммолар ҳам аниқ бир тарихий шароитда турли хилдаги сабабларга кўра рўй беради.

Умумбашарий муаммоларнинг барча турлари ҳам айнан бир хилдаги сабабларга кўра рўй бермайди. Аммо бир хилдаги сабаблар уларнинг кўпчилиги учун шароит яратиб бериши мумкин. Масалан, давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсатдаги миллий манфаатлар устунлиги кўп ҳолларда бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига сабаб бўлади. Чунончи, ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ядрорий қуроллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш,

ҳарбий харажатлар миқдорини ошириб бориш йўлидаги ҳаракатлар жаҳонда хавфсизлик муаммосини келтириб чиқарди. Орол денгизи муаммосининг келиб чиқниши ҳам собиқ СССР давлати олиб борган сиёсат натижасида рўй берган эди.

Бир мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсий йўлнинг бошқа мамлакатларнинг манфаатларига зид келиши ҳам айрим турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунга терроризм муаммоси аниқ мисол бўла олади. Масалан, АҚШнинг Яқин Шарқдаги баъзи мамлакатларга ва Кубага қаратилган ташки сиёсатидаги манфаатлар қарама-қаршилиги шу мамлакатларда ва АҚШнинг ўзида турли хилдаги бузғунчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларининг рўй беришига сабаб бўлмоқда. 1966 йилда Саудия Арабистонида АҚШ элчихонасиининг портлатилиши, Атлантика океани ва Кариб ҳавзаси районида АҚШ йўловчи ва ҳарбий самолётларининг уриб туширилиши терроризмнинг бундай кўринишларига аниқ мисолдир. Йстроилнинг Бош вазири Исҳоқ Рабин, Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиқлари Индира ва Раджив Гандиларга қилинган суиқаслар ҳам терроризмнинг амалдаги кўринишлари бўлган эди.

Мамлакатларнинг қолоқлик даражаси ҳам баъзи турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Очарчилик ва қашшоқлик муаммоси бунга аниқ мисолдир. Очарчилик ва қашшоқликнинг умумбашарий муаммога айланиши бу муаммонинг кўпчилик мамлакатларда рўй бериши билан боғлиқдир. Кейинги ўн йилликлар давомида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида очарчилик ва қашшоқлик даражаси шу қадар кучайиб кетдик, бунинг натижасида шу мамлакатларда истиқомат қилувчи миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Бу муаммо рўй берган мазкур мамлакатларнинг ҳеч бири уни ёлғиз ўз кучи билан ҳал қилиш имкониятига эга эмас.

Умумбашарий муаммоларнинг бири бошқасининг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, очарчилик ва қашшоқлик муаммоси айрим турдаги касалликларнинг келиб чиқишига, терроризм, босқинчилик, ўғрилик ва уюшган жиноятчиликнинг авж олишига ҳам олиб келиши мумкин.

Босқинчилик урушлари ва уларнинг турли мамлакатларда рўй бериб туриши тинчлик ва тинч-тотув яшаш-

ни умумбашарий муаммога айланишига олиб келган асосий сабаблардан ҳисобланади. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашиб боришида давлатлар олиб борадиган ички ва ташқи сиёсатдаги янгилишишлар, хато ва камчиликлар асосий роль ўйнайди. Бундай салбий ҳолатлар тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш муаммосининг умумбашарий муаммога айланишига сабаб бўлади.

Инсоннинг табиатга нотўғри муносабатда бўлиши, кишилар томонидан табиат қонунларини ҳисобга олмаслик, табиат бойликларидан мақсадга мувофиқ равища фойдаланмаслик сингари сабаблар ҳам айрим турдаги умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асрараш ана шундай сабабларга кўра келиб чиқсан муаммолардан биридир.

Умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига фан-техника ютуқларидан самарасиз фойдаланиш ҳам сабаб бўлади. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда технологик жараёнларни зарарсизлантиришга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш инсон ва табиат учун катта хавф туғдиди ради ва бундай хавф-хатарнинг кўпчилик мамлакатларда рўй бериши орқали инсониятни тахликага солган кескин муаммолар пайдо бўлади.

2. Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш

XX аср бўсағасида ижтимоий тараққиёт, айниқса, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти ҳаддан ташқари илгарилаб кетди. Натижада ундан келиб чиқадиган ва бошқа муаммолар шу даражага етдики, уларни ҳал этиш бутун дунё халқлари ва давлатлари олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу муаммолар сиёсий моҳиятга эга бўлиб, уларни ҳал этишда давлатлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, халқаро ташкилотлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг масъуллиги тобора ошиб бормоқда.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этишнинг зарурлиги

Умумбашарий муаммолар ҳозирги даврнинг энг долзарб сиёсий муаммоларидан биридир. Уларни ҳал этиш айрим мамлакатлар ёки халқларгаги-

на тегишли бўлмай, балки бутун дунё мамлакатлари ва халқларига дахлдордир.

Хозирги кунда жаҳон сиёсатида, халқаро муносабатлар жараёнида шундай объектив шарт-шароитлар вуҷудга келмоқдаки, бу шароитлар умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш имкониятларини кенгайтироқда. Инсоният қайси ижтимоий гуруҳга, ирқقا, миллатга, эътиқодга мансублигидан қатъи назар, яшashi, меҳнат қилиши, дам олиши, авлод кўпайтириши, тинч ва осойишта ҳаёт кечириши лозим. Буларнинг барчаси инсониятнинг табиий-ижтимоий талаб-эҳтиёжлар доирасидаги заруриятлар бўлиб, бу эҳтиёжларнинг қондирилиши умумбашарий муаммоларни самарали ҳал этишини тобора кўпроқ талаб қилмоқда.

Умумбашарий муаммоларни ҳал этиш барча давлатларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашларига боғлиқdir. Улар биргаликда ҳаракат қилганларидагина ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади. Хозирги кунда бу соҳага эътиборсизлик қанчалик хавфли эканлигини кенг жамоатчилик тобора кўпроқ тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам улар жаҳон аҳлини бундай муаммоларнинг даҳшатли оқибатларидан сақлаб қолиши учун биргаликда ҳаракат қилишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг бу саъи-ҳаракатлари давлатлар сиёсатига таъсир этиб, уларни умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш ишига тобора кўпроқ ундамоқда.

Сиёсий нуқтаи назардан умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш давлатлар, сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари олиб бораётган назарий ва амалий ҳаракатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам бу муаммоларни ҳал қилиш ишига бирдек муносабатда бўлаётганлари йўқ. Айрим давлатлар ёки сиёсий партиялар ва ҳаракатлар бу муаммоларнинг оқибатларини тўла тушуниб етиб, уларни ҳал этишга чуқур масъулият асосида ёндашаётган бир пайтда, баъзилар унга ўта эътиборсизлик билан муносабатда бўлмоқда. Масалан, кўпчилик мамлакатларда хавфсизлик масаласига катта эътибор билан қаралаётганда, баъзиларида эса, асосий эътибор иқтисодий қолоқликдан чиқиши, мамлакатда ички тартибларни мустаҳкамлаш сингари миллий хусусиятларга эга бўлган масалаларга қаратилмоқда. Жумладан, Брази-

лия ҳукумати ўз хўжалигини ривожлантириш мақсадида Амазонка водийсида тропик ўрмонларни ўзлаштириш, бунинг учун дараҳтларни кесиб, уларнинг ўрнини экин майдонларига айлантиришга уринмоқда. Бу ҳол мазкур минтақада кислород етишмаслигига ва бунинг оқибатида экологик муаммонинг кескинлашишига сабаб бўлмоқда.

Дунёдаги кўпчилик сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг сиёсий дастурларида умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг зарурлиги ва аҳамиятига эътибор берилмай келинмоқда. Масалан, Истроидаги «Истроил Мехнат партияси», Эрондаги «Ислом Республикачилар партияси», Бразилиядаги «Либерал фронт партияси» сингари кўплаб сиёсий партияларнинг фаолиятида умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш масаласига иккинчи, учинчи даражали аҳамият берилмоқда. Бундай турдаги партиялар фаолиятида сиёсий ҳокимиятга интилиш, айрим сиёсий кучларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш асосий ўринни эгаллаган бир пайтда инсоният таҳликага солиб турган умумбашарий муаммоларни ҳал қилишдан четда туриш ҳоллари учраб турибди.

Лекин шунга қарамай жаҳондаги жуда кўплаб сиёсий партияларнинг дастурларида умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш ишига катта эътибор билан қараб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар, АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги ўнлаб-юзлаб сиёсий партиялар ўзларининг назарий ва амалий фаолиятларида умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш ишига жуда катта эътибор билан қараб келмоқдалар. Бундай турдаги сиёсий партияларнинг баъзилари, ҳаттоқи айрим турдаги умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш мақсадларида тузилган. Жумладан, Германиядаги «Кўкатпарварлар партияси» атроф-муҳитни мухофаза қилиш мақсадида, Португалиядаги «Демократик янгиланиш партияси» мамлакатдаги тинчликсевар кучлар сафини жипслаштириш мақсадида тузилган. Австралиядаги «Ядроий қуролсизланиш партияси»нинг дастурлида Австралиядаги барча турдаги ядро қуролларининг жойлаштирилиши ва Австралия ҳудудий сувларига ядро қуроли ёки атом зарядлари қурилмалари бўлган кемаларнинг кириши, ядро қуроли бўлган самолётларнинг учеб ўтишини тақиқлаш билан боғлиқ масалалар асосий ўринни эгаллайди. Бундай мисолларни жаҳондаги

бошқа кўплаб сиёсий партиялар ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилишда халқаро ташкилотлар ва уюшмалар мухим роль ўйнайди. Уларниң ҳар бири ўзининг мақсад-вазифаларига кўра атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, очарчиликка қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ядро ўрушининг олдини олиш сингари умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда катта ишларни амалга ошироқдалар. Бу ишда, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг ЮНЕСКО, ЮНЭП сингари ихтисослашган ташкилотлари амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир. Улар уруш ва тинчлик, хавфсизлик, экологик, қашшоқлик ва очарчилик, касалликлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда етакчилик ролини ўйнамоқда.

Умумбашарий муаммолар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлган муаммолардир. Шунга кўра улар олдинма-кейин ҳал қилинмайди. Аксинча уларниң барчasi бир вақтда ҳал қилиб борилади. Чунончи, хавфсизлик муаммосини ҳал қилиш жараённида экологик муаммолар, тинчлик, тинч-тотув яшаш ва бошқа муаммолар ҳал этиб борилади. Ҳатто бу муаммолардан бирининг ҳал этилиши бошқа муаммоларни ҳал қилиш ишини тезлаштиришга ёрдам беради.

Умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда сиёсат субъектлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик мухим аҳамиятга эгадир. Давлатлараро, сиёсий партиялараро муносабатларда ўзаро ишонч қанчалик кучли бўлса, умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш иши шунчалик осонлашади. Қарама-қарши туришдан кенг ҳамкорлик йўлига ўтиш, ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиб бориши умумбашарий муаммолар ечимида соғлом муҳитни вужудга келтиради. Умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда бундай ҳамкорликнинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Қаримов қўйидагича таърифлаган эди: «Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан умумбашарий муаммоларни ҳал этиш базасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Умумбашарий муаммоларга қарши курашда биргаликдаги куч ғайратларни мувофиқлаштириш

учун Марказий Осиёда БМТ нинг минтақавий комиссиясини тузилишини биз қутлаган бўлур эдик»¹.

Ўзбекистон Республикасининг умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этишдаги роли ва аҳамияти

Умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёнотда унинг умумбашарий муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги мақсадлари аниқ кўрсатиб берилган бўлиб, унда тинчлик ва тинч-тотув яшаш сиёсатини изчилик билан олиб бориш, қуролсизланиш, мамлакатларнинг ўз ҳудудини қурол-яроғлардан ҳоли қилиш, ядрорий қуролларни тугатиш, суверен давлатлар ўртасида низо ва келишмовчиликларни ҳал этишда куч ишлатмаслик каби муҳим умуминсоний тамойиллар ўзининг чуқур ифодасини топган. Ўзбекистон ҳукумати ана шу тамойилларга оғишмай амал қилган ҳолда жаҳон майдонида, хусусан, Марказий Осиёда рўй бергаётган кескин муаммоларни ҳал этишда ўзининг аниқ сиёсий йўлига эгадир. Бу йўлнинг сиёсий моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маъруzasida қўйидагича асослаб берган эди: «Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчилик билан ҳаракат қилиб келяпти. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилиади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг яроқсиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир»².

¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруzasи. Т., «Ўзбекистон», 1993, 25-бет.

² И. А. Каримов, Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994, 143, 147-бетлар.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

«ПОЛИТОЛОГИЯ»НИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

I БОБ. «ПОЛИТОЛОГИЯ» ФАНИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ	5
1. Сиёсий фанлар тизимида «Политология»нинг ўрни ва роли	5
«Политология» — сиёсий фан сифатида —	6
2. «Политология»нинг предмети, мазмуни, қонуниятлари, категориялари, усуслари	11
Предмети ва мазмуни	11
Қонуниятлари ва категориялари	13
Функциялари, вазифалари ва усуслари	15
3. «Политология» фанининг ижодий характери ва униривожлантиришнинг зарурлиги	17
Ижодий характери	17
«Политология»ни фан сифатида ўрганиш ва ўқитининг зарурлиги	19
II БОБ. «ПОЛИТОЛОГИЯ» ФАНИНИГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛЯНИШИ	21
1 «Политология» фанининг вужудга келишидаги тарихий шароитлар	21
Тарихий шароитлари	22
2. «Политология» фани масалаларининг сиёсий қарашларда ифодаланиши	25
Дастлабки сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	26
Ўрта Осиёда сиёсий қарашлар	27
Фарбий Европа ва Америкада вужудга келган сиёсий қарашлар	31
3. «Политология»нинг фан сифатида вужудгә келиши ва ривожланиши	37
XX аср политология фани масалаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда муҳим босқич	37
III БОБ. СИЕСАТ — ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА	40
1. Сиёсат — муракаб ижтимоий ҳодиса	41
Сиёсат тушунчаси ва уйлнг таърифи	41
Сиёсатнинг ижтимоий маҳияти ва турлари	43
2. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши	49
Сиёсат ва иктисолидёт	49
Сиёсатнинг социал ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши	51
Сиёсатнинг маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши	53
Сиёсат ва миллий муносабатлар	55
Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида намоён бўлиши	56

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

IV БОБ. СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	58
1. Сиёсий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари	58
Сиёсий жараёнлар тушунчаси ва унинг таърифи	58
Сиёсий жараёнларнинг бирлиги ва ўзига хослиги . . .	61
2. Сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари	64
Сиёсий муносабатларнинг таърифи ва уларнинг турлари .	64
Сиёсий муносабатларнинг ривожланиши хусусиятлари ва тамоиллари	68
3. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда зиддиятлар	73
V БОБ. ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ	76
1. Жамият сиёсий системасининг тузилиши ва таърифи	76
Сиёсий система тушунчаси, унинг маддияти ва таркиби	76
Сиёсий системада сиёсат субъектларининг нисбати	80
2. Ижтимоий ҳаётни демократиялашда жамият сиёсий системасини такомиллаштиришнинг зарурлиги	83
Сиёсий система ва сиёсий демократия	83
Ваколатли ва бевосита демократия	87
Сиёсий системани ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг зарурлиги	90
VI БОБ. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ	92
1. Сиёсий ҳокимиyaт, унинг тузилиши, мақсад ва вазифалари	92
Ҳокимиyaт—сиёсий ҳодиса сифатида	92
Сиёсий ҳокимиyaтнинг шакллари	95
Сиёсий ҳокимиyaтнинг функциялари ва вазифалари	99
2. Сиёсий ҳокимиyaтнинг амал қилиши	102
Сиёсий ҳокимиyaтларнинг амал қилиши	102
Давлат ҳокимиyaтининг амал қилиши	103
Сиёсий партиялар ҳокимиyaтнинг амал қилиши	105
Илоҳий ҳокимиyaтнинг амал қилиши	107
Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳокимиyaтларининг амал қилиши	108
VII БОБ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР	109
1. Сиёсий партиялар — сиёсатнинг субъектлари	110
Сиёсий партияларнинг вужудга келиши, уларнинг мақсад ва вазифалари	110
Сиёсий партиялар системаси	113
Сиёсий партияларнинг ўзаро алоқалари ва унинг хилмадиа тақллари	116

2. Сиёсий партияларнинг стратегияси ва тактикаси	118
3. Сиёсий ҳаракатлар ва уларнинг хусусиятлари	120
VIII БОБ. ИЖТИМОИЙ ҲАМДА ОММАВИЙ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ	125
1. Ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари — сиёсатнинг субъектлари	126
Жамият ҳаётидаги ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли	126
2. Ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг турлари	128
Касаба уюшмаси ташкилотлари	129
Ешилар ташкилотлари ва ҳаракатлари	131
Хотин-қизлар ташкілотлари	134
Диний ташкилотлар	135
3. Оммавий жамоат ташкилотлари	137
4. Жамият ҳаётини демократиялашда ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли	140
IX БОБ. ИЖТИМОИЙ ГУРУҲЛАР — СИЁСАТНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ	142
1. Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг турлари	143
Синфийлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар	143
Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар	147
Касб-корлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар	152
2. Сиёсий элита — ижтимоий гуруҳларининг алоҳида тури	154
Сиёсий элита гуруҳи	154
Сиёсий элита назариялари	157
X БОБ. СИЁСИЙ БОШҚАРИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	162
1: Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик.	162
Бошқаришнинг сиёсий моҳияти ва мазмуни	163
Сиёсий бошқаришнинг функциялари	165
Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик	170
Сиёсий бошқаришда кадрлар сиёсати	171
2. Сиёсий бошқаришнинг тамойиллари .	173
Объективлик ва субъективлик тамойили	174
Асосий звено тамойили	176
Худудий — тармоқ тамойили	178
Масъулиятни ҳис қилиш тамойили	179
Ворислик тамойили	180
XI БОБ. ШАХС ВА СИЁСАТ	181
1. Шахе — сиёсий ҳодиса сифатида	182
Шахе спөсатнинг обьекти ва субъекти	182
Шахснинг сиёсий типлари	184
Шахснинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинлilikлари	187
2. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида шахснинг ўрни ва роли	190
	317

Шахс жамиягни сиёсий ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи	191
Шахс ва сиёсий муносабатлар	193
Шахс ва демократия	195
Шахс сиёсий фаоллигининг ошиб бориши	197
XII БОБ. СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ ТАРБИЯ	199
1. Сиёсий онг ижтимоји онгнинг алоҳида шакли.	199
Онг сиёсий ҳодиса сифатида	200
Ижтимоји онг шаклларининг бирлиги ва ўзига хослиги	201
2. Сиёсий онгнинг шаклланиш хусусиятлари	203
Сиёсий онг шаклларининг объектив асослари ва моҳияти	203
Сиёсий онг шаклланишининг хусисиятлари	206
3. Сиёсий тарбия ва унинг асосий йўналишлари	209
Сиёсий тарбия ижтимоји тарбиянинг таркиби қисми	209
Сиёсий тарбияниш зарурлиги	211
Мақсад ва вазифалари	214
Сиёсий тарбиянинг усуслари ва воситалари	216
XIII БОБ. МАДАНИЙ СИЕСАТ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ	218
1. Маданий сиесат ва унинг ривожланиш хусусиятлари	218
Маданий сиесатнинг моҳияти ва мазмуни	218
Маданий сиесатнинг йўналишлари	224
2. Сиёсий маданият ва унинг шаклланиш хусусиятлари.	230
Сиёсий маданият шаклланишининг шарт-шароитлари	230
Сиёсий маданият шаклланишининг хусусиятлари	233
УЧИНЧИ БЎЛИМ	
ЖАҲОН СИЕСАТИ ВА ХАЛҚАРО СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	236
XIV БОБ. ХАЛҚАРО СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	236
1. Халқаро сиёсий муносабатлар — халқаро муносабатларнинг таркиби қисми	236
Халқаро сиёсий муносабатларнинг ташкил топишни ва ривожланиши	236
Халқаро сиёсий муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ	239
Халқаро сиёсий муносабатларда амал қиласидиган тамомиллар	242
2: Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари	246
Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларнинг моҳияти ва хусусиятлари	246
Халқаро сиёсий муносабатларда зиддиятлар ва уларни ҳал қилиш	249
Халқаро сиёсий муносабатларни демократиялаш	251

XV БОБ. ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ СИЕСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

254

1. Давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмуни	254
Ташқи сиёсатининг зарурлиги ва муқаррарлиги	254
Ички ва ташқи сиёсатининг бирлиги ва алоқидалиги	256
Ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари . . .	259
2. Ҳозирги босқичда давлатларнинг ташқи сиёсати	260
Ҳозирги ҳалқаро муносабатларда давлатлар ташқи сиёсатининг ўрни ва роли . . .	261
Давлатлар ташқи сиёсатининг йўналишлари	264
Давлатлар ташқи сиёсатининг тамойиллари	266

XVI БОБ. УРУШ ВА ТИНЧЛИК СИЁСАТИ

269

1. Урушлар — сиёсатининг натижаси	269
Мурусларнинг келиб чиқиши сабаблари	270
Мурушларнинг турлари ва уларнинг характери	272
Урушлар тўғрисидаги назариялар	276
2. Тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш	279
Тинчлик учун кураш ва унинг зарурлиги	279
Тинчликка эришиш ўйларни	282
Тинч-тотув яшаш сиёсати	285

XVII БОБ. ХАЛҚАРО СИЁСИЙ ТАШҚИЛОТЛАР

287

1. Халқаро сиёсий ташқилотлар — сиёсатининг субъектлари	288
Халқаро ташқилотлар, уларнинг ташқил тоғиши ва моҳияти	288
Халқаро сиёсий ташқилотлар, уларнинг мақсад ва вазифалари	290
Бирлашган Миллатлар Ташқилоти	293
2. Жаҳон сиёсати ва халқаро сиёсий ташқилотлар	296
Халқаро сиёсий ташқилотларнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва роли	296
Тамойиллар ва алоқа шакллари	298
Ҳозирги босқичда халқаро сиёсий ташқилотлар фаоллигини оширишнинг зарурлиги	301

XVIII БОБ. УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

303

1. Умумбашарий муаммоларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари	303
Турлари	304
Умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари	308
2. Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш	310
Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилишнинг зарурлиги	310
Ўзбекистон Республикасининг умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилишдаги роли ва аҳамияти	314

На узбекском языке

Илҳом РАМАЗОНОВ, Эркин МУМИНОВ

ПОЛИТОЛОГИЯ

Муҳаррир Ҳ. Жалолов
Рассом Д. Уразаев.
Техник муҳаррир М. Сайдова
Мусаҳҳиҳ З. Ҳидоятова

Босмахона 6.01.97 й.да берилди. Босишга 21.02.97 й.да рухсат этилди. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табоги 20.0. Нашриёт ҳисоб табоги 17.7. Адади 8.000. Буюртма 003. Нархи шартнома асосида. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти. 700047. Тошкент. Сайилгоҳ кўчаси, 5-ий.

Узбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусебод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-ий.